

63.3  
974

Шүрәғат Әрмән

ЭРК ИСТАР  
КУНДЫН



*Русия тунидек қоронги қафас,  
Унда пайхон умр, бўлмас ҳур нафас.  
Қафасда ётарди эрк истар кўнгил,  
Минг олам ўтида ёнар эди дил.*

*Шароф Рашидов*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Шукрат Эриашев

ЭРК ИСТАР  
КҮНГИЛ

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов  
таваллудининг 100 йиллигига бағишиланади



ТОШКЕНТ – «О'ЗВЕКИСТОН» – 2017

УЎК 94(575.1)  
КБК 63.3(5Ў)  
Э 74


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Тарих институти илмий кенгашининг 2017 йил 20 марта 3-сонли  
қарори билан нашрга тавсия этилган.

**Масъул мухаррирлар:**  
Р.М. Абдуллаев, тарих фанлари доктори,  
Қ.Қ. Ражабов, тарих фанлари доктори, профессор

**Такризчилар:**  
Б.А. Пасилов, тарих фанлари номзоди,  
Р. Б. Сиддиков, тарих фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-25-400-8

© Шухрат Эргашев, 2017  
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2017



Ҳеч шубҳа йўқки, Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидоий фарзанд эди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## СУЗБОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Атокли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» 2017 йил 27 марта қабул қилинган Карорида «Республикамизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат килган, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ҳамда маданиятимиз ривожига катта хисса қўшган атокли давлат арбоби, таникли ёзувчи Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуғлаш ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносаб нишонлаш тўғрисида»<sup>1</sup> белгиланган тадбирлар тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши сифатида республикамиз жамоатчилиги томонидан катта кўтаринкилик билан кутиб олинди.

Ўзбекистон тарихининг Шароф Рашидов раҳбарлик қилган босқичи халқимиз орасида катта қизиқиши ўйғотувчи ва айни пайтда, ўта зиддиятли давларидан бири. Халқ орасида бу даврга нисбатан муносабат ўта мураккаб, ёрқин ва оғир таассуротларга бой. Шу боис Ш. Рашидов даврини ўрганиш, унга кўпчиликни

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Президентининг Карори. Атокли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида// «Халқ сўзи», 2017 йил, 28 марта.

каноатлантирадиган, объектив баҳо бериш жуда мураккаб иш ва ҳали тарихчилар, сиёсатшуносалар, адабиётчи олимлардан кўп меҳнат талаб қиласди.

Бу табиий хол, зотан Ш. Рашидов даври тарихи – бу умумий маънода ўзбек ҳалқининг XX аср мустакилликкача бўлган даври тарихи. Бу тарих – анъанавийлик билан модернизация, миллийлик билан большевикча байналмилаллик, исломий анъаналар билан коммунистик даҳрийлик ўртасидаги кураш тарихи. Бу кураш – адабиёт ва санъатни, фан ва маорифни, миллий онг ва эътиодни, кундалик турмуш ва урф-одатларни, хуллас, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган ва бутун XX аср бўйлаб давом этган чинакам кураш эди. Бу курашнинг энг буюк натижаси ўзбек ҳалқининг ўзлигини, ўз миллий ғурурини саклаб қолиши, Ватан деган муқаддас тушунччанинг ҳалқимиз онгида чукур илдиз отиши ва, албатта, Ўзбекистоннинг мустакилликка эришиши бўлди. Ҳеч шубҳасиз Ш. Рашидов бу курашнинг олдинги сафида бўлди ва «биз бугун тўла ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустакиллик пойдеворига муносиб ғишт қўя олган арбоблардан бири эди»<sup>2</sup>.

Бу тарихни ўрганиш, унинг умумий жиҳатларини очиш, унда Шароф Рашидовнинг ролини кўрсатиш, сиёсатчи ва раҳбар сифатида уни тушуниш имконини беради. Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди, советлар замонининг кишиси эди. У сиёсатчи ва раҳбар, ёзувчи ва фукаро сифатида шу замонга, унинг ғоялари ҳамда эҳтиёжларига хизмат қилди. Аммо Ш. Рашидовнинг бутун фаолияти шундан далолат берадики, у совет тузуми, коммунистик мафкура имконият берган даражада бир умр, аввало, Ўзбекистон, ўзбек ҳалқи манфаатлари учун курашди. Шароф Рашидов даврида Ўзбекистон илм-фани, адабиёти, санъати, миллий маданияти ўзининг энг юксак намуналари билан жаҳон маданиятини бойитди. Ўзбекистон шаҳар ва қишлокларининг

<sup>2</sup> Қаранг: И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 1996. 89-б.

қиёфаси ўзгарди, Тошкент Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Навоий, Гулистан, Янгиер, Зарафшон, Учкудуқ каби янги шаҳарлар қад кўтарди, замонавий саноатнинг кўплаб соҳалари ҳам шу даврда шаклланди, қишлоқ хўжалигини механизациялашда катта ютукларга эришилди, халқ фаровонлиги ошди.

Албатта, бу ўзгаришлар совет тузуми даврида, шу тузум имкониятлари доирасида амалга оширилди. Бу имкониятлар эса амалда Москвага қарам бўлган Ўзбекистон учун унчалик катта эмасди. Ривожланишнинг маълум чегара ва қоидалари ўрнатилган бўлиб, улардан четга чиқишига харакат қилган раҳбарларнинг аксирияти катағонга учарди ёки ишдан олинарди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидағи бир катор асарларда Ўзбекистоннинг совет даври тарихи, жумладан, унинг Ш. Рашидов раҳбар бўлган босқичи ҳакида илгари хукмрон бўлган тасаввурлар қайта кўриб чиқилди. Бу табиий ҳол. Аммо қайта кўриб чиқиши кўпчилик ҳолларда ғалаба ва мағлубият тушунчаларининг ўрнини алмаштиришдан иборат бўлди: илгари тарихий ғалаба ва ютуқ деб каралган барча воқеалар энди мағлубият ва фожиа сифатида талқин килинди. Қизиги шундаки, дастлаб бу қайта кўриб чиқиши билан, асосан, совет даврида улғайган, ўқиб олим бўлган, советлар даврида шу тузумни кўкларга кўтариб мактоворчи асарлар ёзган муаллифларнинг ўзлари шуғулланди.

Аслида тарихнинг қайсидир воқеа ва ҳодисаларини қайта англаш, ҳатто у илгари ғалаба ҳисобланган воқеаларнинг мағлубият деб талқин қилинишига олиб келса ҳам, бу ўта муҳим ва зарурый жараён. Албатта, бундай қайта англаш бегараз ва фактларга асосланган бўлиши лозим. Биз совет даврига, у давр кишилари фаолиятига баҳо берганимизда, уларни қайта баҳолаганимизда бугуннинг кўзи, бугуннинг меъзони билан ёндашмаслигимиз, даврнинг мураккабликларини доим ёдда тутишимиз, халқимиз тарихига жуда катта журмат ва эътибор билан муносабатда бўлишимиз лозим. Зотан, «утмишга нисбатан ношукурлик,

нонкўрлик, беписандлик – халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид»<sup>3</sup>.

Шу маънода Шароф Рашидов шахсига, унинг даврига баҳо беришда сўзсиз ўта қобилиятли бу улуғ инсон қалбининг тўрида ўзи хизмат килган тузумга нисбатан қандай хисларни асраб юрганини, ўзи билан қандай сирларни, орзу ва умидларни олиб кетганлигини билмасдан, факат юзаки фактларга таяниб хулоса қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев айтганидек: «Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди эди, у мавжуд тузумга садоқат билан хизмат қилди. Аммо бедодликни қарангки, шундай одам дунёдан кўз юмганида ўзи умр бўйи химоя қилган, содик бўлиб хизмат қилган тузум унга хиёнат қилди. Мисли кўрилмаган шаккоклик билан унинг хотирасини таҳкирлаб, жасадини кўчирдилар, оила аъзолари ва қариндошуругларини таъкиб этдилар. «Рашидовчилик» деган соҳта иборани ўйлаб топиб, унинг хотирасини ёмонотлик қилдилар»<sup>4</sup>.

Хўш, Ўзбекистонда чорак асрлик Ш. Рашидов бошқарувининг натижаси нималардан иборат? Улар, аввало, юқорида айтилганидек, мураккаб ва зиддиятли. Ш. Рашидов ўз сиёсатига Ўзбекистон ва Марказ манфаатлари ўртасидаги мувозанатни асос қилиб олди. Бу чорак аср давомида учта совет раҳбарлари алмашди: Н. Хрущёв, Л. Брежнев, Ю. Андропов. Буларнинг ҳар бири ички ва ташки сиёсатни кескин ўзгартиришга, Ғарб билан мусобақада тобора ортда қолиб бораётган совет тузумини ислоҳ қилишга, уни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолишига интилди. Шахсий характеристи ва сиёсати бир-биридан кескин фарқ килувчи бу раҳбарлар билан Ш. Рашидовнинг тил топиши, уларнинг сиёсатига мослашиши ва айни пайтда, ўзбек ҳалқи, Ўзбекистон манфаатларини доим инобатга олиши, химоя қилиши осон бўлмади. Агар совет давлати тарихида ўз республикасига энг узок раҳбарлик қилган

<sup>3</sup> Каранг: И.Каримов. Ўзбекистон: миллый истиклол, иктисол, сиёсат, мафкура. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 1996. 86-б.

<sup>4</sup> Ш.М. Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижсаноб ҳалкимиз билан бирга курамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. 343 – 344-б.

шахслар Д. Кунаев ва Ш. Рашидов бўлса, Д. Кунаев ҳам Н. Хрущёв билан келишмасдан, 1962 йили бир марта лавозимидан озод килинган эди.

Бу даврда Ўзбекистон ахолиси икки баробардан зиёдрокка кўпайди, яъни 1959 йилги 8119 минг кишидан 1983 йили 17087 минг кишига етди. 1959 йили Ўзбекистонда саноатнинг 70 та соҳасида 1300 та йирик завод ва фабрикалар бўлиб, улар маҳсулоти дунёning 41 та мамлакатига экспорт қилган бўлса<sup>5</sup>, 1983 йилга келиб саноатнинг 100 дан зиёд соҳасида 1500 дан кўп йирик корхоналар маҳсулотини дунёning 70 дан зиёд мамлакатларига экспорт қиласади. 1959 йили Ўзбекистондаги 31 та олий ва 85 та ўрта маҳсус ўкув юртларида 145,5 минг йигит ва қизлар таълим олган бўлса, 1983 йили Ўзбекистонда 43 та олий ўкув юртлари, жумладан, 3 та университет, 222 та ўрта маҳсус ўкув юртлари бўлиб, уларда қарийб 35 минг профессор-ўқитувчилар меҳнат қиласади. Катта илмий-педагогик имкониятга эга бўлган республикамиз фақат ўз халқ хўжалиги учун эмас, бошқа республикалар ва 80 та чет мамлакатлар учун мутахассислар тайёрларди<sup>6</sup>.

1983 йилга келиб Ўзбекистонда 3,5 млн малакали ишчилар бўлиб, уларнинг катта қисмини маҳаллий миллат вакиллари ташкил қиласади. Бу энг жадал ўсуви қатлам: 1959 йилдан 1979 йилгача ишчиларнинг умумий сони 2,7 марта ўсгани ҳолда, миллий ишчи кадрлар сони 3,7 марта ўсади<sup>7</sup>.

Айни пайтда, бу чорак асрда республикамизда пахта яккахокимлиги кучайди. Пахта хомашёсини етиштириш 1958 йилги 2 млн 750 минг тоннадан 1983 йили 6 млн тоннага етди. Бу даврда қарийб 1,5 млн гектар чўл ва қўрик ерлар ўзлаштирилиб, уларни сугориш учун ўнлаб сунъий сув омборлари курилди, каналлар ва

<sup>5</sup> Каранг: Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент, издательство «Узбекистан», 1974. – С. 555.

<sup>6</sup> Каранг: Ш. Рашидов. Братское сотрудничество народов СССР на этапе зрелого социализма. – Ташкент. Издательство ЦК Компартии Узбекистана. 1983. – С. 22.

<sup>7</sup> Каранг: Шу асар, 32-бет.

арыклар қазилди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун қишлоқ хұжалигини кимәлаштириш кескин ривожланди. Бу жараёнлар республикадаги экологик ҳолатга, миллат соғлиғи ва халқ фаровонлигига салбий таъсир күрсатди, Орол денгизи қуриб борди.

Ўзбекистонда етиширилган мұл пахта ҳосилидан келади-  
ган даромад йил сайин кескинлашиб борган иқтисодий ва эко-  
логик муаммоларни ҳал қилиш имконини бермади. Чunksи Со-  
вет Иттифоқида нархлар буйруқ асосида шакллантирилиб, у  
на қиймат конунига, на жағон бозоридаги нархларга боғланған  
эмасди. Амалда бу сиёсат пахта нархининг кулғили даражада  
паст бўлишига ва ўзбек дәхқонининг барқарор камбағал ҳолатига  
олиб келди. 1989 йилгача бир килограмм пахта хомашёсини те-  
риб олиш учун 5 тийин ҳак тўланиб, унга бир стакан сув берарди.  
Совет давлати 1990 йилгача бир тонна пахта толаси учун ўзбек  
колхозчисига 810 рубль тўларди, айни пайтда, мутахассисларнинг  
фикрича, унинг бозор нархи 2700 рублни ташкил қилган. Пахта  
учун бундай паст нархни ўрнатган давлат тўрт йил ичида (1984 –  
1988) Ўзбекистонга (доллар билан рублни 1:1 хисоблаганда) 14,6  
млрд рубль кам пул берди. Айнан шу йиллари марказий матбуот  
эса ўзбеклар қўшиб ёзган пахтаси учун иттифоқ фондидан 4,5  
млрд рубль ноконуний пул олди, деб бутун жаҳонга жар солди.  
Кизиги шундаки, большевиклар давлат тўнтиришидан олдин рус  
тижоратчилари бир тонна пахта хомашёси учун ўзбек дәхқонига  
олтин червон пул билан 556 рубль тўлаган. Бу совет давридаги  
нархдан 5 баробар кўп эди. Бу ўзбек пахтакорининг меҳнати учун  
ҳак тўлашнинг талончилик сиёсати эмасмиди? Айнан шу сиёсат  
Ўзбекистонда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик каби иллатлар пай-  
до бўлишининг асосий сабабларидан бири бўлмадими?

КПСС ва Совет давлатининг миллий сиёсати Ўзбекистон  
миллий бойликларини уятсизларча талашга айланди. Пахта учун  
кам пул тўлашдан ташкари Совет давлати маҳаллий ресурс-  
ларни талашнинг ўзига хос механизмини яратди. Республика  
худудида жойлашган 1556 та саноат корхоналарининг фактат 270  
таси Ўзбекистонга тегишли эди. Ҳарбий-транспорт самолётлар

ишлаб чиқарувчи ТАПОиЧ (Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси), вертолёт заводи, мис, олтин, уран, күрғошин, қалай ҳамда бошқа рангли ва камёб металлар қазиб чиқарувчи рангли металлар комбинатлари, нефть-кимё комбинатлари, газни қайта ишлаш заводлари ва бошқалар факат марказий ҳукуматга бўйсунарди. Ҳар йили Совет Иттифокида ишлаб чиқарилган олтиннинг 50% га якини Ўзбекистон хиссасига тўғри келарди, аммо республика бюджетига унинг қийматидан 1% и ўтказилар эди, холос. Бу талончилик механизми мустамлака характеристига эга бўлиб, Коммунистик партияning шиори бўлган ҳалклар ўргасидаги тенглик ва дўстликка сира ўхшамасди. Олтин, камёб рангли металлар, уран ва бошқа стратегик хомашё республикадан ута маҳфий ҳолда деярли текин олиб чиқиб кетиларди. Бу ҳақда маҳаллий партия ва давлат ташкилотларини огоҳлантиришни ҳам эп кўришмасди. Бундай миллий сиёsat оқибатида табиий ресурсларга бой бўлган Ўзбекистон Иттифокда энг камбағал республикалардан бири бўлиб қолди. Ўзбекистондаги яшаш даражаси мамлакатдаги энг пастларидан бири бўлиб, аҳоли жон бошига даромад ўртacha иттифок даражасидан икки марта паст, СССРда бу кўрсаткич 2118 рублга, Ўзбекистонда эса 1093 рублга тенг эди<sup>8</sup>.

1990 йилга келиб СССРда етиштирилган 8 млн тонна пахтанинг 6 миллиони Ўзбекистон хиссасига тўғри келарди. Совет Иттифокида ҳукмрон бўлган режали иқтисодий қонун ва на объектив шароитлар билан ҳисоблашмасди. Режа ҳар кандай шароитда бажарилиши шарт эди. Масалан, Ўзбекистон учун унинг имкониятларидан ошик даражада режа ўрнатиларди. Табиийки пахта етиштирувчи хўжаликлар учун ҳам шундай режа ўрнатилиб, уни бажаришнинг иложи бўлмасди. Оқибатда хўжалик раҳбарлари турли хил алдаш, кўшиб ёзиш ва сунистемол ҳолларидан фойдаланаарди. Чунки режани бажармаслик ишдан олиниш, партиядан ўчириш ва, ҳатто, жиноий жавоб-

<sup>8</sup> Қаранг: СиФ: Хлопковое дело в Узбекистане. Как это было (история). Часть 1-я. <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1210739760>

гарликкача олиб келарди. Албатта, бундай шароитдан бир қисм қўли эгри раҳбарлар ўз манфаатлари йўлида ҳам фойдаландилар.

Шундай оғир шароитда республикага чорак аср раҳбарлик қилган Ш. Рашидов мавжуд барча зиддиятларга қарамасдан, иктисад ва маданиятнинг юксалишига, ҳалқ фаровонлигининг ошишига катта хисса қўшди. Ҳалқимиз доим чукур ҳурмат билан хотирлайдиган бу улуғ инсон аслида ўзи садоқат билан хизмат қилган совет тузумининг қурбонига айланди. Ш. Рашидов вафтидан сўнг унинг ишларига нисбатан катта ҳурматсизлик, хотиррасига нисбатан адолатсизлик қилинди. Унинг бир умр қилган хизматлари инобатга олинмасдан, номи факат «пахта иши» билан боғланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов ташаббуси билан Шароф Рашидовнинг табаррук номи тикланди. Аслида ҳалқ хотирасидан у ҳеч қачон, ўша мураккаб замонларда ҳам ўчмаган эди. Тошкентнинг марказий ва энг чиройли қўчаларидан бирига, Сирдарё вилоятидаги туманга унинг номи берилди. Ўзбекистон ҳалклари тарихи музейи қаршисидаги хушманзара хиёбонда – у дастлаб дафн этилган жойда унга хайкал ўрнатилди.

2016 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев ташаббуси билан у туғилган Жizzах туманига Шароф Рашидов номи берилишини ва ҳалқимиз тарихий ҳақиқатнинг рӯёбга чиқиши, адолатнинг қарор топиши сифатида олкишлар билан кутиб олди.

Бугун биз мустақил юртда буюк келажакка интилиб яшаяпмиз. Аммо миллатнинг буюклиги аҳоли жон бошига нечта уяли телефон ёки енгил автомобиль тўғри келиши билан ўлчанмайди, у жаҳон баҳтлилик рейтингидаги ўрин билан ҳам белгиланмайди. Биз дунёга Муҳаммад Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фаргоний ва Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва Мирзо Бобур сингари буюкларни берган ҳалқ, агар бугун ҳам шу буюк аждодларга муносиб авлод бўлсак, тарихга, яқин тарихимизга, ўта

оғир замонда яшаб ўтган, барча кийинчиликларга қарамасдан, бизга буюк ватанни мерос қолдирған оталаримиз ва боболаримиз даврига муносабатимизни, баъзан ўта сиёсийлашган қарашларимизни ўзгартиришимиз, бу даврни қуруқ танқид килишдан уни таҳлил қилишга, тушунишга харакат қылмогимиз лозим. Зотан, ўзининг улуг фарзандларини асрай олган, уларнинг улкан хизматлари олдида кичик хатоларини кечира олган бағри кенг халқина буюк бўлиши мумкин.

## МУСТАМЛАКАЧИЛИК

1917 йил 25 октябрь (7 ноябрь). Шу куни кечаси Россиянинг пойтахти Петроградда яна ҳокимият алмашди. Подшо ағдарилгандан кейин саккиз ой ўтиб, ўзларини большевиклар деб ататётган бир гурӯҳ инқилобчи-таваккалчилар ҳокимиятни эгаллаб олди.

Бу воқеадан бир кун олдин, 24 октябрда Россиянинг чекка ўлкаси бўлған Туркистоннинг кичкина бир шаҳарчаси, аммо 1916 иили оқ подшога қарши кўтарилиган қўзғолон туфайли номи энди кўпчиликка маълум бўлган Жиззах атрофида яшовчи Рашид исмли дехқон йигит ва унинг турмуш ўртоғи Қўйсиной оиласида фарзанд дунёга келди. Унга Шароф деб исм кўйдилар. Шарофнинг, у сингари бир неча авлод ўзбекларнинг тақдирни Петроградда ҳокимиятга келган шу янги куч ва улар илгари сурган коммунистик ғоя билан боғлик бўлишини Туркистонда ҳали ҳеч ким билмасди.

Бу ғояни, коммунистлар яратмоқчи бўлган жамиятни фақат 1917 иили Туркистонда эмас, улар ҳукмронлик қилган етмиш йилдан зиёд вақт ичидаги дунёнинг 1/6 қисмини эгаллаган СССР деб аталган давлатнинг сал кам 300 миллионли аҳолиси ҳам охиригача тушунмади. Ҳатто, Совет давлатининг охириги раҳбарларидан бири Ю.В. Андропов партия йиғинларидан бирида: «Биз ўзимиз яшаётган жамиятни охиригача билмаймиз», дея тан олган эди. Ҳўш, ҳозир, коммунизм сиёсий тузум ва ғоя сифатида барбод бўлганига чорак аср ўтгандан сўнг бу жараён охиригача англандими? Уни англаш аслида бугун ҳам жуда мухим, зотан Шароф Рашидовни, у сингари шу ғояга ишонган, унга хизмат қилган, айни пайтда, умрини ҳалол яшаб ўтган миллионлаб инсонларни, оталаримиз ва боболаримизни тушуниш, улар фаолиятига тўғри баҳо бериш жуда мураккаб, аммо ўта мухим иш. СССРнинг охириги ва мустақилликнинг дастлабки йиллари жамиятдаги умумий кўтаринкилик кайфияти мухитида ёзилган, илмий ёки унча илмий бўлмаган адабиётларда пайдо бўлган кўплаб таҳлиллар, «қизил империя», «қизил салтанат», «мустабид тузум» каби турли ёрлиқлар, шошма-шошарлик билан чиқарилган айрим хуносалар муаммонининг моҳиятини тушунтиришга хизмат

килмади. Айникса, факат ташқи таъсирга мүлжалланган давр даҳшатларини, коммунистлар даври жиноятларини тұхтовсиз санашдангина иборат бұлған фош килишлар, чукур илмий таҳлилсиз бутун бошли даврга баҳо беришга уриниш, айрим сиёсатчи раҳбарларнинг яқин тарихимизни факат бугуннинг манфаатларидан келиб чикиб баҳолашга уриниши совет даврини англаш жараёни ни янада мураккаблаштириди.

1991 йил декабрда СССР тарқалиб кетгандан сұнг совет жамиятида яшаган кишиларнинг күпчилігі бу ҳодисанинг сабаби нимада эди, деган саволга ҳамон жавоб топмади. Бир қысм кишилар 1980 йилларга келиб халқ истеъмол товарларига бұлған талабнинг қондирилмаган СССРнинг тарқалиб кетишига асосий сабаб бұлды дейишиша, бошқа бир қысм кишилар бу ҳодиса М. Горбачёв бошчилигидаги бир гурұх раҳбарларнинг хоинлиги туфайли юз берди деб ҳисоблашади. Яна бир қысм кишилар Россия, Украина ва Беларуссиянинг үша даврдаги раҳбарлари Б. Ельцин, Л. Кравчук, С. Шушкевичнинг чексиз ҳокимиятга интилиши ҳамда Б. Ельциннинг М. Горбачёвга нисбатан шахсий адовать уларни СССРни тарқатиб юбориш тұғрисидаги Беловежье келишувини имзолашга олиб келди, дейишиади. СССР тарқалиб кетгандан сұнг айрим кечаги коммунистик раҳбарлар үзлари узок вактдан бери СССРга қарши зимдан «курашганлиги»ни, унинг тарқалиб кетиши эса шу раҳбарлар «жасоратли кураши»нинг натижаси эканлигини эълон қылди. Лекин буларнинг барчасини кониқарлы жавоб деб бўлмайди, албатта.

Баъзи олимлар: «Постсовет маконда (нафақат унда) айримлар аввалгидек буларнинг барчаси чет мамлакатлар маҳсус разведка хизматлари ва маҳаллий миллатчилар бузғунчилік фАО-лиятининг натижаси деб үйлашади. Бироқ, аслида қўйилган бу саволга жавобни илгари ягона, бўлинмас давлат таркибиға кирган халқларнинг озодлик учун кураш тарихидан, уларнинг үз тақдирини үзи белгилаш учун қилган табиий интилишидан изламоқ лозим»<sup>9</sup> ва бу фикрни ҳақиқатга яқин жавоблардан бири деб қараш мумкин.

<sup>9</sup> Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917 – 1918 годы. – Ташкент, «Adabiyot uchqunlari», 2016. – С. 6.

Зеро, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш учун доимий интилиши СССРнинг сўнгги раҳбарлари фаолияти туфайли юзага келган шароит билан қўшилиб, жуда мустаҳкамдек туюлган империянинг парчаланишига ва унинг таркибидағи халқларнинг мустақиллигига олиб келди. Бу ҳақда СССРнинг сўнгти раҳбари М. Горбачёв: «Менинг ҳаётий мақсадим коммунизмни йўқ қилиш эди... Айнан шу мақсадга эришиш учун мен партия ва мамлакатдаги ўз мавқеимдан фойдаландим. Мен Ғарб билан шахсан танишганимда, қўйган мақсадимдан ортга қайта олмаслигимни тушундим. Унга эришиш учун мен КПСС ва СССР раҳбариютини, шунингдек, барча коммунистик мамлакатлар раҳбарларини алмаштиришим керак эди. Режали иқтисод социалистик мамлакатлар халқлари эга бўлган имкониятни амалга оширишга йўл қўймасди. Мен бу мақсадларимни амалга оширишда издошлар топишга эришдим. Улар орасида Александр Яковлев ва Эдуард Шеварднадзе алоҳида ўрин эгаллайди, бизнинг умумий ишимизда уларнинг роли бебахо»<sup>10</sup>, дейди.

Хуллас, бу саволларга барчани каноатлантирадиган жавоб бериш анча мураккаб, аммо Ш. Рашидов сиймосини, унинг даври ва фаолиятини шу саволларга маълум даражада жавоб бермасдан, совет даврини англамасдан ёритиб бўлмайди.

\* \* \*

Ш. Рашидов туғилишидан анча олдин, XIX асрнинг 60-йилларида юз берган воқеалар, яъни Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олиниши туфайли бу ўлкада катта ўзгаришлар юз берди. Туркистон жаҳон геосиёсатининг муҳим бўғинларидан бирига айланди.

1867 йилдан расман Туркистон генерал-губернаторлиги деб аталган Россиянинг сўнгги ва энг бой мустамлакаси майдони бўйича (1,5 млн кв. вёрст) Австрия-Венгрия, Германия ва Франциянинг жами ҳудудидан катта эди. Туркистонни забт этган Россия, аввало, мустамлака давлатлар ўртасида, ўзининг ҳарбий-сиёсий ва дипломатик позициясини мустаҳкамлаб олди

<sup>10</sup> Враги народа или герои – М.С.Горбачёв, А.Н.Яковлев, Б.Н.Ельцин и Э.А.Шеварднадзе? <http://forum-msk.org/pda/material/society/9833394.html>

ва шубҳасиз бир катор манфаатларга эга бўлди: қозоклар ва туркманлар яшайдиган Каспий денгизи қирғоқларига, Афғонистон, Хитой, Эрон ва Ҳиндистон чегараларига чиқди.

Афсуски, бу муаммо совет даври ва хозирги замон тарихшунослигига факат мустамлака сифатида метрополия томонидан ҳар жиҳатдан эксплуатация қилинган минтақа манфаатлари нуктаи назаридангина қараб чиқилган. Жуда камдан-кам ҳолатларда бу муаммо ҳалқаро муносабатлар нуктаи назаридан тадқик этилган. Айни пайтда Туркистон забт этилишининг ўзи ва унинг Россия империяси таркибига кириши кўплаб етакчи давлатлар, хусусан, Буюк Британия, Германия, Туркия ва бир катор Шарқ давлатларининг геосиёсатини ўзгартирди. Мустамлакачилик ўлканинг иқтисодига, 9 аср илгари XV асрдагача давом этган илк Шарқ ренессансини бошлаб берган кўхна маданиятига улкан зарап етказганлигини тан олган ҳолда таъкидлаш лозимки, Россия таркибига кириш Европага дарча очди, Россия орқали Ўрта Осиё ҳонликларини капиталлаштириш жараёни бошланди<sup>11</sup>.

Аммо мустамлакачилик ижтимоий психологияга кучли таъсир кўрсатди: миллий ғурур топталди. Кечагина «Петербургга тулпор отда кириб бориш»ни вაъда қилган Бухоро амири мағлубиятга учраб, таслим бўлди. Ҳукмдорларнинг ҳалқ орасида, айникса, зиёлилар ўртасида обруйи тушиб кетди. Босқин, аввало, одий ҳалқ бошига катта кулфат олиб келди: факат Самарқанд шахрини ҳимоя қилган минглаб кишилар ҳалок бўлди. Ҳўжалик вайрон қилинди, моддий ва маданий бойликлар таланди. Мустамлакачилик ҳалқ руҳиятида оғир из қолдирди. Агар илгари-ги урушларда, асосан, мусулмон ҳукмдорлар бир-бирига қарши урушган бўлиб, ғолибни аҳоли навбатдаги сулола алмашинуви тарзида қабул қилган бўлса, руслар мўғуллар босқинидан кейинги 650 йил ичida<sup>12</sup> Ўрта Осиёни забт этган бошқа диндаги илк босқинчилар эди. Русларнинг босқини араблар босқинидан ке-

<sup>11</sup> Каранг: Алимова Д. История Узбекистана начала XX века в контексте Евразийских процессов. <http://www.eurasiahub.org>

<sup>12</sup> Аслида мўғулларнинг ҳам катта кисми истило давомида ислом динини қабул қилган эди.

йинги минг йил давомида шаклланган урф-одатлар, ҳаёт тарзи ва энг асосийси, кишиларнинг маънавий дунёси ва қадриятлар тизимиға катта хавф солди. Аммо 1817–1864-йиллардаги Кавказ урушининг аччиқ тажрибасидан етарли хулоса чиқарган руслар, Туркистонда анча эҳтиёткорлик билан ҳаракат килдилар. Бундан ташқари, ахолисининг сони ва ҳарбий қурдати жиҳатидан Европада сўзсиз биринчи бўлган Россия иқтисодий жиҳатдан қолоқлигича қолаётган эди.

Шунга қарамасдан, Россия мустамлакачилиги XIX асрнинг охирги чорагида Туркистонда бир катор ижобий ўзгаришларга ҳам олиб келди. Ўлкага нисбатан илғор ишлаб чиқариш муносабатлари ва воситалари олиб кирилди. Ўрта Осиё темир йўли қурилиб, дастлабки поезд 1888 йил 27 февралда Янги Бухоро (ҳозирги Когон) шахрига етиб келди. Ўрта Осиё темир йўлининг Бухоро қисми тугалланиши муносабати билан Бухоро амири темир йўл бош қурувчиси М.Н. Анненковни йирик бриллиантлар қадалган Олтин юлдуз билан тақдирлади. Поезд 1888 йили Самарқандга кириб келди ва бу шахар 1896 йилгача Закаспий темир йўлининг охирги бекати бўлиб қолди. 1899 йил 15 январда Сирдарёда қурилган темир йўл кўприги очилиб, шу йил 1 май куни Красноводскдан поезд Тошкентга етиб келди. 1900 йили Ўрта Осиёдаги дастлабки йирик саноат корхонаси – Бош темир йўл устахоналари (кейинчалик Тошкент тепловоз таъмирлаш заводи) ишга туширилди. 1905 йил 11 январда Тошкентдан Оренбургга қараб биринчи йўловчи поезди жўнаб кетди. Тошкентдан маҳсус совиткич-вагонга қовун ва узум ортган поезд эса 1906 йил 3 август куни Москвага етиб келди. 1912 йилга келиб Фарғона водийси Россия билан темир йўл орқали боғланди. Темир йўл қурилиши ва ишга туширилиши Ўрта Осиёда савдо ва саноатнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очди. Аммо асосий эътибор хомашё, биринчи навбатда, пахтани ташиб кетишига қаратилди. Биринчи жаҳон уруши арафасида Россия империяси худудида мавжуд бўлган 220 та пахта тозалаш заводларининг 208 таси Туркистонда қурилган эди. Маҳаллий аҳоли орасидан ишчи касбларни эгаллаш ҳам шу даврда бошланди. Савдо ва ишлаб чиқаришнинг қадимий анъаналарига эга бўлган маҳаллий тадбиркорлар жуда тез пахта саноатида етакчи ўрин эгаллади.

Масалан, 1895 йили Марғилон уездиде мавжуд бўлган 15 пахта тозалаш корхоналарининг 12 таси маҳаллий саноатчиларга тегишили эди.

Айни пайтда Туркистонни бойлик ортириш манбаи деб билган россияликларнинг ўлкага доимий яшаш учун кўчиб келиши кўпайди. Туркистонда рус шаҳарлари ва кишлоклари қад кўтарди. Дастроб қўлга киритилган форт, калъа, ва худудларда руслар яшайдиган манзилгоҳлар пайдо бўлди. Тошкент шаҳри яқинида 1867 йилнинг ўзидаёқ руслар яшайдиган Черняевка манзилгоҳига асос солинди. 1875 йилдан 1890 йилгача Туркистонга 1300 оила кўчиб келиб, 19 та рус кишлоклари вужудга келди. 1891–1892 йилларда Россияда очарчилик кучайган пайтда бу кишлоклар сони 25 тага етди.

Биз совет даврининг катта хатоси, айниқса, Ўзбекистонга Ш. Рашидов раҳбарлик қилган даврда авжига чиққан деб хисоблайдиган пахта яккаҳокимлигининг бошланиши аслида XIX аср охири – XX аср бошларида юз берган эди. «Ҳали ўшандаёқ пахта экини аста-секин маҳаллий аҳолини қарам қилишининг қуролига айланаб борди, галла ва шолини сиқиб чиқариб, минтақани бу соҳада метрополияга тўлиқ қарам қилиб қўйди»<sup>13</sup>. Шу даврдан бошлаб Россиянинг Туркистондаги бош иқтисодий лойиҳаси пахта билан боғлик бўлди. Бу ерда пахтанинг серҳосил америка нави маҳаллийлаштирилган ва Россиянинг тўқимачилик марказлари билан темир йўл алоқаси ўрнатилгандан сўнг пахта саноати тез ривожланди. Айтиш лозимки, илгари етиштирилган маҳаллий пахта нави (у бухороча нав деб аталган) саноат ишлаб чиқариши учун яроқсиз булиб, асосан, маҳаллий аҳоли томонидан кўрпа, ёстиқ, чопон ва ҳоказоларнинг ички қисмини тўлдиришда вата сифатида фойдаланилган. 1871 йилдан америка навини маҳаллийлаштириш бошланган бўлса, бу жараён 13 – 15 йилни ташкил қилди.

1884 йилдан Туркистонда Америка пахтасини етиштириш ривожлана борди ва экин майдонлари ҳам кенгайди. 1884 йили Россиядаги Кудринлар савдо уйи учун Беляков деган шахс томо-

<sup>13</sup> Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917 – 1918 годы. – Ташкент, «Adabiyotuchqunlari», 2016. С. 26.

нидан дастлабки 8 той Түркистон пахтаси жұнатылды<sup>14</sup>. Бу үлкага келтирилган Америка жинларида (жин – пахта тозалаш машинаси шундай аталған) тозаланған илк 100 пудга яқын пахта толаси бўлиб, Түркистоннинг (кейин Ўзбекистоннинг) узок йилларга Россия тўқимачилик саноатининг хомашё базасига айланишини бошлаб берди.

Россия ҳукмрон доиралари Ўрта Осиё пахтасининг стратегик ва иқтисодий аҳамиятини англаб етди, уни етиширишни кўпайтиришга интилди. 1912 йили Россия Қишлоқ хўжалик министри И. Кривошеин Тошкентга қилган ташрифидан сўнг император Николай II га ёзган ахборот хатида: «Түркистонда пахтчиликнинг ҳозирги ривожланиши сугориладиган ерларда ғалла майдонларини камайтириш ҳисобига кенгайтирилиши мумкин ва лозим. Түркистон бугдойининг ҳар бир пуди Кубань ва Сибирь ғалласига қўшимча ракобат, ҳар бир пуд пахта эса Америка пахтасига ракобат. Шунинг учун қўшимча тўлов ҳисобига бу ерга ғалла келтириб, сугориладиган ерларга пахта экиш лозим»<sup>15</sup>, дея хулоса қилган эди.

Үлкада пахтачиликнинг жадал ривожланиши бир неча сабаблар билан боғлиқ эди. Биринчидан, Закаспий темир йўлининг курилиши пахтани ташиб кетишни осонлаштириди; иккинчидан, Америка жин ва прессларининг келтирилиши уни тозалаш ва саноат учун тайёрлаш ишини осонлаштириди; учинчидан, Түркистонда ишлаб чиқарилган Америка пахтасига Москвада талаб кескин ошди; тўртинчидан, шу йиллари Россияга четдан пахта олиб кириш учун бож тўловлари оширилди (куруқлик йўл билан олиб кириладиган 1 пуд пахта толаси учун бож тўлови илгариги 50 тийин ўрнига олтин ҳисобида 1 рубль 25 тийинга, денгиз йўли билан олиб келингани учун эса 1 рубль 20 тийингача оширилди).

Бу тадбирлар натижасида Түркистонда пахта етишириш ўта фойдали бизнесга айланди. Кўплаб рус тадбиркорлари ҳам пахта етишириш билан шуғуллана бошлади. Натижада пахта экиладиган ер майдонлари кимматлашиб, айникса, Тошкент ва Сирдарё

<sup>14</sup> Сельское хозяйство въ Туркестанскомъ краѣ. Составитель А.И. Шахназаровъ. – С-Петербургъ. Типографія В.Ф.Киршбаума, 1908. – С. 143.

<sup>15</sup> М. Мамедов. Ирригация Средней Азии. – М. 1969. – С. 16–17.

вилоятларида ернинг нархи 25 – 30 % га ошиб кетди. Баъзи амалдорлар ва офицерлар ҳам ишларини ташлаб, пахтачилик билан шуғуллана бошладилар<sup>16</sup>.

Пахта хомашёсини ташиб кетиш киммат бўлганлиги сабабли Туркистонда маҳаллий пахта тозалаш саноати шаклланди. 1916 йили пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати 11 млн рублни ёки бутун ўлкада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг 85% ини ташкил қилди. 1915 йили Туркистон ўлкасида 235 та йирик пахта тозалаш заводлари ишлаётган бўлиб, уларнинг барчаси хусусий тадбиркорларга қарашли эди. Айтиш лозимки, урушдан олдин пахта заводларининг 60% и маҳаллий тадбиркорларга қарашли бўлса, шунинг катта кисми бухоро яхудийларига тегишли эди. 1916 йили Туркистонда 9 та йирик пахта савдо-саноат фирмалари фаолият юритган бўлиб, уларга 58 та пахта тозалаш ва 15 та ёф-мой заводлари тегишли бўлган. Масалан, aka-ука Ёкуб ва Сион Вадъяевлар 1916 йили Россиянинг Иваново-Возносенск мануфактурасини сотиб олиб, пахтани етиштириш, хомашёсини сотиб олишдан то Ивановодаги текстиль комбинатларида мато ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи тўлиқ ўз назоратига олдилар. Бухоро яхудийларининг Вадъяевлардан кейинги бой оиласи aka-ука Рафаэль ва Натаэль Потеляховлар бўлиб, уларга 36 та пахта тозалаш ва 2 та ёф-мой заводлари қарашли эди. Бу саноат корхоналарининг асосий кисми Фарғона вилоятида жойлашган бўлиб, 1913 йилга келиб бу вилоят саноат ривожланиши даражаси бўйича Харьков ва Нижний Новгород губернияларига етиб олди. Фарғона вилоятида Туркистондаги барча пахта заводларининг 2/3 кисми жойлашган эди. Пахта сотишини ташкил килишда Кўконда жойлашган Биржа кўмитаси муҳим роль ўйнади. Унга вилоятнинг йирик савдо ва саноат доиралари, шунингдек, Россиянинг банк ва фирмалари вакиллари аъзо эди. Кўмитанинг раиси этиб Ёкуб Вадъяев сайланган<sup>17</sup>.

Туркистоннинг Россияга қарашли қисми билан бир қаторда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига ҳам пахтачилик жадал ри-

<sup>16</sup> Қаранг: Сельское хозяйство въ Туркестанскомъ краѣ. Составитель А.И. Шахназаровъ. – С-Петербургъ. Типографія В.О. Киршаума, 1908. 146-бет.

<sup>17</sup> Қаранг: A. Арапов («Революция в центре Азии» номли эълон килинмаган қўлёзмадан) <http://memoryoffuture.blogspot.co.uk>

вожланди. Бухоро ва Хивада 1914 йили 140,2 минг, 1915 йили эса 152,6 минг гектар ерга пахта экиларди. Биринчи жаҳон уруши арафасида Россияга Туркистондан жўнатиладиган умумий пахта ҳажмида Бухоронинг улуши (бу иш билан, асосан, бухоро яхудийларидан чиқсан савдогарлар шуғулланган) 13% га яқинни ташкил қилди. Хивада 1909 йили барча экин майдонларининг 16% га яқинини пахта эгаллади. Шу йили Хива хонлигидан Россияга 8 минг тонна пахта толаси олиб кетилган бўлса, 1915 йили бу кўрсаткич 14,4 минг тоннани ташкил қилди. Хонлик ҳудудида 4 та ёғ-мой ва 30 дан ортиқ пахта тозалаш заводлари курилди.

Аммо айтиш лозимки, Туркистонда пахта майдонларининг кенгайиши илгари озиқ-овқат, хусусан, ғалла етиштирилган экин майдонлари хисобига юз берди. Натижада Туркистонда четдан ғалла сотиб олиш йилдан йилга ошиб борди. Агар 1907 йил 64 минг тонна ғалла четдан келтирилган бўлса, 1914 йили 200 минг тонна ғалла четдан сотиб олинди. Бунинг асосий қисми энг кўп пахта етиштирадиган Фарғона водийсига келтирилди.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан Россияга четдан пахта келтириш камайди, натижада Туркистон пахтасига эҳтиёж ошиб, унинг нархи ҳам кўтарилиб борди. Масалан, Туркистон пахта толасининг бир пуди 1913 йили 24 рубль турган бўлса, 1915 йили 32 рубль (+ 33%), 1916 йили эса 36 рублга кўтарилиди (+ 50%). Бу ҳол маҳаллий ахолини пахта майдонларини кенгайтиришга уннади. Агар 1914 йили Туркистонда 502 минг гектарга пахта экилган бўлса, 1915 йили – 570,7 минг га, 1916 йили – 582 минг га майдонга пахта экилиб, бу худуддаги умумий экин майдонларининг 16 % ини ташкил қилган. Аммо Биринчи жаҳон уруши бошлангандан сўнг Россия ишчиларининг кўпчилиги ҳарбий хизматтага жалб қилинганилиги сабабли у ерда ишлаб чиқариш пасайди ва Туркистонга олиб келинаётган саноат маҳсулотлари ва дон микдори кескин камайиб кетди. Натижада ноннинг нархи пахта нархига нисбатан анча тез: 1915 йили – 100% га, 1916 йили – 400% га кўтарилди<sup>18</sup>, очарчилик хавф сола бошлади. 1916–1917 йил пахта майдонлари кескин қисқариб, аҳоли озиқ-овқат етиштиришга киришди.

<sup>18</sup> Қаранг: A. Арапов («Революция в центре Азии» номли эълон қилинмаган қўлэзмадан) <http://memoryoffuture.blogspot.co.uk>

Туркистанда вужудга келаётган янги шароит, савдо ва саноатнинг ривожланиши янгича таълим олган ўқимишли кишиларни талаб қиласди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 1914–1915-ўкув йиллари 4632 та эски усул мактаблар бўлиб, уларда 44773 нафар ўқувчилар таълим оларди. Аммо бу мактабларда таълим бериш, асосан, диний китобларни ёд олишга асосланган бўлиб, энди кўпчиликни қаноатлантирумасди. Шу сабабли XX аср бошларидаёқ ўзбек зиёлиларининг илғор вакиллари янги усул (жадид) мактабларини ташкил қила бошлаган эди. 1914–1915-ўкув йилида Ўзбекистон ҳудудида 160 та шундай мактаблар бўлиб, уларда 17300 нафар талаба таълим оларди<sup>19</sup>.

## СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ

Шароф Рашидов туғилган 1917 йил арафасида Туркистандағи умумий ҳолат шундай эди. 1917 йили Россияда ҳокимиятга келган большевиклар инсоният тарихидаги микёси бўйича энг катта, натижалари бўйича энг баҳсли экспериментни амалга ошириди. Кўплаб ҳалклар, миллатлар яшайдиган жуда катта ҳудудда ўтказилган ислоҳотлар натижасида янги ижтимоий-иктисодий муносабатларга асосланган жамият курилди. Инсон ресурслари ни шафқатсиз эксплуатация килган бу тоталитар режим қудратли иктисидиёт ва кучли армия барпо килди.

Ш. Рашидов деҳқон оиласида туғилган. Отаси «Рашид Халилов етти пушти деҳқон бўлиб, суяги меҳнатда қотган, умри қора меҳнатда ўтган бир одам эдилар. Буни у туғилиб ўсган Совунгарлик қишлоғида яшовчи қариялар жуда яхши билишади»<sup>20</sup>. Айни пайтда, Рашидовлар оиласи ўзининг билим олишга бўлган интилиши билан ажралиб туради. Аслида XX аср 20-йилларнинг ўрталари ҳали тўқ ва тинч замон эмасди. Туркистанда миллий-озодлик ҳаракати билан большевиклар тарафдорлари ўртасида кураш давом этаётган, янги ҳаётга кескин қарши чиқаётган кучларнинг ҳам ҳали таъсири кучли бўлган давр эди. Бунинг

<sup>19</sup> Қаранг: Народное образование в СССР. <http://www.detskiysad.ru>

<sup>20</sup> Қаранг: Рашидов А. Ҳалқимизнинг қутби замони //«Janob». 2016 й. № 9. 22–25-б.

устига совет мамлакатининг давлат тузилиши тұғрисидаги баҳс ҳам охирига етмаганди. Айтиш лозимки, бу пайтда большевиклар партияси раҳбариятида Совет Иттифоқининг бўлгуси тузилиши хақида икки хил нуктаи назар мавжуд эди. И. Сталин ва унинг тарафдорлари (В. Молотов, С. Орджоникидзе, Г. Чечерин ва бошкалар) «автономлаштириш» режасини таклиф қилди. Бу режага кўра, совет республикалари РСФСР таркибига автоном республика ҳуқуки билан кириши кўзда тутилди. «Демократик централизм» деб аталган принципга асосланган бу режа келажакда тўлиқ мустақилларка эришиш истагини билдирган республикалар олдига катъий тўсиқлар кўйишга каратилган эди. Аммо, большевиклар дохийси В. Ленин бу фикрга кўшилмади. У совет республикаларининг тенг ҳуқуқлилик асосида бирлашишини ва ҳар бир республика иттифоқдан чиқиш ҳуқукини ўзида саклаб қолишини ёқлаб чиқди. В. Ленин И. Сталиннинг нуктаи назари устун келаётганини билгандан сўнг (И. Сталинни Грузиядан ташкари барча республикалар раҳбарлари қўллаётган эди) бу қарорга «вето» қўйди. В. Ленин ва большевикларнинг ашаддий муҳолифи бўлган рус файласуфи Н. Бердяев ҳам В. Лениннинг бу ҳаракати Россияни мукаррар ҳалокатдан саклаб қолганлигини кейинчалик тан олган эди. Бу билан файласуф собиқ Россия унитар империяси таркибига кирган рус ва бошка ҳалклар учун шу даврда федерализмдан бошка маъқул йўл йўқ, дея тан олади.

Шу ерда эслатиб ўтишимиз лозим, 1922 йили СССР ташкил топганда унинг таркибига Ўзбекистоннинг фақат бир қисми, яъни Туркистан Автоном Совет Социалистик республикаси кирган бўлиб, Бухоро ва Хоразм Ҳалқ Совет республикалари СССР таркибиға кирмаган эди. 1924 йили Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида Ўзбекистон ва Туркманистан Совет Социалистик республикалари, РСФСР таркибида Кирғизистон (Қозогистон дастлаб шундай аталган) ва Ўзбекистон таркибида Тожикистан Автоном Совет Социалистик республикалари ҳамда Қора-Кирғиз (Кирғизистон) автоном области (РСФСР таркибида) ташкил килинди. Орол денгизи бўйларида 1925 йили ташкил қилинган Қоракалпогистон автоном области дастлаб Қозогистон, 1936 йилдан эса Ўзбекистон таркибиға кир-

ди. Айтиш лозимки, 1924 йилдаги миллий-худудий чегараланиш жараёни мустакиллик давридаги тарихшунослигимизда ҳозирча ўзининг етарли илмий баҳосини олгани йўқ.

Туркистон худудида, жумладан, Ўзбекистонда совет ҳокимиюти бирданига ўрнатилмади, осонликча тан олинмади. Бу ерда совет ҳокимиютига сиёсий мухолифатчилардан ташкари минг йиллар давомида кишиларнинг хаёт тарзига айланган ислом анъаналяри ҳам янги тузумнинг жадал ўрнатилиши йўлида жиддий түсик бўлди. Большевиклар тузумининг ўрнатилишига қарши бошланган куролли ҳаракат совет даврида «босмачилик», мустакиллик йилларида эса истиқлолчилик ҳаракати номини олди. У 1930-йилларнинг ўрталаригача давом этди. Аслида бу ҳаракат ягона ғоя остида бирлашмаган, унинг асосий қисмини миллий мустакиллик тарафдорлари ташкил қилган бўлса-да, бу жараёнда исломий давлат тузишни таргига қилаётган диний уламолар, мутаассиблар ва ҳокимиётсизлик ҳолатидан фойдаланиб қолишига интилган оддий талончилар ҳам иштирок этди. Бу мураккаб жараённинг айрим томонлари мустакиллик йилларида амалга оширилган бир катор тадқиқотларда жиддий таҳлил қилинди, ҳаракатнинг моҳияти, асосий ривожланиш босқичлари очиб берилди<sup>21</sup>. Бироқ бу мураккаб жараённи ўрганиш, унга кўпчиликни каноатлантирадиган илмий баҳо бериш ҳали охирига етказилган эмас. Совет даврида бу ҳаракат қатнашчиларини тўлиқ «босмачилар» деб аталиб, улар янги тузум ва «порлоқ келажак»ка қарши бўлган қолок кучлар сифатида таърифланди. Мустакилликнинг дастлабки йилларида бир катор илмий ишларда ва ўкув адабиётларида бу совет тузумига карши куролли ҳаракат, истиқлолчилик ҳаракати сифатида талқин қилинди. Аслида бу ўта мураккаб жараён бўлиб, уни тадқик этиш давом этмоқда.

Россияда мувакқат ҳукумат ағдарилган, большевиклар ҳукмронлиги ҳали тўлиқ ўрнатилмаган давр ҳақида мувакқат ҳукумат арбобларидан бири В.Б. Станкевич кейинчалик шундай ёз-

<sup>21</sup> Каранг: Ражабов К. Бухорога Қизил Армия босқини ва унга қарши кураш. – Тошкент: «Маънавият», 2002. Шу муаллиф. Фарғона водийсидағи истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари. – Тошкент: «Yangi nashr», 2015 ва бошқалар.

ган эди: «Февралдан сўнг омма... умуман, ҳеч ким томонидан бошқарилмади... у бирорта мафкурага, бирорта ташкилотга мос тушмайдиган, умуман, ҳар қандай мафкура ва ташкилотга қарши бўлган ўз хиссиётлари ва қонунлари билан яшади»<sup>22</sup>. Бу шароитни ичидан билган кишининг ҳақиқатга жуда яқин хulosаси эди.

Ўзбекистондаги кураш ҳам XX аср бошларида бутун Шарқда бўлгани сингари, аввало, анъанавийлик билан модернизация ўртасидаги кураш эди. Бу жараённинг биринчи босқичида (1918 – 1924) кураш Туркистон ҳалклари вакилларидан иборат мустақиллик тарафдорлари билан Қизил Армиянинг турили миллиатлар вакилларидан ташкил топган кучлари ўртасида бўлди. Аммо кенг ҳалқ оммаси томонидан кўллаб-куvvatланган мустақиллик тарафдорларини енгиш учун катта куч талаб қилишини ҳис қилган большевиклар раҳбарлари маҳаллий аҳоли вакилларини ўз томонига жалб килиб борди. 1919 йили ёк 3,3 минг киши Қизил Армия сафларига жалб килинган бўлиб, уларнинг катта қисми маҳаллий миллиатлар вакиллари эди<sup>23</sup>. Большевиклар партиясининг Қизил Армия миллий бўлинмаларини таъсис этиш тўғрисидаги қарори тасодифан бошқа бир миллий деб қураш мумкин бўлган институтнинг пайдо бўлишини таъминлади. Бу бўлинмалар Қизил Армия сонини ошириш учунгина эмас, аввало, СССРнинг рус бўлмаган қисми аҳолисини сафарбар килиш ва уларга ўз тилида сўзлашувчи офицерлар раҳбарлик қилиши учун тузилди. Ҳали миллий-худудий чегараланишдан олдин ўзбек матбуоти бу бўлинмаларни «миллий армия» сифатида таърифлаган эди. Миллий-худудий чегараланишдан кейин бу бўлинмалар матбуотда ўзбек миллий армияси сифатида кенг ёритилди. Файзулла Хўжаев миллий бўлинмаларни «Ўзбекистон мустақиллигини таъминловчи оташин куч бўлган ўзбек миллий кўшини» сифатида таърифлайди<sup>24</sup>.

<sup>22</sup> Каранг: *Кожинов В.В.* Правда сталинских репрессий. – М.: ООО «Издательство Алгоритм», 2013. – С. 38 – 39.

<sup>23</sup> Каранг: *Раджапова Р.Я.* Создание и работа политорганов в войсках Туркеспублики и Туркфронт (1918 – 1920). – Ташкент, 1967. – С. 11 – 14.

<sup>24</sup> Каранг: *Адид Халид.* Становление Узбекистана. Таджики как остаточная категория // Вопросы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии / Отв. ред. Ш.С.Камолиддин. Saarbrücken:LAP, 2016. – С. 40.

Советларга қарши қуролли ҳаракатнинг иккинчи босқичи (1925 – 1935) ҳарактери ва кучлар нисбатига кўра биринчи босқичда фарқ қиласди.

1930-йилларнинг ўрталариға келиб, жуда катта ҳарбий-техник ва иқтисодий устунликка эга бўлган совет ҳокимияти қўзғолончиларнинг сўнгги отрядларини тор-мор қилишга эришди. Айтиш лозимки, ҳалкнинг узок йиллик тенгсиз курашда руҳан чарчаганлиги кўп жиҳатдан совет ҳокимиятининг муваффакиятини белгилаб берди. Шунингдек, қуролли ҳаракат иштирокчиларида жиддий сиёсий ва ҳарбий тажрибанинг етиш-маслиги, мутаассиб руҳонийлар билан жадидлар ўртасида ва қўрошилар орасида ўзаро жиддий келишмовчиликларнинг мавжудлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди<sup>25</sup>.

Шу даврда советлар учун жиддий муаммолардан бири, ислом дини омили бўлди. Ўзбекистонда панисломизм ва пантуркизмнинг уйғунлашуви большевиклар сиёсати учун катта хавф туғдираётган эди. Марказдаги раҳбарлар бу икки оқимни бирбиридан ажратишга ва бирма-бир тор-мор қилишга эришди.

Туркистанда қуролли ҳаракат аста-секин ўзининг оммавийлигини ва умумхалқ ҳаракати сифатидаги моҳиятини йўқотиб борди. Унинг иштирокчилари тўхтовсиз жанговар ҳаракатлардан чарчади ва тинч ҳаётга қайтишни орзу қилди. Ҳар қандай урушда бўладиган қароқчилар тўдасининг мавжудлиги ҳам катта роль ўйнади. Сиёсий ва ҳарбий холатдаги бекарорликдан фойдаланиб, улар талончилик қилди ва миллати, дини, сиёсий қарашлари, ижтимоий мансублигидан қатъи назар, тинч аҳолига нисбатан зўравонлик қилди<sup>26</sup>. Натижада, советларнинг унумли фаолияти туфайли Кизил Армия сафларида ҳам маҳаллий аҳоли вакиллари сони ошиб борди. Шу сабабли бу курашнинг фожиавий оқибати шундан иборат бўлдики, унда иккала томондан ҳам жабр кўрганларнинг асосий қисмини маҳаллий аҳоли, жумладан, ўзбеклар ташкил қилди.

<sup>25</sup> Каранг: Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917 – 1918 годы. – Ташкент, «Adabiyot uchqunlari», 2016. – С. 254.

<sup>26</sup> Каранг: Раджабов К. Теоретико – методологическая основа изучения истории вооружённого движения в Туркестане в 1918–1935 гг.<http://webcache.googleusercontent.com/search?q=cache:http://ia-centr.ru/expert/747/>

СССР ташкил топгандан сүнг мамлакатда бошланган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар – «индустрлаштириш» ва «коллективлаштириш» билан бирга саводсизликни тутатищ, янги типдаги совет мактаблари тизимини яратиш, «халқ зиёлилари» кадрларини тайёрлаш, большевиклар назорати остида ва марксча-ленинча мафкура асосида фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш тарихда «маданий инқилоб» номини олди.

Совет индустрлаштириш тажрибаси түғрисида сүнгги йилларда кўп, асосан, салбий томонлари ёзилган. Аммо илғор индустрисал мамлакатлар ривожланишда жуда олдинлаб кетган бир пайтда СССРнинг жадал индустрлаштиришдан бошка йўли бормиди? Масалан, 1920 йилларнинг охирига келиб, тахминан 160 млн аҳолига эга бўлган СССР ҳар йили 3–4 млн тонна чўян, 4–5 млн тонна пўлат, 35–40 млн тонна кўмир, 5–6 млрд кв/соат электр энергияси ишлаб чиқарар, бу 40 – 50 млн киши аҳолига эга бўлган Германия, Англия ва Франциядан 2–3 марта, ёки шу даврда 120 млн аҳолига эга бўлган АҚШдан кўплаб марта кам эди. Совет саноатининг ишлаб чиқариш даражаси аҳоли жон бошига ривожланган индустрисал мамлакатлардан 5–10 ва, ҳатто, ундан ҳам кўп марта фарқ қиласди. Ишлаётган аҳолининг 80% и кишлек хўжалигига банд, дехконлар улуши ишчиларга нисбатан 6–7 марта кўп эди. Мамлакат аҳолиси таркибида қишлоқ аҳолиси шаҳарникига нисбатан 4 марта кўп, мамлакат аҳолисининг ярмига якини саводсиз эди. Шу даврда СССРда ишлаб чиқариш жараёнининг ускуналар билан жиҳозланганлик даражаси Англияга нисбатан 4 марта, Германияга нисбатан 5 марта, Америкага нисбатан 10 марта паст, мамлакат халқ хўжалиги эски техник база асосида тикланган эди<sup>27</sup>.

Биринчи беш йилликда (1928 – 1932) мамлакатни интенсив индустрлаштириш бошланди. Жами 1500 та йирик саноат корхоналари қурилди. Ўзбекистоннинг кейинги ривожланиши учун муҳим бўлган Туркестон – Сибирь (Турксиб) темир йўли ишга туширилди. Миллий даромад икки марта, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам икки мартадан кўпроқ ошди. Қишлоқ хўжа-

<sup>27</sup> Каранг: Л.А.Гордон, Э.В.Клопов. Что это было? Размышления о предпосылках и итогах того, что случилось с нами в 30-40-годы. – М. Политиздат. 1989. – С. 16 – 17.

лигини ҳам социалистик қайта куриш бошланди. 211 минг колхозлар ташкил килинди. СССР машинасозлик, чүян ва нефть ишлаб чиқариш бўйича дунёда иккинчи, электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринга чиқди. И. Сталин СССРда «социалистик иқтисодиётнинг пойдевори яратилди», деб эълон килди. Аммо 1931 йил 4 февралда сўзлаган нуткида: «Биз илгор мамлакатлардан 50 – 100 йилга оркада қолиб кетдик. Биз бу масоғани ўн йилда босиб ўтишимиз керак. Ёки шу ишни бажарамиз, ёки бизни синдиришади», деди.

Шу даврда Ўзбекистон саноатига киритилган капитал маблағлар микдори икки баробар ошди. Йирик саноат корхоналари сони 1928 йили 166 тага етди, электр энергияси ишлаб чиқариш деярли уч баробар ошди. Аммо Ўзбекистон иқтисодиёти аграр характерда эди. 1929 йилга келиб ҳалқ хўжалигида кишлок хўжалигининг улуши 60% ни, саноат – 27% ни ташкил қилас<sup>28</sup>, унинг ҳам 90% и кишлок хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган эди.

Ўзбекистон саноатининг асосий фондлари биринчи беш йиллик давомида 70 млн рублдан 240 млн рублга ўсди, бу шу даврда Ўзбекистон саноати 346% га ўсганлигини кўрсатади. Биринчи беш йилликда саноатга киритилган умумий маблағлар 276 млн рублни ташкил қилас. Саноат маҳсулотларининг ялпи хажми 1928 йилги 217 млн рублдан 627 млн рублга, яъни беш йилда 288% га ўсди<sup>29</sup>. Биринчи беш йилликда 192 та саноат корхоналари ишга туширилди, саноатнинг асосий ишлаб чиқариш фонди 3 марта ошди. Электр энергияси ишлаб чиқариш 3 марта, нефть қазиб олиш – 2,5 марта, металлни қайта ишлаш саноати маҳсулотлари – 6 марта, цемент 3,5 марта ошди. Ўзбекистон айrim турдаги асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича СССРда юкори ўринларга чиқди. 1932 йили республика СССРдаги цементнинг 54% и, ўсимлик ёғининг 56% и, пилланинг 42%

<sup>28</sup> История Узбекской ССР. (С древнейших времен до наших дней). Под. ред. И.М. Муминова. Т.: «Фан», 1974. – С.358.

<sup>29</sup> Речь Ф. Ходжаева на XVII съезде ВКП(б). [http://www.hrono.ru/vkpb\\_17/19\\_5.html](http://www.hrono.ru/vkpb_17/19_5.html)

ини ишлаб чикаарди. Пахта хомашёси тайёрлаш 1929 йилдан 1932 йилгача 45,9% га ўсди, 1933 йили умумиттифоқ миқёсидаги пахтанинг 65% и Ўзбекистон хиссасига тўғри келди<sup>30</sup>.

Айни пайтда, «Фарб кишиларини шунчалар ҳайратта солган беш йиллик режа жуда оддий ва насрый ҳолат эди. Россия – индустрискил қолоқ мамлакат. Қандай бўлмасин, уни индустрлаштириш лозим. Фарбда бу капитализм белгиси остида юз берди – Маркс бўйича шундай бўлиши керак эди. Аммо Россияда индустрлаштириш коммунизм шиори остида ўтиши лозим. Коммунистик режимда буни фақат индустрлаштириш иштиёқини яратиб, уни прозадан поэзияга, хушёр реалликдан мистикага айлантириб, беш йиллик ҳақида миф яратиб, амалга ошириш мумкин»<sup>31</sup>, деб ёзган эди Н. Бердяев биринчи беш йиллик якунлари ҳақида. Аслида ҳам беш йиллик ғалабалари ҳақида бутун совет тарихи давомида бўрттириб борилган миф яратилган эди.

Иккинчи беш йилликда (1933 – 1937) СССРда 4500 та йирик саноат корхоналари қурилди, миллий даромад – 2,1 марта, саноат ишлаб чикириши – 2,2 марта, қишлоқ хўжалиги – 1,3 марта ўсди.

Учинчи беш йилликнинг дастлабки йилларида (1938–1941) Ўзбекистон оғир ва енгил саноатнинг ҳам асослари яратилди. Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи (Ташсельмаш), Тошкент ва Фарғонада текстиль комбинатлари, Самарқанд, Бухоро ва Кўконда тикувчилик фабрикалари, Тошкентда кондитер фабрикаси ва бошқалар қурилди. Саноатнинг янги соҳаларига, Чирчик каби саноат шаҳарларига асос солинди. 1940 йилда Ўзбекистонда 1452 та саноат корхонаси фаолият юритаётган эди<sup>32</sup>.

Асосан биринчи ва иккинчи беш йилликлар давомида амалга оширилган маданий инқилобнинг бош максади фан ва санъатни марксистик мағкурага бўйсундириш эди. Бу йўлда амалга оширилган дастлабки тадбирлардан бири саводсизликни тугатиш бўлди. 1926 йили 9 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолининг 51,1% и

<sup>30</sup> Қаранг: Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент. Издательство «Узбекистан». 1974. – С. 310.

<sup>31</sup> Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма. Репринтное воспроизведение издания YMSA-PRESS, 1955 г. – М.: Наука, 1990. – С. 119.

<sup>32</sup> Қаранг: Эргашев Ш. Жаҳон тарихи. III қисм. Энг янги давр (1918 – 1945). – Ташкент, «O'zbekiston» НМИУ, 2017. 173-б.

саводли, айрим миллий ўлкаларда эса бу күрсаткич ўта паст – 2,7% дан 9,1% гачани ташкил қиласы.

СССР таркибига киргандык миллий республикалар, жумладан, Ўзбекистонда умумий мажбурий таълимни жорий қилиш учун мактаб бинолари, малакали кадрлар етишмаслигидан ташкари диний ва миллий урф-одатлар билан боғлық түсиклар ҳам мавжуд эди. Асрлар давомида ўзбек аёлининг ҳаёти шариат қоидалари ва улардан келиб чиқкан урф-одатлар билан белгиланар, эркаклар онгига эса аёллар ҳақида қотиб колган ақидалар ва тасаввурлар устивор эди. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг қиска вақт ичида ўзбек аёлларини озод қилиш вазифаси кўйилди.

Аммо бу масаланинг шошилинч ҳал қилиниши кўплаб муаммоларни келтириб чикарди. 1917 йилги октябрь давлат тўнтаришидан сўнг аёллар масаласи тўғрисида бир қатор: аёлларнинг эркаклар билан тенглиги, балоғат ёшига етмаган кизларни турмушга беришни тақиқлаш тўғрисида ва шу каби қонун ва карорлар қабул қилинди, улар ҳаётда маълум ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Ижтимоий ҳаётдаги шундай ижобий ўзгаришлар Ш. Рашидовнинг ҳам ҳаётий истиқболини белгилаб берди. У камбағал дехқон оиласида туғилди, чор Россияси режими даврида замонавий таълим олиши ва унга совет тузуми имкон берган ютуқларга эришишининг иложи йўқ эди. СССРда аҳолининг камбағал қисми орасида маданият ва таълимни юксалтиришга миллий масала доирасидаги энг муҳим иш сифатида қаралди. Россиялик публицист ва ёзувчи Фёдор Рассаковнинг ёзишича, Россияда чор ҳукумати давридаги суръатлар билан саводсизликни барта-раф қилиш руслар орасида тахминан XX асрнинг охирида, Ўрта Осиёда – беш асрдан сўнг, Сибирь халқлари орасида эса умуман минг йилдан кейин амалга ошган бўларди. Бу албатта анча баҳсли хулоса, аммо большевикларнинг маданият ва таълим масалаларига устивор вазифа сифатида ёндашгани, улар гоясининг ўзга халқлар томонидан қабул қилиниши шу халқларни маълум анъаналар ва диний тасаввурлар қобиғидан озод қилиш билан боғлиқлигини яхши тушунгани рост эди. Айниқса, аёлларни саводли қилиш ўша пайтда энг долзарб вазифалардан бири бўлди.

Зотан, 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш бўйича Туркистон ўлкасида 49 ёшгача бўлган аёлларнинг бир фоизи саводли эди<sup>33</sup>.

Ўзбекистонда 1920-йиллари ташкил қилинган хотин-қизлар бўлимлари фаол тушунтириш ишларини олиб борди, махсус аёллар клублари, артеллар, магазинлар ташкил қилди, аёлларни саводхонликка, хунарга, савдога ўргатди. Бу ишлар, асосан, тушунтириш, ишонтириш оркали, зўравонликларсиз амалга оширилиб, жамиятда катта каршиликларга учрамади.

Аммо анъаналар ва урф-одатларни ҳисобга олиб ўтказилган бу тадбирларнинг суръати большевиклар ҳокимиятини қаноатлантирумади. Бу жараённи сунъий равишда тезлаштириш учун 1927 йили «Хужум» деб ном олган ҳаракат бошланди. Больше-виклар психологик ва диний омилни ва хотин-қизларни тўлик озод қилиш учун ижтимоий-психологик муҳит етилмаганлигини инобатга олмадилар. «Хужум» кампанияси давомида зўрлик йўли билан 100 минглаб хотин-қизлар паранжиларини ташлади. Аммо ўзбек аёлларини жадал озод қилиш сиёсати фожиали оқибатларга ҳам олиб келди. 1927 – 1928-йиллари Ўзбекистонда 2,5 минг фаол аёллар, хотин-қизлар клублари раҳбарлари, кутубхоначилар, ўқитувчи аёллар ўлдирилди<sup>34</sup>.

1929 йилдан бутун СССР бўйлаб саводсизликни тугатиш ҳаракати авж олди. Бу ҳаракатга юз минглаб кишилар жалб килинди. Саводсизликни ва чаласаводликни тугатиш жараёнида қатнашган кишилар сони 1930 йили 1 млн кишини ташкил қилди. 1930 – 1932-йиллари саводсизликни тугатиш бўйича ташкил қилинган турли мактабларда 30 млн киши ўқирди. Саводсизликни тугатиш учун мамлакатда мажбурий таълимни жорий килиш лозим бўлди. 1930 – 1931-ўкув йилидан бошлаб 8, 9, 10 ва 11 ёшдаги болалар бепул тўрт йиллик таълим билан камраб олинди. Шу йили саноат шаҳарларида, фабрика-завод районларида, ишчилар шаҳарчаларида 4 йиллик таълимни битирган болалар учун етти йиллик мажбурий таълим жорий қилинди. Биринчи

<sup>33</sup> Қаранг: *M.A. Ахунова. Национальный аспект решения женского вопроса в СССР. – Ташкент, 1978. – С. 109.*

<sup>34</sup> Қаранг: Эргашев Ш. Жаҳон тарихи. III қисм. Энг янги давр (1918 – 1945). – Тошкент, «О‘zbekiston» НМИУ, 2017. 178-б.

беш йиллик охирига келиб СССР ҳудудида умумий мажбурий таълим асосан жорий қилинди.

Ўзбекистонда бу давр, умуман, бутун XX аср давомида ҳал қилиниши лозим бўлган энг мураккаб муаммолардан бири ўзбек ёзувини жорий қилиш билан боғлиқ бўлди. Бу масаланинг узок ҳал этилиши ўша даврда билим олишга интилган кишилар учун катта нокулайликларни келтириб чиқарди, бир неча авлод 20 – 30 йил аввал нашр қилинган адабиётларни ўқий олмасдан қийналди. Масалан, Ш. Рашидов тенгдошлари дастлаб эски араб ёзувида, кейин ислоҳ қилинган араб ёзувида, 1930 йилдан лотин алифбеси асосидаги ўзбек ёзувида, урушдан қайтгач, кирилл алифбеси асосидаги ёзувда ўкиш ва ёзишга мажбур бўлди.

1918–1922-йиллари араб алифбеси асосидаги ўзбек ёзувини ислоҳ қилиш тўғрисида қизғин баҳслар олиб борилди. 1921 йил январда Тошкентда ўтган ўзбек алифбеси ва орфографияси бўйича ўлка I съездиде А. Фитрат томонидан таклиф қилинган ислоҳот лойихасини маъқуллади. Аммо, турли сабабларга кўра бу лойиха амалга ошмай қолди.

Араб графикаси асосидаги ўзбек ёзувини ислоҳ қилиш масаласи 1923 йил октябрда Бухорода бўлиб ўтган Ўрта Осиё ўзбекларининг Биринчи орфография конференциясида узил-кесил ҳал қилинди. Бу конференцияда маъқулланган алифбе 1923 йил 18 октябрда Туркистон АССР Маориф ҳалқ комиссари томонидан тасдикланди. Бу алифбе 1930 йилгача амалда бўлди.

Бир қатор олимлар томонидан лотин алифбеси асосида янги ўзбек ёзувини жорий қилиш масаласи 1920 йиллари ёқ кун тартибига кўйилган эди. 1926 йили Боку шаҳрида бўлиб ўтган туркологик съездда бу масала иккинчи бор қўтарилди. Шу съездда СССРдаги барча туркий ҳалқларнинг янги лотин алифбеси – яналифга ўтиши тўғрисида карор қабул қилинди.

1929 йил майда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган тил ва имло бўйича ўтказилган конференцияда 34 та белгидан иборат янги ўзбек алифбеси тасдикланди. 1934 йил январда бўлиб ўтган орфография масалалари бўйича республика съезди бу алифбега бир қатор ўзгаришлар киритди. Бу ўзгаришлар ўзбек алифбесини осонлаштириди, аммо барча муаммоларни ҳал этмади. Шу муносабат билан А.К. Боровков бошчилигидаги бир гурӯҳ олимлар

ўзбек алифбеси ва орфографиясининг янги вариантини ишлаб чикишга киришиди. Аммо, бу даврда бутун СССР бўйлаб мавжуд лотин алифбесини кирилл алифбеси билан алмаштириш жараёни бошланиб кетган эди.

1939 йили Узбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги хузурида кирилл алифбеси асосида ўзбек ёзувини яратиш бўйича комиссия тузилди. Бу комиссия ишлаб чиккан алифбега рус алифбесининг 33 та ҳарфлари ва қўшимча 6 та ҳарф ва тутук белгиси киритилди. Аммо бу алифбе олимлар томонидан қаттиқ танкид остига олинди, алифбенинг янги кўринишлари таклиф килинди.

Нихоят 1940 йил 8 майда Ўзбекистон ССР Олий Совети III сессиясида рус алифбеси асосидаги ўзбек ёзувига ўтиш тўғрисида конун қабул қилинди. Алифбе 35 та ҳарф ва тутук белгисидан иборат бўлди. Янги алифбега ўтиш муддати 1942 йил 1 январь килиб белгиланди<sup>35</sup>.

Шу билан бирга, биринчи ва иккинчи беш йилликларда бутун мамлакат бўйлаб кенг миқёсда мактаблар курилиши ҳам олиб борилди. 1929–1932-йиллари 3,8 млн ўкувчига мўлжалланган 13 минг янги мактаблар, 1933–1937-йиллари эса яна 18778 та шундай мактаблар курилди<sup>36</sup>.

Аммо барчани баробар таълим тизимига жалб қилиш жараёни миллий ўлкаларда ўзига хос қийинчиликларга эга эди. Масалан, Ўзбекистонда ўғил болалар билан қизларнинг бир мактабда ўкиши, бир синфда ёки бир партада ўтириши, қизларнинг мактабларда паранжи ечиши асрлар давомида шаклланган диний урф одатларга мос келмасди. Шуни ҳисобга олган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1930 йил октябрь пленумида ўзбек қизларини таълим жараёнига тўлиқ қамраб олишни, бунинг учун қизлар учун алоҳида мактаблар сонини оширишни маҳаллий ор ganлардан талаб килди.

Бу йиллари совет маданиятининг ривожланиши зиддиятли характерга эга эди. Бир томондан, аҳолининг саводлилик даражасини ошириш, фундаментал фаннинг энг муҳим соҳаларини ривож-

<sup>35</sup> Қарант: Узбекская письменность. <https://ru.wikipedia.org>

<sup>36</sup> Қарант: Народное образование в СССР. <http://www.detskiysad.ru>

лантириш, илмий-техник кадрларни тайёрлаш объектив зарурат бўлса, бошқа томондан, совет ҳокимияти жамиятда ўзининг мафкуравий тъсирини кучайтириш ва бунда адабиёт, санъат ҳамда ижтимоий фанлар имкониятидан фойдаланиши биринчи даражали вазифа килиб белгилади. Зиддиятлар, айниқса, анъаналар ва модернизация ўртасидаги муносабатда якъол кўзга ташланди. Масалан, Ўзбекистон ахолисини модернизацияга жалб қилиш бўйича советлар олиб борган сиёsat инглиз ва французларнинг ўз мустамлакаларида олиб борган шундай сиёsatига ўхшаб кетади. Аммо фарқ шундаки, Совет давлати ўз сиёsatини жамиятни ўзгартириш максадида олиб борди ва шу сабабли совет ҳокимияти ўзбек ҳалқи ҳимоя қилишга, сақлаб қолишга ҳаракат қилган миллий анъаналари, маънавий оламига бошқа мустамлака давлатларига нисбатан тажовузкор тарзда кириб борди. Советларнинг модернизация сиёsatи Туркия ва Эрондаги шундай жараёнлар билан ҳамоҳанг эди. Аммо 1920–1930-йилларда советлар жорий қилган ҳайёт тарзининг ўзбеклар учун мутлақо бегоналиги Ўзбекистонда унга карши кучли куролли ҳаракатга олиб келди.

Шу йиллари ўтказилган индустрлаштириш натижасида Ўзбекистон мамлакатнинг йирик саноат минтақаларидан бирига айланди, унинг иқтисодиёти энди аграр ҳарактер касб этмай қолди (ҳалқ хўжалигига саноатнинг улуши 38,4% га етди). Аммо кўпчиллик тарихчилар бу жараён шиддат билан ўтказилганлиги сабабли даҳшатли оқибатларга ҳам олиб келди деб ҳисоблашади. Масалан, Л. Левитин шундай ёзади:

«Бу кечиккан модернизация, техник тараққиётда кўп йиллар олдинлаб кетган Ғарбнинг илфор капиталистик мамлакатлари ортидан қувиб етиш учун килинган модернизация эди. У шунинг учун ҳам ўта жадал суръатларда олиб борилди ва бу жуда катта ижтимоий йўқотишларсиз амалга оширилиши мумкин эмасди. Ўзбекистондаги совет модернизациялаштириши мамлакатни жуда тез техник прогрессга, машина меҳнатига эриштирди. Аммо, айни пайтда, республика ўз табиий эволюцияси натижасига, ўзининг ички шароити ва қонуниятларига таяниб ривожланиш йўлидан бормади. Ўзбек жамиятининг шаклланган анъаналари ва табиий ривожланиш тенденцияларига зид равишда модернизациялаш моделлари, дастур ва муддатлари ташқаридан

белгилаб берилди. Ўзбекистондаги модернизация цивилизациялар тўқнашувини, бир маданиятга мансуб кишилар бошқа маданият кишиларига ўз иродасини мажбурий сингдиришини билдирарди. Бу оғат – одамларни қурбон қилишни талаб қилувчи кўркинчли, тўймас куч»<sup>37</sup>.

Жаноб Л. Левитин фикрининг бир қисмига, яъни бу кечиккан модернизация эканлиги ва кераксиз қурбонларга олиб келганлигига қўшилиш мумкин. Аммо тарихчи фикрининг бошқа, модернизациялаш моделлари дастур ва муддатлари ўзбек жамиятининг шаклланган анъаналари ва табиий ривожланиш тенденцияларига зид равишда четдан белгилаб берилганлиги, бу жараённинг цивилизациялар ўргасидаги тўқнашув эканлиги ҳақидаги қисмига қўшилиш кийин. Зоро, янгилик ҳар доим эскилик билан курашда ўзига йўл очиб боради. Фарбнинг илғор мамлакатларида ҳам модернизациялаш жараёни ўз вактида жамиятнинг маълум қисми қаршилигини шафқатсиз енгиш орқали амалга оширилган эди. Туркистонда эса модернизациялашнинг зарурлигини большевиклардан анча олдин жамиятнинг илғор қисми бўлган жадидлар англаб етди. Англанган эҳтиёжни амалга ошириш йўлларига келсак, Туркияда Мустафо Камол Отатурк, Эронда шох Муҳаммад Риза жамиятни модернизациялаш жараёнини худди шундай зўрлик ва жадаллик усуслари билан амалга ошириди. Афғонистонда Омонуллохон бошлаган модернизация жараёнининг охиригача амалга ошмай қолганлиги афғон жамияти учун бугун ҳам жуда катта муаммо бўлиб қолмоқда.

Олиб борилган ўзгаришлар натижасида 1930-йиллар охирига келиб Ўзбекистон саноати ривожланган республикалар қаторига кирди. Агар 1924–1925-йиллари Ўзбекистон ССРнинг биринчи бюджети 32 млн 700 минг рублни ташкил килган бўлса, 1939 йили бу кўрсаткич 1 млрд 427 млн рублга етди. Демак, Ўзбекистон ССР бюджети 15 йилда 43 марта ўсади<sup>38</sup>.

Ўзбекистонда шундай мураккаб курашлар шароитида амалга оширилган мамлакатни индустрлаштириш жараёни қўплаб мала-

<sup>37</sup> Л. Левитин. Узбекистан на историческом повороте. <http://royallib.com> С. 180–181.

<sup>38</sup> Речь депутата Усмана Юсупова на Третьей сессии Верховного Совета СССР. 26 мая 1939 год <http://doc20vek.ru/node/3019a>.

кали ишчилар ва техник ходимларни талаб қиласы. Шу сабаб-ли бир қатор олий ўкув юртлари очилди. Ўзбекистонда бириңчи беш йиллик охирига келиб, олий ўкув юртлари сони 31 тага етди. Талабалар сони хам 1928 йилги 4 мингтадан 1932 йили 12,2 минг кишигача ошди<sup>39</sup>.

Күплөб янги авлод вакиллари сингари Шароф Рашидов хам 1924 йили 7 ёшида Жиззахдаги етти йиллик мактабга келди. Кейинчалик Н. Наримонов номидаги 10-ўрта мактаб бўлган бу таълим маскани хам ўзининг узок тарихига эга. Мактаб 1883 йили рус-тузем мактаби шаклида ўз фаолиятини бошлаган. Ўтган узок йиллар давомида эришилган барча ютуклар мактаб қучогидан етишиб чиккан давлат арбоблари, фан, маданият ва санъат на-мояндалари, халқимизнинг содик ўғлонлари камолида ўз изи-ни қолдирган. Бу мактабни турли йилларда атокли шоир Ҳамид Олимжон, ёзувчи Насрулла Охундов, академик Ўккам Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров, драматург ва давлат арбоби Сарвар Азимов, таникли болалар шоири Шукур Сайдулла, таникли олимлар Орифжон Икромов ва Полвон Азизов каби таникли инсонлар битирган. Ш. Рашидов хам шу мактабда таъ-лим олди<sup>40</sup>. Замондошларининг хотирилашича, Ш. Рашидов ўткир хотирага эга бўлган ва фанларни жуда енгил ўзлаштирган. 1932 йили етти йиллик мактабни битирган Шароф Рашидов Жиз-зах педагогика техникумига ўкишфа кирди. Техникумда у жуда тез орада ўзини факат аълочи талаба эмас, яхшигина ташкилотчи сифатида хам намоён бўлди. У шеърлар ёзиб, техникум деворий газетасида эълон қилиб борди. Шу пайтда Самарқандда педака-демияни битириб, Тошкентга келган Ҳамид Олимжон жиянининг шеърий машқларини рағбатлантириб борди.

1930 йил июлда 8–10 ёшли болалар учун умумий мажбурий бошланғич таълим жорий қилинди. Шу йили Ўзбекистонда бар-ча типдаги мактаблар сони 2720 та бўлиб, 1933 йили улар сони

<sup>39</sup> История Узбекской ССР. (С древнейших времен до наших дней). Под. ред. И.М. Муминова. Т.: «Фан», 1974. – С. 391.

<sup>40</sup> Қаранг: Б. Ўринбоев, А. Рашидов, Ҳ. Ҳайдаров. Асрга тенгдош мактаб (тарихий-педагогик очерк). Т.: «Ўқитувчи», 1983. 6–22-б.

6444 га етди. Ўқувчилар сони ҳам шу даврда 167,9 минг нафардан 644,3 минг нафарга кўпайди. Шунга яраша ўқитувчилар сони ҳам 1929 йилги 5400 нафардан 1933 йили 19344 нафаргача ошди<sup>41</sup>. 1935 йил январда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Советларининг V съезди республика хукумати олдига 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни етти йиллик мажбурий таълим билан қамраб олиш режасини ишлаб чиқиши вазифасини қўйди. Халқ таълими эҳтиёжларига жуда катта маблағ – 1 млрд 162,5 млн рубль ажаратилди. Бу дастурни амалга ошириш натижасида иккинчи беш йилликда Ўзбекистонда 35 минг ўқувчига мўлжалланган 539 та мактаб қурилди. Шу даврда бутун мамлакат бўйлаб олиб борилаётган саводсизликни тугатиш кампанияси, айниқса, қишлоқ жойларда ўқитувчиларга жуда катта эҳтиёж келтириб чикарди ва бу ўқитувчининг жамиятдаги обруси юкори бўлишини белгилаб берди. 1936 йил апрелда ВКП(б) МК ва СССР Халқ Комиссарлар Советининг «Ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириша ўқитувчиларни мактабга мудир ва директор килиб тайинлаш тўғрисида» қарори қабул қилинди. Ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи шахарларда 50 сўмдан 110 сўмга, қишлоқ жойларда 45 сўмдан 90 сўмгача оширилди<sup>42</sup>. Умуман айтиш лозимки, бу маош унчалик юкори бўлмаса-да, оммавий саводлиликка катта эътибор қаратган совет жамиятида ўқитувчиларнинг юкори ижтимоий макоми ва обрусини ўрнатишга эришилди. Айнан шу юкори ижтимоий маком сабабли ўқитувчилик соҳасига жамиятнинг иқтидорли қатлами кириб келди, улар эса 1930–1940 йиллардан юксалиб борган ўзбек фани ва маданиятининг равнақини таъминлаган авлодни тарбиялаб етиштириди. Ўқитувчининг юкори обруси жамиятда бу касбга ҳавас уйғотди, то 1970-йилларнинг ўрталаригача ёшлар кўплаб бошқа касблар, жумладан, ҳозир жуда урф бўлган милиционер, прокурор каби касблардан ўқитувчилик ва инженерликни афзал кўради, олим ва космонавт бўлишни эса орзу қилишарди.

<sup>41</sup> Қаранг: Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент. Издательство «Узбекистан». 1974. С. 320.

<sup>42</sup> Белова Н.А. Заработка плата советских учителей в 1920–1960-е гг. // Ярославский педагогический вестник – 2011 – №1 – Том 1 (Гуманитарные науки). – С. 37.

Шу даврда халқ соғлигини сақлаш соҳасига, аввало, санитария-гигиена маданиятини юксалтиришга ҳам эътибор кучайди. Республикада шифохоналар тармоги шаклланди. Агар 1914 йили Ўзбекистон худудида факат 64 та шифохона мавжуд бўлса, 1937 йилга келиб бу ерда деярли 13 минг ўринга эга бўлган 248 та шифохона фаолият юритарди<sup>43</sup>.

1930-йиллардан маориф ва соғлиқни сақлаш соҳаларига бундай катта эътибор қаратилишига бу даврда Ўзбекистон эришган иктисадий ютуклар ҳам имконият яратди. Шу йилларда республика қишлоқ хўжалигида колхоз тизими узил-кесил қарор топди. Республикада колективлаштириш жадал суръатлар ва катта конунбузарликлар билан олиб борилди, чунки Марказ биринчи беш йиллик охирига, яъни 1934 йилга келиб СССРнинг пахта мустақиллигига эришишини таъминлаш шиорини ўртага ташлади. Шу сабабли биринчи ва иккинчи беш йилликларда қишлоқ хўжалигини колективлаштириш яқунланди. 1937 йили 95% дехқон хўжаликлари ва 99,4% экин майдонлари колхозларга бирлашди. Аммо бу жараёнда ўзига тўқ минглаб тадбиркор дехқонлар катағонга учради, халқимизнинг анъанавий дехқончилик маданиятига катта зарар етказилди. Шундай кескин чоралар туфайли 1930-йиллар охирига келиб Ўзбекистон колхозлари пул даромадлари ҳажми бўйича СССРда биринчи ўринга чиқди. Бунга, албатта, «оқ олтин» ҳосилдорлигини ошириш эвазига эришилди, халқ хўжалигининг етакчи соҳаси пахтачилик бўлиб қолди. 1937 йили 1521,7 минг тонна пахта ҳосили териб олинди (1933 йили 860 минг тонна эди). Колхозларнинг маҳсулот сотишдан олган даромадлари 1932 йилги 29 млн рублдан 1937 йили 222 млн рублгacha ошди<sup>44</sup>.

Ш. Рашидов ҳам мактабда ўқитувчилик қилиб, жамиятга фойдаси тегиши, кўпчилик ота-оналар орзу қилган хурмат ва эътиборга эришиши мумкин эди. Аммо ўзига ўта талабчан бўлган бу йигит анча юқори мэрраларни кўзлайди. 1935 йили Жizzах педагогика техникумини битириб, икки йил мактабда ўқитувчилик қилган

<sup>43</sup> Қаранг: Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент. Издательство «Узбекистан». 1974. – С. 361.

<sup>44</sup> Қаранг: Узбекская Советская Социалистическая Республика <http://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/113/685.htm>

Ш. Рашидов 1937 йили Самарқанддаги Ўзбекистон давлат университетига ўқишига кирди. Бунда ёш бўлса-да, элга танилиб қолган шоир, Шароф Рашидовнинг тогаси Ҳамид Олимжоннинг таъсири катта бўлди. Ҳамид Олимжон 1929 йили ўзининг «Қўклам» деб номланган илк шеърлар тўпламини нашр қилдирган эди.

Ш. Рашидов Ўзбекистон тарихининг энг мураккаб даврида талаба бўлди. Бу даврда СССРда бошланган оммавий қатағон сиёсати Ўзбекистонда Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Сайдносир Миржалилов, Махмуд Ҳодиев (Боту), Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Отажон Ҳошимов, Карим Абдуллаев ва бошка кўплаб ватанпарвар зиёлиларни нобуд қилди. Умуман, 1929 йилнинг январь ойидан 1933 йилгача большевиклар тузуми юртимиз зиёлиларининг 217 нафарини қатағон қилди. Энг аянчлиси, уларнинг аксарияти отилди. Қатағон сиёсати 1937–1938-йиллари авжига чикди ва тарихда «катта террор» номини олди. Бу даврда СССРда 681 минг 692 киши ўлим жазосига ҳукм килиниб, қатл этилди<sup>45</sup>. Қатағон килингандар сони СССР бўйича миллионлаб кишиларни ташкил қилди, улар узок муддатли камок жазосига ҳукм килинди. Майлумотларга караганда, Ўзбекистонда 1936–1940-йиллари ўзбек ёзувчилари, журналистлари, жамоат арбобларидан 5758 киши қамалди, 4800 дан кўп киши отилди. Умуман, 1937–1953-йиллари 100 минг ўзбекистонликлар қатағон қилинди, шулардан 13 минг киши ўлим жазосига ҳукм килинди<sup>46</sup>. Қатағон қилингандар орасида замонавий ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий, олим ва драматург Фитрат, янги ўзбек шеъриятининг асосчиларидан Чўлпон ва Усмон Носир, Ўзбекистон ССР ҳукуматининг биринчи раҳбари Ф. Хўжаев, Ўзбекистон коммунистларининг етакчиси А. Икромов яна кўплаб фан ва маданият арбоблари, раҳбар ходимлар, диндорлар, оддий зиёлилар бор эди.

1930-йиллар охирида И. Сталин юқоридан «кадрлар инклибии»ни амалга оширишни бошлади. И. Сталиннинг ўлимидан сўнг

<sup>45</sup> Кожинов В.В. Правда сталинских репрессий. – М.: ООО «Издательство Альгоритм», 2013. – С. 131.

<sup>46</sup> Каранг: Борисова О. «Знать прошлое, чтобы не повторилось в будущем... <https://psmb.ru/a/znat-proshloe-chtoby-ne-povtorilos-v-budushchem.html>

ҳокимиятга келган раҳбарлар бунинг сабаби доҳийнинг шахсий сифатларида: унинг ўта гумонсираши ва раҳмизлигига эди дейишди. Бу ҳақда Н. Бердяев: «Ленинзм – бу янги типдаги доҳийпарастлик, у омма орасидан диктаторлик ваколатларига эга бўлган доҳийни яратади. Унга Муссолини ва Гитлер таклид қилади. Сталин доҳий-диктаторнинг энг мукаммал типи эди»<sup>47</sup>, деб ёзади.

Аслида И. Сталиннинг шахсий сифатларидан бошқа, анча муҳимрек сабаблар ҳам бор эди. Россиялик тарихчи В. Кожинов ёзганидек: «Ярим миллиондан зиёд раҳбарларни «алмаштириш» битта кишининг – ҳатто у чекланмаган ҳокимиятга эга бўлганда ҳам – иродаси бўлиши мумкин эмаслигини тушуниш осон, бундай тўнтиришнинг сабаблари «шахсга сифиниш»га нисбатан анча кенг ва чукурроқдир»<sup>48</sup>.

Ўзбекистонда партия сафларини «тозалаш» бир неча босқичда ўтказилди. Биринчиси 1930-йилларнинг бошларида амалга оширилиб, унда деярли 40 минг партия аъзолари, 1937 йилга келиб эса яна минг киши партия сафларидан чиқарилди. 1938 йили партия сафларини қайтадан тўлдириш жараёни бошланиб, пайдо бўлган янги ёш коммунистлар амал поғоналари бўйлаб жуда тез кўтарилилди. Шундай ёшлар орасида Шароф Рашидов ҳам бор эди. Айтиш лозимки, 1960–1970-йиллари СССРни бошкарган жуда кўп раҳбарларнинг фаолияти айнан 1930-йиллардаги Сталиннинг «кадрлар инқилоби»дан бошланган эди. Л. Брежнев 1938 йили техникум директори лавозимиidan Днепропетровск обкомига бўлим мудири бўлиб ўтди. Ю. Андропов 1936 йили Рибинск сув транспорти техникумини битириб, 1937 йили Ярославск обком комсомолнинг секретари бўлди. А. Косигин 1938 йилгача Ленинградда ип-йигириув фабрикасининг директори, кейин эса ВКП(б) Ленинград обкомининг бўлим мудири лавозимига ўтказилди. А. Громико Иқтисодиёт институтини битириб, СССР Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида илмий тадқиқот билан шуғулланди, 1939 йилдан эса дипломатик хизматга ўтказилди.

<sup>47</sup> Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма. Репринтное воспроизведение издания YMSA-PRESS, 1955 г. – М.: «Наука», 1990. – С.103.

<sup>48</sup> Кожинов В.В. Правда сталинских репрессий. – М.: ООО «Издательство Алгоритм», 2013. – С.174.

Бирок бу шахсларнинг ҳокимият чўққисига эришишини фақат тарихий сабаблар билан тушунтириш унчалик түғри бўлмаса керак. Бунда сўзсиз субъектив омилни, яъни кишиларнинг шахсий сифатларини ҳам инобатга олиш лозим. Масалан, Ш. Рашидовда бу мақсадга интилувчанлик, событқадамлик, меҳнатсеварлик, ақллилик ва, албатта, шуҳратпарамастлик каби сифатлар эди. Агар шу сифатлардан биттаси бўлмагандан ҳам, Ш. Рашидов хаётда бунчалар катта муваффақиятларга эришмаган бўларди.

Совет жамиятини «халк душманлари»дан тозалаш жараёнида янги мафкуранинг ўрнатилишига катта эътибор қаратилди. 1938 йили И. Сталин таҳрири остида нашр килинган «ВКП(б) тарихи қисқа курси» қарийб йигирма йил ўкув юртларидаги таълим ва ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар учун асосий мезон бўлиб колди. Бу бутун совет давлати тарихида, баъзан ҳатто ундан кейин ҳам давом этган партия ва давлат раҳбари асарларининг ўкув юртларида мажбурий ўқитилиши жараёнини бошлаб берди. Давлат раҳбари асарини билиш фаннинг барча соҳаларида фаолият юритаётган олимлар билимини баҳолашнинг универсал мезонига айланди. Давлат раҳбари бўлган шахс эса фан, адабиёт ва санъатнинг барча соҳалари билимдонига айланиб, оддий дехқон ва ҳунарманддан тортиб то шоири олимгача, ҳаммасига акл ўргатарди, фақат мен ҳаммасини биламан, дерди. Улар ҳақда кейинчалик шоир:

*Гўё сен бўлмасанг тонглар отмайди,  
Сендан сўрамасдан қуёш ботмайди.  
Эртадан то оқшом «Мен!» дейсан фақат,  
Забонингга лаънат, фикринга лаънат, —*

деб ёзган эди.

Н. Бердяев айтган «мукаммал типдаги доҳий-диктатор»га ҳавас ижтимоий онгда, раҳбарлик усулларида яна узоқ вакт сақланиб қолди. Адабиёт ва санъат ривожланиши тўлиқ коммунистик мафкурага буйсундирилиб, социалистик реализм расмий бадиий тамойилга айланди. Бу тамойилга қўшилмаган кўплаб миллий маданият вакиллари қатағон килиниб, «шаклан миллий, мазмунан социалистик» деб аталган маданият яратилди.

## ЮКСАЛИШ

*Манзилга, албатта, етаман, дўстлар!  
Фов бўлса енгаман, ўтаман, дўстлар!*

*Шароф Рашидов*

Шароф Рашидов талабалик йилларида ижод билан шуғулланиб, шеърлар ва кичик хикоялар ёзиб юради. Унинг интилишини кузатган факультет декани Иброҳим Мўминов (кейинчалик машҳур жамоат арбоби бўлган файласуф академик) бу фаол талабага ўқишдан бўш вактларида Самарқанд область «Ленин йўли» газетасида ишлаш учун ректордан рухсат олиб беради. Ш. Рашидов «Ленин йўли» газетасида мухбир, масъул котиб, мухаррир муовини бўлиб ишлайди ва ўқишини битириш арафасида газета мухаррири лавозимига кўтарилади.

1941 йили бошланган уруш кўплар қатори Ш. Рашидовнинг ҳам ҳаётий режаларини ўзгартириб юборди. Шу йили ноябрда Фрунзе (хозирги Бишкек) Пиёдалар ҳарбий билим юртини тезлаштирилган дастур асосида тутатгандан кейин кичик политрук (Совет Армиясида шахсий таркибининг сиёсий тайёргарлиги билан шуғулланувчи командир) Ш. Рашидов Калинин фронтига жўнатилди. Ш. Рашидовга яқин бўлган кишиларнинг айтишича, у ўзининг уруш давридаги ҳаёти ҳақида кўп гапиришни ёқтирасди. У ўз хисларини шеърларида ифодалашга уринган. Хусусан, 1941 йили ёзган шеърида:

*Фикрим сенда, жсанг қил, мадорим!  
Қайраб олган ярогинг бўлай,  
Кон ичida ўртогинг бўлай,  
Жсанг қил мени мадорим, ёрим!*



Фрунзе пиёдалар мактаби  
битириувчиси Ш. Рашидов.  
1941 йил ноябрь.

*Жанг қил, ёвга омон бўлмасин,  
Жанг қил баҳти-баҳорим учун,  
Ёргашъал диёrim учун,  
Жанг қил, менинг меҳрибон ёrim!<sup>49</sup> –*

деб ёзади.

Ш. Рашидов 1941 йил декабрда Москва остоналаридаги жангларда қатнашди, шундан сўнг Шимоли-Гарбий фронтга, кейин эса Волхов фронтига жўнатилди. Бу даврга келиб Ш. Рашидов 38-гвардиячи дивизияда батальон комсомол бюроси секретари этиб сайланган эди. СССР Мудофаа министрлиги архивида Ш. Рашидовнинг жангларда кўрсатган шахсий жасорати тўғрисида командирларнинг маълумотлари сақланайтганлиги хақида совет даври тадқиқотчилар ёзган<sup>50</sup>. Бу жасорат учун Ш. Рашидов 1942 йил бошида Кизил Юлдуз ордени билан мукофотланган эди. Агар у оғир ярадор бўлмаганида, орденлар, албатта, кўпроқ бўларди. 1942 йилнинг охиirlарида чап кўлидан оғир ярадор бўлди. Свердловск (Екатеринбург) обlastининг Ревда шахрида узок даволангандан сўнг тиббий кўрикда ҳарбий хизматни давом эттириш учун яроксиз деб топилди, чунки ярадорлик Шароф Рашидовнинг юрагида асорат қолдирган эди. Бу асоратдан у умрининг охиригача қийналиб юради. Бу ҳақда Асил Рашидов: «Ака-ука Шароф ва Саҳоб Рашидовлар айни киёмат-койим уруш даврида – 1942–1944-йилларда ҳаракатдаги армия сафида, қонли жангларда қатнашишган ва жанг майдонидан ярадор бўлиб қайтишган. Уларнинг кўкрак тўла жанговар мукофотларини бир бошдан санасам, баъзи асаби суст адибларимиз яна хотиралари ранжида бўлишидан кўркаман»<sup>51</sup>, деб ёзади.

Ш. Рашидов тинчроқ иш топиб, ҳаётни давом эттириш учун она диёри Жиззахга қайтиб келади. Бу ерда уни қачонлардир ўзи ўқиган мактабга директор килиб тайинлашади. Албатта, уруш

<sup>49</sup> Шароф Рашидов. Эрк истар кўнгил. – Тошкент, Ғафур Гулом номидағи нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1992. 108-б.

<sup>50</sup> Қаранг: *Ф.Раззаков*. Коррупция в политбюро: Дело «красного узбека».  
<http://www.fedy-diary.ru> С. 46 – 47.

<sup>51</sup> Қаранг: *Асил Рашидов*. Халқимизнинг кутби замони //«Janob». 2016 й. № 9. . 22 – 25-бетлар.

йиллари мактаб директорлиги сокин ҳаётни таъминлайдиган тинч иш эмасди. Кўплаб ўқитувчилар урушга кетганлиги сабабли бир киши бир неча, баъзан бир-биридан анча узок бўлган фанлардан дарс беришга мажбур эди. Ш. Рашидов ҳам директорлик билан бирга она тили ва адабиёти, тарих, рус тили каби фанлардан дарс берди. Ўқитувчилар етишмаслиги сабабли фронтга кетгандарнинг ўринини эгаллаган янги ўқитувчилар, одатда, тезлаштирилган курсларни битирган бўлиб, на етарли билимга ва на тажрибага эга эмасди.

Ш. Рашидов мактаб директори лавозимида бир йилдан камроқ вақт ишлади. Уруш қийинчиликларини бироз унугтан ва соғлиғи анча тикланган Ш. Рашидов яна журналистика касбига қайтди. Уни Самарқанд область «Ленин йули» газетасига муҳаррир этиб тайинлашди. Бу лавозимда Ш. Рашидов ўзининг ташаббускорлик, жамоани бошқара олишлик, одамлар билан муносабат ўрнатиш маданияти каби ажойиб хислатларини намоён қилди. Яхши билим ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Ш. Рашидов тезда Самарқанд область партия раҳбарларининг эътиборига тушди. Уруш пайтида бундай раҳбарларгага партия ҳам ўта муҳтоҷ эди. Шу сабабли 1944 йил июлда Ш. Рашидовни Ўзбекистон Коммунистик партияси Самарқанд область комитети секретари лавозимига ўтказишиади. Унинг шахсий хислатларидан келиб чиқиб, ёш бўлса-да, унга энг мураккаб йўналиш – кадрларни танлаш ва улар билан ишлаш йўналиши топширилди. Шу даврда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган Носир Маҳмудов Ш. Рашидовнинг моҳир сиёsatчи ва раҳбар бўлиб етишишида унга устоzlик қилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент, Фарғона, Андижон, Бухоро сингари Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари каторида Самарқанд ҳам уруш ортидаги муҳим саноат ва маданият марказларидан бирига айланди. Фронтолди ҳудудларидан Ўзбекистонга эвакуация килинган 104 та саноат корхоналарининг 14 таси Самарқандга жойлаштирилди. Жуда кўплаб ишчилар, саноат ускуналари билан бирга, уруш йиллари Ўзбекистонга 9 та академия, 22 та илмий-текшириш институтлари, 2 та кутубхона ҳам кўчириб келинди. 1943 йил 4 ноябрь Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тантанали равишда очилди. 1944 йили

Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида 22 та илмий ташкилотлар, 818 нафар илмий ва илмий техник ходимлар бор эди. Т.А. Саримсоқов, В.И. Романовский, М. Камолов, Н.Н. Назаров ва бошқа олимлар раҳбарлигига амалга оширилган тадқиқотлар ўқ-дорилар, ҳарбий техника сифатини ошириш, ватан авиациясими ривожлантириш билан боғлик бўлган муҳим муаммоларни ҳал килишга салмоқли хисса кўшди. 1943 йили республикамиизда 41 та олий ўқув юртлари, жумладан, 12 та эвакуация қилинган институтлар ва 52 та ўрта маҳсус ўқув юртлари фаолият юритарди. Уруш йиллари бу ўқув юртларида 20 минг мутахассислар тайёрланди<sup>52</sup>. Умуман, 1941 – 1943 йиллари ўзбекистонга фронтга яқин ҳудудлардан 1 млн дан ортиқ аҳоли, жумладан, 200 мингдан ошик болалар эвакуация қилинди<sup>53</sup>.

Шунингдек, ўзбекистон уруш йилларида юз мингга яқин етим болаларга бошпана берди. 1941 йил 1 октябрдан 1942 йил 1 октябргача фронтга яқин шаҳарлардаги 78 та болалар уйларидан 43 минг тарбияланувчилар ўзбекистонга эвакуация қилинди. Шундан 4 та болалар уйлари Самарқандда жойлаштирилди. Аҳоли зич жойлашган Самарқандда эвакуация қилинган болаларни жойлаштириш осон иш эмасди. Янгидан ташкил қилинган 8 та болалар уйларида 4270 нафар турли миллат болалари тарбияланди<sup>54</sup>. 1944 йилдан Самарқанд область партия комитетининг секретари бўлган Шароф Рашидов бу йўналишлардаги ташкилий ишларга ҳам фаол раҳбарлик қилди.

Иккинчи жаҳон уруши ўзбекистон учун ҳам жуда катта синон бўлди. Эркакларнинг кўпчилиги фронтда бўлганлиги сабабли завод ва фабрикаларда аёллар, болалар, қариялар меҳнат киласарди. 1941 йил 26 июндан бутун мамлакатда 13 соатлик иш куни ва 6 кунлик иш хафтаси ўрнатилди. Ўзбошимчалик билан иш жойини

<sup>52</sup> Қаранг: Трудовой подвиг Узбекистана в годы второй мировой войны. [http://testhistory.ru/history.php?id=his\\_6\\_14](http://testhistory.ru/history.php?id=his_6_14)

<sup>53</sup> Қаранг: Узбекистан в годы войны (1941 – 1945). <http://geroiuzb.narod.ru/65.htm>

<sup>54</sup> Қаранг: Сайдова Г. Ш. Жизнь эвакуированных детей в Узбекистане в годы Второй мировой войны // Молодой ученый. – 2013. – №12. <http://moluch.ru/archive/59/8352/>

дан кетиш ёки ишга кечикиб келиш 5 йилдан 8 йилгача қамоқ билан жазоланар эди.

Озиқ-овқат етишмаганлиги сабабли уруш йиллари карточка тизими жорий қилиниб, бир ишчи кунига 400 – 500 гр нон оларди. Уруш йиллари колхоз раиси бўлган отам Эргаш Элмуродов бир даҳшатли воқеани сўзлаб берганди. Зарафшоннинг ирмоғи бўлган Мирза арикка якин жойлашган колхозлардан бирида пахта даласининг паст қисмида доимий кўллаб ётадиган бир неча сотих заҳ ерда экилган чигит униб чикмаган. Оч аҳолини қандай боқиши үйлаб юрган колхоз раиси шу ерни омочлаб, шоли экиши ни буюрган. Шоли экишда ҳайдалган ерда бир неча ғўза ҳам униб чиқади. Буни кўрган бир киши юқори ташкилотга раис устидан аноним хат битади (афсуски чақимчилик ва аноним хат ҳам совет маданиятининг «ютуғи» бўлиб, қанчадан-канча бегуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлган). Отамнинг айтишича, район маркази бўлган Булунғур шаҳарчасида кечаси ўтказилган катта мажлисда ўша раис сўроқ қилиниб, шоли эктирганини тан олгандан сўнг, мажлис залининг орка томонидаги жарликка олиб чикиб отиб ташланган. Отам ўша колхоз раисини 30 – 35 ёшлардаги баланд бўйли, келишган, мард ва ҳалқарвар йигит сифатида эслаб колганди. (Афсус, бу раиснинг исми шарифи ёдимда қолмаган). Уруш даври инсоннинг хаёти, қадри ҳеч нарса турмайдиган даҳшатли замон бўлган.

Шунга қарамасдан, ҳалкимиз жуда катта матонат билан ғалабага улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистонга эвакуация қилинган ва янгидан қурилган заводларда фронт учун ўқ-дорилар, самолётлар, бронепоездлар, парашютлар ва кўплаб бошқа анжомлар ишлаб чиқарилди. Шунингдек, ўзбекистонликлар фронт учун Мудофаа фондига 650 млн рубль пул, 22 млн рубль давлат заёми облигациялари, 55 кг қимматбаҳо буюллари билан ёрдам кўрсатди. Республикамизда очилган 113 та госпиталларда минглаб ярадорлар даволанди<sup>55</sup>.

Уруш йилларининг кийинчиликларига қарамасдан Ўзбекистонда катта қурилиш ишлари амалга оширилди. 7 та электро-

<sup>55</sup> Каранг: Узбекистан в годы войны (1941 – 1945). <http://geroiuzb.narod.ru/65.htm>

станция қурилиб ишга туширилди, 1941–1943-йиллари электр энергияси ишлаб чиқариш 3,5 марта күпайди ва бу фронт учун зарур бўлган маҳсулотлар ҳажмини кескин ошириш имконини берди. Уруш йиллари Марғилон ва Фарғона шойи комбинатлари, Тошкент қишлоқ ҳўжалик машинасозлик заводи, Паровоз таъмирлаш заводи қурилди, 1942 йил кузда Бекобод металлургия заводини қуриш бошланди, Чирчик электрокимё комбинати (бу ерда фронт учун портлаткич моддалар ишлаб чиқариларди), Кўкон суперфосфат заводи ишга туширилди. Кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш уруш охирига келиб урушдан олдинги дараҷасига нисбатан 5 марта күпайди. 1943 йили республика ҳалқ ҳўжалигида саноатнинг ялпи улуши 75% гача ошди<sup>56</sup> (бу, жумладан, эвакуация килинган корхоналар хисобига). Ўзбекистонда рангли металлургия саноатига ҳам шу йиллари асос солинди, Олмалиқ мис кони ишга туширилди. Умуман, 1941–1945-йиллари Ўзбекистонда саноатнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган 280 та янги корхоналар қурилиб ишга туширилди. Фронт учун жуда кўп маҳсулотлар, масалан, 2 минг донадан зиёд самолётлар етказиб берилди.

Қишлоқ ҳўжалигида асосий стратегик экин пахта бўлиб қолди. Унинг ҳосилдорлигини ошириш, янги ерларни суғориш учун Шимолий Тошкент, Юкори Чирчик, Шимолий Фарғона ва бошка каналлар қазилди. Ҳалқимиз уруш йиллари 4 млн 806 минг тонна пахта хомашёси етказиб берди. Дехқонларимиз пахта ҳосилини камайтирмасдан, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни оширишга эришдилар. Бу ўн минглаб одамларни очлик ва ўлимдан асраб қолди.

Совет ҳалқига жуда катта кулфат олиб келган Иккинчи жаҳон уруши якунланди. Мамлакат 27 млн ҳалок бўлган совет фуқароларидан ташкари (жумладан, урушда катнашган 1 млн 430 минг 230 нафар ўзбекистонликлардан 400 мингдан ошиғи ҳалок бўлди, 130 минг киши бедарак йўқолди)<sup>57</sup> жуда катта иқтисодий зарар кўрди. 1945 йил сентябрда уруш оқибатида етказилган за-

<sup>56</sup> Каранг: Узбекистан в годы войны (1941 – 1945). <http://geroiuzb.narod.ru/65.htm>

<sup>57</sup> Каранг: Цифры потерь Красной Армии в годы советско-германской войны 1941 – 1945 гг. <http://maxpark.com/community/4375/content/2656748>

пар 679 млрд рубль деб баҳоланди, бу СССРнинг 1940 йилги ялпи миллий даромадидан 5,5 марта кўп эди.

Одамлар тинч ҳаётга қайтди. Халқаро миқёсда СССРнинг роли кескин ошганлигига, у дунёning қудратли давлатларидан бирига айланганига қарамасдан, уруш совет халқи учун жуда кимматга тушди. СССРнинг энг ривожланган ҳудудлари вайрон қилинди. Асосий ғалла етиштирувчи ҳудудлар – Украина, Шимолий Кавказ ва Волга бўйининг катта қисми уруш оловида қолди. Шунчалар кўп ҳудуд вайрон қилиндики, уларни тиклаш бир неча ўн йилларга чўзилиши мумкин эди. Деярли ҳар бир совет оиласи якин кишисидан айрилди.

Урушдан кейинги вайронгарчилик, хўжаликни тиклаш машиқатлари устига 1946 йилги курғокчилик ҳам кўшилиб, ахволни янада мураккаблаштириди, 1 млн киши очликдан вафот этди. Аммо очарчилик расман тан олинмади. Сталин қишлоқ хўжалигига, асосан, саноат ва шаҳарларни тиклаш учун манба сифатида қаради, дехқонларнинг аянчли ахволига эътибор бермади. Колхозчилар ҳамон маҳсус рухсатсиз ўз яшаш жойларини тарқ эта олмасдилар. Натижада дехқон хўжаликлари ва дехқончилик анъаналари йўқ бўлиб борди.

Шароф Рашидовнинг партия раҳбарлигига ўтказилиши унинг ижодий фаолиятига халақит бермади. У аввалгидай шеърлар ва ҳикоялар ёзишда давом этди. Аммо шу даврда унга доимий маслаҳатчи бўлган, далда бериб турган кишидан, ижоддаги устозидан айрилди. 1944 йил 3 июлда автомобиль ҳалокати туфайли атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон 35 ёшида оламдан ўтди.

Шароф Рашидовнинг бу даврдаги ижодида уруш мавзуси асосий ўрин эгаллади. У ўзи гувоҳи бўлган урушни лаънатлади, совет кишиларининг жасорати ва фидойилигини улуғлаган шеърлар ва ҳикоялар ёзди. 1945 йили унинг совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабасига бағишлиланган илк китоби – «Қаҳрим» шеърлар тўплами босилиб чиқади. Шундан сўнг Ш. Рашидов Ўзбекистон Ёзувчилар союзига аъзо бўлди.

Урушдан кейин «Маршалл режаси» бўйича АҚШдан 17 млрд доллар ёрдам олган Ғарб давлатларидан фарқли равишда СССР иқтисодиётни тўлиқ ички ресурслар ҳисобига ўз кучи билан тик-

лади. Факат Германия тұлаган репарация (4,3 млрд доллар товон пули) сезиларлық роль үйнади, бу пуллар саноатда үрнатылған ускуналар харжатининг ярмини таъминлади ва бошқа соҳаларда илмий-техник тараққиёттә турткы бўлди. Аммо бу ускуналар асосан эскирган эди.

Факат ҳалқнинг матонатли меҳнати туфайли вайрон бўлган заводлар, шаҳарлар қайта курилди, инфратузилма тикланди. Ҳалқнинг меҳнат иштиёқи чин дилдан бўлиб, улар фарзандлари учун тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш йўлида турмуш қийинчиликларига ҳам тайёр эди. Тикланиш жараёни деярли уруш даври режимида давом эттирилди.

Миллионлаб кишиларнинг фидокорона меҳнати ва ресурсларни бир максад сари йўналтириш туфайли 1948 йилга келиб ССРДа саноат ишлаб чиқариши урушдан олдинги даражасига етди.

1947–1948-йиллардаги нисбатан яхши ҳосил аҳолини озиқовқат билан таъминлашни бироз яхшилади. 1947 йилга келиб аҳолини озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашнинг карточка тизими бекор қилинди ва конфискацион пул ислоҳоти<sup>58</sup> ўтказилди. Бу тадбирлар мамлакатнинг молиявий аҳволини барқарорлаштиришга хизмат қилди, аммо аҳолининг аҳволини оғирлаштириди, чунки энди тижорат нархларида сотилаётган кўплаб товарлар улар учун кимматлик қиласарди. Натижада кўплаб товарлар сотилмасдан тўпланиб қолди ва 1947–1950-йиллар орасида улар нархи 5 марта пасайди. Нархлар пасайишининг асл сабабини билмаган ҳалк орасида бу Stalinнинг оталарча ғамхўрлиги сифатида қабул қилинди.

Урушдан тинч ишлаб чиқаришга ўтиш жараёнида мамлакат иқтисодиётининг кейинги ривожланиш йўллари, унинг структураси ва бошқариш тизими түғрисидаги масалаларини ҳал қилиш лозим бўлди. Гап факат ҳарбий ишлаб чиқаришни тинчлик даври эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш ҳақида эмас, шаклланган иқтисодий моделни сақлаб қолишининг мақсадга мувофиқлиги ҳақида эди. Бу модель 1920–1930-йил-

<sup>58</sup> Конфискацион пул ислоҳотида эски пуллар янгисига алмаштирилмайди, эскиси бекор қилиниб, янгиси жорий қилинади.

лардаги фавқулодда ҳолат шароитида шаклланган бўлиб, уруш бу «фавқулодда ҳолат»ни янада кучайтириди. Уруш йиллари мавжуд иқтисодий моделнинг кучли томонлари, хусусан, юкори сафарбарлик имкониятлари, қисқа вакт ичидаги юкори сифатли куролларни оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўя олишга, армия ва ҳарбий саноат комплексини бошқа секторлар ҳисобидан зарур ресурслар билан тўхтовсиз таъминлашга қодирлиги намоён бўлди. Шунингдек, уруш совет иқтисодиётининг самарасизлиги, кўл меҳнатининг юкори даражаси, ҳарбий бўлмаган маҳсулотларнинг сифатсизлиги каби кучсиз томонларини ҳам очиб ташлади. Гап иқтисодиётнинг ҳарбий сектори ҳаддан зиёд кенгайиб кетган, ўта марказлашган ва бозор муносабатлари тўлиқ йўқ қилинган урушдан олдинги моделига қайтиш лозимми, деган савол устида кетаётган эди.

Урушдан кейин партия ва хўжалик раҳбарлари, иқтисодчиларнинг бир қисмида иқтисодиётни бошқариш тизимини қайта куриш, корхоналарнинг ташабbusи ва мустақиллигини бўғувчи ўта марказлашган йулни сусайтиришга интилиш пайдо бўлди. Айримлар бозор муносабатларининг баъзи элементларига, ҳатто, хизмат кўрсатиш ва майда ишлаб чиқариш соҳаларида хусусий секторнинг мавжуд бўлишига расман рухсат беришни таклиф килди. Бундай таклифлар марказий давлат органларига оддий фуқаролардан ҳам келаётган эди. Иқтисодиётни бошқаришда маъмуриятчилик режимини юмшатиш тарафдорлари республикалар раҳбарлари орасида ҳам анчагина эди.

Бундай кайфиятлар уруш даврида шаклланган бўлиб, уруш барча бўғинлардаги раҳбарларни ташабbusкорликка, маълум маънода мустақил қарор қабул қилишга ўргатди. СССР Давлат план комитети (Госплан)га ва унинг бошлиғи Н.А. Вознесенскийга ҳам шу кайфият таъсир кўрсатди. Госплан томонидан тайёрланган 1945–1950-йиллари мамлакат ҳалқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш режасида корхоналар ва саноатнинг айрим соҳаларига маълум мустақилликлар берилиши кўзда тутилди.

Аммо СССР иқтисодиёти аввалбошданок уруш шароитида ишлашга йўналтирилган, урушдан олдинги йилларда қурил-

ган барча корхоналар бир вақтда ҳам ҳарбий, ҳам оммавий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мүлжалланган эди. Бу ҳолатни ўзгартириш учун қилинган барча харакатлар жаҳонда бошланиб кетган «совук уруш» шароитининг мантиқига ва И. Сталиннинг империячилик амбицияларига мос келмасди. 1940-йиллар охиридан раҳбарликнинг аввалги маъмурий-буйруқбозлик усулларини кучайтириш ҳисобига индустрисал тараққиёт суръатларини жадаллаштириш сари йўл тутилди.

Жуда катта сиёсий-маъмурий босим, енгил саноат ва қишлоқ хўжалигини талаш ҳисобига ҳамда меҳнаткаш омманинг ташаббусини мафкуравий рағбатлантириш туфайли 1946–1950-йиллари 6200 та саноат корхоналари тикланди ва қайта қурилди (таққослаш учун: 1928–1941-йиллари 9 минг корхона қурилган эди). 1950 йили саноат ишлаб чиқариши ҳажми расмий маълумотларга караганда урушдан олдинги даражасидан 73% га ошиб кетди, жумладан, оғир саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2 марта, енгил ва озиқ-овқат саноати эса бор йўғи 23% га ўси. 1946–1950-йиллари Узбекистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 89% га, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини эса 52% га ошириш режалаштирилди<sup>59</sup>. Аммо СССР бўйича қишлоқ хўжалигининг ўсиши урушдан олдинги даражасига етмади.

Узбекистонда ҳам 1947 йили давлатга пахта етаказиб бериш режаси бажарилмади. Шу йили 1 млн 500 минг тонна ёки олдинги йилга нисбатан 365 минг тонна кам пахта териб олинди. Давлат режаси 76,4% га бажарилди, холос. Бунинг сабаби, албатта, ўта нокулай келган об-ҳаво шароити билан боғлиқ эди. Шу йили апрель ойи жуда совук келди, кейин бошланиб кетган ёғингарчилик то июнь ойигача давом этди. Кўплаб худудларда чигитни икки, ҳатто уч марта қайта экишга тўғри келди. Бундан ташқари, ёқилғи маҳсулотлари танқислиги туфайли мавжуд техникадан унумли фойдаланишнинг иложи бўлмади. Аммо бу кийинчиликлар Москвада ўтирган раҳбарларни кизиктирmas, шароитдан қатъи назар, уларга пахта керак, режани бажариш керак эди. Республиkaning ўша пайтдаги раҳбари Усмон Юсу-

<sup>59</sup> Каранг: Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент. Издательство «Узбекистан». 1974. – С. 465.

пов Москвага чақирилиб, ундан тушунтириш талаб қилинди. У. Юсуповга ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. Абдурахмоновга ҳайфсан эълон қилинди. Фақат эртаси куни И. Сталиннинг шахсан аралашуви У. Юсуповни муқаррар ҳалокатдан саклаб қолади.

Шунга қарамасдан урушдан кейинги йиллар Ўзбекистон иқтисодиёти учун энг қулай йиллар хисобланади. Агар урушдан олдинги йилларда Ўзбекистонни индустрлаштиришнинг бош йўналиши уни Россиянинг Москва, Ленинград, Ғарбий Сибирь каби ривожланган саноат ҳудудлари учун хомашё базасига айлантириш бўлса, урушдан кейин бу ҳолат кескин ўзгарди. Уруш йиллари Ўзбекистонга эвакуация қилинган саноат корхоналари республиканинг индустрисал базасини тубдан ўзгартириди. Ўзбекистон ҳудудига 48 та машинасозлик, металлсозлик, кимё ва бошқа оғир саноат корхоналари, 45 та енгил саноат корхоналари кўчириб келтирилди, улар Ўзбекистон иқтисодиётининг структурасини кескин ўзгартириб юборди. Ангрен қўмир ҳавзаси, Бекобод metallurgия комбинатининг қурилиши республикага ўзининг қўмир-металлургия базасини яратиш ва ривожланаётган саноат эҳтиёжларини таъминлаш имконини берди.

Бу ютукларга қарамасдан, Москвадаги бошликлар Ўзбекистон раҳбарлари ишончни окламаяпти, деган хulosага кела бошлади. 1948 йили Ўзбекистон 1 млн 519 минг тонна, ўтган йилдагига нисбатан 19 минг тонна кўп пахта ҳосилини йигиштириб олди. Аммо, бу Москвани қаноатлантирмади. Муаммони жойида ўрганиш ва ҳал килиш учун Москвадан КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими С. Игнатьев бошчилигига бир гурӯҳ текширувчилар жўнатилди. Улар муаммони ўрганиб, Москвага ўз хulosаларини бериши лозим эди. 1940-йиллар охиридан республикаларда бўлаётган воқеалардан доимий кўз-кулок бўлиб туриш учун ВКП(б) Марказий Комитетининг Вакили лавозими ҳам жорий қилинган эди. Ўзбекистонда бу лавозимни К. Ефимов эгаллаган. Кейинчалик то совет давлати кулагунча республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи секретарлари жойларда Москванинг «қўзи ва кулоги» бўлиб қолғанди.

Айни пайтда, СССР кишлоқ хўжалигидаги ахвол ахолини озик-овқат маҳсулотлари, енгил саноатни эса хомашё билан таъ-

минлашни қийинлаштири. Совет Иттифоқи аҳолисининг озик-овқат рациони жуда чекланганига қарамасдан, ҳукумат чет элга, айниқса, социализм қуришни бошлаган Марказий ва Жануби-Шаркий Европа мамлакатлариға дон ва бошқа озик-овқат маҳсулотларини экспорт килди.

1950 йиллар бошларида Волга ва Днепр дарёларида жуда катта электр станцияларини, Қоракум чўлида ҳамда Волга ва Дон дарёлари оралиғида каналлар қуриш лойихалари илгари сурилди. Бу лойихалар жуда катта ресурсларни талаб килди ва кишлоқ хўжалигининг янада вайрон бўлишига олиб келди. Дехқонлар турли баҳоналар билан қишлоқни тарк эта бошлади. 1946–1953-йиллари жами 8 млн дехқонлар шаҳарларга кўчиб кетди.

Бундан ташқари, концентрацион лагерлар бу даврда ҳам Сталин режимининг ажралмас қисми бўлиб қолаверди. 1945–1953, йиллари лагерлар ва колониялардаги маҳбуслар сони 1,5 млн дан 2,5 млн кишига кўпайди. Бу турмаларда ётганлар ва сургун қилингандардан ташқари эди. Айрим ҳисоб-китобларга караганда, урушдан кейинги даврда қатағон қилингандар сони 5,5–6,5 млн кишига етган. 1929–1953-йиллари қатағон қилингандарнинг умумий сони охирги ҳисоб-китобларга караганда 21,5 млн кишидан зиёдни ташкил килади. Stalin даврининг характерли белгиси репрессив органлар, хусусан, Давлат хавфсизлиги комитетининг (КГБ) на партия органларига, на қонун бўйича улар фаoliyati устидан назорат ўрнатиши лозим бўлган прокуратура органларига бўйсунмаслигида, барча куч ишлатувчи тизимлардан устун туришида эди. Жамият назоратидан четда қолган ва давлатнинг бошқа барча ташкилотларидан устун турган совет типидаги бундай жазо органларини яратиш жамиятда минг-минглаб бегуноҳ қишиларнинг ноҳақ жазоланишига, давлатнинг, миллатнинг хавфсизлиги мақсадларида тузилган бундай органнинг тубанлашувига, жамиятда норозилик ҳолатларининг кучайишига олиб келади. Бундай ташкилотлар жамиятдан бегоналашиб боради, уни қўрқитувчи террорчи кучга айланиб қолади. Stalin ўлимидан кейин айрим Осиё, Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларида ҳамда СССР тарқалиб кетгандан сўнг баъзи собиқ Совет республикаларида автаритар режимларнинг таянчига ай-

ланган ва жамият назоратидан четда колган хавфсизлик органлари фаолияти бу фикрнинг түғрилигини исботлади.

Самарканд область партия комитетининг секретари лавозимида фаолият юритаётган Шароф Рашидов факат областда эмас, республикада олиб борилаётган катта курилиш ишларида фаол иштирок этди. У Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришда, Фарҳод ГЭСини куришда иштирок этаётган самаркандликлар каторида бўлди. Унинг фаол раҳбарлиги ва ишда жонкуярлиги Усмон Юсуповнинг эътиборини ўзига тортди.

1947 йили Шароф Рашидов Ўзбекистон Коммунистик партиясининг марказий органи «Қизил Ўзбекистон» (1964 йилдан «Совет Ўзбекистони», ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига бош муҳаррир этиб тайинланди. Айтишларича, Ш. Рашидовдан оддин ҳам, ундан кейин ҳам бу газетага ҳеч ким ўттиз ёшида бош муҳаррир бўлмаган.

Шароф Рашидов турмуш ўртоғи Хурсанд Ғафуровна ва икки фарзанди: қизи Сайёра, ўғли Илҳом билан (кейинчалик яна икки қизи туғилади) Тошкентга кўчиб келди.

Шу йили Ш. Рашидов кейинги партиявий фаолияти учун яна битта замин тайёрлади: у ВКП(б) МК ҳузуридаги Олий партия мактабига сиртдан ўқишга кирди.

Айнан «Қизил Ўзбекистон» газетасига бош муҳаррирлик қилган йиллари Шароф Рашидов ўзининг дастлабки йирик прозаик асари – «Ғолиблар» қиссаси устида ишлашни бошлайди. Қисса ўзбек халқининг қўриқ ерларни ўзлаштириш учун курашига бағишланган. Бу асар ўз даври учун жуда долзарб бўлган муаммони – республикада сугориш тизимини тубдан ўзгартиришни, бу йўлда таваккал қиласдан, ҳаммасини ўз жойида қолдиришни истаган айrim раҳбар ходимлар билан ёш новаторлар ўртасидаги курашни тасвирлашга бағишланган. Ўзи қишлоқда, дехқон оиласида туғилиб ўсан Ш. Рашидов республика қишлоқ хўжалигидаги ахволни, ютуклар ва муаммоларни жуда яхши биларди, шу сабабли ўзининг дастлабки асарини айнан қишлоқ хўжалиги муаммоларига бағишлиди. Асарнинг бош қаҳрамонлари – Олтинсой қишлоқ советининг ёш раиси Ойқиз Умрзокова ва уни севиб қолган комсомол ташкилоти етакчиси Олимжон қишлоқдаги

ҳаётни кескин ўзгартириш учун курашувчи ёшлардир. Уларга маҳаллий колхоз раиси Қодиров қарши чиқади. Аслида «ишлаб чиқариш жараёнида эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш» ўша давр совет адабиёти учун типик мавзу эди. Аммо Шароф Рашидов ўзбек адабиётида бу мавзуни шундай долзарб қилиб кўтариб чиқкан дастлабки ёзувчилар қаторидан ўрин эгаллади. «Голиблар» киссаси 1951 йили босилиб чиқди.

Шу даврда Ш. Рашидов публицист сифатида ҳам кўзга ташланади. Унинг республика, иттифоқ ва халқаро мавзуларга бағишлиган маколалари бирин-кетин республика ва марказий матбуотда чиқа бошлайди. Москва зиёлиларининг анча обрули вакиллари билан танишади. Шулардан бири СССР Ёзувчилар союзининг бош секретари, Жаҳон Тинчлик кенгашининг президенти таникли совет ёзувчиси Александр Фадеев эди.

1940-йилларнинг охирида халқаро муносабатларда «совук уруш» авжига чиқкан бир пайтда И. Сталин мамлакат ичкарисида мафкуравий курашни янада кучайтириш, Farb мафкурасининг таъсирига мойил бўлган интеллигенция вакилларини жазолашни мақсад қилиб, қатағонларнинг янги босқичини бошлайди. Бу тарихда космополитизмга қарши кураш номини олган. Бу кураш у ёки бу маънода кўзга кўринган зиёлиларнинг барчасини ўз домига тортди. Жумладан, А. Фадеев ва Ш. Рашидов ҳам бу курашдан четда колмади.

1948 йили театр танқидчиларининг Москвада бўлган конференциясида бир гуруҳ интеллигенция вакиллари ҳукуматга яқин бўлган ёзувчилар, жумладан, А. Фадеев, Н. Сафонов, А. Сурковлар фаолиятини кескин танқид қилиб чиқди. Бу Ўзбекистондаги муҳитга ҳам таъсир қилмасдан колмади. 1949 йил мартда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг X съездида Ш. Рашидовни «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бош муҳаррири вазифасидан озод қилиш масаласи кўтарилди. Факат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлган Усмон Юсуповнинг Ш. Рашидовга нисбатан ижобий муносабати муаммони тўғри ҳал қилиш имконини берди.

Космополитизмга қарши кураш пайтида Ш. Рашидовнинг тўғри позицияни эгаллаганлиги, А. Фадеев билан бўлган яхши муносабатидан воз кечмаганлиги унинг кейинги тақдирига ўз

таъсирини кўрсатди. А. Фадеевнинг қўллаб-кувватлаши туфайли Шароф Рашидов 1949 йили Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раиси этиб сайланди. Бу лавозим ёзувчиликда, журналистиккада анча танилиб қолган Ш. Рашидовнинг факат раҳбарлик эмас, ёзувчилик фаолияти учун ҳам жуда мухим тажриба бўлди. 32 ёшли Ш. Рашидов бу лавозимда Ғафур Ғулом ва Ойбек сингари академик ёзувчиларга раҳбарлик қилди, таникли ёзувчи Шукруллонинг эслашича, муҳит анча мураккаб бўлган ёзувчилар союзини маҳорат билан бошқара олди. Шу йили Москвада бўлган Тинчлик тарафдорларининг Биринчи Бутуниттифоқ конференциясида қатнашиш учун Ўзбекистон делегациясига бош бўлиб келган Ш. Рашидов шарафига сўз айтган А. Фадеев: «Мен партия ходими, иқтидорли сўз санъаткори, ўз дўстим Рашидов билан фахрланаман», деди. Шу куни А. Фадеев ва СССР Ёзувчилар союзидаги унинг муовини, таникли шоир Константин Симонов меҳмонхонада Ш. Рашидов турган хонага келиб, учаласи эрталабгача сухбат қуради. Бу сухбат чоғида А. Фадеев Ш. Рашидовга қаратиб, кейинчалик башоратдай туюлган бир гапни айтади: «Биламан, сени катта партия ва давлат фаолияти кутмокда, аммо туғишган акангдай сенга берадиган маслаҳатим – ижодни ҳеч қачон тұхтатма».

1946 йили И. Сталин Үрта Осиё республикаларида раҳбарларни алмаштириш жараёнини ўтказди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистоннинг раҳбар элитаси алмаштирилди. У У. Юсуповга яхши муносабатда бўлганлиги учун Ўзбекистон раҳбарларини алмаштиrmади. Аммо 1950 йили Ўзбекистонга ҳам навбат келди. У. Юсупов бошқа республикалар раҳбарларидан фарқли равишда Москвага ишга ўтказилди ва СССР пахтачилик министри этиб тайинланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига республика Олий Совети Президиумининг Раиси бўлиб ишлаётган Амин Ниёзов сайланди. 1938 йилдан бери Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси лавозимини эгаллаб турган А. Абдураҳмонов ўрнига А. Мавлонов тайинланди. Москванинг кўзи ва қулоғи бўлган Марказий Комитетнинг иккинчи секретари К. Ефимов ўрнини Р. Мельников эгаллади. Москванинг Ўзбекистондаги вакили бўлган С. Игнатьев ҳам ўз вазифасини бажариб бўлди,

деб Москвага чақириб олинди. У бир йилдан сўнг СССР Давлат хавфсизлиги министри этиб тайинланди.

1950 йил апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида сўзга чиккан У. Юсупов Ш. Рашидовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси этиб сайлашни таклиф килди ва унинг номзодини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раислигига кўрсатди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг 21 августда бўлиб ўтган сессияси Шароф Рашидовни Олий Совет Президиумининг Раиси лавозимига тасдиқлади. Шу кундан Ш. Рашидовнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолияти бошланди.

Ш. Рашидовнинг республика раҳбар элитаси таркибида кириб олиши осон кечмади. Уни юкори лавозимга тавсия қилган У. Юсупов Москвага жўнаб кетгандан сўнг Ш. Рашидовни ишдан олиш учун бир неча ҳаракатлар бўлди. Республика Олий Совети Президиумининг Раиси анча рамзий лавозим бўлишига қарамасдан, Ўзбекистоннинг айrim раҳбарлари бу лавозим Ш. Рашидовга ҳалқ орасида обру орттириш ва айникса, Москвадаги раҳбарлар олдида ўз иқтидорини намоён килиш учун имконият беради деб ҳисоблаб, уни четлатишга ҳаракат қилди. 1951 йили бунга деярли эришган ҳам эдилар.

Шу йил бошида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг навбатдаги йиғилишида республикада коммунистик мафкуранинг ҳолати масаласи кўриб чикилди. Бу борада олиб борилаётган ишлар қониқарсиз деб топилиб, Марказий Комитетнинг мафкура бўйича секретари ишдан олинди. Бюро аъзолари бу лавозимга Ш. Рашидовни тайинлашга қарор қилди. Олий Совет Президиуми Раислигига таникли олим академик Т.А. Саримсоқов номзоди кўрсатилди. Аммо бу ишни Москвада маъқуллашмаган шекилли, олти ой ўтгандан сўнг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси ўз қарорини бекор килишга мажбур бўлди. Ш. Рашидов ўз лавозимида қолди.

Шу даврда маънавий ҳаётнинг ҳам барча жабҳалари устидан назорат кучайтирилди. Бирин-кетин шов-шувли ташвиқот кампаниялари авж олиб, факат Фарб мафкурасининг таъсири эмас, ҳар қандай ўзига хослик, тафаккур ва ижоддаги мустақиллик қаттиқ танқид остига олинди. Ёзувчи М. Зошченко, шоира А. Ахматов

ва, композиторлар Д. Шостакович, Ю. Шапорин, С. Прокофьев, кинорежиссёр С. Эйзенштейн ва бошқа кўзга кўринган маданият арбоблари кувғинга учради. Шу даврда Ўрта Осиё республикаларида миллатчиликка қарши кураш кампанияси бошланниб, Ўзбекистонда ҳам Ойбек, А. Қаххор, Х. Фулом, Миртемир, М. Бобоев сингари ёзувчи ва композиторлар таъкибга учради. М. Шайхзода, Шукрулло, М. Юсупов, Ф. Алимов (Шухрат), Мирзакалон Исмоилий, олим Ҳамид Сулаймонов ва бошқа бир қатор ёзувчи ва шоирлар суд қилиниб, узок муддатли камок жазосига ҳукм қилинди. Яна 60 га якин олим, ёзувчи ва маданият ходимлари миллатчиликда айбланиб, жиноий жазога тортилди.

Урушдан кейинги йиллари авжига чиккан террорни таърифлаб, ўзи ҳам Сталин даври лагерларида бўлган ёзувчи В. Шаламов: «Замонавий тарихдан эслаш лозим бўлмаган воқеаларни эслаб қолган барча қамаларди», – деб ёзади. Факат И. Сталиннинг ўлими даҳшатли оммавий террорга чек кўйди.

И. Сталин 1953 йил 5 март куни вафот этди. Ҳокимиятни бошқа шахсга ўтказишнинг легитим йули бўлмаганлиги сабабли уни эгаллаш учун кураш авж олди. Расман жамият тараққиётининг етакчи кучи бўлган Коммунистик партия Сталин даврида бошқа ижро, аввало, репрессив органлар томонидан четга сурib қўйилди, реал ҳокимият эса у ёки бу сиёсий институтларда эмас, Сталин кўлида тўпланди. Натижада, ҳокимиятга даъвогарлар ўртасидаги кучлар нисбати уларнинг юкори лавозими билан эмас, марҳум диктаторга яқинлиги, партия-давлат ва ҳарбий элита орасидаги шахсий алокалари билан белгиланди. 200 миллионли халқнинг тақдирни унинг номидан мамлакатни бошқарувчи бир гурух шахслар томонидан ҳал қилинди.

Сталин ўлимидан сўнг ҳокимиятга расман коллектив раҳбарият – Г.М. Маленков, В.М. Молотов, Л.П. Берия, Н.С. Хрущёв, М.М. Каганович, А.И. Микоян, Н.А. Булганин, К.Е. Ворошиловдан иборат диктаторнинг энг яқин сафдошлари келди. Аммо вужудга келган кучлар нисбатига кўра ҳокимият учун асосий кураш Сталин атрофига 1930-йиллари қўшилган «ёш» авлод ўртасида борди. Бу кураш давомида уч нафар асосий даъвогарлар – Маленков, Берия, Хрущёв ажралиб чиқди. Қизиги шундаки, «коллектив раҳбарият»нинг ҳар бир аъзоси давлат сиёсатига

қандайдир ўзгаришлар киритиш таклифи билан чиқса-да, энг кес-кин ислохотчилик кайфиятидаги шахслар мана шу учаласи эди. Улар ўртасидаги ҳокимият учун кураш, айни пайтда, жамиятдаги ўзгаришлар йўналишини танлаш учун ҳам кураш бўлди.

Бу курашда Н. Хрушчёвни етарлича баҳоламаган Л. Берия мамлакат ичкарисида ва чет элларда ўз мавкеини мустаҳкамлаш учун бир қатор ислохотларнинг ташаббускори бўлди. У И. Стalinнинг охирги қатағонларидан бири бўлган «врачлар иши» деб аталган фитнани тўхтатди, бу иш бўйича барча камалганларни озод қилди, шунингдек, мамлакатда амнистия ўтказиб, ўн минг-лаб камоқдагиларни (жумладан, ҳақиқий жиноятчиларни ҳам) озодликка чиқарди. 1953 йил апрелда Л. Берия яна бир ислохотни бошлади: иттифоқдош республикалар раҳбарларига хат жўнатиб, миллий кадрлар факат ўзлари туғилиб ўсган жойда ишлаши лозимлиги масаласини кўриб чиқиши таклиф қилди. Бу таклиф Ўзбекистонда муҳокама килинган пайтда республика Министрлар Советининг Раиси бўлиб ишлаётган Н. Мухитдинов бунга қарши чиқди. Албатта, совет жамиятида кенг қулоч ёйган чақимчилик бу ерда ҳам ўзини кўрсатди: Л. Берияга дарров етказиши. Л. Берия Ўзбекистон раҳбарияти олдига Н. Мухитдиновни лавозимидан озод қилиш масаласини қўйди. И. Stalin ўлгандан сўнг СССР Пахтачилик министрлиги бекор килинганилиги сабабли бўш колган У. Юсупов яна Ўзбекистонга қайтиб, республика Министрлар Совети Раиси лавозимини эгаллади. Н. Мухитдинов эса Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министри этиб тайинланди.

Аммо Москвада ҳокимият учун кечган курашда Н.С. Хрушчёв ғолиб чиқди. 1953 йил 26 июнда Н. Хрушчёв ва унинг тарафдорлари ҳарбийларнинг (Г. Жуков ва бошқалар) қўллаб-куватлаши билан Кремлдаги йиғилиш пайтида Л. Берияни қамоққа олди. 1953 йили СССР Давлат Хавфсизлиги министрлиги билан Ички ишлар министрлиги (НКВД) қўшилди, улар ходимлари 12% га қисқартирилди, Ички ишлар министрлигига катта тозалаш ўтказилди. Бу министрликларнинг бир гурӯҳ раҳбарлари ҳам камоққа олиниб, 1953 йил декабрда суд қарорига кўра отиб ташланди. Шунингдек, 1342 нафар собик ходимлар судга тортилиб, турли муддатларга камоқ жазосига хукм қилинди. 2370 нафар

ходим маъмурий жазога тортилди. 1954 йили алоҳида Давлат хавфисзлик комитети (КГБ) ташкил қилинди. СССР Ички ишлар министрлиги хузуридаги Махсус судлар бекор қилинди. Бу судлар мавжуд бўлган 1934 – 1953-йиллари улар томонидан 10 минг 101 киши ўлим жазосига хукм қилинган эди<sup>60</sup>.

1953 йил октябрда КПСС МКниг Биринчи секретари этиб сайланган Н. Хрушчёв Сталин даври раҳбар кадрларини биринкетин ишдан олишни мўлжаллади. Аммо ҳали Н. Хрушчёвнинг якка ҳокимияти ўрнатилмаган бўлиб, у Л. Берияга қарши курашдаги шериклари билан ҳокимиятни бўлишишга мажбур эди.

1953 йил августда Г. Маленков СССР Олий Советининг сесиясида нутқ сўзлаб, янги иқтисодий курснинг мазмунини таърифлаб берди. Курс совет давлати тарихида биринчи марта енгил саноатнинг, ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг устуворлигини белгилади. Ижтимоий йўналтирилган иқтисод ҳалқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг кўпайишида, уйжойлар курилишида, маошларнинг ошишида жуда тез намоён бўлди.

Янги иқтисодий дастурнинг бошқа бир банди озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш, қишлоқ хўжалигини узок давом этган инқироз ҳолатидан олиб чиқишига қаратилган эди. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги солиғини пасайтириш (1954 йили 2,5 марта), боқиманда қарзлардан воз кечиш, колхозчиларнинг томорқаларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат харид нархларини ва колхоз бозори имкониятларини ошириш, шунингдек, қишлоқка техника етказиб бериш учун капитал маблағларни кўпайтириш кўзда тутилди. Қозоғистон, Сибирь ва Волга бўйидаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш фалла етиштиришни тез кўпайтиришнинг муҳим омили сифатида каралди. Натижада 1954 – 1958-йиллари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши 8% ни ташкил қилди. 1953 – 1958-йиллари колхозларнинг пул даромадлари 3 мартадан кўпроқка ўсади.

<sup>60</sup> Каранг: С.Г. Кара-Мурза. «Советская цивилизация» (том II). От великой победы до наших дней. [http://www.kara-murza.ru/books/sc\\_b/sc\\_b\\_content.htm](http://www.kara-murza.ru/books/sc_b/sc_b_content.htm) – С. 47.

Бу курс ижтимоий-иктисодий таъсирдан ташқари катта сиёсий шов-шувга ҳам эга бўлди. Г. Маленковнинг нутки босилган газеталарни энг чекка қишлоқдаги камбағал дехқонгача ўқиб, «мана бу биз учун», деган хуносага келишди.

Аммо ҳокимият масаласи коммунистик партия раҳбарларининг тор доирасида ҳал қилинди. 1953 йил сентябрда Н. Хрушчёв КПСС МК Биринчи секретари лавозимини эгаллади. Г. Маленковнинг 1954 йил мартдаги нуткида: «Совет ҳукумати ҳалқаро кескинликни янада юмшатиш, мустаҳкам ва узок муддатли тинчлик тарафдори, қатъий равишда «совук уруш» сиёсатига қарши, зотан бу сиёсат янги жаҳон урушини келтириб чиқаради, замонавий куроллар мавжудлигини инобатга олсан, бу уруш жаҳон цивилизациясининг ҳалокатига олиб келади», деган сўзлари бюрократик аппаратни ва совет жамоатчилигининг катта қисмини ҳайратга солди. Чунки аҳолининг бу қисми мафкуравий дормалар таъсири остида оламга социализм билан капитализм ўртасидаги кескин кураш тарзида қарар ва унинг якунини социализмнинг ҳарбий ғалабасисиз тасаввур қила олмасди.

Г. Маленковнинг шусиз ҳам омонат бўлган мавқеи кескин ёмонлашди. У КПСС МКнинг 1955 йил январь Пленумида Н. Хрушчёв томонидан каттиқ танқидга учради. Февраль ойида Г. Маленков истеъфога чиқарилиб, унинг ўрнига СССР Министрлар Советининг Раиси қилиб Н.А. Булганин сайланди.

Ислоҳотчи Г. Маленковнинг фожиаси энг аввало унинг ҳокимият учун курашдаги хатосида эди. Унинг сиёсатида стратегик мазмун, энг асосийси – ишончли таянч етишмади. Шунга қарамасдан, Г. Маленковнинг айрим ғоялари ўз давридан бир неча ўн йиллар илгарилаб кетган эди. Унинг ҳаракатлари туфайли 1950-йиллар ўрталаридан иктисод инсон эҳтиёжлари томон бурилди, кишлок хўжалиги жадал ривожланди, ҳалқаро муносабатлар илиқлашди.

Жамиятни либераллаштириш, Сталинни фош қилишда Г. Маленковдан анча илгарилаб кетган Н. Хрушчёв (кўп жиҳатдан ҳокимият учун кураш таъсири остида) ўзининг кескин ҳаракатларига қарамасдан, Г. Маленковнинг ижтимоий-иктисодий соҳадаги муҳим ташаббусларини давом эттира олмади.

1956 йил 25 февралда КПСС XX съездининг охирги куни кўпчилик иштирокчилар учун кутилмаганда Н. Хрушчёв «Шахсга сигиниш ва унинг оқибатлари тўғрисида» нутқ билан чиқди. Бу нутқда Stalin ҳақида ҳақиқатнинг бир қисми бўлса-да айтилиши, улар янгилик ёки аллақачон тикланиши лозим бўлган адолат бўлишидан катъи назар, замондошларини чукур ҳаяжонга солди. Ёзувчи И. Эренбургнинг эслашича, нутқ давомида бир қанча дегелатлар хушидан кетиб йиқилган. Чунки бу гапларни қатағон килиниб, қамоқдан қайтган киши ўз дўстлари даврасида айтаётган эди. Умуман, Н. Хрушчёвнинг КПСС XX съездидаги нутки ўзининг барча камчиликларига қарамасдан, совет тоталитар давлатининг ҳарактерини, Stalin ва унинг шериллари амалга оширган жиноятлар кўламини англаш жараёнини бошлаб берди. Жамиятда ўта очиқ бўлмаса-да, бу муаммолар кенг миқёсда муҳокама қилина бошланди. Айни пайтда, XX съезд халқаро коммунистик ҳаракатнинг инқирозини бошлаб берди ва социалистик тузум охиригача бу инқироздан чиқа олмади.

1953 йили Л. Бериянинг таклифи билан Ўзбекистон ССР ҳукуматига раҳбар бўлган У. Юсуповни Н. Хрушчёв унчалик ёқтирилди эди. Биринчидан, Н. Хрушчёв 1956 йилгача Қозогистон, Тожикистон ва Туркманистонда Stalin даври раҳбарларини алмаштириб бўлганди. У У. Юсуповни ҳам И. Stalinнинг арзандаси деб хисобларди. Иккинчидан, Ўзбекистон иктисадиётини ривожлантиришга Н. Хрушчёв ва У. Юсуповнинг қарашлари мос тушмасди. Гап шундаки, Н. Хрушчёв жуда ҳиссиётга берилувчан киши бўлиб, қўшни Тожикистонда бошланган пахтани квадрат уялаб экиш ва кўндаланг ишлов бериш тажрибасидан руҳланиб кетади ҳамда Ўзбекистонда ҳам шундай қилишни буюради. У. Юсупов эса бу усульнинг маъқул эмаслигини тушунтиришга ҳаракат киласди. Ҳаёт, тажриба кейинчалик У. Юсуповнинг ҳақлигини исботлади, аммо 1954 йил декабрда у ишдан олиниб, Мирзачўлдаги қолоқ 4-Боёвут совхозига директор қилиб жўнатилди.

У. Юсупов ўрнига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб яна Н. Мухитдинов тайинланди. Даастлаб

Н. Мухитдинов Н. Хрушчёвга маъқул бўлган раҳбарлардан бири эди. Шу сабабли орадан бир йил ўтиб, 1955 йил декабрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини беш йилдан бери бошқариб келаётган А.И. Ниёзов ўрнига Н. Мухитдинов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайданди. Бююода Москва билан келишилган Н. Мухитдинов номзодини Ш. Рашидов таклиф килди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси лавозимига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги бўйича секретари бўлиб ишлаган С. Камолов тайинланди.

Шундан сўнг Ўзбекистонда пахтани квадрат уялаб экишга ўтилди. Бундай экиш усули 1960 йилгача кенгайиб борди ва шу или квадрат уялаб экилган майдонлар умумий пахта майдонларининг 88% ини ташкил қилди. Аммо 1961 йилдан бундай усулда экилган майдонлар қисқариб борди. Тажриба бу усулнинг ёввойи ўтларга қарши курашда, нотекис майдонларга ишлов беришда самарасизлигини кўрсатди. Илмий жиҳатдан яхши асосланмаган бу усулнинг Ўзбекистон пахтачилигига жорий қилиниши мамлакат ҳалқ хўжалигига раҳбарлик қилишда субъективизм ва валютализмининг кўринишларидан бири эди.

1956 йил 26–28 январь кунлари Ўзбекистон Компартиясининг XIII съездиде бўлиб, унда бешинчи беш йиллик (1950–1955-йиллар) якунлари кўриб чиқилди. Съездда Ўзбекистон саноати жадал ривожланаётгани таъкидланди. Беш йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 62% га ўсганлиги айтилди. Шу даврда Самарқанд суперфосфат заводи, Олтинтопган кўроғини руҳ комбинатининг биринчи навбати ва бойитиш фабрикаси, Тошкент чинни ва Чирчик шиша заводлари, учта ёғ заводлари, луб заводи ва бошқа корхоналар ишга туширилди. Фаолият юритаётган кўплаб корхоналар реконструкция қилинди, уларнинг ускуналари янгиланди. Қуйибўзсув, Шаҳрихон, Шайхонтохур, иккита Наманган электростанциялари ток бера бошлади. Хушров, Қайраккум гидроэлектростанциялари, Ангрен иссиклиқ электр станциясида ишлаб чиқариш синовлари бошланди. Оқковоқсој, Комсомол, Товоқсој гидроэлектростанциялари, Тошкент иссик-

лик электр станцияси ва яна бир катор электростанцияларда янги қувватлар ишга туширилди. Натижада электр энергияси ишлаб чиқариш 1950 йили 2682 млн кв/соат бўлса, 1955 йили бу кўрсаткич 3880 млн кв/соатни ташкил килди. Беш йиллик охирига келиб Ўзбекистонда Туркия, Афғонистон, Покистон ва Эронда ишлаб чиқарилган жами электр энергиясига нисбатан анча кўп, ёки Биринчи жаҳон урушидан олдин бутун чор Россиясидагидан икки марта кўп электр энергияси ишлаб чиқарилди<sup>61</sup>.

Шу даврда совет жамиятидаги ижтимоий-сиёсий муносабатларда ҳам катта ўзгаришлар бошланди. Сталин шахсига сифиниш мамлакатда мавжуд режимнинг устуни саналиб, унинг барбод бўлиши сиёсий муносабатлар тизимининг ўзгартирилишини талаб қиласади. Диктаторнинг ўлимидан сўнг давлат бошқаруви тизимини децентрализациялаш, омманинг фаоллигини рағбатлантириш, баъзи бошқарув функцияларига уларни жалб қилиш учун йўл очилди. 1957 йил январда маҳаллий советлар ваколатларини кенгайтириш ва уларнинг моддий-молиявий аҳволини яхшилаш, бюрократия ҳолларини енгид ўтиш ва кенгашлар ишга оммани жалб қилиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Маҳаллий советларга номзодларни муҳокама қилишда демократизм элементларига йўл қўйилди. 1957 йил марта маҳаллий советларга ва 1958 йили СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловларда бир ўринга битта номзод тартиби сакланиб қолган бўлса-да, номзодларни меҳнат жамоаларида муҳокама қилишга йўл қўйилиши бюроқратиянинг ўзбошимчалигини бироз чеклади. Бу тадбирлар Н. Хрушчёв бошчилигидаги партия раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ўзгаришларнинг ижтимоий таянчи сифатида каралди. Аммо кенгашларнинг сиёсий тизимдаги ўрни амалда ўзгармасдан қолди. Улар аввалгидек ҳеч қандай хокимиятга эга эмасди. Худди шу сабабларга кўра, Ш. Рашидов эгаллаб турган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозими ҳам соғ рамзий мансаб бўлиб, асосан, расмиятчилик маросимларини бажарар эди.

<sup>61</sup> Каранг: Очерки истории коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент, «Узбекистан», 1974. – С. 523 ёки <http://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/113/685.htm>

КПСС XX съездидан кейин Сталин даврида қатағон қилингандарни оқлаш жараёни нафакат оммавий тус олди, балки бутун бошли халқлар ҳуқуқларининг ҳам тикланишига олиб келди. 1957 йил февралда болқорлар, чеченлар, ингушлар, қалмиқлар ва корачойларнинг уруш йиллари тугатилган автономиялари тикланди. РСФСР таркибида Чечен-Ингуш Автоном Совет Социалистик республикаси, Қалмиқ АССР (1957 йили автоном область, 1958 йили автоном республика) тузилди. Кабарда АССР – Кабарда-Болқор АССР деб, Черкас автоном области – Корачой-Черкас автоном области деб қайта тузилди. Аммо Сталин даврида жабр кўрган Волгабўйи немислари, қрим-татарлари ва месхети турклари оқланмади, уларнинг ҳуқуқлари тикланмади. Крим-татарлар ва месхети туркларнинг катта қисми Ўзбекистонда яшаб келаётган эди.

Иттифоқдош республикаларнинг ваколатлари ҳам бироз кенгайди. Илгари иттифоқ вазирликлари ихтиёрида бўлган кўплаб корхоналар республикалар вазирликлари ихтиёрига ўtkазилди. Иттифоқ миқёсидаги вазирликлар сони 30 тадан 23 тага (1957 йили) камайтирилди. 1957–1958-йиллари иттифоқдош республикаларнинг қонунчилик, ички ҳудудий-маъмурий тузилиш ва бошқа шу каби масалалардаги ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Шу тариқа, 1950 йиллар ўрталарига келиб мамлакатда мавжуд тоталитар тизим бир қадар либераллаштирилди. Аммо бу харакатлар утиш даврига хос характерга эга эди. Шунга қарамасдан, либераллаштириш сиёсати ва Н. Хрущёвнинг Сталин жиноятларини фош қилишдаги қатъий харакатлари унинг обрўсини ошириди ва раҳбариятда унга қарши мухолифат – антипартиявий гурухнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу гурухнинг асосини Г. Маленков, В. Молотов, Л. Каганович ташкил қилиб, бошқа бир катор раҳбарлар ҳам уларга хайриҳохлик билдириди. 1957 йил 18 июнда бўлиб ўтган КПСС МК Президиуми йиғилишида Г. Маленков ва В. Молотов кутилмаганда Н. Хрущёвни КПСС МК Биринчи секретари лавозимидан озод қилиш масаласини қўйди. Президиум Н. Хрущёвни лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо Н. Хрущёв бу қарорга бўйсунишдан қатъий бош тортиб, МК Пленуми чакирилишини талаб

килди. 1957 йил 22–29 июнь кунлари бўлиб ўтган КПСС МК Пленуми Н. Хрушчёвни ўз лавозимида колдириб, антипартияйи гурух фаолиятини қоралади. Гурух аъзолари МК аъзолигидан ва лавозимларидан озод килинди. Шундан сўнг Stalin даврида сиёсий қатағонлар курбони бўлган кишиларни оклаш жараёни тезлашди. 1954 – 1961 йиллари жами 737182 киши окланди<sup>62</sup>.

1958 йил марта Н. Хрушчёв КПСС МК Биринчи секретари лавозимига СССР Министрлар Советининг Раиси лавозимини ҳам қўшиб олди. Шу тариқа муҳолифатни йўқ қилган Н. Хрушчёв мамлакатда ягона лидерга айланди. И. Stalin ўлимидан сўнг бошланган ва эмоционал-танқидий характерга эга бўлган мамлакат ҳаётини демократизациялаш жараёни ҳам вақтинча тўхтатилди.

1959 йили бўлиб ўтган КПСС нинг XXI съезди СССРда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозонганлигини таъкидлади. Бундан бўён СССРда кенг микёсда коммунизм қуриш жараёни бошланганлиги эълон килинди. 1961 йили КПСС нинг XXII съезди партияning янги, учинчи дастури – Коммунизм қуриш дастурини қабул қилди. Бу дастурда 1980 йилга келиб коммунизмнинг моддий-техник базасини яратиш вазифаси илгари сурилди. Бунинг учун аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича етакчи капиталистик мамлакатларни қувиб ўтиш, моддий ва маданий неъматларнинг мўл-кўлчилигига эришиш, оғир жисмоний меҳнатни бартараф қилиш каби вазифалар кўйилди. Дастурда аҳоли фаровонлигини кескин ошириш ва жамиятни кенг демократизациялаш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. СССРда пролетариат диктатураси давлати ўсиб, умумхалқ давлатига айланганлиги, давлат бошқаруви аста-секин жамоат бошқаруви билан алманиниши тўғрисида хулоса килинди.

Дастурдаги максадларнинг бир қисми хомхаёллигига қарамасдан, у жамиятда ижобий қарши олинди. Бу максадларнинг улканлиги, юқори яшаш дарражасига эришишга қаратилганлиги, демократизациялаш – буларнинг барчаси Stalin обрўсизлантирилгандан кейин «порлок келажак»ка омма орасида сўнган ишончни бироз бўлса-да тиклади, кишиларда қандайдир тариф

<sup>62</sup> Қаранг: Правительственный вестник. 1990, № 7, – С. 11.

хий, оламшумул воқеаларга дахлдорлик ҳисси пайдо бўлди. Булар омманинг ғайрат-шижоати ва ташаббускорлигини авж олдирди. 1954 йили дунёда биринчи атом электростанциясининг ишга туширилиши, 1957 йили Ернинг сунъий йўлдоши учирилиши, 1961 йил 12 апрелда дунёда биринчи космонавт Ю. Гагариннинг космосга парвози одамларни каттиқ руҳлантириб юборди ва совет халқи улдалай олмайдиган вазифа йўклигига ишонтирди.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг ҳаддан зиёд марказлашуви иктисодий ривожланиш учун асосий тўсик эканлиги маълум бўлиб, уни ҳал қилиш И. Сталин вафотидан кейинги дастлабки йилларда раҳбарият олдида турган биринчи вазифага айланди. 1954 йили ишчи ва хизматчиларнинг умумий сони 44,8 млн киши бўлгани ҳолда, маъмурий-бошқарув соҳаси 6,5 млн кишини ташкил қиласиди. Шу сабабли биринчи зарба бюрократияга карши қаратилди. Саноат бошқарувини маҳаллий органларга бериш (децентрализация) жараёни бошланди. Кўплаб корхоналар республикалар ихтиёрига ўтказилди, марказда 200 дан кўп бошқарма, 4,5 минг идора ва ташкилотлар, 46 та вазирликлар ихтиёридаги 4 мингдан зиёд кичик бошқарув тизимлари қискартирилди. Статистика ҳисоботлари деярли уч марта камайтирилди. Бошқарув аппаратини тартибга солишдан ҳар йили 5 млрд рубль маблағ иктисол қилинди<sup>63</sup>.

КПСС XX съезди илмий-техник тараққиётнинг роли ошиб боришига алоҳида эътибор қаратди. Космосни узлаштириш, халқ хўжалигини кимёлаштириш ва бошланган илмий-техник инқилобнинг бошқа йўналишлари йирик давлат дастурлари билан мустаҳкамланди. Фан ва техника ютукларини, янги технологияларни жорий қилиш ишига раҳбарлик қилиш учун Янги техникалар бўйича давлат комитети ташкил қилинди.

1957 йили иктисодиётни бошқариш тизимини қайта куриш бошланиб, соҳалар бўйича бўлинишдан худудий принципга ўтилди. Буни амалга ошириш жараёнида ҳар бир иктисодий районда Халқ хўжалик кенгашлари ташкил қилинди. РСФСРда – 70 та, Украина – 11 та, Қозоғистонда – 9 та, Узбекистонда –

<sup>63</sup> Горинов М.М., Горский А.А., Данилов А.А. и др. История России с древнейших времен до начало XXI века. – М., «Дрофа», 2005. – С. 543.

4 та ва қолган республикаларда биттадан, жами 105 та шундай кенгашлар тузилди. 141 та умумиттифок ва иттифок-республика вазирликлари тугатилди. Халқ хұжалик кенгашлари СССРда 1917–1932-йиллари ва 1957–1965-йиллари мавжуд булиб, унда ишлаб чиқариши соғавий бошқаришдан (масалан, Оғир саноат вазирлиги, Қишлоқ хұжалик вазирлиги ва х.к.) худудий бошқаришга ўтиш максад қилинганды.

Аслида шу даврда ўтказилган ислоҳотлар бутун саноатта ижобиي таъсир күрсатди. Натижада, айрим тадқиқодчиларнинг айтишича, 1950-йиллари саноат ишлаб чиқариши ва миллий даромаднинг ўсиш суръатлари бутун совет тарихида энг юқори бўлган. Бу даврда СССРда саноатнинг ўсиши Япониядан бошқа барча етакчи капиталистик мамлакатлардан юқори бўлди. Бу ўсиш ўртacha йиллик ҳисобида: 1951–1955-йиллар – 13,1%, 1956–1960-йиллар – 10,3% ни ташкил қилди<sup>64</sup>.

Булардан ташқари, ислоҳотлар натижасида Н. Хрушчёв яқин йилларда янги иқтисодий рекордлар билан бутун дунёни ҳайратга солмокчи эди. Ҳусусан, Ўзбекистон давлатга «оқ олтин» етказиб беришни (СССРда етиштирилаётган пахтанинг 70% ини Ўзбекистон бериши лозим эди), пилла (умумий ҳажмнинг 50% ини), қоракўл териси (умумий ҳажмнинг 35% ини) етиштиришни, газ қазиб олишни, цемент ишлаб чиқаришни (иккаласини ҳам икки мартадан) ошириш лозим эди. Айтиш лозимки, бу даврда Ўзбекистон ўзининг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича мавжуд 15 та совет республикалари орасида кучли бешта республикалар каторига кираарди. У факат пахта хомашёси етказиб берувчи эмас, мамлакатнинг ривожланган саноат республикаси ҳам ҳисобланарди. Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича СССРда тўртинчи ўринда (РСФСР, Украина, Қозогистондан кейин) булиб, бу маҳсулотларнинг ярми оғир саноат хиссасига тўғри келарди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари дунёning 44 та мамлакатларига экспорт қилинарди.

Аммо шу даврда СССР қишлоқ хұжалигидаги оғир шароит вужудга келди. Ишлаб чиқаришнинг ўртacha йиллик ўсиши 8% ни ташкил қилган 1954–1958-йиллардаги қисқа мuddатли жадал

<sup>64</sup> Карап: Мунчаев Ш.М. и др. Отечественная история. М.: 1994. – С.401.

ўсишдан сўнг аҳвол яна кескинлашди. 1950-йиллар охиридан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари анча сусайди. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги кескин сезила бошлади. Ўзбекистон 1950-йиллари қаторасига беш йил давлатга пахта етказиб бериш давлат режасини бажармади. Аслида бошқа пахта етиштирувчи йирик мамлакатлар билан таққослаганда Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлиги сезиларли даражада, масалан, АҚШга нисбатан 1,9 центнер, Миср ва Мексикага нисбатан 2,2 центнер, Покистонга нисбатан 4,5 центнер юқори эди. 1955 йили машина-трактор станцияларида (МТС) 15100 дона пахта териш машиналари, колхозларда 47900 та тракторлар мавжуд эди<sup>65</sup>. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон раҳбариятини янада юқори натижаларга рағбатлантириш учун Москва пахтанинг харид нархини оширишга рози бўлди. Ўзбекистон бир йилда пахтадан 3 млрд рубль соф фойда ола бошлади. Бу қишлоқ меҳнаткашларининг яшаш шароитини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди.

«1956 йил 6 августда КПСС Марказий Комитети ва ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР ва Қозогистон ССРда пахта етиштиришни кўпайтириш учун Мирзачўлдаги кўрик ерларни суғориш ва ўзлаштириш ҳақида» Карори қабул қилиниб, 1956–1962-йиллари Мирзачўлда 300 минг га, жумладан, Ўзбекистонда – 200 минг га, Қозогистонда – 100 минг га ерларни суғориш ва ўзлаштириш ва бу ерларда 1956–1960-йиллари камида 220 минг тонна, жумладан, Ўзбекистонда – 135 минг тонна, Қозогистонда – 85 минг тонна, 1965 йилдан бошлаб эса йилига камида 320–340 минг тонна пахта етиштириш мўлжалланди<sup>66</sup>. Бу режани амалга ошириш учун анча катта давлат маблағи – 4,5 млрд рубль ажратилди. Бу маблағга пахта ва бошқа экинлар экиладиган майдонларни ўзлаштириш билан бирга, 34 та совхозлар ва шунча пахта тозалаш заводлари қуриш режалаштирилди. Айниска, Мирзачўл ҳудудида йирик ирригация-мелиорация ишлари бошлаб юборилди. Бу ерда 1956–1959-йиллари 35,5 минг

<sup>65</sup> Қаранг: Очерки коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент, «Узбекистан», 1974. – С. 524.

<sup>66</sup> Қаранг: КПСС и советское правительство об Узбекистане. – Ташкент: «Узбекистан», 1972. – С. 512–525.

га ер ўзлаштирилди, 460 км суғориш тизими, 630 км очик коллекторлар ва бошқалар қурилди<sup>67</sup>. Бу ишлар миқёси республика раҳбарларининг Ўзбекистонни СССРнинг хомашё базасига эмас, ривожланган аграр-индустриал давлатга айлантириш учун харакат қилғанлигидан далолат беради.

Мирзачўлни ўзлаштирувчиларнинг фидокорона меҳнати натижасида Шароф Рашидовнинг ташаббуси билан ўз даврида Сирдарё ва Жиззах областлари, бир миллиондан зиёд киши истикомат қиласиган ҳудудда 17 та район ташкил қилинди, уларда 300 минг янги иш ўринлари яратилди. Бу ерда ташкил қилинган агросаноат комплекслари йилига 800 минг тонна пахта хомашёси, 600 минг тонна ғалла, 160 минг тонна полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари берди<sup>68</sup>.

Айни пайтда республиканинг ҳар бир обlastини унинг ўзига хос шароити, географияси ва табиий бойликларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг аник режаси белгилаб олинди. Фарғона водийси аввалгидек пахтачилик, пиллачилик, газлама ишлаб чиқариш, шунингдек, нефть қазиб олиш маркази бўлиб қолди. Тошкент вилоятида пахтачилик, сабзавотчилик, чорвачиликни ривожлантириш режалаштирилди. Шунингдек, бу вилоятда кўмир қазиб олиш, металл ишлаб чиқариш, кимё саноати ва энергетика ривожланди. Бухоро вилоятида пахтачилик билан бир қаторда, коракўл етиштириш ва пиллачилик, Қорақалпоғистон АССРда – пахтачилик, чорвачилик ва балиқчиликни жадал ривожлантириш кўзда тутилди. Бошқа вилоятларда ҳам шундай йўналишлар белгилаб олинди.

Аммо И. Сталиннинг ўлимидан кейин ҳам совет республикаларини бир-бирига боғлик килиб қўйиш, ҳаммасини биргаликда Москвага қарам қилиш сиёсати давом эттирилди. Бу сиёсат шунда намоён бўлдики, масалан, Ўзбекистон СССРнинг барча минтақаларига пахта етказиб бергани ҳолда (пахта республика-

<sup>67</sup> Қаранг: Абдуллаев А.Н. Хлопковая монокультура в Узбекистане и ее последствия. (1917 – 1991 гг.). Автореферат диссертации на соисканиеученой степени доктора исторических наук. [uzhistory.uz/](http://uzhistory.uz/) – С. 39.

<sup>68</sup> Қаранг: О чём мечтал Шараф Рашидов? <http://nuz.uz/moi-uzbekistancy/19324-o-chem-mechtal-sharaf-rashidov.html>

миз экспортининг 80% ини ташкил қиласарди), ўзи бошқа республикалардан буғдор, гүшт, кўмир ва бошқа маҳсулотларни олишга мажбур эди. Ҳатто, картошка Россия ва Белоруссиядан олиб келинарди.

Шу даврда СССР қудратининг ошиб бориши ва жаҳон мустамлака тизимининг барбод бўлиши «учинчи дунё» мамлакатларида совет сиёсатининг фаоллашуви учун қулай имконият яратди. Кўплаб ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро ташрифлар амалга оширилди. Ҳамкорлик тўғрисида 20 дан зиёд келишувлар имзоланди. Мағкуравий мулоҳазалардан, «антиимпериалистик» режимлар билан ҳамкорлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, СССР Осиё, Африка ва Лотин Америкасидағи кўплаб мамлакатларга иқтисодий ёрдам қўрсатди. Мисрда иқтисодий тараққиётга йўналтирилган харажатларнинг 50% и, Ҳиндистонда – 15% и СССР ёрдами хисобига копланди. Н.С. Хрущёвнинг социализмга хайриҳоҳлик билдирган ҳар қандай мамлакатга ёрдам қўрсатиш учун тайёрлиги СССР ресурслари ни сарфлашда исрофгарчиликка олиб келди, ҳеч қандай ҳарбий ёки сиёсий наф келтирмади. СССРдан ёрдам олиб ривожланган давлатларнинг кўпчилиги кейинчалик Фарб давлатларининг таъсир доирасига ўтиб кетди. Шу тариқа 1950-йиллари социалистик Шарқ ва капиталистик Фарб ўртасидаги қарама-қаршилик Европадан «учинчи дунё» мамлакатларига кўчди.

Совет ташки сиёсатининг Шарқ йўналишида Ўзбекистонга катта роль ажратилди. Ўзбекистон озодликка эришган Шарқ мамлакатлари учун жозибадор тимсолга айланиши лозим эди. СССР дипломатиясининг фаол ҳаракатига қарамасдан, 1947 йили Дехлида бўлган Осиё давлатлари конференцияси нейтрал йўлни танлади. Улар мустакиллик учун ўзларини АҚШдан ҳам, СССРдан ҳам қарздор ҳис килмади ва бу давлатларнинг бирига боғланниб қолишини истамади.

Шунга қарамасдан, совет дипломатияси фаол ҳаракатни давом эттирилди. Айниқса, Ҳиндистон билан дўстона муносабатлар ўрнатиш учун АҚШ билан СССР ўртасида ўзига хос мусобака ўрнатилди. Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида тарихан яхши муносабатлар мавжуд эди. Ҳиндистоннинг биринчи премьер-

министри Жаваҳарлаъл Неру Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстона муносабатлар тарихи узок даврларда бошланганлиги ҳакида ёзади<sup>69</sup>.

1953-йили СССР билан Ҳиндистон ўртасида 5 йил муддатга биринчи савдо келишуви тузилди. 1955 йил февралда Ҳиндистонда биринчи Бхилаи металлургия комбинати қуриш тўғрисида шартнома имзоланди. Бу комбинат қурилишида Ўзбекистон фаол иштирок этди. Республиканинг 30 та корхонаси 500 тонна турли хил ускуналарни етказиб берди. Бхилаи металлургия комбинати 1959 йил 3 февралда тантанали ишга туширилди. Ўзбекистон, шунингдек, бу даврда Ҳиндистонга тўқимачилик, қўсак чувийдиган, зовур казийдиган ва «Ўзбекистон» пахта териш машиналари етказиб беришни бошлади.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида маданий алоқалар ҳам ривожланди. 1951 йили СССРга келган хинд кинематографияси вакиллари Тошкентга ҳам ташриф буюрди. Уч йилдан кейин Ҳиндистон маданият ходимларининг янада обрули делегацияси Тошкентга келди. Делегация таркибида Хўжа Аҳмад Аббос, Раж Капур, Наргис, Балраж Сахни, Нипура Рой, Дев Ананд каби ўша давр хинд санъатининг машҳур намояндалари бор эди.

1954 йил кузда Тошкентда Ҳиндистон киноси биринчи фестивали очилди. Унда «Дайди», «Довул», «Байжу Бавра», «Ганга» каби машҳур фильмлар намойиш қилинди, кўплаб машҳур хинд актёрлари билан учрашувлар ташкил қилинди. Хинд кинолари жуда машҳур бўлиб кетди. 1954 йили ёк СССРда экранларга чиқарилган «Дайди» фильмини 63 миллион 700 минг киши томоша қилди. Бу ўзига хос рекорд эди. «Дайди» фильми миллионлаб ўзбекларнинг, жумладан, Шароф Рашидовнинг ҳам севимли фильми бўлиб қолди. Ш. Рашидов Ўзбекистон – Ҳиндистон муносабатларини ривожлантиришда фаол иштирок этди, бир неча марта Ҳиндистонга ташриф буюрди, хинд делегациясини Тошкентда қабул қилди. Унинг фаол ёрдами билан 1955 йил охирида таникли ёзувчи Абдулла Қаҳхор бошчилигидаги Ўзбекистон санъат намояндалари делегацияси Ҳиндистонда бўлди. Ўзбек

<sup>69</sup> Қаранг: *Джаваҳарлал Неру. Открытие Индии.* <https://unotices.com/book.php?id=151655&page=73> –С. 74 – 80.



Москвада нашр қилинган  
Ш. Рашидовнинг  
«Бўрондан кучли»  
романи.

Индонезия, Миср, Голландия, Норвегия, АҚШ, Англия, Уругвай,  
Аргентина, ГДР, Чехословакия ва бошқа давлатлар делегацияла-  
ри ташриф буюрди. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги бутун ду-  
нёга машхур бўлиб борди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўл-  
ган Ш. Рашидовнинг бу жараёнларда фаол иштироки унинг ай-  
рим рақибларини ташвишга сола бошлади. Улар Ўзбекистонда,  
энг асосийси, Москвадаги раҳбарлар кўз олдида Ш. Рашидов  
обруғининг ошиб бориши, уни сўзсиз республиканинг биринчи  
раҳбари – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг  
биринчи секретари лавозимига олиб келади, деб ўйлашди.

Бу фикрда, албатта, жон бор эди. Чунки факат Ленин ва Ста-  
лин асарларию партия ҳужжатларидан бошқа нарса ўқимаган  
кўпчилик раҳбарлар билан таққослагандан, мумтоз бадиий ва та-  
рихий адабиётни доимий ўқийдиган, яхши биладиган, кўплаб  
шеърлар, жумладан, Алишер Навоий ва Умар Хайёмдан то  
А. Пушкингача бўлган жаҳон мумтоз шоирларнинг шеърларини  
ёд биладиган Ш. Рашидов, албатта, каттароқ имкониятга эга эди.  
Шунингдек, ажойиб хотира, доимий ўз устида ишлаш каби шах-  
сий хислатлари ҳам Ш. Рашидовнинг имкониятларини оширав-

қўшиқчилари Дехлидаги стадион-  
да ўзларининг биринчи концертини  
берди, 5 мингдан кўп томошибинлар  
катнашди. Кейин Ҳиндистоннинг  
Бомбей (Мумбай), Калькутта, Мад-  
рас ва бошқа йирик шаҳарларида яна  
кўплаб концерtlар уюштирилди.

Ҳиндистон билан бундай фаол  
муносабатлар Ш. Рашидовнинг ижодида  
ҳам ўз аксини топди. 1956 йили  
унинг хинд халқининг озодлик учун  
курашига бағишлиланган «Кашмир қў-  
шиғи» киссаси босмадан чиқди.

Шу йиллари Ўзбекистон бошқа  
давлатлар учун ҳам ўз эшикларини  
очди. Ўзбекистонга Хитой, Суряя,

ди. Унда одамларни эшитиш, улар билан келиша олиш ҳамда одамларга ўз фикрини тушунтириш ва ортидан эргаштира олиш, етакчилик қобилияти кучли эди.

Шу йиллари Ш. Рашидовнинг ташкилотчилик ва маърифатчилик фаолияти иттифоқ миёсида кўзга ташланади. У ёзувчи бўлгани учун Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг халқаро конференциясини чақириш ташаббускорларидан бири бўлди. Конференция Тошкент шаҳрида ўтказилди. У 1959 йили Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасининг ҳам ташкилотчиларидан бири бўлди. Декада ўзбек санъати ва адабиётини дунёга танитишда катта роль ўйнади. Аслида бу даврда Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мухиддин Кори-Ёқубов, Раззок Ҳамроев, Олим Ҳўжаев каби санъаткорларимиз,Faфур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаххор каби ёзувчи ва шоирларимиз СССРда танилган эди. Асарлари рус ва бошқа тилларга таржима қилинаётган ёзувчилар орасида Ш. Рашидов ҳам бор эди.

Ашаддий футбол ишқибози бўлган Ш. Рашидов «Пахтакор» футбол жамоасини тузишда ва уни СССР футбол жамоалари-нинг олий лигасига олиб чикишда ҳам катта ёрдам кўрсатган. Шу даврда футбол мамлакатда жуда оммалашган ўйинга айланган эди. 1956 йили «Пахтакор» футбол жамоаси Тошкент шаҳрида 60 минг томошабинга мўлжалланган ўз стадионига эга бўлди. Бундай стадион ўша даврда СССРнинг жуда кам жамоаларида бор эди.

Ш. Рашидовнинг обруси ошгани сари унинг дўстлари билан бирга ракиблари ҳам кўпайиб борди. Бу аслида табиий ҳол. Аммо Шароф Рашидовнинг урушда олган жароҳати туфайли соғлиғи яхши эмасди. Ҳар қандай асабийлашув юрагида катта оғриқни келтириб чиқаарди. Буни билган ракиблари бир неча хужумдан сўнг унинг юраги дош бермайди, деб ўйлашарди. Айникса, 1956 йил КПССнинг XX съездидаги Н. Хрущёв «Сталин шахсига сифениш хақида» нутк сўзлагандан сўнг, И. Сталин пайтида ҳокимиятга келган республикалар раҳбарлари таъқибга учради. Ш. Рашидов ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимида И. Сталин даврида келган раҳбар эди.

Бунинг устига, кўпчилик Ш. Рашидовнинг Москвадаги таянчи деб ҳисоблайдиган А. Фадеев 1956 йили ўз жонига қасд қилиб вафот этганди.

Аммо Ш. Рашидовни сиёсий фаолиятдан четлаштиришга уриниш амалга ошмай қолди. Бунинг сабабларидан бири, шу йили республика пахтакорлари эришган ғалаба бўлди. Пахтакорларимиз 2 млн 857,8 минг тонна пахта етказиб бериб, бу борада янги рекорд ўрнатдилар. 16 мингга яқин колхозчилар, механизаторлар ва партия ходимлари орден ва медаллар билан мукофотланди, 202 киши Социалистик Мехнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Янгийўл районидаги «Шарқ Юлдузи» колхозининг раиси Ҳамрокул Турсунқулов эса СССРда биринчи бўлиб бу унвонга учинчи марта лойик деб топилди.

Бундай катта ғалабадан сўнг 1957 йили Н. Мухитдиновнинг Москвага, КПСС Марказий Комитетига катта лавозимга ишга ўтиши тўғрисида миш-миш тарқалди. Ш. Рашидовнинг рақиблари эса уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига келтирмаслик учун барча чораларни кўрдилар. Бунинг учун қулай шароит ҳам етилди. 1958 йили об-ҳаво нокулай келиб, Ўзбекистон давлатга пахта сотиш режасини бажармади. Терилган пахта 2 млн 750 минг тоннани ташкил қилди. Бунинг устига, Ш. Рашидовнинг бевосита раҳбари бўлган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К.Е. Ворошилов 1957 йилги антипартиявий гурӯҳ таркибида бор эди. Халқ орасида жуда машҳур бўлган маршални Н. Хрущёв кечирди, у яна уч йил ҳокимиятда турди, аммо ўша пайтда Ўзбекистонда кўпчилик бу Ш. Рашидовнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, деб ўйлаган эди.

Натижада, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг 1957 йил август ойидаги йиғилишида Н. Мухитдинов ташаббуси билан кун тартибига «Ўртоқ Ш. Рашидов ҳақида» деган масала ҳам киритилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлган Н. Мухитдинов йиғилганларга Ш. Рашидов лаёкатсиз раҳбарларни қўллаб-кувватлади, иқтидорли раҳбарларга эътиборсиз, айрим топшириқларни яхши бажармайди, деб кун тартибига қўйилган

масаланинг мохиятини тушунтириди. Аммо «Ш. Рашидовнинг нотўғри хулк-атвори»ни муҳокама килишда бюро аъзоларининг фикри иккига бўлинди. Масалан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи муовини М. Мирзаахмедов сўзга чиқиб, Ш. Рашидовни мураккаб дамларда жасоратли ва қатъиятли раҳбар сифатида таърифлади ва Москвадаги раҳбарларда ҳам яхши таассурот қолдирганлигини айтиб ўтди. Бошқа сўзга чиққанлар ҳам Н. Мухитдиновнинг Ш. Рашидовга берган таърифини тўлиқ маъқулламайди. Шу сабабли бюро Ш. Рашидовни огоҳлантириш билан чекланди.

Ш. Рашидов кейинчалик бу давр ҳакида эслаб, 1956–1957-йиллар ҳаётида энг оғир дамлар бўлганлигини айтади. Гап факат сиёсий фаолиятига якун ясалай деб турганида эмас, бу можаролар унинг соғлиғига жуда ёмон таъсир кўрсатганлигига эди. Оқибатда у 1958 йили узқ даволанишга мажбур бўлади, ҳатто жарроҳлик операциясини ҳам бошдан кечиради.

Бу бюро йиғилишидан тўрт ой ўтиб, 1957 йил декабрда Н. Мухитдинов КПСС Марказий Комитети Президиуми таркибиға киритилди ва Марказий Комитет секретари этиб сайланди. Айтиш лозимки, Н. Мухитдиновнинг Москвада бундай юкори лавозимга сайланиши Ўзбекистон ва унинг пойтахти Тошкентнинг Совет Иттифоқидаги мавқенини ошириб юборади.

Н. Мухитдиновнинг ўрнига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимиға икки киши – Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Собир Камолов билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Шарроф Рашидов номзоди кўрсатилди. Муҳокамалар натижасида бу лавозимга С. Камолов сайланди. Аммо кўпчилик, ҳатто С. Камоловнинг ўзи ҳам бу танловнинг тўғрилигига шубҳа қиласди.

Шу йиллари Ўзбекистонда катта қурилиш, чўл ва бўз ерларни ўзлаштириш ишлари давом эттирилди. 1956 йили Мирзачўлни ўзлаштириш бўйича қабул килинган қарор муваффакиятли баҳарилиб борди. 1958 йил июнда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР ва Тожикистон ССРда Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш бўйича ишларни янада кенгайтириш ва жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. 1966 йилга келиб Мирзачўлда

ўзлаштирилган ерлар микдорини 430 минг гектарга етказиш вазифаси юклатилди. Бу топширикни бевосита амалга ошириш учун «Мирзачўлкурилиш бош бошқармаси» («Главголодностстрой») ташкил қилиниб, унга Ўзбекистонда танилган қурувчи ва тажрибали ирригатор ва ташкилотчи, Чирчиқ ва Фарҳод ГЭСлари қурилишларига бошчилик қилган А. А. Саркисов раҳбар этиб тайинланди.

Аммо Ўзбекистонда С. Камоловнинг бошқаруви узокка бормади. У лавозимида бир йилу уч ой ўтириди. С. Камоловнинг ишдан олинишига бевосита сабаб миллий ва диний масала бўлди.

Совет ҳокимияти диннинг давлатдан ажralганлигини эълон килганига, атеизмни давлат сиёсати даражасига кўтарганига қарамасдан, дин совет кишиларнинг ҳаётида муҳим роль ўйнашда давом этди. Айниқса, Ўрта Осиёда ислом динининг таъсири кучли эди. Чунки ислом бошқа динлардан фарқли равишда, фақат эътиқод обьекти бўлмасдан, кишиларининг ҳаёт тарзи, дунёкараши, ахлоқий ва эстетик нормалар тизими ҳам эди. Советларнинг динга карши сиёсати исломни мафкура ва сиёсат соҳаларидан сикиб чиқарди, аммо у оиласидан ҳаётда ва майший соҳада ўз мавқеини саклаб қолди.

«Иликлик» туфайли СССРда марказий бошқарув тизими-нинг сусайиши, айрим республикалар раҳбарларини янада мустақил бўлиш учун қатъий қадамлар ташлашга ундаdi. Масалан, С. Камолов даврида Ўзбекистонда раҳбар кадрларни маҳаллийлаштириш (яъни, лавозимга қўйишда кўпроқ ўзбекларга эътибор бериш) кампанияси бошланди. Албатта аҳоли ҳам буни ижобий қабул қилди ва мусулмончилик урф-одатларини оммавий тиклашга ҳаракат қилди. Советларнинг деярли эллик йиллик атеистик сиёсатига қарамасдан, аҳоли орасида диний кайфият ҳамон жуда кучли эди. Бу ҳақда тарихчи Л. Левитин шундай ёзади: «1950-йиллар охирида расман мавжуд бўлган масжид ва қадамжолар билан бир қаторда, 270 та масжид ва 160 та қадамжолар республика худудида норасмий фаолият юритарди, уларда норасмий муллалар хизмат кўрсатарди, талабалар ва ўкувчи ёшлилар ўртасида диний кайфиятларнинг ўсганлиги кузатилади. Рўза ҳайити ва Курбон ҳайитида фақат рўйхатдан ўтган масжидларга

1955 йил 164 минг, 1958 йили эса 288 минг киши ташриф буюрган. Самарқанддаги Ҳадиса Зумрад масжидида 1956 йил 19 июлда Қурбон ҳайити намозида 12 минг киши қатнашган, шунинг ярмини 25 ёшдан кичик ёшлар ташкил қилган. Тошкент шаҳар партия комитетининг маълумотига кўра, 1959 – 1960-йиллари турмуш қурган ёшларнинг 90% и диний никоҳдан ўтишган»<sup>70</sup>.

Шу даврда диний тадбирлар сони ҳам кескин ошиб, чойхоналар диний тарғибот марказига айланади. Натижада, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Маданият бўлими мудири юқори партия органларига кирилл алифбеси асосидаги ўзбек ёзувини араб алифбесига алмаштириш ҳакида таклиф киритади. Буни араб мамлакатларида ишлаш учун арабшунос кадрлар тайёрлаш эктиёжи билан асослашга уринади.

Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси қўшилиб Москвадагиларни чиндан ҳам қўрқитиб юборди. Миллатчилик ва диний ҳаракатларнинг фаоллашганинги баҳона қилиб, Москва 1950-йиллари бир қатор республикалар раҳбарларини алмаштирган эди. Ўзбекистондаги шундай алмаштириш натижасида ҳокимиятга Ш. Рашидов келди.

## ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИ

*Кимгаки золимлик, тубанлик одат –  
Бўларкан, тупроққа тенг бўлур албат.*

*Шароф Рашидов*

1956 йили А. Микоян билан бирга Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Бирмада расмий сафарда бўлган Ш. Рашидов қайтиб келгандан сўнг Марказий Комитетига хат билан мурожаат қилганидан хабардор бўлган кишилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига Ш. Рашидов танланганига ишонгиси келмасди. Ш. Рашидовнинг сиёсий раҳбар сифатидаги дунёкарашини, миллий ва ди-

<sup>70</sup> Л.Левитин. Узбекистан на историческом повороте. <http://royallib.com> С. 202.

ний қадриятларга муносабатини чуқуррок англаш учун унинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Н. Мухитдинов номига ёзган хати жуда муҳим ўрин тутади. Хатда:

«Ўзбекистон Компартияси МК секретари ўртоқ Н.А. Мухитдиновга.

Ўртоқ А.И. Микоян билан Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон ва Бирмага қилган сафаримиз чоғида мен инглиз ва Америка империалистлари томонидан кўплаб антисовет ташвиқотларга дуч келдим ва бу ташвиқотларнинг анча кисми мусулмон руҳонийлари орқали амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим.

КПСС Марказий Комитетига мен томонимдан жўнатилган хатнинг илова килинаётган нусхасидан кўриниб турибдики, инглиз-америка империалистлари матбуот, радио ва ўз жосуслари орқали СССРда мусулмонлар «жуда оғир ҳолатда» яшаяпти, коммунистлар ўзбеклар, тожиклар ва бошқа мусулмонларнинг миллий ва диний ҳис-туйғуларини таҳқирлаяпти, уларга ислом динига эътиқод килишни тақиқлаяпти, деган миш-мишларни тарқатмоқда.

Сўнгги пайтда «Islam Review» (Лондон), «Middle East Journal» (АҚШ) журналлари ва бир қатор газеталарда Ўзбекистонда факат диний эркинликлар эмас, умуман, ўзбек халки ва унинг маданияти йўқ килинаётганини исботлашга уринган бўхтон мақолалар чоп қилинган.

Менинг фикримча, Тошкентдаги шарқшунослик ташкилотларига Шарқ мамлакатларида ҳам бизнинг дўстларимиз, ҳам душманларимиз томонидан эълон килинаётган Совет Ўзбекистонига тегишли барча материаллар билан МК Бюросига тизимли равишда ахборот бериб боришини топшириш лозим. Биз инглиз-америка матбуоти ва улар жосусларининг Шарқ мамлакатларидағи газеталарида босилган советларга карши тухматларини жавобсиз қолдира олмаймиз.

Бизнинг вазифамиз, менинг фикримча, инглиз-америка ташвиқотига Коммунистик партия ва Совет давлатининг миллий сиёсатини, СССРда фуқароларнинг конституциявий ҳукуклари ва, айниқса, виждан эркинлигини, Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё Республикаларининг хўжалик ва маданий ривожланишдаги му-

ваффакиятларини чет эл Шарқ мамлакатларида тушунтиришга қаратилган ўз ташвиқотимизни қарши қўймоғимиз керак.

Чет эл делегацияларига мамлакатимизда мусулмонларнинг диний эътиқод эркинлигини намойиш қилиш, масжидлар, мозорлар, диний билим юртлари ва ёдгорликларни кўрсатиш ҳам шу мақсадларга хизмат қилиши керак.

Айни пайтда, бу масалани ўрганиш шуни кўрсатдики, матбуот ва радио орқали бизнинг ташвиқотимиз, шунингдек, ахборот фаолиятимиз Покистон, Хиндистон, Афғонистон ва Бирмада жуда чекланган миқёсда олиб борилмоқда ва етарлича фаол эмас.

Ўзбекистон Радиоахборот комитетининг чет эл Шарқ мамлакатлари учун радиоэшиттиришларида шахс эркинлиги ва, айникса, СССРда виждан эркинлиги масалалари жуда кам кўтарилади. Бу масалалар бўйича ҳеч қандай адабиёт мавжуд эмас.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар Диний Бошқармаси вакилларининг Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларида вижон эркинлиги йўқлиги ҳақидаги чет эл матбуотининг бўхтон миш-мишларини рад этувчи чиқишлиарини бизнинг радиомиз, шунингдек, чет эл матбуотида ташкил этиш яхши бўларди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар Диний Бошқармаси журналининг чиқишини 1948 йилдан тўхтатиб қўйилишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу журналга эҳтиёж кўриниб турибди. Ўзбекистоннинг диний қадамжолари йўлкўрсаткичи ҳам йўқ.

Ўзбекистондаги мавжуд масжид, мозор ва диний ёдгорликларнинг кўпчилиги ташландик ҳолатда ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланилмайди. Масалан, таъмирланаётган Бароқхон мадрасасининг Тошкент диний билим юрти очилиши мўлжалланаётган чап томонида Тошсаноатсавдо ташкилотининг керосин дўкони жойлашган.

Тиллашайх марказий жоме масжиди ҳовлиси ҳудудида жойлашган диний бошқарма ихтиёридаги бино 23-мактаб жисмоний тарбия зали сифатида банд қилинган, бинонинг деразалари масжид ҳовлисига қаратилган.

Мадраса ва марказий жоме масжидига бевосита якин жойда, эски бозор дарвозасининг равоқи устига кучли радиокарнай

урнатилган бўлиб, у намоз пайтида имомнинг овозини эшилтирмайди.

Имом Қаффол Шоший мозори қошидаги масжид автомактаб ўкувчиларининг ётоқхонасига айлантирилган; шу масжид гумбазида, диний қизил яримой белгиси устига қизил байрок урнатилган.

Архитектура бошқармаси ихтиёрига берилган Шайх Зайниддин жоме масжиди хузуридаги мозорга кулф осиб қўйилган, оқибатда масжид мутасаддилари кўпинча бу мозорни чет эллик меҳмонларга кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўлган. Масалан, Тошкентга Албания делегацияси келган пайтда ушбу масжидни кўрсатиш режага киритилган эди, аммо меҳмонларни ҳайрон қолдириб, қалитни олиб кетган қоровулни топишнинг иложи бўлмади.

Тошкент обlastinинг Янгийул районида жойлашган Занги ота масжиди ва мозори ҳудудида кўрлар жамияти саноат артелининг арқон эшиш цехи жойлашган. Бу масжид ва мозорлар факат қимматли меъморий ёдгорликлар бўлмасдан, чет эл Шарқининг мусулмон мамлакатларида «муқаддас қадамжолар» сифатида ҳам машхур. Ўзбекистонга келаётган чет эл, айникса, мусулмон мамлакатлари делегациялари бу «муқаддас қадамжолар»га катта қизикиш билдиради ва у ерларга боришга ҳаракат киласди.

Юкорида келтирилган ва шунга ухшаш масжид-мозорларни нотўғри саклаш ва фойдаланиш ҳоллари руҳонийлар, диндорлар орасида норозилик келтириб чиқаради, шунингдек, чет эллик меҳмонларда ёмон таассурот қолдиради ва чет элларда салбий муносабатларга сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси инглиз-америка империалистларига кўл келади ва улар томонидан совет тузумига қарши бўхтон, игво мақсадларида фойдаланилади.

Бу ишга Ўзбекистон КП МК Бюросининг аралашуви талаб килинади деб ҳисоблайман.

Қарор лойиҳасини илова киламан.  
Ш. Рашидов»<sup>71</sup>.

<sup>71</sup> С. Ризаев. Шараф Рашидов. Штрихи к портрету. – Тошкент, «Ёзувчи» – «Нур», 1992. – С. 24–26.

Ш. Рашидовнинг бу хати жуда катта таъсир кўрсатди. Ўзбекистон КП МК Бюроси хатни кўриб чиқиб, Ш. Рашидов амалга оширишни таклиф қилган бир қатор қарорларни қабул қилди. Улар орасида қуйидагилар ҳам бор эди:

1) Ўзбекистондаги мусулмонлар ҳаёти ҳақида очерклар тўпламини ва бир неча (узбек, араб, форс, урду) тилларда Ўзбекистоннинг диний қадамжолари расмли йўлкўрсаткичини нашр этиш;

2) СССРда виждан эркинлиги мавжудлигини намойиш қилиш максадида чет эл Шарқ мамлакатлари учун радиоэшиттиришлар сифатини яхшилаш;

3) Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти ва Ўрта Осиё Давлат университети шарқшунослик факультетига совет Ўрта Осиёсидаги ҳолат тўғрисида чет эл матбуотида эълон қилинаётган материалларни ўрганиш ва бу материаллар ҳақида республика раҳбариятини хабардор қилишни топшириш;

4) Ўзбекистонда виждан эркинлиги йўклиги тўғрисидаги бўхтонларни фош этувчи Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар Диний Бошқармаси раҳбарларининг мақола ва хатларини чет эл мусулмон журнallарига етказиш вазифасини Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига топшириш;

5) Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар Диний Бошқармасининг органи – расмли журналини унинг асосий адади чет элларда тарқатилишини ҳисобга олган ҳолда нашр этилишини қайтадан бошлаш;

6) Диний Бошқармага 1956 йили Тошкентда 30 нафар ўқувчига мўлжалланган диний билим юрти очишга рухсат бериш, Бухородаги «Мирааб» мадрасаси ўқувчилари сонини шунчага қискартириш;

7) Диний Бошқармага руҳонийларнинг чет эллик делегацияларини қабул қилиш учун Тошкентда дала ҳовли кўринишидаги меҳмонхона қуришга рухсат бериш;

8) Архитектура бошқармаси тасарруфидаги айрим масжид ва мозорларни Диний Бошқарма ихтиёрига ўтказишга рухсат бериш<sup>72</sup>.

<sup>72</sup> Қаранг: С.Ризаев. Шараф Рашидов. Штрихи к портрету. – Ташкент, «Езувчи» – «Нур», 1992. – С. 26–27.

Айтиш лозимки, бу ўз даври учун жуда дадил, аммо катта таваккалчилик билан ёзилган хат эди. Агар бу хат бошқача талқин қилинганды, у Ш. Рашидовнинг сиёсий фаолиятига якун ясаши аник эди. Аммо КПСС Марказий Комитетидаги раҳбарлар яхши маълумот олган ўта зиёли, миллий манфаатлар ва ислом динининг мұғтадил тарафдори бўлган Ш. Рашидовни бошқа номзодларга нисбатан маъқул кўрди.

Бу воқеалардан салгина олдин, 1959 йил февралда Ш. Рашидов Ўзбекистон адабиёти ва санъати учинчи декадасида иштирок этиш учун Москвага келди. Декаданинг очилиш маросимида Н. Хрущёв, А. Микоян ва СССРнинг яна бир қатор юкори лавозимдаги раҳбарлари иштирок этди. 22 февраль куни эса Ш. Рашидов СССР Олий Совети Президиуми Раисининг муовини сифатида Н. Хрущёвнинг Буюк Британия премьер-министри Гарольд Макмиллан билан учрашувида иштирок этди.

24 февралда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасининг ёпилиш маросими бўлиб, унда ҳам Ш. Рашидов Н. Хрущёв билан бирга иштирок этди. Шундан сўнг у Тошкентга қайтиб келди ва уч ҳафтадан сўнг 1959 йил 15 март куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига сайланди.

1980-йиллар охириларида ўзбекистонлик икки ёзувчи – Ко-мил Икромов ва Темур Пўлатов Россия матбуотида бир қатор мақолалар билан чикиб, уларда 1959 йили Ш. Рашидов биринчи секретарь лавозимига тасодифан сайлаганлигини исботлашга уриндилар. Фақат 1992 йили Р. Ризаевнинг «Шараф Рашидов» номли китобида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига номзодлар мухокама қилинган ўша Бюро мажлисининг баённомаси эълон қилингандан сўнг бу мавзуда турли хил бўхтонларни ёзиш тўхтади.

Ўша тарихий Бюро йигилиши уч кун – 1959 йил 12–14 март кунлари давом этди. Дастраси икки кун Ўзбекистон КП МКнинг биринчи секретари С. Камолов фаолиятини мухокама қилишга бағишлианди. Учинчи куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига икки киши – Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Шароф Ра-

шидов ва Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг биринчи секретари Ориф Алимов номзоди қўрсатилди.

Мажлисни Ўзбекистон КП МКнинг иккинчи секретари Р. Мельников олиб борди. Сўзга чиккан МК секретари З. Раҳимбобоева биринчи секретарь лавозимига Ш. Рашидов номзодини таклиф этади. Шундан сўнг МК секретари М. Абдураззоқов, ЎзССР Министрлар Совети Раисининг биринчи муовини Г. Габриельянц, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Нуриддинов, ЎзССР Министрлар Советининг Раиси М. Мирзааҳмедов сўзга чикиб, Ш. Рашидов номзодини қўллабкуватлади.

Шундан сўнг сўзга чиккан ЎзССР Министрлар Совети Раисининг муовини М. Муҳаммаджонов Ш. Рашидовни муносиб номзод деб ҳисоблашини айтиб, аммо унинг соғлигини инобатга олган ҳолда, бу лавозимга О. Алимов номзодини қўрсатди.

Сўзга чиккан ЎзССР Министрлар Совети Раисининг биринчи муовини Р. Гуломов иккала номзодни ҳам ижобий таърифлайди, факат Ш. Рашидовнинг ўзи соғлигининг ҳолати ва имкониятларидан келиб чикиб, муаммога аниклик киритиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Яна бир неча бюро аъзоларидан сўнг Ш. Рашидов сўзга чиқди: «Бу ерда сўзга чиккан МК Бюроси аъзолари ўзлари нима ҳақда кўп ўйлаган бўлса, шу ҳақда гапиришди. Биз ҳаммамиз МК Бюросининг биринчи секретари этиб республикамизнинг, ҳалқимизнинг ютукларини кафолатлайдиган ва партия Марказий Комитети атрофида жипслаштирадиган кишини сайлашдан манфаатдормиз.

Шу сабабли, табиийки, бу ерда ўртоклар кўп ўйлади, хаяжонланди, ўз эътиқоди ва билимидан келиб чикиб, тўғри йўлни излади. Албатта, ҳар бир ўртоқ бу саволга ўз жавоби ва йўлини топади. Ўртоқ Алимов тўғрисида. Албатта, унинг ишчанлик ва бошка сифатлари кўпчиликникидан юқори. Мен ўртоқ Алимов учун овоз берган бўлардим. У жуда тажрибали ўртоқ, барча сифатлари талабга жавоб беради.

Мен ўртоқ Алимов тўғрисида шуларни айтмоқчи эдим, бу ҳақда олдин ҳам айтгандим, яна айтаман, у жуда тажрибали

ўртөк, бизнинг дўстимиз. Мен яна бир марта таъкидлайманки, мен унинг умумий сифатларини бизницидан, айримларницидан юқори қўяман.

Мен ҳакимда бу ерда кўпчилик ўртоклар гапиришди. Мен тўғрисини айтаман, ўтган йили менинг олдимга бу масалани қўйишган эди. Мен бундай қилмасликларини илтимос килдим, чунки бу менинг соғлиғим билан боғлиқ эди. Ўртоқ Мухаммаджонов тўғри гапирди.

1958 йили менинг соғлиғим жуда оғир, жуда мураккаб бўлганди. Ўртоқ Камолов хабардор. Ҳозир мен соғлиғимни тузатиб олдим, МКнинг бошқа Бюро аъзолари билан тенг ишладим, менга берилган барча топширикларни бажардим, делегация бошлиғи сифатида Коҳирада ҳалқаро конференцияда бўлдим, кейин биз ўртоклар билан бирга Осиё ва Африка ҳалқлари ёзувчиларининг конференциясини ўтказдик. Яхши баҳо олдик. Кейин мен бир ой Непал қиролига ҳамроҳлик қилдим. Мен шуни айтмоқчиманки, ўтган йили ишладим, ҳозир ҳам ишляпман, ўзимга топширилган барча вазифаларни бажараюпман. Соғлиғимга келсак. Ўртоклар билади, операциядан сўнг асорати бўлганди. Мен бир марта Трускавецда бўлдим, соғлиғим кескин ўзгарди, ҳозир тубдан яхшиланяпти.

Менинг ишда камчиликларим ҳам бор. Бу жуда мураккаб ма-  
сала. Шу сабабли бюро аъзоларига ҳавола. Бу ерда ўртоқ Ғуломов, Бизов, Зоя Раҳимовна ва бошқалар сўзга чиқишиди. Мен ўртоқ Алимов тўғрисида ўз фикримни айтдим ва баҳо бердим. Кейинги иш тўғрисида. Мен сизни ишонтириб айтаманки, соғлиғимни авайлаб, ишга путур етказмайман».

Вазиятнинг мураккаблигига, кучли ҳаяжонга қарамасдан, Ш. Рашидов ўзини жуда муносиб тутганини кўришимиз мумкин.

О. Алимовнинг нутки тўғрисида ҳам факат шуни айтиш мумкин. У ўз сўзида: «Мен ҳам ўйладим, республикада сиёсий ва хўжалик ютуклари биз кадрларни қандай танлашимиз, жойжойига қўйишимизга боғлиқ, зеро бизнинг айбимиз билан партия ташкилоти Марказий Комитет олдида шарманда бўлди.

Нима учун? Чунки биз очиқ гапирмадик, танлашда ошна-  
оғайнигарчиликка йўл қўйдик, баъзи бировлар шахсий манфаа-

тини қўзлади. Бу нима? Бир кишини танлаймиз, бир-икки йилдан кейин ёпиқ бюорода қарсилатиб ишдан оламиз. Мен сизни ишонтириб айтаман, агар Ниёзов ўз жойида ўтирганда, у тинч ишлаётган бўларди, биз эса уни МКнинг секретари килиб ўтказдик, у эса ишни расво килди. Агар Собир Камолович Министрлар Советида ўтирганда, у ҳозир тинч ишлаётган бўларди (С. Камолов – 1955–1957-йиллари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, 1957–1959-йиллари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари (Ш. Э.). Биз сиз билан, ўртоклар, ёрдам бердик, айта олмадик. Энди ҳаммасини: сиёсатни, турмушни, ҳаётни ва қолган барчасини унга ағдардик...

Шароф Рашидович сўзга чиқди. Унинг айтишича, сўнгги пайтда соғлиғи яхшиланган. Шу сабабли, агар у айтгандай соғлиғи яхши бўлса, мен унинг номзодини қўллаб-кувватлайман. Сезилиб турибди, у ортга қайтмайди. Мен жисмонан бақувватроқ бўлсан-да, у ишга мендан кам куч сарфламайди. Шу сабабли биз унинг номзодида тўхташимиз керак...

Мен Бюро аъзоси сифатида, кандай лавозим берилишидан катъи назар, ҳалол ва чин дилдан ишлайман. Иккинчидан, агар Шароф Рашидович менга кулок солса, республиканинг гуллабяшинаши учун қўлимдан келганича унга ёрдам бераман»<sup>73</sup>, – деди.

Шундан сўнг Ш. Рашидов номзоди ҳақидаги таклиф бир овоздан қабул қилинди. Эртаси куни, 1959 йил 15 марта бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми 42 ёшли Шароф Рашидовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайлади.

Ориф Алимов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинланди.

Ш. Рашидов биринчи секретарь этиб сайлангандан сўнг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раислигига 39 ёшли Ёдгор Насридинова сайланди.

1960 йил 10–12 февраль кунлари Ўзбекистон Компартиясининг XV съезди бўлиб, унда Ш. Рашидов нутқ сўзлади. У ўз нутқида республикада саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми

<sup>73</sup> С. Ризаев. Шараф Рашидов. Штрихи к портрету. – Тошкент, «Ёзувчи» – «Нур», 1992. – С. 35–41.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII съездидан (Ўзбекистон КПнинг XIV съезди 1961 йили бўлиб ўтган) бери ўтган тўрт йил мобайнида 30% га ўсганлигини таъкидлади. Шу даврда республикада 170 та саноат корхоналари ва объектлари курилиб, ишга туширилди. Жумладан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Чирчик қаттиқ қотишмалар заводи, Янгийўл гидролиз заводи, Ангрен иссиқлиқ электр станцияси ва бошқалар қурилди.

Ушбу маваффакиятларга қарамасдан, Ш. Рашидов Н. Хрушчёв билан муносабатларда анча эҳтиёткор харакат қилди. Чунки 1950-йиллар охирларига келиб мамлакатда Н. Хрушчёвнинг шахсий ҳокимияти кучайган, айниқса, 1958 йили унга карши гурӯҳ аъзоларининг мамлакат олий раҳбарлик лавозимларидан четлатилиши Никита Сергеевичнинг мавқеини янада мустаҳкамлади. Бу холат ва Н. Хрушчёвнинг кейинги фаолияти давлат ҳокимиятининг юкори қатламида турли фикрлар, баҳс ва мунозаралар учун ўрин қолмаслиги, бир кишининг фикри ҳеч қандай мулоҳазаларсиз доим қарсаклар билан қарши олиниши, ўтказилаётган ислоҳотларни боши берк кўчага олиб келишлиги ни кўрсатиб берди. Аслида бу жуда ибратли тарихий сабоқ эди. Аммо Н. Хрушчёвдан кейин ҳокимиятга келган раҳбарлар то совет ҳокимияти тугагунча ва, ҳатто, ундан кейин ҳам бу сабоқдан етарли хулоса чиқармади.

Энди Н. Хрушчёв ислоҳотларининг самарадорлиги сусая бошлади. 1960 йили республикалар Халқ хўжалик кенгашлари, 1963 йили Халқ хўжалик олий кенгаши каби бошқарув ташкилотларининг тузилиши бошқаришнинг марказлашувини яна тиклади. 1960-йиллар бошидан саноат ишлаб чиқариши суръатларининг пасайиши 1957 йилги ислоҳотларнинг инкиrozидан далолат берарди.

Аммо бундан ҳам оғир шароит қишлоқ хўжалигида вужудга келди. Ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши 8% ни ташкил килган 1954–1958-йиллардаги қисқа муддатли жадал ўсишдан сўнг аҳвол яна кескинлашди. 1950-йиллар охиридан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари анча сусайди. Мамлакатда озик-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги кескин сезила бошлади. 1963 йилдан бошлаб СССР боргани сари кўпроқ четдан ғалла сотиб олишни бошлади. Қишлоқ

аҳолиси, биринчи навбатда, ёшларнинг шаҳарларга кўчиб кетиши кучайди.

Қишлоқ хўжалигидаги муваффакиятсизликнинг сабаблари кўп эди. 1950 йилларнинг бошларида қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг яхшиланишига қарамасдан, тез орада қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи саноат соҳалари молиялаштиришда иккинчи даражага тушиб колди. 1954–1956-йиллари ўзлаштирилган 36 млн гектар қўриқ ва бўз ерлар дастлаб мўл хосил берган бўлса (1956–1958-йиллари СССРда етиштирилган буғдойнинг ярмидан кўпи шу ерлардан олинди), кейинги йиллари тупрок эрозияси, курғокчилик ва бошка сабаблар пайдо бўлиб, хосилдорлик кескин камайиб кетди. Бунинг устига, бир кисм колхозларнинг совхозларга айлантирилиши, хўжаликларнинг йириклиштирилиши, давлат машина-трактор станциялари (МТС) қайта ташкил қилиниб, улар техникасининг колхозларга сотилиши ва Н. Хрушчёвнинг ташаббуси билан ҳамма жойда, ҳатто у пишмайдиган шимолий районларда ҳам маккажӯҳори экилиши (1957–1962-йиллари маккажӯҳори экиладиган майдонлар икки марта кўпайтирилди), гўшт етиштиришни уч йилда уч барабар ошириш каби волюнтаристик чакириклар, дехқонларнинг томорқа хўжаликларини қисқартириш ва, ҳатто, бутунлай йўқ килиш сиёсати қишлоққа тузатиб бўлмас даражада зарап етказди.

Шу даврда аҳолининг ижтимоий-демографик структурасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. 1959 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра мамлакат аҳолиси 208,8 млн кишини ташкил қилди. Шаҳар аҳолисининг улуши 1939 йилги 33% дан 48% га етди. Ишчи ва хизматчилар сони ошиб, қишлоқ аҳолисининг улуши 31,4% гача камайди.

1950 йиллари таълим соҳасида ҳам муҳим қарорлар қабул қилинди. 1958 йили етти йиллик мажбурий таълим ўrniga ўн йиллик умумий мажбурий таълим жорий қилинди. 1959 йили 39% ишчилар ва 21% колхозчилар ўрта маълумотга эга эди. 1950–1960-йиллари таълим ҳам жадал ривожланди, мутахассислар сони ошиди. Ўзбекистондаги 7044 та умумтаълим мактабларида 1399,9 минг болалар ўкирди. Мавжуд 31 та олий ва 85 та ўрта маҳсус ўкув юртларида 143,5 минг йигит ва қизлар таълим

оларди. Республика нинг ҳар 10 минг аҳолисига 108 нафар талаба тұғри келарди (бу күрсаткыч шу даврда АҚШда – 92, Японияда – 58, Францияда – 39, Италияда – 31 кишини ташкил қиларди). Ўзбекистонда ҳар түрттадан бир киши қайси дір үқув юртида таълим оларди, олий ва үрта маҳсус маълумотли мутахассислар сони 190 миннга яқин киши бўлиб, бу 1913 йили бутун чор Россиясидаги шундай мутахассислар сонидан анча кўп эди<sup>74</sup>. Яъни 40 йилда Ўзбекистон Шарқнинг энг ўқимишли ўлкаларидан бирига айланди. Албатта, бунга фақат совет маориф тизими эмас, ўзбек халқининг билим олишга, интилевчанликка йўналтирилган азалий анъаналар ҳам сабаб бўлди.

Баъзи ҳолларда ҳозир совет таълим тизимига нисбатан писандсизлик билан қарашиб мавжуд бўлса-да, ҳатто баъзи Ғарб мутахассисларининг ҳам тан олишича, энг яхши элитар таълим тизимини яратган Ғарбдан фарқли равишда, СССРда ўз даври учун энг яхши оммавий таълим тизими яратилган эди. Бу таълим тизими ўз даври учун жуда самарали бўлиб, унда эришилган муваффакиятлар фақат ривожланаётган мамлакатларда эмас, ҳатто Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида ҳам оммавий таълимнинг рағбатлантирилиши учун катта туртки бўлди.

1950-йиллари эришилган энг катта ютуклардан яна бири – аҳоли турмуш даражасининг кенг миқёсда ошиши бўлди. Бунга фақат маҳсулот ҳажми ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига эмас, аввало, ижтимоий йўналтирилган иқтисодга ўтиш орқали эришилди. Амалда СССР тарихида биринчи марта оммавий уй-жой курилиши бошланди. 1955–1964-йиллари шаҳарларнинг уй-жой фонди 80% га кўпайди. Масалан, Ўзбекистонда 1958 йили 2105 минг кв.м – 1956 йилдагига нисбатан уч мартадан кўпроқ уй-жой курилди. Тошкентда жадал суръатлар билан йирик Чилонзор массиви бунёд этилди. Нукус, Чирчик, Навоий, Олмалиқ, Самарқанд, Ғаргон, Ангрен ва бошқа шаҳарларда куляй ва шинам кўп қаватли уйлар пайдо бўлди. Кишлок жойларда уй-жой курилиши учун 1958 йили 600 млн рубль маблағ сарфланди. Республика аҳолиси урушдан олдинги даврга нисба-

<sup>74</sup> Каранг: Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент, издательство «Узбекистан», 1974. – С. 557.

тан анча яхши еб-ичиб, кийина бошлади. Шу даврда республикада 10617 нафар врачлар ва 33 мингдан ошик ўрта медицина ходимлари аҳолига хизмат кўрсатди. Шифохоналарда ҳар 10 минг аҳолига 60 та ўрин тўғри келиб, бу кўрсаткич айрим ривожланган капиталистик мамлакатлардагидан юкори эди<sup>75</sup>.

Шундай бўлса-да, қишлоқ аҳолисининг кўплаб шаҳарга кўчиши натижасида уй-жой муаммосини тўлиқ ҳал қилишнинг иложи бўлмади. Пенсиялар икки марта оширилди, 1964 йилдан колхозчиларга ҳам пенсия тўлаш йўлга қўйилди. Аҳолининг иш ҳаки, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли анча ошди. 1950 – 1958-йиллари ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳаки 60% га, колхозчиларники эса 90% га ўси. 1953 – 1958-йиллари мева ва сабзавот истеъмол килиш 3,4 марта, сут маҳсулотлари – 40%, гўшт – 90% га ошди. 1956 – 1960-йиллари ишчи ва хизматчилар 7 соатлик, ер ости ишчилари эса 6 соатлик иш кунига ўтказилди. Иш ҳафтаси 48 соатдан 46 соатга қисқартирилди<sup>76</sup>.

Шу даврда Ўзбекистонда телевидение кўрсатувлари жадал ривожланди. 1956 йили республикада биринчи Тошкент телемаркази иш бошлади. Фақат 1959 йили аҳоли томонидан 39,9 минг дона телевизорлар харид килинди. Айниқса, қишлоқларда телевизор одамлар ҳаётига жуда катта янгилик олиб кирди. Телекўрсатувлар битта каналда, фақат кечкурунги бир нечта кўрсатувдан иборат бўлишига қарамасдан, телевизор сотиб олган хонадонга қишлоқ ёки маҳалла аҳолисининг катта қисми йиғилиб, томоша қиласди.

Аҳоли фаровонлигининг ошиши, жамиятдаги демократик жарайёнлар омманинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширди. Аммо «иликлик» омма орасида бошқача, мавжуд тузумга мос келмайдиган хисларни ҳам уйғотди. Бундай ҳолатларда режим шафқатсиз харакат килди. 1959 йили Қозоғистоннинг Темиртау шаҳрида бир ярим минг ишчиларнинг намойиши армия ёрдамида

<sup>75</sup> Қаранг: Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Ташкент, издательство «Узбекистан», 1974. С. 557.

<sup>76</sup> Қаранг: М.М. Горинов, А.А. Горский, А.А. Данилов и др. История России с древнейших времен до начало XXI века. – М., «Дрофа», 2005. – С. 547 – 548.

бостирилди. Бу ердаги қурилишга СССРнинг Европа қисмидан келган ишчилар ўз шароитлари билан бу ерга Шарқий Европадан келган ишчиларга яратилган шароит ўртасидаги фарқни кўриб, ғазаби жўш урди.

1960-йиллар бошларида мамлакатда иқтисодий кийинчиликлар, аввало, озиқ-овқат танқислиги билан боғлиқ кескинлик вужудга келди. Шахарларда, хатто нон ҳам етишмасди. 1962 йил 1 июндан ҳукумат вактинча гўшт (30%) ва ёғнинг (25%) нархини оширишга мажбур бўлди. Бу дарҳол одамлар, аввало, ишчилар орасида норозиликни келтириб чиқарди. Новочеркасск шаҳрида 7 минг кишилик намойиш бўлиб ўтди. Бу намойиш ҳарбийлар томонидан шафқатсиз ўкка тутилди, 24 киши ўлдирилди, 30 киши яраланди. Намойишнинг 105 иштирокчиси судга тортилди, улардан 7 киши ўлим жазосига ҳукм килиниб, отиб ташланди. Шу кунлари Донбасс шахарларида (Донецк, Артёмовск, Краматорск), Омск, Кемерово ва Кузбасснинг бошқа шаҳарларида ҳам ишчиларнинг норозилик намойишлари бўлиб, қўшинлар томонидан бостирилди. Шундан сўнг ҳукумат иш ҳақи ва пенсияларни оширишга, бошқа ижтимоий имтиёзлар беришга мажбур бўлди<sup>77</sup>.

«Иликлик»нинг турли йилларида бир қатор намойишлар бўлиб, уларнинг барчаси шафқатсиз бостирилди. Тоталитар режим ўз моҳиятини ўзгартирмади, Сталинни танқид килишига қарамасдан, ўзи учун кичик хавф туғилганда уни сталинча усуллар билан бостириди. Сталинизм то Совет давлати тугагунча унинг мафқуроси, ҳалқ норозилигини бостиришнинг сталинча усуллари эса тоталитар ва автаритар режимларни саклаб туришнинг намунавий усулларига айланиб, ундан Совет давлати тугагандан кейин ҳам узоқ вақт фойдаланилди. Шу сабабли, бутун совет давлати тарихида миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг ноҳақ жазоланиши фуқароларнинг ҳақ-хукукларини химоя қилиши лозим бўлган суд, прокуратура ва ички ишлар органларига нисбатан аҳоли орасида ишончсизлик, хавфсизлик органларига нисбатан эса баъзан умумий нафрат ҳиссини уйготди.

<sup>77</sup> Қаранг: М.М. Горинов, А.А. Горский, А.А. Данилов и др. История России с древнейших времен до началу XXI века. – М., «Дрофа», 2005. – С. 548.

Бу жараёнлар Ш. Рашидовни Марказ билан эхтиёткор муносабат үрнатишга мажбур қилди. Айникса, құшни республикалардаги бир қатор воеалар ҳам уни шунга ундаётган эди.

1960-йиллар бошларидан Н. Хрущёв Қозоғистон пойтахтини Олма-ота шахридан Ақмола шаҳрига күчириш ва уни Целиноград деб қайта номлаш ташаббуси билан чиқди. Аммо Д. Кунаевнинг қаршилиги туфайли факат шаҳар номини Целиноград деб ўзгартыришга эришди, холос. Пойтахт Олма-отада қолди. Н. Хрущёв шундан сүнг Д. Кунаевни ёқтиirmай қолди ва уни ла-возимидан бүшатиш учун баҳона излай бошлади.

Бундан олдин, 1956 йил 21 январда Қозоғистон ССР Олий Совети «Бўстонлик районини ва Мирзачўл ерларининг бир кисмини Қозоғистон ССР таркибидан Ўзбекистон ССР таркибиға ўтказиш тўғрисида» Қарор қабул қилиб<sup>78</sup>, 1956 йил 15 марта Қозоғистон ССР ва Ўзбекистон ССР махсус ҳукумат комиссиялари юкорида қайд этилган ерларни Ўзбекистон ССР таркибиға қабул қилиш тўғрисида протокол имзолаган эди. Қозоғистон ерларини бундай қайта таксимлашга Қозоғистоннинг бир қатор раҳбарлари, жумладан, Д. Кунаев қарши чиқди.

1962 йили Н.С. Хрущёв нефтга бой бўлган Қозоғистон ССРнинг Мангишлок обlastини мавжуд нефть конларини тезрок ўзлаштириш мақсадида Туркманистон ССРга ўтказиш ташаббуси билан чиккан эди. Ўша пайтдаги Қозоғистон раҳбарияти, хусусан, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг раиси Ж. Ташенев ва Қозоғистон КП МКнинг биринчи секретари Д.А. Кунаев нефть конларини тез ўзлаштириш қозоғистонликларнинг ҳам кўлидан келишини исботлаб, Мангишлок обlastини Қозоғистон ССР таркибida сақлаб қолди<sup>79</sup>.

Натижада Мангишлок Қозоғистон таркибida қолди, аммо Н. Хрущёв Д. Кунаевнинг қаршилигини унутмади. 1962 йил 25 декабрда Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб, унда Д. Кунаев Марказий Комитет биринчи сек-

<sup>78</sup> Каранг: О Казахско-узбекской государственной границе <http://kazorta.org>

<sup>79</sup> Каранг: Д.А. Кунаев и проблемы изменения границ Казахстана. <http://articlekz.com>

ретари лавозимидан озод қилинди ва Қозоғистон ССР Министрлар Советининг раиси қилиб тайинланди (у 1964 йил декабрда, ҳокимиятга Л. Брежнев келгандан сўнг яна ўз лавозимига қайтади. Н. Хрущёв пайтида Ўзбекистонга берилган учта районни Д. Кунаев кейинчалик қайтариб олди). Бу лавозимга Жанубий Қозоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Исмоил Юсупов сайданди.

1961 йили пахта топширишда кўзбўямачиликка йўл қўйгани очилиб қолган Тоҷикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Улжабоев партиядан ўчирилиб, совхозга директор қилиб жўнатилди.

1961 йил сентябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездида Ш. Рашидов бир қатор раҳбарларни алмаштиришга эришди. О. Алимов бошқа ишга ўтганлиги сабабли (у Москвага СССР Марказий статистика бошқармасига ишга ўтди) Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолигидан чиқарилди. Унинг ўрнини Ўзбекистон Министрлар Советининг Раиси этиб тайинланган Раҳмонкул Қурбонов эгаллади. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси бўлган Р. Фуломов ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Абдураззоков ҳам бюро аъзолигидан чиқарилди.

Ш. Рашидов билан Н. Хрущёв ўртасидаги муносабатлар бу пайтда жуда яхши бўлиб, бу республиканинг бир қатор муаммоларини ижобий ҳал қилишга ёрдам берди. Масалан, 1960 йили Марказ Мирзачўлни ўзлаштириш ишини тұхтатишга қарор қилганда, Ш. Рашидов шахсан Н. Хрущёвнинг хузурига кириб, Мирзачўлни ўзлаштиришнинг мамлакат учун жуда фойдали эканлигини тушунтируди ва бу ишни давом эттиришга эришди.

Ш. Рашидовнинг ишонч қозонишидаги яна бир воқеа Бойконур билан боғлиқ. 1950 йиларнинг охирида СССР Қозоғистоннинг Бойконур деган жойида авиа-космик марказ қуришга қарор қилади. Дастрлаб бу лойиха «Тошкент-90» деб аталди, зеро дунёда биринчи космодром қурилишининг муваффақияти Ўзбекистон иштирокисиз амалга ошиши қийин эди. Объектга қурилиш ускуналари ва материаллари, цементдан тортиб то ўтингача, шунингдек, ишчи кучи Тошкентдан етказиб берилаётган эди. Ш. Рашидов бу жараённи шахсан назорат қилиб,

қурилишнинг тўхтовсиз амалга оширилишига ва ўз вақтида ишга туширилишига катта ҳисса қўшди. Ш. Рашидовнинг бу ҳаракатлари бошқа хислатлари билан кўшилиб, унга нисбатан Н. Хрушчёв ишончининг ошишига сабаб бўлди. 1961 йил октябрда бўлиб ўтган КПССнинг XXII съездиде Ш. Рашидов иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб КПСС Марказий Комитети таркибига киритилди ҳамда совет раҳбарлик тизимининг энг кудратли гурӯхи – КПСС Марказий Комитети Президиуми (Сиёсий Бюро) аъзолигига номзод этиб сайланди.

СССРда Ш. Рашидов обруси ининг ортиб бориши Н. Хрушчёв якиндагина «Марказий Комитет Президиуми таркибидаги энг ёш ва истиқболли раҳбар» деб атаган Н. Мухитдинов «юлдузининг сўниши» билан бир пайтга тўғри келди. 1961 йил октябрда, КПССнинг XXII съезди кунлари Н. Хрушчёв И. Сталиннинг жасадини мавзолейдан олиб чиқиб, хотини ва қариндошлари дафн қилинган Москвадаги Новодевичьеvo қабристонига (кейинчалик Н. Хрушчёвнинг ўзи шу қабристонга кўмилди) кўмишни таклиф килди. Бу таклиф тор доирада мухокама қилинганда, Н. Мухитдинов ҳалқ буни яхши қабул килмайди, масалан, Шарқда, мусулмонларда ўлган кишининг жасадини безовта қилиш катта гуноҳ ҳисобланади, дея фикр билдиради. Н. Хрушчёв ўз сўзида қатъий турадиган кишилардан эди, шу сабабли уни И. Сталин хокини мавзолейнинг ортига, Я. Свердлов, Ф. Дзержинский, М. Фрунзе, М. Калинин каби сафдошлари қўйилган Кремль девори ёнига кўмишга зўрга кўндиришади.

Эртаси куни КПСС Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Козлов Н. Мухитдиновни ўз уйига таклиф қилиб, съездда Н. Хрушчёв таклифини қўллаб сўзга чиқишни топширади. Н. Мухитдинов бунга рози бўлмаганда, Ф. Козлов бу Н. Хрушчёвнинг истаги эканлигини айтиб, унинг қаттиқ хафа бўлишидан огохлантиради. Н. Мухитдинов шундан кейин ҳам рози бўлмайди ва съездда сўзга чиқмайди. Съездда Ўрта Осиё республикалари раҳбарларидан ҳеч ким Н. Хрушчёвнинг таклифини ёқлаб сўзга чиқмади. Н. Мухитдиновнинг ҳам қатъиятли киши бўлганлигига тан бериш керак, зоро ўзи И. Stalinни мил-

лионлаб бегунох кишиларнинг ўлимида айбдор деб хисобласада, ўлган кишининг жасадини безовта қилишни катта гунох билб, бу ишга кўшилмайди. Баъзилар Н. Мухитдинов ўзининг бу харакати унинг сиёсий фаолиятига хотима ясашини охиригача англаб етмаган, деб хисоблашади. Қандай бўлганда ҳам мактовга лойик иш. Зотан, бундан анча кейин Ш. Рашидовнинг жасадини кўчириш ҳақида қарор қабул қилинганда Ўзбекистон раҳбарлари орасида бу ишни гунох хисоблайдиган ва шу гапни Москвага очик айтадиган бирорта мард топилмади.

Хуллас, съезддан кейин бўлиб ўтган пленумда Н. Мухитдинов Н. Хрущёвнинг таклифига кура КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига сайланмайди, Марказий Комитет секретари лавозимидан озод қилиниб, шу йил ноябрда СССР Центросоюз (Матлубот жамияти марказий кенгashi) раисининг муовини этиб тайинланади. Кейинчалик Н. Мухитдинов уни Марказий Комитет таркибидан чиқариш таклифини Н. Хрущёвга М. Суслов, Ф. Козлов ва Ш. Рашидов айтганлиги ҳақида ёзди. Ёзувчи Ф. Раззаков ҳам Н. Мухитдиновнинг Марказий Комитет таркибидан чиқарилишида Ш. Рашидовнинг ҳиссаси бор, аммо бу айёрлик эмас, сиёsatчининг ҳаракатини кўпинча шахсий муносабатлардан кўра юкорироқ мақсадлардан келиб чиқиб баҳолашади, аммо бизнингча, ушбу ҳолатда воқеалар ривожи ва Н. Хрущёвнинг муносабати Ш. Рашидовда бундай иш тутишга эҳтиёж бўлмаганидан далолат беради.

1961 йил 31 октябрь куни кечаси И. Сталиннинг жасадини мавзолейдан олиб чиқиб, Кремль деворининг орқасига кўмгандан сўнг Н. Хрущёв бу жараённи яна бир бор таҳлил қилиб, Ўрта Осиёдаги ҳолатни билиш учун 10 ноября Тошкентга келди. Шу куни Дўрмон қароргоҳида дам олиб, эртаси куни Самарқандга борди, шаҳарнинг дикқатга сазовор жойлари билан танишди ва паҳтакорлар билан учрашди. Кейин Жиззахга келиб, Мирзачўлни ўзлаштириш ташкилоти (Главголодностстрой) раҳбарлари билан дастлабки ютуклар ва муаммолар тўғрисида суҳбатлашди. Тошкентга қайтиб, машҳур «Политотдел» колхозида бўлди, Янгийўл районида 24 ёшли машҳур механизатор Турсуной Оху-

нова билан учрашди. 14–15 ноябрь кунлари А. Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида кишлоқ хўжалик масалалари бўйича минтақавий мажлис ўtkазди. Н. Хрушчёвнинг Тошкентга ташрифи Ўзбекистон ва унинг раҳбари Ш. Рашидовнинг мавқеи минтақада жуда юқори эканлигидан далолат берарди.

Айнан шу даврда Ш. Рашидов СССРнинг бир катор муҳим ташкии сиёсий тадбирларига ҳам жалб қилинди. Шулардан бири 1962 йили дунёни янги жаҳон уруши хавфига олиб келган СССР, Куба ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар билан боғлик воқеа, «совуқ уруш»нинг энг кескин инкиrozларидан бири – 1962 йилги Карib инкирози бўлди.

1959 йил январда Кубада Фидель Кастро Рус бошчилигидаги инкилоб ғалаба қозониб, социализм куриш ва СССР билан ҳамкорлик йўли танлангани АҚШни безовта қилиб қўйди. СССР эса Ғарбий яримшарда ўзига биринчи иттифоқчи пайдо бўлганини Лотин Америкасида юз берадиган яхши ўзгаришлардан нишона сифатида олқишилади. СССР Ф. Кастрони кўллаб-қувватлашга қарор қилди. Икки мамлакат ўртасида эришилган ўзаро битимга мувофиқ Москва Гаванага қурол-яроғ, замонавий зирхли танклар, артиллерия ва ўқотар қуролларини етказиб бера бошлади. Шунингдек, Кубага кишлоқ хўжалиги мутахассислари номи остида ҳарбий мутахассислар ва маслаҳатчилар юборилди. Совет раҳбарлари АҚШ Ф. Кастро режимини ағдаришга уринади, деган ишонч билан Кубага ядро каллакчаларига эга бўлган ўрта олисликка учувчи ракеталарни жойлаштиришни режалаштириди. Бу ҳақда Ф. Кастро билан музокаралар олиб бориш учун Н. Хрушчёв Ш. Рашидовни жалб қилди. Россиялик таниқли жамоат арбоби В. Фалиннинг ёзишича, бу борада Н.С. Хрушчёв деярли ҳеч ким билан маслаҳатлашмаган ҳолда Ш. Рашидовни танлайди. Бу шу даврда Н. Хрушчёвнинг Ш. Рашидовга ва у бошчилик қилган делегация ишининг муваффақиятига ишончидан далолат беради.

Делегацияга раҳбар этиб Ш. Рашидовнинг тайинланишига бир неча сабаблар бор эди. Биринчидан, Кубага янги тайинланган совет элчиси А. Алексеев маълумоти ва касби бўйича журналист булиб, мураккаб музокараларни олиб боришга ҳали тайёр эмас-



Шароф Рашидов ва Фидель Кастро

ди. Иккинчидан, Марказий Американинг шу даврда модернизация йўлига кирган мамлакатлари, жумладан, модернизациянинг худди СССРдаги сингари инқилобий йўлини танлаган Куба бу йўлда улкан ютуқларга эришган Ўзбекистонга катта қизиқиш ва хайриҳоҳлик билан бокарди. Учинчидан, Ўрта Осиё республикаларида раҳбарлар ўртасида ўзаро муносабат анча мураккаб бўлиб, Н. Хрущёвнинг фикрича, бу ерда кўпчилик билан тил топишиб, турли қараашдаги раҳбарлар ўртасида мувозанат сақлаб келаётган Ш. Рашидов мураккаб дипломатик топширикни ҳам бажаришга тайёр эди.

Аслида Н. Хрущёв Ш. Рашидовнинг дипломатик қобилияти билан 1957 иили биргаликда Ҳиндистон сафарида бўлган пайтида танишган эди. Ш. Рашидов учун бу сафар факат дипломатик йўналишдаги илк қадамлардан бири бўлмасдан, Ўзбекистон муваффакиятининг ҳам намойиши бўлди. Чунки делегация аъзолари сафарни Ўзбекистонда ишлаб чиқарила бошланган янги Ил-14 самолётида амалга ошираётган эди. Нисбатан жуда кисқа вақт ичida бундай ютуқларга эришган Ўзбекистон ва унинг раҳбари энди модернизация йўлига кирган Осиё мамлакатларида катта қизиқиш уйғотиши аниқ эди.

Шу тарика, гўёки қишлоқ хўжалиги борасида тажриба алмашиш мақсадида, Кубага йўл олган делегацияга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Рашидов раҳбарлик қилди. Унга Стратегик аҳамиятдаги раке-

та қүшинлари күмөндөни, маршал С. Бирюзов, авиация генерал-лейтенанти С. Ушаков, генерал-майор П. Агеев ва бошқалар ҳамрохлик килди. Бу жараёнда яна битта катта таваккалчиликка йүл қүйилди. Делегация СССРда хали сертификацияланмаган ва эксплуатация учун қабул қилинмаган Ту-114 самолётида учеб кетди. Бундай сертификацияланмаган самолётда узок сафарга учиш жуда хавфли ва ўта катта таваккалчилик эди.

Кубага етиб келган Ш. Рашидов Ф. Кастрога Кремль режаларини баён килди. Бироқ бу режалар дастлаб Ф. Кастрода норозилик кайфиятларини келтириб чиқаради. Аммо Ш. Рашидов бор дипломатик маҳоратини ишга солиб, Ф. Кастрони бу ишнинг муваффакиятига ишонтира олди. Бир ҳафтадан сўнг, 10 июнда Москвага қайтиб келган Ш. Рашидов Н. Хрущёвга Куба раҳбаријатининг розилигини маълум килди.

1962 йилнинг май ойи бошларида Кремлда Н.С. Хрущёв, А.И. Микоян, Ф.Р. Козлов, Ш.Р. Рашидов, СССР мудофаа вазири Р.Я. Малиновский, ташки ишлар вазири А.А. Громико, Стратегик аҳамиятдаги ракета қүшинлари күмөндөни С.С. Бирюзов иштирокида йигилиш бўлиб ўтди. Кубага ядервий ракеталарни жойлаштириш борасидаги якуний карор 24 майда бўлиб ўтган Мудофаа вазирлиги Кенгашининг кенгайтирилган мажлисида қабул қилинди. Бу ракеталар Американинг кўплаб шахарларига бевосита хавф соларди. АҚШ, ўз навбатида, СССРнинг бу ҳараратини Америка хавфсизлигига таҳдид деб баҳолади. СССРнинг Кубага ядервий ракеталар жойлаштириши ва АҚШнинг бунга карши жавоб тадбирлари дунёни ядервий ҳалокат ёқасига олиб келди.

СССР раҳбари Н. Хрущёвнинг жангари сиёсати ўша пайтда Совет Иттифоқи Янги Ер оролида ниҳоятда кучли – эллик мегатонналик термоядро куролини муваффакиятли синовдан ўтказгани билан боғлиқ эди. Биринчи совет водород бомбаси 1953 йил 12 августда Қозогистондаги Семипалатинск полигонида ўтказилган бўлиб, бу бомбанинг кучи 50 килотонна тротил эквивалентига тенг эди. Кейинчалик академик Игорь Курчатов раҳбарлигида ва академик А. Сахаров иштирокида юз мегатонналик бомба тайёрланган, аммо олимлар бу бомбани портлатиш планетани ўз ўки

атрофидан чикариб юборади ёки Ер шари бўлиниб кетади, деб хисоблаб, уни синовдан ўтказмасликка Н. Хрушчёвни кўндириди. Янги синовлардан олдин А. Сахаров уларнинг тақиқланишига эришиш учун яна уриниб кўрди, бироқ муваффакиятсизликка учради. «Мен ўзим нотўғри ва кераксиз деб хисоблаган нарсага карши хеч нарса кила олмадим, – дея эслайди кейинрок А. Сахаров. – Менда даҳшатли чорасизлик туйгуси бор эди. Шундан сўнг мен мутлақо бошқа одам бўлиб қолдим»<sup>80</sup>. 1958 йили А. Сахаровнинг ядервий портлашлар радиоактивлигининг ирсиятга заарли таъсири ва бунинг оқибатида ўртacha ҳаёт давомийлигининг камайиши ҳақидаги иккита маколаси пайдо бўлди. Олимнинг баҳо беришича, ҳар бир мегатонналик портлаш келажакда онкологик қасаликдан 10 минг кишининг нобуд бўлишига олиб келади. Уша йилнинг ўзида СССР атом портлашларига эълон қилган мораторийнинг узайтирилишига уриниши муваффакиятсизликка учради. Навбатдаги мораторий 1961 йил 30 октябрда ўта курдатли, ҳарбийдан кўра кўпроқ сиёсий мақсаддаги водород бомбасининг портлаши билан тұхтатилди. Ер экологиясини бузмаслик учун бу портлашни ҳавода ўтказишга қарор қилинган эди. Оғирлиги 27 тонна, узунлиги 8 метр бўлган эллик мегатонналик бомбани жуда кийинчилик билан Ту-95 стратегик бомбардимончи самолётига юкланды. 30 октябрь эрталаб соат 11 дан 32 дақиқа ўтганда Янги Ер ороли устида қуруқлик юзасидан 4000 метр баландликда 50 мегатонна тротил қувватига зга бўлган бомба портлатилди. Диаметри 10 км ҳажмдаги қизиб турган шардан қўёш қувватининг 1% ига тенг энергия ажralиб чиқди. Вайрон килиш зонаси 500 км га тарқалди, портлаш тўлкини ер шарини уч марта айланди. Портлашдан ҳосил бўлган гумбаз космосга етди<sup>81</sup>.

Бу ҳолат Н. Хрушчёвни ташқи сиёсатда дадил ҳаракат қилишга уннади. Умуман, «Анадир» операциясига мувофиқ Кубада 42 та ўрта олисликка учувчи Р-12 ва янги СС-7 ракеталари

<sup>80</sup> Каранг: Ш.Эргашев, Т. Бобоматов. XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Т.: «O'zbekiston» НМИУ, 2016. 398-б.

<sup>81</sup> Каранг: Р. Газиев. Деятели Узбекистана. <https://www.proza.ru/2012/03/10/1673> ёки Испытания термоядерной бомбы в СССР 30 октября 1961 года. <https://ria.ru/spravka/20161030/1480199084.html>

үрнатылды, шунингдек, 42 минг кишилик күшин жойлаштирилди. Бу күшин турли хил ракета қурилмаларига, ракета юклаган кичик кемаларга, сув ости кемаларига, торпедо юклаган Ил-28 авиаполкига, атом бомбалари юкландын Ил-28 самолётлари эскадрильясында, МиГ-21 самолётлари авиаполкига, вертолётлар ва Тошкент авиация заводида ишлаб чиқарылган Ан-12 транспорт самолётлари полкига хизмат күрсатарди. Полигонда жанговар тайёр 400 та танк яширган, Кубанинг қирғоқ бўйларида 13 та ҳарбий кемалар навбатчилик киларди. Ҳарбий иқтисодчилар томонидан қилинган ҳисоб-китобларга кўра Кубага 250 млн долларлик ҳарбий ускуналар олиб кирилган. Аммо эксперталарнинг айтишича, бу «совук уруш» авж олган ўша даврда АҚШ билан СССР ўртасида ҳарбий тенгликни саклаб туриш учун ўзини окладиган харажат эди. Кариб инқирози тадқиқодчилари ёзишича, 2,5 – 4,5 минг км га уча оладиган ракеталар АҚШнинг ғарбий қирғоқларида жойлашган барча ҳарбий обьектларини йўқ қилишга қодир бўлиб, бу бутун капиталистик дунёни безовта қилиб қўйди. Курол-яроқларни Кубага ташиб келтиришда 85 та юк ва йўловчи ташувчи кемалар қатнашиб, улар 200 дан зиёд рейсларни амалга оширди. СССР томонидан тайёрланган ҳарбий операциянинг миқёси жуда катта бўлиб, буни фақат жаҳон урушидаги тайёргарлик билан таккослаш мумкин эди. Ўз навбатида, АҚШ ҳам 40 та йирик ҳарбий кемаларини, жумладан, атом авианосеци «Энтерпрайз» бошчилигига 8 та авианосецларни, 200 та турли хил ҳарбий кемаларни, 13 та сув ости кемаларини ва 20 минг пиёда күшинларни юклаган юк кемаларини Куба атрофига тўплади. Флорида штатида 250 минг кишилик кўшинлар гуруҳи жанговар тайёргарликка келтирилди. АҚШ армияси 450 минг кишилик кўшинларни ҳам жанговар ҳолатга келтиришни бошлади. Совет Иттифоқи томонидан қўйилган бундай қалтис қадамдан сўнг муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш учун ишга дипломатлар киришиши лозим эди. Икки томоннинг ҳам ўша даврдаги дипломатлари ва кейин ҳарбий эксперталар ёзишича, Кариб инқирози ҳукуматларни энг оғир шароитларда ҳам келишувларни излаб топиш мумкинлигига ўргатди. Икки давлат рапбарлари ва элчилари ўртасидаги бир қатор тортишувлардан сўнг

АҚШнинг Оқ уй маъмурияти тўлиқ таркибда бир хафта кечаю кундуз икки давлат ўргасидаги қарама-каршиликни муҳокама килди. Н. Хрушчёв ва унинг буйруғи билан бутун совет ҳукумати намойишкорона Большой театрга борди, хуллас, охири муаммо ечилди. АҚШ президенти Жон Кеннеди ўз укаси Роберт Кеннеди орқали мурожаат қилиб, Н. Хрушчёвни учрашувга таклиф қилди. Ўзаро учрашувлар ва зиммага олинган мажбуриятлардан сўнг 1962 йил 2 ноябрда совет ракеталари Кубадан олиб чиқиб кетилди. Ўз навбатида, АҚШ Кубанинг денгиз қамалини бекор қилди, унинг суверенитетини хурмат килишини таъкидлади, СССР чегаралари яқинида, Туркия ҳудудидаги Америка ҳарбий базалари масаласини кўриб чиқишига ваъда берди. АҚШ президенти Ж. Кеннеди ва совет раҳбари Н.С. Хрушчёв намойиш қилган сабот ва соғлом фикр бу можарони бартараф қилиш имконини берди.

Кариб инқирози Совет Иттифокига жуда кимматга тушди. Бевосита иқтисодий харажатлардан ташқари дипломатик муаммолар ҳам пайдо бўлди, масала БМТ Бош Ассамблеясида муҳокама килингандан сўнг кўплаб мамлакатлар СССР билан дўстона муносабатлардан воз кечди. Натижада бетараф мамлакатлар ҳам Совет Иттифокига муносабатини ўзгартирди, уни хурмат қилиш эмас, ундан қўрқадиган бўлиб қолди.

Шу тариқа Марказий Америкада ўз мустақил йўлини танлаган Кубанинг кейинги ривожланишида Ш. Рашидовнинг ҳам маълум ҳиссаси бор. Ҳозир АҚШда яшаётган Узбекистон авиаация саноатининг фахрийси Р. Газиев ўз хотираларида ёзишича, Марказий Америкадаги Кубага бағишланган деярли барча нашрларда Ш. Рашидов ҳақида, икки давлатларни яқинлаштиришдаги унинг роли, журналистлик ва ёзувчилик фаолияти тўғрисида, Марказий Осиёдаги чўл ерларни ўзлаштиришга қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот берилади. Ф. Кастро ўз таржимаи холи ҳақида ёзган, дунёнинг кўплаб мамлакатларида нашр қилинган «Менинг ҳаётим» номли китобида ҳам бир неча сахифани Ш. Рашидовга бағишлигаган<sup>82</sup>.

<sup>82</sup> Каранг: Р. Газиев. Деятели Узбекистана. Воспоминание. <http://www.proza.ru/2012/03/10/1673>

Ш. Рашидов Кубадан қайтгандан сўнг ҳам «Анадир» операцияси билан боғлиқ дипломатик фаолиятни давом эттириди, хусусан, 13 июнда Москвага келган Ф. Кастро билан учрашди. Умуман Ш. Рашидов ва Ф. Кастро ўртасидаги алоқалар узоқ давом этди.

1963 йили СССРга ташриф буюрган Ф. Кастро Ўзбекистонга ҳам келди. Ш. Рашидов унга Ўзбекистон шаҳарларининг дикқатга сазовор жойларини кўрсатди, Тошкент, Самарқандда бўлди, Мирзачўлда чўлкуварлар билан учрашди. Энди модернизация йўлига кирган Куба учун Ўзбекистон тажрибаси жуда қизиқарли эди.

Айни пайтда Ш. Рашидов катта сиёsatга қўшилганлиги ва давлат ишлари билан ўта бандлигига қарамасдан, севимли иши ёзувчиликни давом эттириди. У Куба сафаридан сўнг бошлаганига анча бўлган «Қудратли тўлқин» романини ёзиб тутатди. Роман Ш. Рашидов 1944 йили самарқандлик қурувчилар билан бирга иштирок этган Фарҳод ГЭСи қурувчиларига бағишлиланган. Олдинги икки асари – «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» романларидаги сингари бу асарнинг ҳам марказида икки севишган ёш – Пўлат ва Баҳорнинг ҳаёти ва кураши олинган. 1930-йиллари совет адабиётига кириб келган «саноат романни» типида ёзилган бўлиб, Ш. Рашидов бу усулни ўзбек адабиётига биринчилардан бўлиб олиб кирган ёзувчи эди.

Шу даврда Н. Хрушчёв ислоҳотлари фақат маъмуриятчилик усуллари билан ҳалқ ҳўжалигига туб ўзгаришларга эришиб бўлмаслигини кўрсатиб берди. 1960 йилларнинг бошларидаёқ бир кисм иқтисодчилар орасида ҳалқ ҳўжалигини бошқаришнинг бошқача, иқтисодий усулларини кўллаш лозимлиги ҳақида фикр етилди. Тобора кучайиб бораётган иқтисодий муаммолар ҳам иқтисодни бошқаришга янгича ёндашувни талаб қиласарди.

Шундай ҳолатда 1962 йил октябрда Н. Хрушчёв Тошкентга келди. У республикада кишлоқ ҳўжалиги ва саноатнинг ривожланиши билан танишди, олимлар билан учрашиб, муаммолар ҳақида сухбатлашди. Кейин кончилар шаҳри Олмалиқда мис бойитиши фабрикасининг очилиш маросимида иштирок этди. Ш. Рашидов унга мис билан бирга йўл-йўлакай олтин ҳам олиниши ҳақида маълумот берди. У эса нима учун йўл-йўлакай олтин

олинади? дея қизиқди. Шунда Шароф Рашидович Ўзбекистон «оқ олтин» билан бирга ҳақиқий олтинга ҳам бойлигини, факат уни қазиб олиш энди бошланиши ҳақида гапириб берди. Шу даврда Мурунтов олтин конини ўзлаштириш режаси устида иш кетаётган эди. Ўзбекистонда олтин ишлаб чиқариш саноатининг фахрийларидан бири Аброл Қаҳхоровнинг хотирлашича, Ш. Рашидов олтин ва уни қазиб олиш тарихи бўйича жуда катта билим ва салоҳиятга эга бўлган. Аслида бу даврда Мурунтов томонларда геология-разведка ишлари жадал олиб борилаётган, 1958 йил 1 сентябрда Навоий төғ-кон комбинатига асос солинган, Учкудуқда ҳам курилиш ишлари бошлаб юборилган эди.

Н. Хрушчёв Тошкентдан Москвага янги foялар билан қайтиб келди. 1962 йил декабрда маркази Тошкентда бўлган КПСС Марказий Комитетининг Ўрга Осиё Бюросини ташкил қилди. Бу ташкилот Ўрга Осиёда бошланадиган ислоҳотларга бошлиқ қилиши лозим эди. Н. Хрушчёв бу ташкилотга раҳбар этиб тажрибали партия ходими Владимир Ломоносовни тайинлади. В. Ломоносов Н. Хрушчёвдан кейин ҳам узок йиллар Ўзбекистонда ишлади. Шу йил декабрь ойида Ўзбекистон Компартияси таркибида бир қатор ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Г. Наймушин Президиум аъзолигидан номзодликка ўтказилди. Бу Ш. Рашидовнинг истаги бўлмасдан, Н. Хрушчёвнинг бутун СССРда КГБнинг таъсирини пасайтиришга қаратилган сиёсатининг натижаси эди. Шу йигилишда Н. Худойбердиев Президиум аъзоси, К. Муртазовев аъзоликка номзод қилиб сайланди.

Ислоҳотлар доирасида Партия назорати комитети катта ваколатларга эга бўлди. Бу ташкилот партия органлари, ҳукумат, суд, ҳатто КГБни ҳам текшириш ваколатини олди. Ўзбекистонда Партия назорати комитетининг раиси этиб М. Мусахонов тайинланди. 1963 йили партия раҳбариятидаги ўзгаришлар давом эттирилиб, З. Раҳимбобоева ўрнига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мафкура бўйича секретари этиб Р. Нишонов сайланди.

1963 йилдан Ш. Рашидовнинг Н. Хрушчёв билан муносабати ҳам мураккаблашди. Ш. Рашидовнинг мамлакат ички ҳаётидаги кўплаб воқеаларга ўз нуқтаи назари борлигини деярли намойиш-

корона тарзда изхор килиши Н. Хрущёвга ёқмасди. Масалан, Н. Хрущёв даврида динга қарши ўтказилган кампания уму-ман совет давлати тарихида бошқа учрамайди. Беш йил ичидә (1960 – 1964) СССРда черков, масжид ва бошқа диний эътиқод жойлари 5,5 мингтага кисқариб кетди. Н. Хрущёв бутун мам-лакат бўйлаб динга қарши кураш эълон қилди. Ш. Рашидов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбарияти турли баҳоналар билан республика ҳудудида бу жараённи юмшатишга уринди. Москва-га шунча масжид ёпилди, деб ахборот берилса-да, аслида улар фаолият юритаверди. Буни Н. Хрущёв яхши биларди. Аммо, республика эришаётган ютуклар Ш. Рашидовни лавозимидан олишга йўл қўймаётган эди. Масалан, 1963 йили Ўзбекистон пах-тадан рекорд – 3 млн 688 минг тонна ҳосил йиғиб олди. Бу ўтган йилги қўрсаткичдан 681 минг тонна қўп эди. Шу йил декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССРда хизмат қўрсатган пахтакор» деган фахрий унвон таъсис қилди. Республика бошқа соҳаларда ҳам қўзга қўринарли ютукларга эришди. Шу йили 29 та янги саноат корхоналари ишга туши-рилди, ишлаётган завод ва фабрикаларда 55 та цех қурилди. Бу ютуклар Н. Хрущёв билан муносабатларнинг мураккаблигига қарамасдан, Ш. Рашидовга куч ва ишонч баҳш этди. У баъзи ҳолларда очиқласига Н. Хрущёвга қарши борди. Масалан, 1959 йили Москвадан кувилган машҳур ёзувчи Константин Симоновга Ш. Рашидов Тошкентда бошпана берди. «Звезда Востока» журна-ли СССРда биринчилардан бўлиб унинг «Тириклар ва ўликлар» романини нашр қила бошлади.

Шу даврда Ўзбекистон раҳбариятида ҳам бир катор ўзгариш-лар юз берди. 1963 йил декабрда Ўзбекистон ССР КГБнинг раиси Г. Наймушин ўрнига Москва С. Кисилёвни тайинлади. Ш. Раши-дов ҳам 1964 йил марта Ўзбекистон Ички ишлар министри Т. Жа-лилов ўрнига Ҳайдар Яҳёевни тайинлади. Шу йил август ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси таркибида ҳам ўзгариш юз берди: И. Анисимкин бюро аъзоси этиб сайланди.

Бу даврда Н. Хрущёвнинг ўзбошимча ва ўйламасдан кабул қилган қарорлари КПССнинг энг юкори доирасидаги раҳбарларни ҳам ташвишга sola бошлаган эди. Оддий совет кишилари ора-

сида ҳам Н. Хрущёвга ҳурмат пасайиб борди, у ҳакида турли хил латифалар түқилди, уни энди ҳалқ орасида «Никита-кукурузник» (Никита-маккажұхориич) деб атайды башлади. Булар ҳаммаси Н. Хрущёв даврининг тугаб бораётганидан далолат берарди.

Аслида, совет тарихининг энг романтик, мураккаб ғислар ва ушалмас орзуларга тұлиб-тошган даврларидан бири Н. Хрущёв номи билан боғлик. Бу даврни танқиلى совет ёзувчisi И. Эренбург узок өңде қаҳрли Сталин «қиши»дан кейинги «илиқлик» деб атади. Айни пайтда, бу ҳали әрқин фикр ва ғисларга тұлиб-тошган «баҳор» әмасди, у айнан «илиқлик» бўлиб, ундан кейин яна «енгил совуқ» тушиши ҳам мумкин эди. Шунга қарамасдан, совет қишилари бу даврда катта орзулар билан, ўзгаришларни кутиб яшади. Бу орзуларнинг ҳаммаси ҳам амалга ошмагани аниқ, аммо амалга ошган кисмida Н. Хрущёвнинг хизматлари катта. Айнан унинг даврида Сталин лагерларининг маҳбуслари озодликка чиқди, деҳқонлар паспорт олди ва ўзи истаган жойда яшаш ҳуқуқига эга бўлди, юз минглаб оиласлар бараклардан алоҳида хонадонларга кўчиб ўтди (уларни кейин писандсизлик билан «хрушчовкалар» деб атади). Ишлайдиган қишилар ҳафтасига икки кун дам олиш, қариялар эса пенсия ҳуқуқига эга бўлди.

«Илиқлик» даври маданият ва фаннинг гуркираб ўсиши учун шароит яратди. Бу даврга хос бўлган ютуклар ва зиддиятлар айнан маънавий соҳада ёрқин акс этди. Ўзгаришларга биринчи бўлиб муносабат билдиранлар адабиёт вакиллари бўлди. Улар танқидий мақолалар ва янги руҳдаги асарларни эълон қилди. Узоқ йиллар давомида биринчи марта мамлакатда шаклланган мухитнинг, бир қиши – давлат бошлиги барча соҳанинг «билимдони» бўлиб, фан ва маданият соҳалари вакилларига нимани ва қандай ёзиш ёки нимани кашф этиш тўғрисида «энг тўғри» маслаҳатни бериши, қишиларнинг фикри ва ўй-хаёллари устидан якка хукмронлик қилиши маънавият учун ҳалокатли эканлиги ҳакида очиқ айтилди.

1953–1964-йиллари жамиятнинг маънавий ҳаётида сўзсиз жуда катта ўзгаришлар юз берди. Улар СССРдаги барча халклар, жумладан, ўзбекларнинг маънавий янгиланишида, сталинизм асоратларидан ҳолос бўлишида катта роль ўйнади.

Аммо мамлакатдаги иқтисодий ахвол Н. Хрушчёвнинг мав-кенини туширди. 1964 йили октябрда бўлиб ўтган КПСС МК Пле-нуми уни бир катор хато ва камчиликларда айблаб, КПСС МК Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси лаво-зимларидан озод қилди. Бу аслида СССР тарихида ҳам муҳим воеа эди. Мамлакат тарихида биринчи (ва охирги) марта давлат ва партия бошлиги оддий овоз бериш йўли билан лавозимидан озод килинди. Н. Хрушчёв ўрнига КПСС МК Биринчи секретари қилиб Л. Брежнев сайланди, СССР Министрлар Совети Раиси қилиб А. Косигин тайинланди. Н. Хрушчёвнинг ағдарилиши мамлакатда норозилик уйготмади. Аксинча, сталинизм даврига қайтишдан чўчиган бир гурӯҳ зиёлилардан ташқари барча пле-нум қарорини маъқуллади ва қўтаринкилик билан қарши олди. Давлат хизматчилари ҳам, аҳоли ҳам раҳбарият алмашинувини Н. Хрушчёв хатоларини тузатиш йўлидаги имконият сифати-да қабул қилди. Барча Сталин жиноятларининг фош қилиниши натижасида жамиятда вужудга келган кескинликни юмшатиш, хотиржамлик ва баркарорлик тарафдори эди. Аммо Н. Хрушчёв-нинг истеъфоси билан «илиқлик» даври ҳам тугаганлигини жуда кам кишилар англаб етган эди.

Н. Хрушчёв умрининг сўнгги йилларида хотираларини ёзди, уларда мамлакат раҳбари бўлган йилларда йўл қўйган хатолари ҳақида очик гапирди. Аммо у бошқача ҳаракат кила олмасди, зо-тан у ўзи ўзгартиришни истаган тоталитар режимнинг маҳсули бўлиб, умрининг охиригача шу режим руҳи билан яшади.

Н. Хрушчёв 1971 йил 11 сентябрда вафот эди. Унинг Ново-девичье қабристонидаги ҳайкалини машхур ҳайкалтарош Эрнст Неизвестний оқ ва қора мармардан ясаганлиги бежиз эмас. Унинг ҳокимият тепасида бўлиши Stalin шахсига сифинишининг йўқ қилиниши ва Farb билан муносабатларнинг илиқлашиши билан, худди шу сингари авангардчи рассомлар кўргазмасининг вайрон қилиниши ва ядро урушига олиб келишига озгина қолган Кариб инқирози билан машхур. Никита Сергеевичнинг ўз ҳаёти ҳам зеб-ра каби ок-кора чизиклардан иборат. Тақдир унга шахсий гам-кулфатни ҳам, баҳтни ҳам, юксак парвозлар-у, қайғули дамларни ҳам насиб этганди. У оз эмас, кўп ҳам эмас ўз даври – XX

асрнинг, шу асрда дунёнинг олтидан бир қисмидаги коммунистик тажрибани амалга оширган советлар даврининг машхур кишиси эди. Инқилоблар ва урушларга бой бўлган алғов-далғов замонаси сингари у тарихда, авлодлар ёдида аччик ва ёрқин хотиралар сифатида сақланиб қолди.

## «ТУРГУНЛИК» ВА ТАРАҚҚИЁТ

Ш. Рашидов КПСС Марказий Комитетининг Н. Хрущёвни лавозимидан озод қилган пленумидан сўнг Тошкентга кайтиб келди. Республика пахтакорлари эришган ютуқ Ш. Рашидовга Москвадаги янги раҳбарият олдида ўзини дадил тутиш имконини берди. 1964 йили давлатга 3 млн 670,7 минг тонна пахта топширилиб, режа 106,4% га бажарилди. Шу йили Ўзбекистон ССР ташкил топганлигининг 40 йиллиги нишонланди. Ушбу муносабат билан 20 ноябрда Тошкентдаги Санъат саройида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг тантанали қўшма йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда янги сайланган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л.И. Брежнев табрик нутки сўзлади. Л. Брежневнинг Тошкентга келиши Москвадаги янги раҳбариятнинг Ўзбекистонга, унинг раҳбари Ш. Рашидовга яхши муносабатидан далолат эди.

Ўз нутқида Л. Брежнев Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётда эришган ютуқларга ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, республикада саноатнинг 100 дан ортик соҳалари фаолият юритаётгани, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар дунёнинг 58 та мамлакатларига экспорт килинаётгани, Ўзбекистон заводлари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг ҳаммасидан кўп қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқараётганлиги тўғрисида айтилди.

Бу айтилганлардан ташқари Ўзбекистон шу даврда СССР республикалари ва чет элларга металл, пўлат ва чўян трубалар, кимё ва радио-электротехника ускуналари, тўқимачилик машиналари, тракторлар, кутарма кранлар, экскаваторлар, пахта териш машиналари ва бошқалар экспорт қиласди. Шунингдек, бошқа республикаларга вольфрам, молибден, кобальт, мис,



Шароф Рашидов

кўрғошин ва бошқа рангли металлар етказиб берарди. Самарканнадаги «Кинап» заводининг киноаппаратуралари барча совет республикаларига жўнатилар, «Таштекстильмаш» заводининг машиналари эса СССРдаги 350 та фабрикаларга ўрнатилган эди. 1964 йили «Ташсельмаш» заводи вертикал-шпинделли ХТ-1,2 пахта териш машиналарини оммавий ишлаб чикара бошлиди. Шу йил бошида энг йирик газ кувури – Бухоро – Урал йўналиши бўйича Урал саноат шаҳарларига юз миллион кубометрлаб юқори сифатли ёқилғи етказиб берила бошланди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда саноат ривожланишининг жадал суръатларидан, республикамизнинг катта имкониятлари ва улкан истиқболларидан далолат берарди.

«Илиқлик» йилларида Ўзбекистон фани ҳам дунё миқёсига чиқди. Ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари И. Мўминов, Я. Гуломов, Р. Набиев, Х. Сулаймонова, О. Аминов, И. Искандаров, Р. Аминова, Э. Юсупов, геологлар Ҳ. Абдуллаев, И. Ҳамрабоев, Г. Мавлонов, биокимёгар Ё. Тўракулов, кимёгарлар О. Содиков, М. Набиев, С. Юнусов, физик ва математиклар Т. Қори-Ниёзий, Т. Саримсоқов, У. Орифов, С. Сирожиддинов, С. Азимов, В. Қобулов, техника фанларида М. Ўрзобоев, биология ва ботаникада З. Қодиров, А. Дадабоев, А. Имомалиев ва бошқалар ўзбек фанини машҳур килди, улар асарлари чет элларда нашр қилинди. Кўпчилиги чет эл фанлар академияларининг аъзолари бўлди. 1959 йили геология соҳасидаги илмий иши учун академик

Ҳабиб Мұхаммедович Абдуллаев, 1964 йили эса қалқон безларни тадқиқ этишдеги илмий янгиликлари учун яна икки үзбек олимлари – Ёлқин Холматович Тұрақулов ва Ражаб Қоплонбекович Исломбеков совет даврининг энг олий мукофоти – Ленин мукофотига сазовор бўлдилар.

Л. Брежнев Тошкентдан жұнаб кетгандан сұнг Үзбекистонда қизиқ воқеа содир бўлди. Кўпчилик, айниқса, ўзини амалдаги ҳукуматга мухолифатчи деб ҳисобловчилар Л. Брежневни вақтингча ҳукуматга келган шахс, шу сабабли таъсири кучли эмас, унинг яқин келажакда ҳокимиятдан кетиши сўзсиз Үзбекистонда ҳам ҳокимият алмашинувига олиб келади, деб ўйларди.

1964 йил декабрда бўлиб ўтган Тошкент бирлашган партия конференциясида Тошкент область партия комитетининг ташкилий-партиявий бўлими мудирининг муовини Вали Усмонов мухолифатчилар номидан сўзга чиқди. Бу вакт Ш. Рашидов залдан чиқиб кетган эди. В. Усмоновнинг нутқи 25 дақиқа давом этди. Шу вакт ичida у Ш. Рашидовнинг партия ва хўжалик ташкилотчилик фаолиятини ҳамда инсоний сифатларини танқид остига олди. У Ш. Рашидов фаолиятини партия томонидан қаттиқ танқидга учраб, ишдан олинганд Н. Хрушчёв номи билан боғлади. Ш. Рашидовни КПСС XXII съездидан Н. Хрушчёвга хушомад килганликда, мамлакатимиздаги барча ютукларни факат унинг номи билан боғлаганликда айблади. Аслида амалда ўтирган биринчи раҳбарни осмонга кўтариб мақташ, ишдан кетгандан кейин эса ерга уриш совет сиёсий маданиятининг ажralмас қисми бўлиб, буни Ш. Рашидов кашф этган эмасди. Масалан, Ф. Раззаковнинг ёзишича, КПССнинг ўша XXII съездидан Қозогистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. Кунаев ўз нуткида Н. Хрушчёв номини 8 марта, Белорусия КП МКнинг биринчи секретари К. Мазуров – 7 марта, Украина раҳбари Н. Подгорний – 14 марта тилга олади. Ш. Рашидов ҳам шулар каторида 9 марта Н. Хрушчёв номини мақтов билан тилга олади. Аслида совет даври сиёсий маданияти билан таниш бўлган кишилар учун бунинг ҳайратланарли жойи йўқ.

Шундан сұнг конференцияда сўзга чиқкан Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари К. Муртазоев, Үзбекистон

ССР Олий Совети ходими А. Қодиров, Мирзачўлқурилиш бош бошқармаси собиқ раҳбари А. Саркисов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоков ва бошқалар сўзга чикиб, В. Усмоновнинг нутқида Ш. Рашидов номига айтилган гапларнинг асоссиз эканлиги хақида гапириши.

Москва билан телефон алоқасидан сўнг залга қайтиб кирган Ш. Рашидов конференцияда 20 дақика нутқ сўзлади. Асоссан республика эришган ютуқлар ва олдинда турган муаммолар тўғрисида гапириб, факат нуткининг сўнгида ўз номига айтилган танқиднинг бир қисми тўғрилигини тан олиб, ўша пайтда Н. Хрушчёвни ҳамма, бутун Совет Иттифоқининг ташвиқот органлари мақтаганини, чунки у кўп ва яхши ишлаганини, кейин эса хатоларга йўл кўйганини айтиб ўтди.

Ш. Рашидов шу нутқида Тошкент шаҳрини реконструкция килиш режаси КПСС Марказий Комитети томонидан маъқуллангани, бу ишнинг асосий қисми 2–3 йилда якунланиши тўғрисида эълон килди. Мамлакат, республикамиз олдида турган улкан вазифалар ва режалар хақида гапирди.

1965 йил 3 марта Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлиб ўтди. Пленум бир қатор ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Жумладан, Узбекистондаги Москванинг «кўзи ва қулоги» бўлган Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари бўлган В. Карлов ўрнига В. Ломоносов сайланди. Шунингдек, Н. Матчонов Бюро аъзолигига сайланди.

Айни пайтда, Москвада ҳокимиятга келган Л. Брежнев жамоаси фаолиятнинг ягона позитив дастурига эга эмасди. Кейинги ҳаракат хақида мавжуд қарашлар, бюрократиянинг барқарор мавжудлигига салбий таъсир кўрсатган кўплаб ўзгаришларни бекор қилишдан иборат, деб ҳисобланарди. Бу, ўз навбатида, жамият ва партияни демократизациялаш сари қилинган ҳаракатларни, шахсга сифинишнинг бундан бўёнги танқидини тұхтатиши англатарди. Зотан, Сталинни янада фош қилиш тоталитар тизимнинг асосларини емирап эди.

Янги курс бирданига қарор топмади. Л. Брежнев типик аппарат ходими бўлгани учун дохийлар фикрига асосланар ва ўзининг

мустакил сиёсий платформасига эга эмасди. Ҳокимият чўққисига чиққач, аппаратнинг кўллаб-куватлашини таъминлайдиган курсни шакллантиришга мажбур бўлди. Аппаратчилар орасида нафақат консерватив, балки сталинпастлик кайфиятлари устун эди. Буларнинг барчаси Л. Брежнев характеридаги мойилликлар билан кўшилиб, консерватив курснинг ўрнатилишига олиб келди. Аммо «иликлик» даврининг жамиятда, айниқса, зиёлилар орасида таъсири кучли бўлганлиги учун брежневчилар сталинизмни очиқласига реставрация килиш йўлидан бормади.

Н. Хрущёв ислоҳотлари факат маъмуриятчилик усуллари билан халқ хўжалигига туб ўзгаришларга эришиб бўлмаслигини кўрсатиб берди. 1960-йилларнинг бошларидаёқ бир қисм иқтисодчилар орасида халқ хўжалигини бошқаришнинг бошқача, иқтисодий усулларини қўллаш лозимлиги ҳақида фикр етилди. Тобора кучайиб бораётган иқтисодий муаммолар ҳам иқтисодни бошқаришга янгича ёндашувни талаб киласди.

КПСС МКнинг 1965 йил март ва сентябрь Пленумлари қарорлари ислоҳотларни бошлаб берди. Март Пленуми эътиборни қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг механизмларига қаратди. Уни ижтимоий ва шахсий манфаатлар уйғунлиги асосида, колхозчилар ва совхозлар ишчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш эвазига ислоҳ қилишга интилди. Масалан, ғалла етиштириш бўйича мажбурий режалар кисқартирилди, режадан ошикча ғалла давлат томонидан оширилган нархларда сотиб олинадиган бўлди. Шахсий томорқа хўжаликларидан баъзи такиклар олиб ташланди. Аммо асосий эътибор Қишлоқ хўжалик вазирлигининг ролини оширишга, қишлоқ хўжалигини режалаштиришга ва капитал маблағлар киритишни кўпайтиришга қаратилди.

КПСС МКнинг сентябрь Пленумида А. Косигин маъруза қилиб, саноатни бошқаришни яхшилаш, режалаштириш иқтисодий рагбатлантириш ва бошқа жиҳатларни қамраб олган иқтисодий ислоҳотлар дастурини эълон қилди. Ислоҳотларнинг мохияти халқ хўжалигини режалаштиришни марказдан жойларга ўтказиш, ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорлик (фойда, рентабеллик)нинг ролини ошириш ва корхоналар мустақиллигини таъминлашдан иборат эди.

Ислоҳотлар дастлабки йилларда иқтисодий ўсишнинг жадал суръатларини таъминлади ва СССР халқ хўжалиги ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Иқтисодиёт ва ижтимоий-маданий ҳаётда катта ютукларга эришилди. 1960 – 1970 йилларда ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш 350% дан қўпроқка ошди. Мамлакатда аввалги тўртта беш йилликдагига нисбатан 4 марта қўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Беш йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 485% га, кишлоқ хўжалиги – 171% га кўпайди. 1970 йили фан ва техника давлатнинг жиддий қўллаб-кувватлаши ҳисобига фаол ривожланди. Бу йиллари фанга йўналтирилган капитал маблағ 3 марта, илмий ходимлар сони 2 марта кўпайди. Аҳоли фаровонлиги ҳам анча ошди<sup>83</sup>.

Бундай иқтисодий юксалишга корхоналарнинг хўжалик мустақиллигини ошириш, юқоридан белгилаб бериладиган кўрсаткичларни кескин камайтириш, хўжалик алоқалари ва шартномавий муносабатлар аҳамиятини ошириш эвазига эришилди.

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тан нархи тахминан 1/5 марта ошди. Ишлаб чиқаришнинг ялпи рентабеллиги совхозларда – 22%, колхозларда – 34% ни ташкил қилди. Аммо бу вактинчалик ютуклар эди. Моддий манфаатдорликни реал оширмасдан туриб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкин эмаслиги тезда маълум бўлиб қолди.

Айни пайтда, ҳаёт мафкуравий йўрикларнинг маълум модернизация килинишини ҳам талаб қиласди. Зоро, КПСС XXII съездидан қабул қилинган янги дастурга биноан СССР 1970 йили аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатларини кувиб ўтиши, 1980 йилга келиб эса коммунизмнинг моддий-техник базасини яратиш лозим эди. Бундан ташкири, «илиқлик» йиллари шахсга сигинишнинг фош қилиниши узоқ йиллар давомида аҳоли онгига сингдирилган постулатларнинг ёлғонлигини очиб ташлади. Шу сабабли 1960-йилларнинг иккинчи ярмида КПСС идеологлари бу саволларга жавоб берадиган концепция яратиши лозим эди.

<sup>83</sup> Қаранг: А. Дусенбаев, Н. Воеводина. Экономическая история России. <http://oldru.com/ecohistory/menu.htm>

Натижада «ривожланган социализм» концепцияси яратилди. Бу концепция, биринчидан, партия бошчилигига мамлакат «ката ютуклар»га эришганини таъкидлаш, иккинчидан, халқ фаронлигини ошириш, жамиятни демократизациялаш, жамиятнинг ўзини ўзи бошқаришга ўтиши ҳакида бирон-бир аник фикр билдирамаслик имконини берди. Жамиятдаги мавжуд тартибларни ижтимоий тараққиётнинг олий ютуғи деб эълон қилган ривожланган социализм концепцияси тоталитар тизимни кўр-кўрана мақташ ва абдайлаштириш учун назарий асос яратди.

1965 йил Ўзбекистонда пахтачилик учун анча оғир келди. Курғокчилик туфайли ер ости сувларидан фойдаланиш учун 16 минг дона насослар ўрнатишга тўғри келди. Натижада 3 млн 903 минг тонна пахта териб олинди ва бу янги рекорд эди. Шу или Ш. Рашидов фаолиятидан норози яна бир киши – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг собиқ аъзоси, айни пайтда, Ўзбекистон ССР Кинематография Давлат комитети раисининг муовини бўлган Расул Ғуломов 31 июлда Ш. Рашидов номига хат билан мурожаат килиб, унга нисбатан анча қатъий ва катта қисми жуда баҳсли бўлган айбларни илгари суради.

Р. Ғуломов хатни фақат Ш. Рашидовга эмас, бир нусхасини Л. Брежневга ҳам жўнатади. Аммо, бу пайтда каттароқ муаммо билан банд бўлган Л. Брежнев Р. Ғуломовга жавоб қайтармайди. Гап шундаки, уша пайтда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Шелест КПСС Марказий Комитети Президиумига мурожаат қилиб, Украинанинг ташки бозорда мустақил фаолият юритиши учун рухсат сўрайди. Бу, албатта, Марказнинг монополиясига рахна солувчи, шу сабабли рухсат бериб бўлмайдиган илтимос эди.

Хуллас, шу муаммо билан банд бўлган Л. Брежнев ўзбекистонлик Р. Ғуломовнинг Ш. Рашидов устидан ёзган мурожаатига жавоб бермади. Бундан ташкари, Л. Брежнев Ўзбекистондаги аҳвол ва Ш. Рашидовнинг фаолияти тўғрисида Р. Ғуломовдан ташкари Москванинг «қўзи ва қулоғи» бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ва Ўзбекистон ССР КГБ раисидан ҳам маълумот олиб турарди.

Бу ҳол, албатта, Р. Ғуломовни қаноатлантирмади, у 5 декабрда Л. Брежневга иккинчи хат билан мурожаат қиласди. Бу хатда

айтилишича, Ш. Рашидов Р. Ғуломовнинг биринчи хатида келтирилган фактни текшириш учун Марказий Комитетнинг комиссияси тузилади. Р. Ғуломовнинг фикрича, комиссия аъзолари Ш. Рашидовга боғлик кишилар бўлганлиги учун масалани объектив ҳал этиши мумкин эмасди. Р. Ғуломов иккинчи хатига жавоб олмаганидан кейин ҳам Ш. Рашидов устидан турли жойларга мурожаат қилишни ташламайди. Биз Р. Ғуломов тўлиқ ноҳақ бўлган демоқчи эмасмиз ва уни айбламаймиз ҳам. Фақат тажриба шуни кўрсатадики, кўпчилик ҳолларда, амалдан кетиб, раҳбардан норози бўлган киши шу раҳбар фаолиятига объектив баҳо беришга кодир бўлмайди.

Яна бир гапни айтиб ўтиш керак. Ш. Рашидов даврида Р. Ғуломов турли лавозимларда муваффақиятли ишлаб юрди. Ш. Рашидов вафот этгандан сўнг ҳам республика миқёсидаги мансабларга ҳам кўтарилиди.

1966 йилнинг бошлари анча ташвишли бўлди. 4 – 10 январь кунлари Тошкентда Ҳиндистон ва Покистон ўртасида музокаралар ўтказилиб, Тошкент Декларацияси имзоланди. Албаттга, бу музокараларни ташкил килишда ва ўтказишда Ўзбекистон раҳбарияти, хусусан, Ш. Рашидовнинг роли катта бўлди.

Маълумки, Буюк Британия мустамлакаси бўлган Ҳиндистон мустақилликка эришди ва 1947 йил 15 август куни иккита мустақил давлат – Ҳиндистон ва Покистон ташкил топганлиги эълон килинди. Ҳиндистоннинг диний мансублик асосида икки давлатга бўлинниб кетиши кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бўлиниш пайтидаги мажароларда одамларнинг оммавий ўлдирилиши узок йилларга Ҳиндистон ва Покистон ўртасида ўзаро душманлик ҳиссини шакллантирди. Ўз юртини ташлаб, бошка ҳудудларга кўчиш ҳам миллионлаб кишилар ҳаётига тарьсир қилди, 17 миллион киши уй-жой ва мол-мулкидан айрилди. Ўзаро қирғин пайтида кўплаб кишилар ҳалок бўлди, фақат 1948 йил январгача 2 млн киши жабр кўрди.

Энг оғири Панжоб ва Бенгалиянинг бўлиниши бўлди. Бу жараёнда хиндлар, сикхлар ва мусулмонлар ўртасида қонли тўқнашувлар бошланди, оқибатда 500 минг киши ҳалок бўлди. Ҳиндистоннинг бўлиниши жаҳоннинг янги тарихидаги энг катта

аҳоли миграциясини келтириб чиқарди – 12 млн хиндлар, сикхлар ва мусулмонлар ўз жойларини ташлаб, ташкил килинган янги давлатлар – Хиндистон ва Покистон ҳудудига тарқалиб кетди.

Икки давлат ўртасида бир неча бор урушлар бўлиб, ҳолат ташқи омил таъсирида янада мураккаблашди. 1965 йил май ойида Кашмир учун Хиндистон билан Покистон ўртасида бошланган уруш Хиндистонда ички сиёсий барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Шундай ҳолатда, икки давлатни яраштириш мақсадида 1966 йил январда Тошкентда, СССР Министрлар Совети Раиси А.Н. Косигин воситачилигига, Хиндистон ва Покистон ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокаралар муваффакиятли яқунланиб, Тошкент Декларацияси қабул қилгандан сўнг, 10 январь куни Хиндистон Бош вазири Л.Б. Шастри тусатдан вафот этди.

Л.Б. Шастрининг тусатдан вафот этиши турли миш-мишларни келтириб чиқарди. Ҳатто, ошпазлар томонидан заҳарланган деган тахмин ҳам пайдо бўлди. Москвадан зудлик билан катта комиссия жўнатилди. Комиссиянинг холосаси, яъни Л.Б. Шастрининг юрак хуружидан вофот этганлигини аниқлаши барча миш-мишларга хотима ясади. Тошкентда кўча ва мактабга Л.Б. Шастри номи берилди, унинг бюсти ўрнатилди.

1966 йил 3–5 март кунлари Тошкентда Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезди бўлиб ўтди. Съездда Ш. Рашидов ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб олди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети таркиби тўртдан бир қисмга ўзгарди, бир қатор область партия комитетларининг биринчи секретарлари ҳам алмаштирилди. Съезд Ш. Рашидовни кейинги муддатга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайлади.

1966 йил 29 марта 9 апрелгача Москвада КПССнинг XXIII съезди бўлиб ўтди. Съездда Ш. Рашидов бошчилигига 140 нафар ўзбекистонлик делегатлар иштирок этди. Съезд Н. Хрущёв ҳокимиятдан ағдарилгандан сўнг ўtkazilgan биринчи шундай катта анжуман бўлса-да, анча зерикарли рухда ўтди. Бу янги ҳокимиятга келган раҳбарларнинг СССРда бир маромдаги тинч

ҳаётни (биринчи ўринда ўзлари учун) таъминлашга қаратилган интилиши билан изохланади.

Съезддан ўзига хос таассуротлар билан қайтган Ш. Рашидов кундалик ишлар билан банд бўлди. 17 апрель куни у Тошкентда Белоруссия адабиёти ва санъати декадасининг тантанали очилиш маросимида бўлди. Декада 25 апрель куни ёпилди. Декада кунлари Тошкентда турли учрашувлар, концертлар уюстирилиб, одамлар декада меҳмонларини катта таассуротлар ва яхши кайфият билан кузатишди. Ҳеч нарса эртаси тонгда юз берадиган фалокатдан дарак бермасди.

1966 йил 26 апрелда тонголди соат 5 дан 23 дақиқа ўтганда Тошкентда Рихтер шкаласи бўйича 8–9 балл кучланишдаги зилзила юз берди. Ернинг қаттиқ кимирлаши 10–12 секунд давом этди. Бу 10 кв км майдондаги биноларнинг вайрон бўлишига олиб келди. Фақат ер кимирлаши горизонтал эмас, вертикал ҳолда юз берганлиги учун вайронгарчиликлар ва курбонлар нисбатан кам эди. 8 киши ҳалок бўлди, юзлаб одамлар жароҳат олди.

Зилзила оқибатида Тошкент шаҳрининг маркази деярли тўлиқ вайрон бўлди. 2 млн кв метрдан зиёд туаржойлар, 236 та маъмурят бинолари, 700 га яқин савдо ва умумий овқатланиш обьектлари, 26 та коммунал корхоналар, 181 та ўкув юртлари, 36 та маданият идоралари, 185 та тиббиёт ва 245 та саноат корхоналари бинолари бузилди. 78 минг оила ёки 300 минг киши бошпанасиз колди. Бутун йил давомида 7 баллгача бўлган ер силкинишлари тақрорланиб, одамларни доимий безовта килиб турди. Шундай ер силкинишлари 1966 йил 9 ва 24 майда, 5 ва 29 июнда, 1967 йил 24 марта тақрорланди<sup>84</sup>.

Зилзиланинг эртаси куни Тошкентга КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л.И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси А.Н. Косигин етиб келди. Ш. Рашидов пойтахтдаги ҳолат тўғрисида ахборот бергандан сўнг, мутахассислар иштирокида Тошкентни қайта тиклаш бўйича қарор қабул қилинди.

Айтиш лозимки, шу даврда Ш. Рашидов бошчилигидаги Узбекистон раҳбарияти жуда катта ташкилий ишларни амалга

<sup>84</sup> Каранг: Ташкентское землетрясение. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

оширди. Зилзиладан кейин зудлик билан мингдан зиёд чодирлар (палатка) қурилди, 600 га якин вактингалик магазинлар ва умумий овқатланиш жойлари ташкил қилинди. 15 минг оила ўз розилиги билан Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига ёки бошқа республикаларга кўчирилди. Тошкентлик 23 мингдан зиёд болалар СССРнинг 94 та областларидаги оромгохларда дам олди. 1966 йил қиши бошлангунча биринчи даражали вазифа бажарилди – 300 минг киши бошпана билан таъминланди. Жуда қиска вакт, 3,5 йил ичидаги зилзила оқибатларини бартараф килиш вазифаси тўлиқ уddyаланди. Тошкентда 2 млн 200 минг кв. метр уйжой қурилди. Шундан 1 млн 800 минг кв. метри уй-жойни барча иттифоқдош республикалар ўз ҳисобидан бунёд этишди<sup>85</sup>. Ҳатто, бошқа давлатлардан ҳам қурувчилар ёрдамга келишди. Масалан, 1963 йили 8 балли зилзилани бошдан кечирган Македониянинг (у пайтда Югославия СФР таркибига киради) пойтахти Скопье шаҳридан ҳам ёрдамга келишди. Кейинчалик Тошкент ва Скопье биродарлашган шаҳарлар деб эълон қилинди, Тошкентда ўша даврнинг энг мода бўлган кийимларини сотадиган «Скопье» дўкони очилган эди.

Ўша даврда совет ташвиқоти кўпчилик кишиларни сафарбар қилишда катта роль ўйнаган бўлса-да, бугун зилзила гувоҳи бўлган тошкентликлар, кейин қурилишга келган бошқа оддий кишиларнинг хотираларини ўқиб, уларнинг асосий қисми бошига ташвиш тушган дўстига чин дилдан ёрдам бериш учун келганлигига, сиёсий ташвиқотнинг соҳталигига қарамасдан, одамлар, халклар, миллатлар оғир дамда бир-бирига беминнат ёрдам қўлини чўзишга кодир эканлигига амин бўламиз. Узоқ йиллар ўтгандан сўнг айрим раҳбарларнинг халклар ўртасидаги бу дўстликка писандизлик билан қараб, «Зилзиладан кейин қурилган уйларда четдан келиб, уни курганларнинг ўзлари яшаб қолди», деган гаплари Тошкентни тиклашга беминнат ёрдам кўрсатган кишилар шаънига ҳақоратдек туюлади. Чунки, масалан, Тошкентга ёрдам фонди ташкил қилинган бўлиб, унга барча республикалар аҳолисидан 10 млн рублдан ошиқ маблағ

<sup>85</sup> Каранг: Землетрясение в Ташкенте (Узбекистан) в 1966 году.<http://katastroffi.narod.ru/zemletryaseniya/z-tashkent66.html>

келиб тушган. Бу маблағнинг 5,5 млн рубли зарап күрган хусусий уйларни тиклаш учун одамларга бўлиб берилди. Бу кўплаб оиласларга совук тушгунча чодирлардан ўз уйларига кўчиб ўтиш имконини берди. 1 млн рублга яқин пул мухтожларга ёрдам учун тарқатилди. Маблағнинг қолган қисми болаларга бепул овқат ташкил қилишга йўналтирилди. Зилзиланинг кўплаб гувоҳлари ёзиб колдирганидек, ўша кунлари Тошкентда бирорта моредерлик, ўғирлик ёки оғир жиноят ҳоллари бўлмаган. Айтишларича, ҳатто жиноятчилар ҳам вактинча ўз «каслари»ни тўхтатган экан. Жуда оғир табиий оғатни бошдан кечирган, уни матонат билан енгиб ўтган тошкентликлар, оғир дамда ёрдамга келган бошка юрт ва миллат вакиллари, кўлами бўйича ниҳоятда улкан қурилиш ишларининг бошида турган, Тошкентни нафақат қайта тиклаш, балки Шарқ машъалига айлантириш режаси билан тинимсиз ҳаракат қилган Ш. Рашидов шаънига бугун ҳам тасаннолар айтишимиз лозим.

Албатта, зилзила, ундан кейинги тикланиш жамиятнинг ички, анча нозик томонларини ҳам очиб ташлади. Сиёсатшунос Л. Левитин ўз китобида тележурналист Петер Шолл-Латурнинг хотирадаридан лавҳа келтиради: «Март 1995 йил. Тошкент... 1966 йилги зилзила қурбонларига ўрнатилган монументал ёдгорлик бузилмасдан ва ўзгармасдан турибди. Ушанда эски шаҳар вайрон бўлган эди. У ерда ўзларининг анъанавий ҳаёт тарзини сақлаб қолган ўзбеклар рус иммигрантларидан етарли даражада чегараланган ҳолда яшарди. Бу табиий оғатнинг қурбонлари ҳам айнан ўзбеклар бўлди. Кўплаб авлодларнинг ошёни бўлган бир қаватли, ёғоч ва хом гиштдан қурилган уйлар, боф ва бегона кўзлардан ҳимояланган ички ҳовлилар даҳшатли ер ости силкинишлари оқибатида вайрон бўлди. Минглаб кишилар ўз уйларининг вайроналари остида кўмилиб қолди. Эски шаҳарнинг камдан-кам кўча ва тор кўчалари омон қолди.

Кўпчиликнинг бошига тушган бу кулфатдан Москва мафкура вий фойда олишга ҳаракат қилди. Ўзбек маҳаллаларининг қаттиқ чегаралангани, уларда сақланиб қолган асрий ҳалқ анъаналари ва одатларини енгиб ўтишга интилди. Кўп болали ўзбек оиласлари ўзлари учун қулай бўлган ота уйини, бетон плиталардан шошилинч қурилган кўп қаватли уйлардаги кичкина квартираларга

алмаштириши керак эди. Ўшанда бу кўчириш ўзбеклар билан руслар ўртасидаги фарқни бартараф қилиш, уларнинг ягона тарихий бирлик – совет халқи бўлиб бирлашиш жараёнига, янги шахс – совет кишиси шаклланишига қўмаклашади, деб расман эълон қилинди. Ҳокимият ўзбекларнинг турк-ислом моҳиятини йўқ қилиш учун навбатдаги уринишни амалга оширди.

Аммо мутлақо бошқача ҳолат юзага келди. Янги, ноодатий шароитда осиёча, исломий ҳаёт тарзи билан славянча, коммунистик ҳаёт тарзи ўртасида тўқнашув юз берди, руслар билан ўзбеклар ўртасида кескин можаролар пайдо бўлди. Зилзиладан кейин Тошкентга асосан қурувчи сифатида доимий яшаш учун келган европаликлар жамиятнинг энг паст қатламларига тегишли эди. Улар орасида арокхўрлар, ишёқмаслар ва жиноий элементлар кўп эди. Ўзбекларнинг уларга нисбатан жирканчига энди нафрат ҳам қўшилди. Айни ҳолат чор режими даврида бутунлай бошқача эди. У даврда чекка ўлка бўлган Марказий Осиёга Москва ва Петербургдан миллий элита вакиллари: либерал дворянлар, бўйсунмас интеллектуаллар, фанга ўта берилган олимлар кўчиб келганди. Улар қабул қилишга муносиб бўлган рус ва жаҳон маданиятининг юксак намуналарини олиб келганди.

Мен Тошкентга биринчи марта 1958 йили келдим. Ўшанда Тошкентаги руслар сони ўзбеклардан анча кўп эди. Ва 1980 йили ҳам Тошкентнинг марказий кўчаларида европаликлар кўпчиликни ташкил қиласарди. Бу менга француз мустамлакаси даврида Жазоир шаҳридаги ҳолатни жуда эслатди<sup>86</sup>.

Бу совет фуқароси эмас, четдан келган кишининг назари эди. У кўп жиҳатдан анча баҳсли мулоҳаза. Баъзан кўзга ташланган ҳодисаларни доим умумлаштириш ҳам унчалик тўғри бўлмаса керак. Шундай бўлса-да, ўша даврда ҳукумат вакилларига жиддий бўлиб туюлмаган зиддиятлардан бири очиқ тўқнашувларга ҳам олиб келди.

1969 йил 4 апрель куни кечқурун «Пахтакор» футбол клубининг Москва жамоаларидан бири билан ўйинидан сўнг бир гурӯҳ ёшлар Навоий кўчасини ёпиб қўйиб, бебошлиқ қилди. Кўчада

<sup>86</sup> Л. Левитин. Узбекистан на историческом повороте. <http://royallib.com> С. 214.

европалик кўринишдаги эркак ва аёлларни ҳамда европача кийинган ўзбек аёлларини калтаклашди. 8 ва 12 апрель кунлари бир гурух ёшлар русларга қарши шиорлар остида кўчаларда намойишлар ўтказди. Айтишларича, бу тўсатдан шунчаки пайдо бўлган хис-хаяжондан кўра кўпроқ ташкиллаштирилган намойишни эслатарди. Кўпчилиги ўзбеклар бўлган милиционерлар ҳам бу харакатларга етарли даражада қаршилик қурсатмади. Албатта, ҳар доимгидек, тартиб ўрнатиш учун Москвадан маҳсус батальон жўнатилди<sup>87</sup>.

Баъзилар кейин ҳам савол беришади: Ш. Рашидов бошчилигидаги республика ҳукумати нима учун ёшлар ўртасида миллатчилик кайфиятларининг авж олишига йўл қўйиб берди? Нима учун намойишларнинг олди олинмади? Нега айборлар, масалан, милициядан ҳеч ким жазоланмади? Бу саволларга бугун ҳар кимнинг ўз жавоби бўлса керак. Бу воқеалардан анча кейин, қайта қуриш идеологларидан бири бўлган А. Яковлев бу саволларга жавоб тариқасида шундай дейди: «Л. Брежнев даврида Ш. Рашидов ўзини анча мустақил тутарди, ўзининг қандайдир ғояларини амалга оширишга харакат қиласди. Москвадаги хокимият эса, ҳатто ўзининг яқин иттифоқчилари томонидан ҳам ўзбошимчаликка йўл қўймасди»<sup>88</sup>.

Аслида ўзбек халқи бағрикенг, меҳмондўст халқ эканлигини тарихда кўп марта исботлаган. Ўзбекистонда миллатчилик ҳам ўз-ӯзидан кучайиши мумкин эмасди. 1939–1979-йиллари ССРДа руслар сони 100 млн 391,5 минг кишидан 137 млн 397 минг кишига – яъни 37% га ўси. Айни пайтда, Ўзбекистонда руслар сони 727 минг 331 кишидан 1 млн 666 минг кишига – яъни 129% га кўпайди. Бу руслар сонининг иттифок миқёсидаги ўсишидан 3 марта кўп эди. Агар Болтиқбўйи ёки айрим Кавказ республикаларидаги сингари Ўзбекистонда миллатчилик тарқалганда, бунга эришишнинг иложи бўлмасди<sup>89</sup>.

<sup>87</sup> Қаранг: Л. Левитин. Узбекистан на историческом повороте. <http://royallib.com> – С. 211 – 212.

<sup>88</sup> Л. Левитин. Узбекистан на историческом повороте. <http://royallib.com> – С. 219.

<sup>89</sup> Қаранг: Ф. Раззаков. Коррупция в политбюро: Дело «красного узбека». <http://www.fedy-diary.ru> – С. 605 – 606.



Шароф Рашидов

сидан кейин чиққан сони мамлакатда жуда катта шов-шув ва қизиқиш уйғотди.

Шу йили күплаб машхұр ёзувчи ва шоирлар ўз асарларини нашр этиш учун журналнинг навбатдаги сонига беришга, қалам ҳақини эса Тошкентни тиклаш фондига ўтказишига қарор килдилар. Шундай ҳам килдилар.

Журналнинг сони жуда кизиқарлы чиқди. Уни топишнинг иложи йўқ эди. Чунки унинг саҳифаларида ўша пайтда жуда машхұр бўлган А. Вознесенский, Б. Ахмадулина, Е. Евтушенко ва ҳоказоларнинг асарларигина эмас, балки Михаил Булгаков, Осип Мандельштам ва Исаак Бабель кабиларнинг ҳам асарлари (узок йиллар нашр қилинмаган) пайдо бўлди...

Журналнинг доимий муаллифлари орасида шоир Сергей Есениннинг қизи ёзувчи Татьяна Сергеевна Есенина, «Уста ва Маргарита» романини нашр қилишга илк бор ҳаракат килган адабиётшунос А. Вулис бор эди.

Ш. Рашидов шу даврда Москвага келганида таниш ёзувчилар ундан «Звезда Востока» журналининг шу сонини олиб келишини илтимос қиласди. Айтишларича, Москвада журналнинг шу сонини топиб бўлмасди.

Л. Брежнев даврида Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривожига энг катта таъсир кўрсатаётган восита пахта бўлиб қолаверди.

Айнан шу йиллари пахта ҳосилдорлиги жуда секин ўси. 1965 йили 3 млн 903 минг тонна «оқ олтин» етказиб берган пахта-корларимиз кейинги йили 180 минг тонна кўп пахта берди. 1967 йили ҳосилдорлик деярли ўсмади, 1968 йили эса камайди ва 4 млн 10 минг тоннадан камроқни ташкил қилди. Табиийки, Москвадаги раҳбарлар норозилик билдира бошлади. Аслида бу даврда жуда эҳтиёткор бўлган Л. Брежнев республикалар раҳбарларини деярли ўзгартирмади. Ўрта Осиё республикаларида факат Козогистон Компартиясининг раҳбари алмашди: Л. Брежнев Козогистонда ишлаган пайтда у билан дўстлашган Д. Кунаев ҳокимиятга қайтарилди.

Шунга қарамасдан, Ш. Рашидов янги раҳбарият олдида ўз мавкеини мустаҳкамлашнинг ягона йўли пахта ҳосилдорлигини ошириш эканлигини яхши тушунарди. Натижада, бир қатор олимларнинг маслаҳати билан пахтанинг етилишини сунъий равишда тезлатиш учун кимёвий усулдан фойдаланишга катта эътибор қаратилди. Дифолиант восита сифатида бутифос кенг кўлланила бошланди. Албатта, бу экологик зарарли восита эканлигини Ш. Рашидов ҳам яхши биларди, аммо ўша пайтда Марказ билан республика учун фойдали муносабатлар ўрнатишнинг бошқа йўли йўқ эди. Марказнинг иродасига қарши бориш жуда тезлик билан ишдан олинишига олиб келишини ҳам Ш. Рашидов яхши тушунарди.

1967 йил 6 ноябрда Ш. Рашидов 50 ёшга тўлди. Москва уни Ленин ордени билан мукофотлади. Аммо Ш. Рашидовнинг туғилган куни большевиклар даврининг энг асосий байрами – «Улуг Октябрь социалистик революцияси» куни билан бир вақтга тўғри келганлиги сабабли кўпчилик учун «катта байрам»нинг соясида колиб кетди. Республиkanинг марказий газеталари, радио ва телевидение ҳам асосан, «катта байрам»ни ёритиш билан банд эди.

Шу йиллари ўзбек адабиётининг бир қатор йирик вакиллари оламдан ўтди. 1966 йил 10 июлда Faфур Fулом, 1968 йил 25 майда Абдулла Қаххор, шу йил 1 июлда Ойбек вафот этди. Ш. Рашидов ўзи ижодкор бўлганлиги учун бу катта авлод вакилларининг ҳаммаси билан яхши таниш, улар ижоди учун шароит яратишга харакат қилган раҳбар эди. Шунга қарамасдан, кўп йиллар давомида Ш. Рашидов билан А. Қаххор ўртасидаги муносабатлар

тұғрисида, айникса ижодкор адабиётчилар орасида турли хил миш-мишлар тарқалди. Аммо, айтиш лозимки, ижодий нұктай назар ва принцип одамларни бир-бирига душман қилиб құядиган бұлса, унда адабий танқид, танқидчилик деган түшунчаларнинг ўзи бұлмаслиги лозим эди. Агар Ш. Рашидов А. Қаххорнинг «Күшчинор чироклари» ва «Тобутдан товуш» асарларини танқид қилған бұлса, бу ижодкор ва коммунист сифатида Ш. Рашидов-нинг қараши, худди шундай, А. Қаххорнинг ҳам Ш. Рашидов тұғрисида ёзғанлари унинг шахсига эмас, ижодига қаратылған эди. Айтиш лозимки, А. Қаххор нафақат исдеъдодли ёзувчи, балки тұғрисүз киши ҳам бўлган.

А. Қаххорни ўлемидан бир кун олдин күргани келған танқиғи совет ёзувчиси Константин Симонов бу ҳақда шундай ёзади: «Қаххор умуман катта жасорат эгаси эди. Менинг у ҳақдаги сұнгти хотираларим ҳам Қаххор шахсиятининг айнан шу жиҳатлари билан боғлик. Мен уни шифохонада, ўлемидан бир кун олдин кўрдим. У шифохона тұшагида баланд ёстикларда ётар, кенг кўкраклари билан оғир нафас оларди, дўстларини ўрнидан туриб, ўз уйи олдидә кучоқ очиб кутиб олмаётганидан хижолатда эканлиги унинг келишган, жасур юзидан кўриниб турарди. У умри сўниб бораётганигини биларди, аммо ҳали тирик экан ўзини ер юзининг эгаси сифатида ҳис қиласарди. Ва мен бизнинг сўнгги учрашувимизда бу ёруғ дунёни тарк этаётган кишининг қўлларидаги кудратни, қарашларидаги қатъийликни ҳис этдим»<sup>90</sup>.

Ш. Рашидов А. Қаххорни ва у сингари ўз позициясига эга бўлган ижодкорларни расман қўллаб-кувватлаш имкониятига эга эмасди. Чунки у факат ёзувчи эмас, айни пайтда, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг раҳбари ҳам эди. Аммо Ш. Рашидов улар совет режими томонидан жазоланмаслиги ва маълум маънода ўзини ҳимояланган ҳис қилишлари учун қўлидан келганича ҳаракат қилган. Айникса, Н. Хрущёвни ҳокимиятдан ағдариб, ўрнига келган партия аппаратчилари «иликлик» даврида мамлакатда, биринчи навбатда зиёлилар орасида кенг

<sup>90</sup> Каранг: Ф. Рazzakov. Коррупция в политбюро: Дело «красного узбека». С. 371 – 372.<http://www.fedy-diary.ru>

таркалган хурфикрикни йўқ килиш йўлини тутган бир пайтда, хурфиксрикни кўллаб-кувватлаш Ш. Рашидов учун осон эмасди. Аммо Ш. Рашидов уларнинг ҳақлигини яхши тушунарди. Бу хақда Ф. Рассаков шундай ёзади: «Бу даъволарнинг кўплари ҳақиқат эканлигини Ш. Рашидов тушунмасди, деб ўйлаш соддалик бўларди: у Қаҳхордан ёш бўлса-да (10 ёшга кичик эди), маълумоти ундан кам эмас, зукко инсон эди. Аммо Ш. Рашидов ССР таркибидаги йирик (Ўрта Осиёдаги энг катта) республикалардан бирининг раҳбари ҳам эди, шу сабабли кўпинча у ўз фаолиятида фақат ўзининг шахсий эътиқодига эмас, Москвадан жўнатилган йўл-йўриклар каби ўзга омилларга таянишга мажбур эди. Масалан, агар Қаҳхор (унинг бошқа издошлари ҳам) республикадаги ҳолат бўйича ўз танқидини фақат ўзига маълум бўлган фактларга асосланиб курган бўлса (унга унчалик кўп нарса маълум бўлмаган), Ш. Рашидов ундан анча кўп ахборотга эга эди ва шунинг учун у муаммони совет режими танқидчиларига нисбатан анча кенг тасаввур қиласди. Аммо Ш. Рашидовда ўз фикрларини республика жамоатчилиги билан ўртоқлашиш имконияти йўқ эди, шу сабабли у килиши мумкин бўлган ягона иш – шу либерал кайфиятдаги зиёлиларга, уларнинг кўплаб қарашларига кўшилиши ҳақида ишора қилиш эди. Қаҳхор ўзининг танқидий қарашлари авжига чиқкан бир пайтда Узбекистон раҳбарлари томонидан ҳар томонлама сийлангани шу сабабли эмасми: 1966 йили унга Ҳамза номидаги давлат мукофоти, бир йилдан кейин эса Узбекистон халқ ёзувчиси унвони берилди»<sup>91</sup>.

Бунга қўшимча килиб шуни айтиш мумкин: ўз қарашлари учун «таъқиб қилинган» А. Қаҳхорга Узбекистоннинг энг юкори лавозимлардаги раҳбарлари учун қурилган 10 та уй (коттеж)дан биттаси берилди, 1967 йил сентябрда А. Қаҳхор таваллудининг 60 йиллиги Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри биносида тантанали нишонланди (бундай шараф ёзувчиларнинг ҳаммасига ҳам насиб қилмаган). А. Қаҳхорнинг касаллиги оғирлашганда Ш. Рашидов самолётда ўша даврда Узбекистоннинг тўрт-бешта раҳбарлари даволаниши мумкин бўлган Кремлнинг

<sup>91</sup> Каранг: Ф. Рассаков. Коррупция в политбюро: Дело «красного узбека». <http://www.fedy-diary.ru> – С. 371.

ёпик касалхонасига ётқизди ва Ўзбекистон ССР Министрлар Со-  
ветининг ходимлари у кишининг ҳолидан доимий хабар олиб  
турди. 1968 йил 25 майда А. Қаххор вафот этганда Ш. Раши-  
дов маҳсус самолёт ташкил қилиб, Тошкентга олиб келтирди ва  
Чигатой қабристонида катта иззат-хурмат билан дағн этилди.  
Бунда Ш. Рашидов ўзининг А. Қаххор ижоди ва шахсига муно-  
сабати қандай бўлишидан қатъи назар, юксак сиёсий маданияти  
ва ноёб инсоний фазилатини намоён қилди. Кейинчалик ёзувчи  
ва шоиrlаримиз, умуман, ижод ахлиниңг кўпчилиги Ш. Рашидов  
давридаги Абдулла Қаххор сингари «таъкиб қилинишни» орзу  
килган бўлса, ажаб эмас.

Шу маънода, Шароф Рашидов республиканинг барча раҳ-  
барлари орасида энг ўқимишли, маданиятли, ўзгалар фикрини  
хурмат қиласиган, кескин шароитлардан чикиш йўлини топа ола-  
диган ва доим келишувга тайёр бўлган улдабурон сиёsatчи эди.  
Шу хислатларсиз Ш. Рашидов республика мустақил бўлмаган  
шароитда бунчалик узоқ вакт – чорак аср давомида ҳокимиyат тे-  
пасида турмаган бўларди. Зотан, С. Ризаев ёзганидек: «Маркази  
Кремлда бўлган совет маъмурий-буйруқбозлик тизими ўзи томо-  
нидан тайинланадиган ва қатъий назорат қилинадиган маҳаллий  
раҳбарларга қатъий ўрнатилган чегара доирасида ҳаракат  
қилишга йўл қўярди. Шароф Рашидович Рашидов бу чегаралар-  
ни бошқалардан кўра яхшироқ хис қиласиди ва ҳар қандай ҳолатда  
ҳам уларнинг сиқаётганини, бостираётгани, халакит бераётгани,  
инсоннинг ғурури ва шаънини ерга ураётганини сездирмас эди.  
Зотан, шу чегаралар доирасида ҳам ўзлигини сақлаб қолишга ин-  
тилган шахс – Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи сек-  
ретари, КПСС МК Сиёсий Бюроси аъзолигиги номзод бўлиши  
мумкин эмасди.

У Сиёсий Бюро аъзолари, МК секретарлари, уларнинг яқин  
ёрдамчилари билан ўз инсоний муносабатларини тўлиқ шу че-  
гаралар доирасида қуради. У тузумнинг иқтисодий ҳолатини  
ҳам унинг эски ишлаб чиқариш муносабатлари билан бирга  
шу қатъий чегара доирасида қабул қиласиди. Бу ерда унинг учун  
қандайдир ҳаракат кенглиги, қарама-қарши таклифлар учун  
имконият берилган эди. У бу имкониятлардан усталик билан

фойдаланди. Агар ишнинг муваффақиятига умид бўлса, ўз харакатлари бу дунёning зўрлари билан муносабатларига хавф солмаса, у илтимос килар, ишонтирас, исботларди, ўз сўзида туриб оларди – аммо жанжал килмасди, муносабатларнинг кескинлашувига йўл кўймасди. Бу усул ўзини оқлади: албатта яна шу режим чегараси доирасида ва ҳар доим Ўзбекистоннинг эмас режимнинг эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон пул ва моддий ресурслардан кам бўлмади. Шу маънода Ш. Рашидовнинг ўрнида бошқа раҳбар бўлганда ҳам бундан ошиғига эриша олмасди»<sup>92</sup>.

Ш. Рашидов ўзининг, у бошчилик килаётган Ўзбекистоннинг ҳолатини жуда яхши тушунарди. Бундай ҳолатни у ўз асарида шундай келтиради:

*Буюк давлат илоҳин базмида бундай,  
Ким оёгин бежсо қўяр ўйламай!  
Базм-ўйин менсимаса ҳар киши –  
Боши кетар, тигла лойиқ қилмиши*<sup>93</sup>.

Ш. Рашидов ҳали Н. Хрущёв даврида бошлаган, аммо амалга оширишга улгурмаган лойиҳаларини янги раҳбарият билан ҳам давом эттиради. Шундай лойиҳалардан бири Ўзбекистонда олтин қазиб олиш билан боғлик эди. Юқорида айтилганидек, 1962 йили Олмалиқ мис саралаш фабрикасининг очилишида Ш. Рашидов Ўзбекистон фақат «оқ олтин» эмас, ҳакиқий олтиннинг ҳам кони эканлиги тўгрисидан КПСС МҚга ахборот берган эди. Аммо Мурунтов олтин конини ҳакиқий ўзлаштириш 1960-йилларнинг ўрталаридан бошланди. Бу ҳақда Ўзбекистон олтин саноатининг фахрийларидан бири Аброл Қаҳхоров шундай эслайди: «Мен Ўзбекистон олтин қазиб олиш саноатининг оёққа туриши ва ривожланиши учун Шароф Рашидович амалга оширган жуда катта меҳнат ҳақида ўз таассуротларим билан

<sup>92</sup> С. Ризаев. Шараф Рашидов. Штрихи к портрету. – Тошкент, «Ёзувчи» – «Нур», 1992. – С. 87.

<sup>93</sup> Шароф Рашидов. Эрк истар кўнгил. – Тошкент, Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1992. 114-б.

ўртоклашишни ва у ҳақда галириб беришни истайман. Мен буни яна шунинг учун ҳам қилмоқчиманки, менга бу соҳада Шароф Рашидович билан бирга меҳнат қилиш насиб этди ва мен «ок олтин» ўлкаси бўлган Ўзбекистонни хақиқий олтиннинг конига айлантириш учун у киши қанча меҳнат ва донишмандлик сарфлаганини яхши биламан.

Бугун бу сир эмас.

Ўзбекистон олтин қазиб олувчи давлат. Аммо Ўзбекистон жуда қисқа вақт ичидаги ўзи учун янги бўлган саноат турини қандай яратгани ва ўнлаб конларни, жумладан, энг тоза пробадаги олтин ишлаб чиқарувчи дунёда энг катта Мурунтов конини ишга тушириб, дунёнинг ўнта энг йирик олтин қазиб чиқарувчи мамлакатлари қаторига ёриб киргани кўпчиликка маълум эмас. Албатта, бу енгил сайр эмасди, айниқса, Ўзбекистон заминида жуда улкан олтин захираларининг топилиши ва энг илғор техника ва технологияларга эга бўлган юқори самарали корхоналарни қуриш оддий тасодиф бўлмаганди. Қийинчиликлардан бири шунда эдики, КПСС раҳбарияти Ўзбекистонни «ок олтин» – пахта кони сифатида тан оларди ва Ўзбекистоннинг хақиқий олтин олишдаги истиқболига кам ишонарди. СССР Рангли metallurgия министрлигидан бўлган Кремлининг маслаҳатчилари, асосан, Сибирь ва Узок Шарқда қумдан олтин олиш бўйича мутахассислар бўлиб, шу сабабли бизнинг худудда олтин конларини ўзлаштиришга ишончсизлик билан қаарди. Айни пайтда, Ўзбекистон геологлари республикада янги олтин конлари, жумладан, СССРда энг каттаси хақида ахборот берди. Аммо марказий министрликлар ва идоралар томонидан етарли қизикиш билдирилмади. Шу йиллари Шароф Рашидович Москвадаги олтин бўйича мутахассислар билан учрашишнинг ҳар бир имкониятидан фойдаланди, улар билан баҳсга киришиди. Ўзбекистонда олтин қазиб олиш конлари ва фабрикалари қуришнинг зарурлиги бўйича ўз позициясини ҳимоя қилди. СССР Рангли металллар министри П.Ф. Ламоко билан зерикарли ёзишмалари ва музокаралари менинг эсимда. Мурунтов олтин конини ўзлаштириш бўйича Рангли metallurgия министрлигининг кенг миқёсли ва қатъий ҳаракатларга қодир эмаслигига ишонч ҳосил қилган Шароф Рашидович бу ғояга эҳтиёткор-

лик билан СССР Ўрта машинасозлик министри Ефим Павлович Славскийни жалб қила бошлади...

Бир пиёла чой устида сокин шароитда ўтган сұхбатда күп нарсалар, жумладан, күк чойнинг фойдаси ҳақида, Ўзбекистон ва Тожикистон хомашёсидан ясалған биринчи атом бомбаси тұғрисида, пахта теришнинг қийинчиликлари, Чехословакия ва Германиядаги уран объектлари, ўзбек геологларининг қизикарли олтин топилмалари ҳақида гапирилди. Ҳамма нарса ҳақида тұлға яқдиллік ҳукмрон эди, аммо Шароф Рашидовичнинг СССР Ўрта машинасозлик министрлиги ва унинг министри бұлған Славскийга дунёда энг катта олтин кони – Мурунтовни ўзлаштириш мажбуриятини ўз зиммасига олиш ҳақида дипломатик тарзда кирилган таклифиға Славский қатый рад жавобини берди ва шундай деди: «Мен сени тушунаман, Шароф! Олтин мамлакат учун зарур. О, қанчалик зарур! Аммо сен мени ҳам тушун. Бизнинг вазифамиз Ватанни қурол кучи билан химоя килиш. Биз бошқа нарсаларга chalғimasligimiz керак. Биласанми, бугун бизнинг министрлигимиз ҳамма нарса билан шуғулланади. Биз Белоруссияда қанча картошқа етиштирилса, шунча картошқа тайёрлаймиз. Мен совхозлар тузишга, кефир ишлаб чикаришга, дудлашға, шаҳарлар, магазинлар, сабзавот сақтайдыган омборлар ва яна күп нарсалар қуришга мажбурман. Агар иш шундай давом этса, министрликни бошқача номлашға тұғри келади. Ҳар бир министр ўз иши билан шуғулланиши ва шунга жавоб бериши керак. Олтин – жозибадор иш, аммо у Петъка билан Васъканинг иши (шу даврда Рангли металлургия министри Пётр Ломако ва Молия министри Василий Гарбузов эди)». Шароф Рашидович министрни жимгина эшитди ва кулиб давом эттириди: «Мен фақат бу масалани Сиёсий Бюро мұхқамасига киритишдан олдин Сиз билан маслағатлашиб олмоқчى эдим», деди.

Бу сұхбатдан кейин махсус ҳукумат алоқасининг телефонлари икки ҳисса күчланиш билан ишлай бошлади. Ш. Рашидов МКнинг мастьул ходимларига, Госпланга, Министрлар Советига, Захирадарлар бўйича давлат комиссиясига, Геология министрлигига ва бошқа ташкилотларига тұхтосиз күнғироқ қилди, уларни ишонтириди. Натижада СССР Ўрта машинасозлик министрлиги

кучи билан Мурунтов конини куриш тұғрисида кизил сиёх билан Л. Брежнев, күк сиёх билан А. Косигин томонидан имзоланган мутлақо мағфий карор қабул килинди».<sup>94</sup> Үзбекистон йирик олтін ишлаб чикарувчи республикага айланды.

1970 йилнинг бошларыда Ш. Рашидовни каттық ташвишга соглан фожия – Үзбекистон ССР фуқаро авиацияси тарихидаги катта авиаҳалокат бўлди. 6 февраль куни Тошкент – Самарқанд йўналиши бўйича учган Ил-18 самолёти бортидаги 98 йўловчиги (жумладан, 8 нафар болалар) ва 7 нафар экипаж аъзолари бор эди. Самолёт Самарқандга 32 км қолганда диспетчернинг хатоси туфайли тоққа кулаб тушди. Ҳалокат оқибатида 13 киши турли хил жароҳат олди, 92 киши (7 нафар экипаж аъзолари, 78 нафар катта ёшдаги йўловчилар ва 7 нафар болалар) ҳалок бўлди. Ҳалокат хақида расман эълон килинмади. Аммо маҳсус комиссия ҳалокат сабабларини ўрганиб, фожия диспетчернинг хатоси туфайли юз берган, деган хulosага келди<sup>95</sup>. Үзбекистон фуқаро авиацияси бошқармасида бир қатор юкори лавозимли кишилар жазоланди ва фожианинг такрорланмаслик чоралари кўрилди.

Ш. Рашидов ўзи ижодкор киши бўлгани учун республика эришган ютуқлардан қанчалар чин дилдан қувонса, Тошкент зилзиласи каби табиий оғат ёки ушбу авиаҳалокат каби технологик фожиадан шунчалар эзилар, уни яқиндан билган кишиларнинг хотирлашича, республикада юз бераётган барча воқеалар учун ўзини жавобгар деб хис қиласиди. 1970-йилларга келиб Үзбекистон кўплаб соҳаларда кўзга кўринарли ютуқларга эришиди. 1972 йил охирида Ш. Рашидов Москвадаги «Литературная газета»нинг бош муҳарририга интервью берип, жумладан, Үзбекистон эришган ютуқларга тұхталди. 1972 йили пахтакорлар 4 млн 700 миннән «оқ олтин» етказиб бердилар. Үзбекистонда ирригация иншоотларини куриш жуда катта миқёс касб этди. Йирик сув ҳавзалари ва суғориш каналлари қирилди, замонавий гидротехника иншоотларига эга бўлган кенг ирригация-мелиорация тармоклари барпо этилди. Бу Мирзачўл ва Қарши чўлларидағи, Сурхон–Шеробод водийсидаги, Марказий Фарғона, қуйи Аму-

<sup>94</sup> А. Каххаров. 1000 тонн золота Рашидова Ш.Р. <http://world.lib.ru>

<sup>95</sup> Қаранг: Катастрофа Ил-18 под Самаркандом. <https://ru.wikipedia.org>

дарё ва бошқа ҳудудлардаги илгари бүшаб ётган кенг далаларни ўзлаштириш имконини берди. Ҳозир Ўзбекистонда саноатнинг 100 дан ошиқ соҳалари фаолият юритмоқда. Республикада кўп тармоқли машинасозлик, энергетика, кимё, нефть, кўмир, газ, тог-кон, металлургия, олтин қазиб чиқариш, электротехника, самолётсозлик, электроника, енгил, озиқ-овқат ва саноатнинг бошқа соҳалари, қурилиш индустряси ривожланишининг юкори даражасига эришди. 1971 йили саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми Ўзбекистон ССР ташкил топган 1925 йилдаги даражасига нисбатан 119 марта ошди. Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалигининг маҳсулотлари дунёning 70 дан зиёд мамлакатларига экспорт қилинар эди.

Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилди. 1972 йили давлат, колхозлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан умумий майдони 5 млн 217 минг кв метр бўлган 100 мингдан зиёд квартира ва хусусий уйлар қуриб ишга туширилди. 601 минг кишининг яшаш шароити яхшиланди, уларнинг ҳаммаси уй-жойларни бепул олишди. 154,2 минг, жумладан, 89,9 минг қишлоқ жойлардаги хонадонлар газлаштирилди. Ўнлаб умумтаълим мактаблари, касалхоналар, поликлиникалар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва маданий-маиший соҳадаги бошқа обьектлар қурилди.

Шу йиллари Ўзбекистонда илмий тадқиқотларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. 1956 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти ташкил қилиниб, 1959 йили гамма-нурланиш ускунаси ўрнатилди, радиацион ва радиобиологик тадқиқотлар бошланди. 1972 йилга келиб, Ўзбекистон Фанлар академияси ва олий таълим таркибида 148 та илмий ва илмий-педагогик муассасалар мавжуд бўлиб, уларда 26 минг илмий-педагогик ходимлар, 100 дан зиёд академиклар ва мухбир аъзолар, 600 га яқин фан докторлари, 7660 нафар фан номзодлари фаолият юритар эди<sup>96</sup>. Улар Ўзбекистонда илм-фан ривожига, илмий кадрларни тайёрлашга, республиканинг илмий салоҳиятини юксалтиришга катта ҳисса кўшди.

<sup>96</sup> Каранг: История развития узбекской науки.<http://www.academy.uz/ru>.

Ўзбекистонда ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, композиторлар, архитекторлар, кино ва театр арбобларининг ажойиб авлоди етишиб чиқди, уларнинг ижоди ва номи Совет Иттифокидан ташкарида ҳам танилди.

Албатта, Ш. Рашидов Л. Брежнев даври раҳбарларига хос услугда фақат ютуқлар тўғрисида гапирди. Аммо 1970-йиллардан бошлаб совет жамиятидаги умумий инқизоз маънавий соҳага ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Масалан, таълим ва фанда сон кўрсаткичларининг ўсиши сифат кўрсаткичларида ҳам шундай ўзгаришларга олиб келмади. Бунинг устига, олий ўкув юртларини битирган мутахассисларга юкори малака ва илм талаб қилмайдиган экстенсив характердаги иқтисодда эҳтиёж кам эди. Фанни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш мақсадида бошланган ислохотлар ҳам маъмурий-буйруқбозлик шароитида кўзланган натижани бермади. Олий ўкув юртлари сонининг ошиши ҳам уларда таълим бериш сифатининг ошишига олиб келмади.

Бундан ташқари, 1970–1980-йиллари республикада тилни руслаштириш сиёсати янада кучайди. Бу сиёсат ўзбек адабий тилининг ривожланиш жараёнига салбий таъсир кўрсатди. Аммо ўша даврда бу «ягона совет ҳалки шаклланишидаги қонуний жараён» сифатида қабул қилинди. Фақат «қайта қуриш» йиллари бу жараённинг миллий маданият учун хавфи барча совет ҳалклари томонидан англанди. 1991 йил ноябрда Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда СССРдаги туркӣ ҳалқларнинг Туркия алифбесига яқинлаштирилган ёзувга ўтиш таклифи барча туркӣ тилда сўзлашувчи совет республикалари ва Россия вакиллари томонидан маъқулланди. 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистонда «Лотин графикасига асосланган ўзбек алифбесини жорий қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Шу тариқа, биз, ўзбеклар XX асрда ёзувини энг кўп алмаштирган (етмиш йилда тўрт марта) миллат бўлиб қолдик. Бу ўзгаришлардан ким фойда кўргани но маълум, аммо ўзбек фани, маорифи, адабиёти фойда кўрмагани аник.

1980-йиллар охирида Ўзбекистонга келган асли ўзбек бўлган москвалик олим бир ибратли воқеани гапириб берганди. У иш юзасидан Тбилисига бориб, шаҳар кутубхонасига кирса, ўрта



Ш. Рашидов умр йўлдоши Хурсанд ая ва ўғли Илҳом билан.

мактаб ўкувчиси Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон» асарининг беш аср илгари ёзилган нусхасини ўқиб ўтирган экан. Бу ўзбек олими бизда ҳеч бўлмаса 100 йил олдинги ёзувни ҳам мутахассислардан бошқа киши ўқий омаслигидан жуда афсус чекканди.

Шу йиллари Ўзбекистон ҳалқ шоири Эркин Воҳидов «Она тилим ўлмайди» номли шеърида:

*Камалакдек ранго-ранг  
 Бўлсин деб санъат, тиллар,  
 Асрларча қилдик жсанг,  
 Армон қилдик минг йиллар.  
 Беқадр бўлса, наҳот,  
 Тиллардаги тароват!  
 Йўқолди буқун, ҳайҳот,  
 Қабрларда ҳаловат! –*

деб ёзган эди<sup>97</sup>.

Бу даврда Л. Брежнев маъмурияти назарий йўриклиарининг асл моҳияти ва натижаси 1977 или кабул қилинган СССРнинг янги – ривожланган социализм конституциясида ўз аксини топди. Унинг 6-моддасида Коммунистик партия жамиятнинг йўналти-

<sup>97</sup> Эркин Воҳидов. Инсон. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2015. 105-6.

рувчи ва раҳбар кучи, сиёсий тузумнинг ядроси, дейилган бўлиб, бу КПССнинг сиёсий тизимдаги якка хукмронлик мавқенини мустаҳкамлади. Бундай модда, ҳатто 1936 йилдаги Сталин конституциясида ҳам йўқ эди.

Аммо И. Сталин ва Н. Хрушчёвдан фарқли равишда Л. Брежнев ўз ҳокимиyатидан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланди. У мураккаб муаммо билан дуч келгандан яхиси хеч нарса қилмасликни маъкул кўрарди. Унда бошқаларнинг хушомадига, турли хил унвонлар ва орденларни йиғишига мойиллик кучли эди. Уни мақташ, улуғлаш жараёни 1960 йилларнинг охиридан бошланди ва кейинги йиллар борган сари кулгили тус олиб борди. 1973 йили унинг обрўсини кўтариш тўғрисида маҳсус қарор ҳам қабул қилинди. Л. Брежневга 1975 йили армия генерали, 1976 йили – Совет Иттифоқи Маршали унвонлари берилди. 1977 йил июнда у СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимини ҳам эгаллади. Унга уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, икки марта Социалистик Мехнат Қаҳрамони деган унвонлар берилди, у уруш йиллари фронтдаги катта ғалабалар учун армия кўмондонларига бериладиган «Ғалаба» ордени, саккизта Ленин ордени, иккита ҳалқаро Ленин мукофоти ва яна қанча-қанча ордену медалларга «лойик» деб топилди. 1974 йилги инсульт оқибатида деярли ўзини бошқаролмай қолган Л. Брежневга раҳбарлар томонидан хушомад, лаганбардорлик кулгили, баъзан жирканч тус олди. Айниқса, унинг тушуниб бўлмайдиган нутклари аҳолининг кенг катлами орасида кулги аралаш нафрат, буюк мамлакат учун ачиниш ва уят хиссини уйғотди.

Жамиятдаги маънавий инқироз даврида порахўрлик, коррупция, ўғирлик каби жиноятлар сони кескин ошиб борди. Давлат раҳбарлари мамлакатда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам бу иллаторга қарши курашни кучайтириш тўғрисида бир неча бор эълон қилди. Аммо бу билан жиноятлар сони камайиб қолмади. Мана бир мисол. 1970-йилларнинг бошида СССР Ички ишлар министри Н. Шчёлеков 1965 йилдан Грузия ССР Ички ишлар министри бўлиб келаётган Э. Шеварднадзега танбех бериб, Грузия ГАИ (автоинспекцияси)си ходимларининг 50% и порахўрлик билан шуғулланади, деган гапни айтади. Мажлисдан сунг Грузияга қайтган Э. Шеварднадзе Н. Шчёлековнинг гаплари қай даражада

тўғрилигини текшириб кўришга карор қиласди. У оддий фуқаро кийимини кийиб, эски «Москвич» машинасида йўлга чиқади. Йўлдаги воқеалардан министр ҳайратда қолади: ГАИ ходимларининг Н. Шчёлеков айтгандек 50% и эмас, деярли 100% и пора олишига ўзи гувоҳ бўлади. Шундан сунг республика ГАИсида оммавий тозалаш ўтказади, аммо порахўрликни охиригача бартараф қила олмайди. 1972 йил сентябрда Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланган Э. Шеварднадзе бир ярим йил ичидаги 20 нафар министрлар ва партия Марказий Комитети аъзоларини, 111 та район партия комитетларининг секретарларини, 10 нафар шаҳар ижроком раисларини ишдан ҳайдади. Улар ўрнига КГБ ва ички ишлар ходимларидан тайинлади. Аммо бу тадбирлар катта фойда келтирмади, чунки янги келган раҳбарларнинг ҳам бир қисми эскилардан кам бўлмаган коррупционерлар эди.

Ўша даврда бу соҳада «илғор» бўлган Кавказорти республикаларидан яна бир мисол. 1969 йил июлда Л.И. Брежнев таклифи билан Г. Алиев Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланди. У илгари Озарбайжон ССР КГБни бошқарган бўлиб, коррупцияяга қарши курашда анчаном чиқарган эди. Г. Алиев республиканинг биринчи раҳбари лавозимида ҳам шу курашни давом эттириди. Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари Вели Охундов ҳам коррупцияда айбланди. Г. Алиев даврида кўплаб раҳбар ходимлар қамоқ жазосига хукм қилинди, 1975 йили беш нафар колхоз раислари ва фабрика директорлари катта микдордаги коррупция учун ўлим жазосига хукм қилинди. Г. Алиевнинг рухсати билан Озарбайжон Савдо министрлиги Давлат савдо инспекцияси раҳбарияти (24 киши) тўлиқ таркибда қамоқка олинди. Республикага раҳбар бўлгандан уч йил кейин Г. Алиевдан коррупцияяга қарши курашдаги муваффакиятлари ҳақида сўраб, нишаларга эришдингиз, деганларида, у: «Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетида пора олишмайди, факат шунга кафолат беришим мумкин», деб жавоб берган эди. Г. Алиев Озарбайжонда чукур илдиз отган коррупция асосида шаклланган элитани тийиб туриш мақсадида, порахўрликнинг маконига, порахўр кадрлар тайёрлашнинг мактабига айланаб қолган Озарбайжон давлат

юридик институтини ёпди<sup>98</sup>. Аммо бу тадбирлар кўпроқ намо-ишишкорона рухда бўлиб, жамиятнинг умумий инқирози кучаяёт-ган бир пайтда катта фойда бериши кийин эди.

Кавказорти республикаларида коррупцияга қарши кураш жамият учун катта фойда келтирмаган бўлса-да, у СССР КГБ ва унинг раиси Ю. Андроповнинг обрўсини оширди. 1973 йили Ю. Андропов КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси тар-кибиға киритилди. Бу орган раҳбари Л. Берия отилгандан бери ўтган 20 йил ичидаги бундай катта мавқега ҳали эришмаган эди.

Аслида СССРнинг бошқа республикалари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ахвол бундан катта фарқ қиласди. Шу сабабли Москва Ш. Рашидовдан Грузия ва Озарбайжондаги каби коррупцияга қарши курашишни талаб қилди. Агар Грузияда Л. Брежнев бу республика компартиясининг биринчи секретари В. Мжаванадзени, Озарбайжонда эса В. Охундовни алмаштириш ва жазолашни мақсад қилган бўлса, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашни кучайтиришдан асл мақсад анча катта – 1959–1970-йиллари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлган, ўша пайтда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг муовини – СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси лавозимида ўтирган Ё. Насридиновани, у орқали кейинги пайтда ҳаддан ошган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Подгорнийни жазолаш эди. Ўзбекистонда «тозалаш» жараёни 1974 йили бошланди. Москвадан катта комиссия келиб, Ё. Насридинова билан боғлик бир қатор раҳбар ходимлар устидан жиноят иши қўзғади. Улар жуда катта ҳажмдаги социалистик мулкни талон-торож қилишда, порахўрликда айбланди. Улар ет-казган жами зарап 10 млн рубль деб баҳоланди. Бу жиноят иши бўйича ҳаммаси бўлиб 315 киши, жумладан, 31 нафар совет ва суд тизимининг масъул ходимлари жазоланди. Жазолангандар орасида Ўзбекистон ССР Олий Судининг раиси (1967–1974) С. Пўлатхўжаев ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг собиқ раиси (1961–1971), ўша пайтда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг 1-муовини бўлган Раҳмонқул Курбонов

<sup>98</sup> Қаранг: Ш.Эргашев, Т.Бобоматов. XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Т.: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. 18-6.

ҳам бор эди. У порахўрлиқда айбланиб, 8 йил камок жазосига хукм қилинди. Аммо унга Л. Брежневнинг ўзи ёрдам қилди ва суд ҳукмидан олти ой ўтиб Р. Курбоновни муддатидан олдин озод қилиш тўғрисида фармон имзоланди ва кейинчалик у партия сафига ҳам тикланди.

Л. Брежнев Ё. Насриддиновани ҳам кечирди. У Олий Советдан ишдан олиниб, СССР Курилиш материаллари саноати министри-нинг муовини қилиб тайинланди. Уни партия сафидан ўчириш тўғрисида Партия назорати комитети тайёрлаган қарор Л. Брежнев аралашуви билан бекор қилинди. Айтишларича, Н. Подгорний ҳам Ё. Насриддинованинг каттиқ жазоланишини истамаган.

Тарихчилар бу жараёнларда Ш. Рашидовнинг ролини тур-лича баҳолашади. Аммо шуниси аёнки, 15 йилдан бери Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлиб келаётган Ш. Рашидов Грузия ва Озарбайжонда бу лавозимга энди келган Э. Шеварднадзе ва Г. Алиевдан фарқли равишда республика раҳбарларининг бад-ном бўлишидан манфаатдор эмасди.

Жамиятдаги салбий ҳолатларга қарши курашга қарамасдан, 1970-йилларнинг ўрталарига келиб совет жамиятида инқизоз ҳоллари яққол намоён бўлди. Бу даврда жамиятнинг ахлокий таназзули юз берди. Бунда мухим лавозимларга ўзининг якинларини тайинлаган, катта-катта совғаларни кабул килган КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. Брежневнинг ўзи ўрнак бўлди. 1970–1980-йиллари протекционизм, уруғ-аймокчилик, коррупция каби иллатлар тузумнинг пойдеворини емирди, унинг интихосини яқинлаштириди. Москва, Кавказ, Ўрта Осиё каби минтакаларда партия ва давлат аппарати вакилларининг «яширин» иқтисод ва очик жиноятчи элементлар билан бирикиб ке-тиш ҳоллари юз берди. Н.С. Хрущёвнинг 1980-йиллари комму-низм қуриш тўғрисидаги режаси барбод бўлган, одамлар энди коммунизм сафсатасига деярли ишонмай қўйган эди. Аҳолининг катта қисми «борига барака» деб, шукур қилиб яшарди. Давлат томонидан шаҳарларда бериладиган квартира, «ўзимизнинг» автомобиль, музлаткич, олти сотих томорқа, болалар боғчаси, мактаб, олий ўкув юрти кабилар кўпчилик учун эришилган марра ёки орзунинг ушалиши эди. Умуман, 1950-йилларга нис-батан 1970 йиллари аҳолининг катта қисми турмушда фаровон-

ликка эришди. Шаҳарларда кўпчилик коммунал квартиралар ва бараклардан алоҳида квартираларга кўчиб ўтди, қишлокларга ҳам ичимлик суви, электр кабилар келди, йўллар таъмирланди, хуллас, турмуш фаровонлашди. Қачонлардир катта орзу бўлган телевизор, музлаткич, радиоприёмник кабилар, ҳатто қишлоқ қишиларининг ҳам турмушкига кириб келди. Совет кишилари медицина хизмати ва барча босқичдаги таълимдан бепул фойдаланаради. Давлат болалар товарларига нисбатан паст нархни ушлаб турарди. Фарбнинг ривожланган мамлакатларида амалга оширилган «юкори яшаш даражаси», «умумий истеъмол жамияти» кабиларга қарши совет ташвиқоти «социалистик ҳаёт тарзи» ва партия ижтимоий сиёсатининг устунлигини зўр бериб ҳимоя қиласади.

Амалда ижтимоий соҳада қолдиқ тизими сақланиб қолди. Бу тизимга мувофиқ биринчи ўринда ҳарбий-саноат комплекси, кейин саноатнинг бошқа стратегик соҳалари, масалан, космос молиялаштирилар ва энг охири, қолдиқ маблағлар ижтимоий соҳаларга ва ҳалқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ажратиларди. Шу сабабли ҳалқ истеъмоли молларини, шунингдек, саноат ва озик-овқат товарларини ишлаб чиқариш ракеталар, танклар ва станоклар ишлаб чиқаришдан анча оркада қолиб кетди. Махсулотларнинг сифати ҳам жуда паст бўлиб, корхоналарда улар ассортиментини янгилаш учун маблағ етишмасди. Савдода порахўрлик, ўғирлик, таниш-билишлик кенг кулоч ёйди. Камёб товарлар рўйхати йилдан йилга ошиб, чайқовчилик ҳам авжига чиқиб борди. Шундай маҳсулотларни «хуфия ишлаб чиқариш» ва «қора бозор»да сотиш ривожланиб кетди. Совет иқтисодининг нефть захирасига «ўтириб қолиши» аҳоли катта қисмининг ичкиликбозликка берилиши билан қўшилиб кетди.

1971 – 1985-йиллари муҳим иқтисодий қўрсаткичлар бўйича ўсишнинг салбий томонга ўзгариши ҳам кўзга ташланиб қолди. Миллий даромаднинг ўсиш суръатлари 8-беш йилликда – 41%, 9-беш йилликда – 28%, 10-беш йилликда – 21%, 11-беш йилликда – 17% ни ташкил қилди. Мехнат унумдорлигининг ўсиши ҳам 8-беш йилликда – 37%, 9-беш йилликда – 25%, 10-беш йилликда – 17% бўлди, холос<sup>99</sup>.

<sup>99</sup> Каранг: Ш.М. Мунчаев и др. Отечественная история. – М., 1994. – С. 406.

Буларнинг барчаси, албаттa, Узбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бу ерда барча иллатлар йиғилиб, республика иктисодиётининг асоси бўлган пахтачиликда ўта бадбашара кўринишда намоён бўлди. Вокеалар йилдан йилга, аста-секин ривожланиб боргани учун кўпчилик бунга аллақачон кўникиб қолганди. Пахтачиликдаги кўзбўямачиликларнинг кўпчилиги «социалистик мусобака» байроғи остида бўлиб, бутун оммавий ахборот воситалари, расмий ташвиқотнинг кучи мусобака «машъали»ни макташга йўналтирилди.

Аслида совет тузумида бу «машъал»ни яратиш 1930 йиллардаги индустрлаштириш даврида, жуда киска вақт ичида мамлакатнинг қудратли индустрисал базасини яратиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган эди. Натижада, зарбдор меҳнатга отланган миллионлаб кишилар орасида ёлғиз ўзи ёки жамоа таркибида рекордлар ўрната бошлаган ишлаб чиқариш илгорлари пайдо бўлди. Айнан улар ёрдамида ОАВ ва ҳокимият бутун жамият зиммасига «машъал» бўлиш мажбуриятини юклиди. Масалан, 1930 йиллари тракторчи Паша Ангелина ва шахтёр Алексей Стаканов дастлабки шундай «машъал»лар бўлди. Бу «машъал»лар дастлаб миллионлаб ҳалол меҳнаткашларни меҳнат ташаббусига чорлади. Уларнинг кўпчилиги «машъал» бўлишни хаёлига ҳам келтирмасдан жамиятда ўз ўрнини топиш, оиласи, жамият фаровонлиги учун меҳнат қилдилар. Аммо бу жараёндан фойдаланиб қолишга интилганлар ҳам кам эмасди.

Албаттa, бу мусобака ҳаракатида аввал бошданоқ ўзига хос ёлғон яширган эди, чунки «машъал»лар янгидан-янги рекордлар ўрнатиши учун ҳокимият уларга бошқаларга нисбатан яхширок шароит яратарди. Масалан, «машъал» бўлиши мўлжалланган сут соғувчи учун баъзан, ҳатто, бутун сут соғиши фермаси меҳнат килиши керак эди. Узбекистонда бу пахтачилика авж олиб, баъзан битта «машъал» бригадир учун бутун бошли колхоз меҳнат қиларди. 1950–1960-йиллари машинада пахта теришда рекорд ўрнатган Турсуной Охунова 1960–1970-йилларда пахта териш машинаси рулига ўтирган минглаб ўзбек кизлари учун шундай «машъал» бўлганди. Худди шундай қўлда пахта териб, рекорд ўрнатган Зулайҳо Норкулова ҳам «машъал» эди. Уларга Социалистик Мехнат Қаҳрамони унвони берилди.



Ш. Рашидов. 1979 йил.

Совет жамиятининг ҳолатидан келиб чиқиб, 1970 йиллари «машъал»ларга эҳтиёж кескин ошди. Пахтчилик бригадалари, колхозлар бирин-кетин янгидан янги рекордлар ўрнатиб, гектаридан дастлаб 40, 45, кейин эса 50 ва ҳатто, 60 центнердан пахта териб, «машъал»ларга айланниб борди (1972 йили ҳосилдорлик гектаридан ўртача 28,3 центнер эди).

Москва борган сари пахта етишириш режасини ошириб борди. Бу

режага кўра СССРда пахта етишириш 2000 йилга келиб 10–11 млн тоннага етиши, шундан 8 млн тоннасини Ўзбекистон етишириш лозим эди. Агар Ш. Рашидов бу режаларга карши чикқанда, унинг тақдири жуда тез ҳал қилинган бўларди.

Ўзбекистон пахтакорлари биринчи марта 1966 йили 4 млн тонна, 1974 йили 5 млн тоннадан ошириб пахта хомашёси тайёрлади. Орадан тўрт йил ўтиб, 1979 йили республикамиз пахта хирмони 5 млн 500 минг тоннага етди. Бу пайтга келиб улкан хирмоннинг бир қисми қўшиб ёзиш эканлиги республикада ҳеч кимга сир эмасди.

Бу ҳолатдан Москва ҳам хабардор, аммо иккита мақсадни: биринчидан, СССРнинг пахта рекордлари билан бутун дунё олдида ўзини кўз-кўз қилиш, иккинчидан, йилдан йилга очкўз, тўймас бўлиб бораётган ўз бюрократиясини боқишини мақсад қилгани учун кўзини юмарди.

Аслида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ўсиш суръатлари қўшни республикалар ёки модернизация йўлига кирган Осиёning бошқа мамлакатларига нисбатан анча юқори эди. Масалан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ўсиб борди. Унинг ҳажми 1975 йили 1913 йилга нисбатан 61 марта, 1940 йилга нисбатан эса 13 марта ўсди. 1941–1975-йиллари саноатда меҳнат унумдорлиги 3,9 марта ошди.

Аҳоли фаровонлиги ҳам жадал юксалиб борди. Миллий даромад 1975 йили 1960 йилга нисбатан 2,7 марта ўсди. Ижтимо-

ий истеъмол фондларидан ахоли олган тўлов ва имтиёзлар 1974 иили 1969 йилга нисбатан 4,1 марта, жумладан, маориф бўйича 4,6 марта, соғлиқни саклаш ва жисмоний тарбия бўйича 2,7 марта га ошди<sup>100</sup>.

Республика кишлок хўжалиги, айниқса, пахтачиликни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланган ерларни сунъий суғоришга катта эътибор қаратилди. 1966–1986-йиллари Ўзбекистон сув хўжалигига 17,1 млрд рубль маблағ йўналтирилди. Бу даврда 1,5 млн га янги ерлар ўзлаштирилди, 1,888 млн га ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ирригация каналларининг умумий узунлиги 197 минг км дан ошиб кетди. Сунъий бунёд этилган 23 та сув ҳавзалари ва уларда тўпланадиган 10 млрд кубометрга яқин сув қурғокчиликка қарши ишончли кафолат бўлди<sup>101</sup>.

Аграр соҳани индустриташи дастурини амалга оширишда республикадаги кишлок хўжалик машинасозлиги корхоналари: Тошкент трактор заводи, «Тошкишлoқмаш», «Ўзбеккишлoқмаш», «Чирчиккишлoқмаш», «Ўзбекпахтамаш», «Тошкимёқишлoқмаш», Тошкент агрегат заводи, Янгийўл кишлок хўжалик машиналари эҳтиёт қисмлари заводи кабилар устувор роль ўйнади. Фаол ташкилотчилик ишлари натижасида 1976–1985-йиллари республика кишлок хўжалигига 1 млн 678 минг дона тракторлар, 601 минг дона пахта териш машиналари, 11,5 минг дона фалла ўриш комбайнлари ва кўплаб бошка техникалар етказиб берилди.

Бу даврда қишлок хўжалигини қайта қуроллантириш факат қишлок хўжалик техникалари сонини оширишга қаратилмади. Айни пайтда қишлок хўжалик машиналарининг техник кўрсаткичлари ҳам ошди, уларнинг сифати яхшиланди, янги самарадорлиги юкори бўлган машиналар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. «Чирчиккишлoқмаш» янги КХУ-4 маркали универсал культиваторлар, «Ўзбеккишлoқмаш» СХУ-4 пахта экиш сейлкаларини ишлаб чиқарди. СХУ-4 сейлкалари ишлаб чиқариш унумдорлигининг 30% га ошишини таъминлади. Қишлок хўжалик

<sup>100</sup> Каранг: Акрамов Э. Повышение эффективности использования орошаемых земель // Коммунист Узбекистана. – Ташкент, 1988. – № 12. – С. 3.

<sup>101</sup> Каранг: Обломурадов Н. Аграрная политика Узбекистана (1970–1990 г.г.). – Ташкент: ИПТД «Узбекистан», 1993. – С. 70.

техникаларининг бошқа юқори самарали турлари ҳам яратилди. Фақат 1976–1978-йиллари республика қишлоқ машинасозлик корхоналари томонидан 9 та замонавий машиналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Айтиш лозимки, 1970 йиллар ва 1980 йиллар бошларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини механизациялаш ўзининг энг юқори даражасига етди. Аммо шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалигини тубдан техник қайта қуроллантириш вазифаси охиригача бажарилмай қолди.

Бунинг сабабларидан бири ишлаб чиқариш режаларини тўлиқ бажармаган қишлоқ машинасозлик корхоналарининг айби билан республика ўзига ажратилган фондлар бўйича техникаларни тўлиқ олмаслигида эди. Масалан, республика 1976–1982-йиллари 3973 дона трактор, 4988 дона культиватор, 2434 дона кўсак терувчи машиналар ва бошқа кўплаб ажратилган техникаларни ололмади<sup>102</sup>.

Республикада пахта етиштиришни – экиш, парваришлаш, йиғиб-териб олиш, ташиш ва охирги маҳсулот даражасига етказиш жараёнини тўлиқ қамраб олган машиналар тизими яратилмади. Окибатда, бир центнер пахта етиштириш учун Ўзбекистонда АҚШга нисбатан 9 марта кўп кўл меҳнати сарфланарди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялашни якунлашга бу соҳани электрофикациялашдаги камчиликлар ҳам салбий таъсир кўрсатди. 1980-йиллар ўрталарига келиб Ўзбекистон ишлаб чиқариш мақсадларига электр энергиясини истеъмол қилиш бўйича мамлакатда 13-ўринда эди.

Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаштиришда юқори малакали техник кадрларнинг роли муҳимлигини инобатга олиб, бу даврда республикада олий ва ўрта маҳсус маълумотли инженер-техник кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Аввало, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1976 йил 9 ноябрдағи «Республика қишлоқ хўжалигига инженер-техник хизматни яхшилаш чоралари тўғрисида» қарорига мувофик олий ва ўрта

<sup>102</sup> Каранг: Якубов И. Научно-технический прогресс в мелиорации //Коммунист Узбекистана. 1986. № 8.

махсус кишлоқ хўжалик ўкув юртлари тармоғини кенгайтириш тадбирлари қабул қилинди. Хусусан, 1976 йили Фарғона ва Янгиерда кишлоқ хўжалик олий ўкув юртларининг филиаллари очилди. Кейинги йиллари улар кишлоқ хўжалигига кадрлар тайёрлаш бўйича йирик марказларга айланди.

Шу билан бир қаторда республика районларида 6 та совхоз-техникумлар, Сирдарё ва Андижон областларида – Механизация техникумлари, Наманган, Бухоро ва Жиззах областларида – кишлоқ хўжалик техникумлари ташкил қилинди. Янги ўкув юртлари малакали кадрлар билан тўлдирилди<sup>103</sup>.

Умуман, 1975 – 1982-йиллари республикада 284 та янги билим юртлари ташкил қилинди. Бу даврда касбий-техник таълим тизимида жами 780 минг малакали ишчилар тайёрланди. Бу олдинги 35 йилдагига нисбатан 60 минг киши кўп. Умуман, республикамизда 557 та билим юртлари бўлиб, уларда 260 минг, 1975 йилдагига нисбатан икки баробар кўп киши таълим олмоқда эди<sup>104</sup>.

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, Ш. Рашидов ССРДа бошланган умумий инқирозга қарамасдан, республикани ривожлантириш йўлида катта ишларни амалга оширди. Аммо бу вактга келиб пахтачиликда ҳосилдорликни янада ошириш анча мураккаблашди, кенг миқёсли кимёлаштиришнинг ҳам салбий томонлари яққол кўзга ташланиб қолди. Тупроқка минерал ўғитлар билан ишлов бериш илмий асосланган нормалар жиддий бузилган ҳолда амалга оширилди, хавфли заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш кенгайди. Айникса, ўта зарапли бўлган ДДТ Farb давлатларида 1970 йили тақиқлангандан кейин ҳам бизда уни қўллаш давом этди. Бундан ташқари, бошқа мамлакатларда уни қўллаш ахоли жон бошига тахминан 300 граммни ташкил қилган бўлса, бизда бу кўрсаткич 7 – 8 кг гача етди. ДДТ ва бошқа кимёвий

<sup>103</sup> Каранг: Камаритдинова М.С. Опыт и проблемы перевода сельского хозяйства Узбекистана на индустриальную основу во второй половине 70-х - первой половине 80-х годов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 1994. <http://cheloveknauka.com>

<sup>104</sup> Каранг: Ш.Р. Рашидов. Братское сотрудничество народов СССР на этапе зрелого социализма. Издательство ЦК Компартии Узбекистана. – Ташкент, 1983. – С. 32.

моддалар нафакат ердаги воситалар билан, балки авиация ёрдамида ҳам интенсив сепилди ва бунда ҳавода сув ҳавзаларида заҳарли моддаларнинг концентрацияси кишилар соғлиғига зарар етказадиган даражада ошди<sup>105</sup>.

Яна битта муаммо бу пахта терими билан боғлиқ эди. Умуман, пахта ҳосили жуда қиска вактда териб олиниши сабабли жуда катта сафарбарликни талаб қиласди. Буни англаган республика раҳбарияти пахта етиштириш ва уни йигиб-териб олиш билан боғлиқ жараёнларни механизациялаштиришга доимий эътибор қаратиб келди. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу ишга жадал киришилди. 1947 йили Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари заводи (Ташсельмаш) дастлабки пахта териш машиналарини тажриба сифатида ишлаб чиқарди. 1950 йили 2 млн 220 минг тонна пахта етиштирилди. Шундан сўнг пахтачиликни механизациялаш ишлари жадаллашди. 1960–1970-йиллари механизаторлар «социалистик мусобақа»нинг илгорларига айланди. Дастлаб сурхондарёлик Абдусаттор Қурбонов тўрт қаторли пахта териш машинасида 550 тонна пахта териб, рекорд ўрнатди. Шундан сўнг бу мусобақа ўта шов-шув ва сиёсий тус олиб, ҳар бир область, район ёки колхоз ўз рекордини ўрнатишга интилди. 1970 йиллари Шоймардон Қурдатов (у ҳам Сурхондарёдан) акл бовар қилмайдиган 800 тоннани битта пахта териш машинасида бир ўзи «териб», А. Қурбоновнинг рекордини янгилади. Ҳайратга тушган жамоатчиликни янада лол қилиш самарқандлик Ҳафиз Полвонов зиммасига тушди. У бир мавсумда битта машинада бир ўзи 1050 тонна пахта «териб», жаҳон рекордини ўрнатди. Агар 1930-йиллардаги ва урушдан кейинги рекордлар кўпчилик одамларни меҳнат шижоатига чорлаган, уларда ўз меҳнатидан завқ ва фахр туйғусини уйғотган бўлса, 1970–1980-йиллардаги рекордлар кўпчиликда, айниқса, пахта теримини бевосита билган кишиларда истеҳзо аралаш уятдан бошқа хис уйғотган эмас. Бу, албаттa, фақат Ўзбекистонга хос ҳолат эмасди.

<sup>105</sup> Қаранг: Комиренко П. Люди, будьте бдительны // Сельское хозяйство Узбекистана. – Ташкент, 1990. № 10. – С. 3.

## ИНҚИРОЗ

1970-йиллари дунёning илғор мамлакатларида юз берган илмий-техник ва цивилизацияйи ривожланишнинг янги, пост-индустриал босқичи СССРни четлаб ўтди. Совет раҳбарияти ҳамон ишлаб чиқаришнинг индустрисал босқичига хос соҳаларни ривожлантириди. Натижада мамлакат чўян, пўлат, кўмир, нефть, газ, трактор ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди. Ахолининг катта қисми моддий неъматларни ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлди. Саноатда – 40%, қурилишда – 60%, қишлоқ хўжалигига – 70% ишчилар қўл меҳнатида банд эди. СССРда электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) сони бир неча ўн мингтадан ошмасди, оммавий компьютерлаш тўғрисида гап ҳам йўқ эди. Ижтимоий-маданий соҳага сарфланадиган маблағлар 1960 йиллардан бошлаб камайиб борди. 1985 йили таълимга ажратилган маблағ 1940 йилги даражадан паст эди.

Агар расмий статистик маълумотларни ҳисобга олсак, СССР 1980-йиллар ўрталарида АҚШ ривожланишининг 1960 йиллар бошлари даражасида бўлиши лозим. Мабодо шундай бўлганда, совет фуқаролари 1960-йиллари Америка стандартлари бўйича аҳоли жон бошига йилига 100 кг дан зиёд гўшт, ҳар бир оиласа ўртача 1,5 дона автомобиль, ҳар бир кишига 40 кв.м. фойдали уй-жой ва шу кабиларга эга бўлиши керак эди. Аслида эса ишчи оиласи озиқовқатга 1927 йилдагидан кўп маблағ (1927 йили оила даромадининг 43,8% и, 1985 йили – 60% дан ошигини) сарфларди<sup>106</sup>.

Шундай шароитда уй-жой қурилиши, таълим, соғликни сақлаш соҳаларига ажратиладиган маблағлар йил сайин камайиб борди. Жамиятда бефарқлик, иложисизлик кайфияти қарор топди. Зиёлиларнинг бир қисмидан ташқари мутлақ кўпчилик аҳоли лоқайд томошабинга айланиб, аҳволнинг яхши томонга ўзгаришидан умидларини узуб бўлганди. Окибатда ахолининг бир қисми ичкиликбозликка берилди. 1980-йилларга келиб аҳоли жон бошига алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш 1950-йил-

<sup>106</sup> Каранг: М.М. Горинов, А.А. Горский, А.А. Данилов и др. История России с древнейших времен до начало XXI века. – М.: «Дрофа», 2005. – С. 582.

лардагига нисбатан 2,5 баробар ошди. Давлат статистикаси маълумотларига кўра 1960 йиллари совет кишилари ўртача йилига бир кишига 4,6 литр алкоголь истеъмол қиласди. 1970-йилларга келиб бу кўрсаткич 8,44 литрга етиб, кейинги ўн йил ичидаги муттасил ўсив борди ва 1980-йиллар бошларига келиб ҳар бир совет кишиси йилига 10,6 литр алкоголь истеъмол қиласди. 1976–1984-йилларни совет тарихидаги энг «маст» йиллар деб аташ мумкин. Ўзбекистонда алкоголь истеъмол қилишнинг энг юкори нуктаси 1985 йил бўлиб, унда 8544 декалитр арок-ликёр, 5572 декалитр вино, 330 декалитр конъяк сотилган<sup>107</sup>.

Шу йиллари қўлбола алкоголь тайёrlаш ҳам кўпайиб, 1984 йили ҳар бир совет кишиси йилига 13,8 литр қўлбола алкоголь ичарди. 1980 йилларда СССРда 5 миллион расман рўйхатга олинган алкоголиклар бўлиб, шулардан 3 миллиони РСФСРда эди. Ҳакикатда эса ўн миллионлаб кишилар алкоголизм балосига дучор бўлганди. Йилига 486 минг киши алкоголь сабабли ҳалок бўларди<sup>108</sup>. Бундай шароитда акли заиф, ногирон туғилаётган болаларнинг ҳам сони ошиб борди.

Мамлакатда инкиroz чукурлашган сари турли хил иллатлар кўзга якъол ташланиб қолди. Шундай иллатлардан биттаси бўлган кўшиб ёзиш, кўзбўямачилик аслида совет маъмурий-буйруқбозлик режимиning маҳсули, совет статистикасини партия дерективаларида акс этган режаларга мослаштиришнинг оқибати эди.

Шундай шароитда ишлаб чиқариш унумдорлиги ҳам пасайиб борди. Тадқиқодчиларнинг таъкидлашича, иктисадий муваффакиятсизликларнинг асосий сабаби инсон ресурслари ва интеллектуал имкониятлардан унумли фойдалана олмаслиқда эди.

Партия раҳбарияти бошқарув корпуси, вазирликлар ва бошқармалар сонини оширишга иктисадий кийинчиликларни бартараф қилишнинг ягона йўли сифатида қаради. 1980-йиллар бошларига келиб мамлакатда 18 млн бошқарувчи, 100 дан зиёд

<sup>107</sup> Нородное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. Статистический ежегодник. Ташкент, «Узбекистан». 1989. – С. 57.

<sup>108</sup> Карап: Горинов М.М., Горский А.А., Данилов А.А. и др. История России с древнейших времен до начала XXI века. – М.: «Дрофа», 2005. – С. 596.

иттифоқ ва 800 та республикалар вазирлик ва идоралари бўлиб, уларга ҳар йили 40 млрд рубль маблағ сарфланар эди.

Жаҳондаги иқтисодий ҳолат билан таққослагандага СССРнинг ахволи, айниқса, ачинарли кўринарди. Истеъмол даражаси меҳнат унумдорлиги даражасидан анча паст эди. Истеъмол соҳасидан тежалган маблағ жуда катта ҳарбий-саноат комплексини таъминлашга, самараасиз «аср қуришиллари»га ва байналмилал ёрдамга сарфланди. Айни пайтда, ижтимоий соҳанинг айрим жабҳалари таназзулга юз тутди. 1971 йилдан бошлаб СССРда ўртача умр кўришнинг ўсиши тўхтади ва 1985 йили у 1958 йилдагидан паст эди. Болалар ўлими ҳам ошиб борди. 1980 йиллар бошида СССР ахолининг ўртача умр кўриши бўйича дунёда 35-ўринда, болалар ўлими даражаси бўйича 50-ўринда эди.

Бу даврда фан ҳам анча зиддиятли ривожланди. Илмий ходимларнинг умумий сони ўсди (1970 йили 928 минг, 1985 йили эса 1 млн 491 минг киши илмий фаолият билан банд эди), илмий тадқиқотларни молиялаштириш микдори ҳам кўпайди (1970 йили миллий даромаднинг 4% и, 1985 йили эса 5% и илмий тадқиқотларга ажратилди). Илмий кадрлар потенциали бўйича совет фани АҚШ фанидан салгина ортда эди. Бу кўрсаткичларга қарамасдан, жамиятда умумий маънавий муҳит тушкун ҳолатда қолаверди.

1981 йил 3–5 февралда Тошкентда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди бўлиб ўтди. Бу Ш. Рашидов үтказган охирги съезд эди. Бюро таркибида бир катор ўзгаришлар юз берди. Съездда 10-беш йилликнинг охирги йилида (1980 йил) республика эришган сиёсий ва иқтисодий ютуқлар таъкидланди. Бу даврда миллий даромад 15 млрд 857 млн 600 минг рублни ташкил қилди ва бир йилда 6,6% га ўсди; ялпи миллий маҳсулот 6,4% га ошди. Халқ ҳўжалигига йўналтирилган капитал маблағлар 5 млрд 340 млн рублни ташкил қилди. Шу йили 6 млн 240 минг тонна, жумладан, 357 минг 800 минг тонна ингичка толали пахта хомашёси териб олинди. Ҳосилдорлик ўртача гектаридан 33,2 центнерни ташкил қилди. Ахолининг реал даромадлари бир йилда жон бошига 3,3% га ўсди<sup>109</sup>.

<sup>109</sup> Рашидов Ш.Р. Отчетный доклад ЦК КП Узбекистана XX съезду Коммунистической партии Узбекистана// «Правда Востока», 4 февраля 1981 г.

Бу даврдаги ўзбек маданиятининг ютуклари уни иттифокнинг етакчи миллий маданиятлари қаторига олиб чиқди. Ўзбек ёзувчи ва шоирлари Мирмуҳсин, Аскад Мухтор, Саид Ахмад, Шукрулло, Иброҳим Раҳим, Саъдулла Кароматов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Самандар, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқалар иттифок миқёсида танилган, кўпчилигининг асарлари чет элларда ҳам нашр қилинаётган эди.

Аслида совет киностудиялари орасида «Мосфильм», «Ленфильм» ва қисман М. Горький номидаги, А. Довженко номидаги, Одесса киностудияларидан ташқари барча киностудиялар дотацияда туради. Миллий киностудиялар орасида «Ўзбекфильм» ўзини ўзи таъминлашга эришган биринчи киностудиялардан бўлди. 1959 йили Ш. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайлангандан сўнг бутун ўзбек санъати ривожланишида янги давр бошланди. Бу даврда 1959 йили режиссёр Йўлдош Аъзамовнинг «Мафтунингман», режиссёр Шуҳрат Аббосовнинг «Махаллада дув-дув гап» (1960 йил), «Сен етим эмассан» (1963 йил) фильмлари жуда машҳур бўлди. «Сен етим эмассан» фильмига 23 миллион билет сотилди. Бу ўша даврда жуда машҳур бўлган грузин кинематографларининг «Солдат отаси» фильмни эришган кўрсаткичдан (23 млн 800 минг) салгина кам эди. Умуман, ўша йиллари миллий киностудиялар орасида биринчилик учун кураш «Ўзбекфильм» билан «Грузияфильм» ўртасида кетарди. 1960-йилларнинг охирида «Грузияфильм»нинг «Дурангиз ўйин» детектив фильмини 29 млн 700 минг киши томоша килган бўлса, «Ўзбекфильм»да суръатга олинган (режиссёр Равиль Ботиров) «26-си отилмасин!» фильмини 32 млн 900 минг киши томоша килди. Шу йиллари ёш ва иқтидорли режиссёр Элёр Эшмуҳамедов ўзининг «Нафосат», «Севишганлар» каби иттифок бўйича машҳур бўлган фильмларини суратга олди. Шу тарика 1960 йилларнинг охиридан 1980-йилларнинг бошларигача «Ўзбекфильм» миллий киностудиялар орасида даромад келтириши бўйича етакчи киностудияга айланди. 1970-йиллари суратга олинган «Инкилоб чавандозлари», «Фавқулодда комиссар», «Қора консулнинг ўлеми», «Еттинчи ўқ» каби фильмлар иттифок миқёсида энг даромадли фильмларга айланди. Факат юқорида саналган фильмларни СССРнинг 100 млн

дан зиёд ахолиси томоша қилди. 1980 йили кинорежиссёр Латиф Файзиев хинд режиссёри Умеш Мехри томонидан «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Али бобо ва кирк қарокчи» фильмни ўзбек киноси тарихидаги энг даромадли фильм бўлди: уни 52 млн 800 минг киши томоша қилди. Шу даврда «Ўзбекфильм» киностудиясида дубляж қилинган фильмлар ҳам республика кино тарихининг олтин фондидан жой олган.

Бу даврда қўшиқчилик санъати ҳам жадал ривожланди. Анъанавий қўшиқчилик санъати билан бир қаторда, 1950-йилларнинг охири – 1960-йиллардан эстрада қўшиқчилиги ҳам жадал ривожланди. Қўшиқчиликнинг бу янги йұналишига Ботир Зокиров, Эсон Қандов, Стакан Раҳимов, Луиза Зокирова, Эльмира Ўрозбоева каби ёш ижрочилар кириб келди. Ботир Зокиров ўзбек эстрада санъатини дунёга машхур қилди. 1957 йили Москвада талабаларнинг халқаро фестивалида Ботир Зокиров ва синглиси Луиза Зокирова ижро этган «Ўзбекистон – менинг диёрим» қўшиғи юксак мукофот билан тақдирланди. 1959 йили Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталигига «машхур араб композитори Фарид ал-Атрошнинг (Ян Франкель қайта ишлаган) «Араб тангоси» қўшиғи биринчи марта янгради. Янгради-ю, чакмоқ янглиғ Ботир Зокиров номини қўшиқсеварлар калбига олиб кирди»<sup>110</sup>. «Араб тангоси»ни ўша даврда бутун СССР хиргойи қилиб юрди. Б. Зокиров жаҳоннинг энг машхур санъат юлдузлари қўшиқ айтишни ўзи учун шараф биладиган Парижнинг «Олимпия» театри саҳнасига 1960 йили икки бор кўтарилди. 1970-йиллар бошларида Ўзбекистонда дастлабки вокал-инструментал ансамбли (ВИА) «Ялла» ташкил топди. Бир неча йилдан кейин «Ялла» СССРдаги энг машхур ВИАлар каторидан



Ботир Зокиров

<sup>110</sup> Жўраев А. Юрак бўронлари: роман-эссе. – Тошкент, «O'zbekiston» НМИУ, 2016. 28–29-бетлар.

жой олди. «Ялла» ижросидаги «Уч кудук» қўшиғи «Песня – 81» бутуниттифоқ телевизион қўшиқлар танловида финалга чиқди. Қўшиқ ўз даврининг машхур хит қўшиғига айланган эди.

1970 йиллар охири – 1980 йиллар бошларида Ш. Рашидов фаол иштирок этған халқаро муаммолардан бири Афғонистон мажароси бўлди. 1978 йил 27 апрелда Афғонистон ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони полковник Абдул Қодир бошчилигидаги ҳарбийлар Афғонистонда давлат тўнтаришини амалга ошириб, шоҳ Муҳаммад Довудни ҳокимиятдан четлатди, М. Довуд оила аъзолари билан бирга катл қилинди. Инқилобий кенгаш тузилиб, у ўзини Афғонистондаги олий ҳокимият деб эълон қилди. Кенгашга Нур Муҳаммад Таракий бошчилик қилди. Бабрак Кармаль унинг ўринбосари, Ҳафизулло Амин ташки ишлар вазири ва хавфсизлик хизмати бошлиғи, Абдул Қодир мудофаа вазири бўлди. Афғонистон Халқ Демократик Республикаси деб эълон қилинди.

СССР ва унга иттифоқдош мамлакатларда бу ҳодиса «Савр инқилоби» деб олқишиланди. Афғонистоннинг ўз аҳолиси эса бу воқеаларни тўнтариш, ҳокимиятнинг бир қабиладан бошқасига (дурронийлардан гилзоийларга) ўтиши, деб кабул қилди. Маъмурятда даромадли лавозимларни бўлиш бошланди.

Аслида бу пайт кескин бурилишлар ясаш учун афғон жамиятида шароит мавжуд эмасди. Янги хукумат ташки, асосан, СССР ёрдамига умид боғлаб, М. Довуд давридаёқ эълон қилинган ислоҳотларни жорий қила бошлади. Ер ислоҳоти, қарзларни бекор қилиш, моҳорни (қалин тўлашни) такиқлаш, аёлларни саводхонлика жалб қилиш каби тадбирлар ҳали ислом ақидалари ва қабилачилик анъаналари кучли бўлган афғон жамияти томонидан қаттиқ қаршиликка учради.

Ҳокимиятга келган гурух ичидаги ҳам бирлик йўқ эди. 1979 йил сентябрда Ҳ. Амин Н.М. Таракийни ўлдириб, ҳокимиятни ўз қўлига олди. У СССРга мурожаат қилиб, гайриинқилобий харакатларни бостириш учун Афғонистонга совет қўшинларини киритишни сўради. Аммо совет раҳбариятининг бу борадаги йиғилишида Н.М. Таракийнинг ўлимида айбдор бўлган Ҳ. Аминни ҳам ағдаришга карор қилинди.

Ҳ. Амин муҳим ижтимоий ислоҳотларни ўтказиш ўрнига инқилобий сафсатабозлик билан шуғулланди. Бу ҳол жамиятда умумий нафрат уйғотди ва унга қарши кучларни фаоллаштириб юборди. Шундай шароитда Ўзбекистон худудида ташкил қилинган СССР Мудофаа министрлиги Бош Штаби Разведка бош бошкармасининг «мусулмон батальони» 1979 йил декабрда Афғонистонга киритилди. 27 декабрь куни совет қўшинлари иштирокида Ҳ. Амин ўлдирилди ва ҳокимият Б. Кармалга берилди<sup>111</sup>.

Афғонистонга совет қўшинларини киритишга СССР Министрлар Советининг Раиси А.Н. Косигин, СССР Куролли Кучлари Бош штаби раҳбарияти (Н. Огарков, С. Охромеев, В. Вареников) ва Куруқлиқдаги қўшинлар бош қўмандони армия генерали И. Павловский катъий қарши чиқишиди. Айтишларича, қўшин киритиш тарафдори бўлган ва бунга Л. Брежневни кўндирган шахс СССР КГБнинг раиси Ю. Андропов бўлган.

Афғонистонга қўшин киритиш ҳакида қарор Сиёсий Бюро аъзоларининг тор доирасида қабул қилинди. Республикалар вакиллари, жумладан Ш. Рашидов бу жараёнда иштирок этмади. Улар қарордан хабардор қилинди. Аслида деярли сўнгги 30 йилда Афғонистон раҳбарлари билан доимий мулоқотда бўлган, уларнинг кўпчилигини шахсан таниган Ш. Рашидов билан маслаҳатлашиш на Л. Брежневнинг ва на Ю. Андроповнинг хаёлига келмади. Агар Ш. Рашидовнинг 1962 или Куба ва 1964 или Хиндистон – Покистон муаммоларини ҳал қилишдаги дипломатик тажрибасини инобатга олганда, у билан нафакат маслаҳатлашиш, балки Афғонистон раҳбарлари билан музокараларга фаол жалб қилиш лозим эди. Бундан ташқари, аҳолисининг бир кисмини ўзбеклар ташкил қилган, кишилар хаётида ислом динининг таъсири кучли бўлган Афғонистондаги ҳолатни Сиёсий Бюро таркибида Ш. Рашидовдан яхши тушунадиган киши йўқ эди.

Ўзбекистон Афғонистон билан чегарадош бўлгани учун совет қўшинларининг СССРдаги асосий жойлашув ўрни Термиз шахри

<sup>111</sup> Қаранг: Новейшая история стран Азии и Африки. XX век. В трёх частях. Част 3. 1945–2000. – Москва, ВЛАДОС, ИМПЭ им А.С. Грибоедова, 2004. – С. 41.

бўлди. Туркистон ҳарбий округининг 108-ўқчи дивизияси шу ердан понтон кўприклар орқали Афғонистон ҳудудига ўтказилди.

Советларнинг Афғонистон ички ишларига аралашувининг салбий таъсири жуда катта бўлди. Биринчидан, афғонларнинг каршилиги кескин ўси, чунки мамлакатда «кофирлар» пайдо бўлди, демак, анъанага кўра, барча афғонлар ўзаро келишмовчиликларни унугиб, умумий душманга қарши бирлашиши лозим эди. Иккинчидан, олиб борилган тадбирлар уруш шароитида зарурий самара бермади, бунинг устига, совет ёрдамига қарамасдан, мамлакатда ҳолат доимий ёмонлашиб борди: нарх-наво ошди, кўплаб оиласалар бокувчисини йўқотди ва ўзини таъминлай олмай колди, мамлакатда илгари ҳеч қачон бўлмаган очлик бошланди.

АХДПнинг ракиби – мужоҳидлар мамлакат ҳудудининг катта қисмини назорат қилиб турарди. 5 млн га яқин Афғонистон ҳудудини тарқ этиб қочокка айланган эди. БМТнинг 1982 йили Афғонистон ишларига ташкаридан аралашишни чеклашга уриниши ҳеч қандай натижага олиб келмади.

Маълумки, афғон уруши тўққиз йилдан кўп давом этди. Унда 13833 нафар совет аскар ва офицерлари, жумладан, 1066 нафар ўзбекистонлик йигитлар ҳалок бўлди<sup>112</sup>.

Афғонистонга совет қўшинлари киритилган ўша машъум 1979 йили яна бир фожиа юз берди. Ш. Рашидовнинг севимли «Пахтакор» жамоаси эндингина ҳалқаро ареналарда танилаётган, ўйинчилар маҳоратли ўйин кўрсатиб, барчанинг диккатига сазовор бўлган, «Спартак» (Москва), «Динамо» (Киев), «Шахтёр» (Донецк), «Динамо» (Тбилиси), ЦСКА каби ўша даврнинг номдор жамоалар билан тенгма-тeng ўйнаётган бир даврда, 1979 йилнинг 11 август куни соат 13.35 да Украянанинг Днепродзержинск шаҳри яқинида футболчилар учайётган ТУ-134А самолёти бошқа бир самолёт билан тўқнашиб кетиши оқибатида ҳалокатга учради.

Улар Минскнинг «Динамо» жамоаси билан навбатдаги ўйинга учиб кетаётган эдилар.

Бортида 83 киши, шу жумладан, «Пахтакор»нинг 17 нафар футболчиси бўлган самолёт Тошкент – Гурьев – Минск рейси би-

<sup>112</sup> Қаранг: Структура потерь в Афганистане. <http://www.rsva-ural.ru/library/mbook.php?id=364>

лан учган. Бортида 95 киши бўлган иккинчи самолёт Челябинск – Воронеж – Кишинёв йўналишида учган. Улар 8400 метр баландликда тўқнашиб кетганлар.

Самолётлардан бирининг экипаж командири булутлар орасидан юкорига чиқиши мақсадида диспетчердан рухсат сўрайди, диспетчер-стажёр эса унга рухсат беради. Иккала самолёт бирбирига катта тезликда яқинлашиб кела бошлайди. Шу вақт хонага кириб қолган диспетчерлар бошлиғи вазиятни тезда англайди ва ҳалокатнинг олдини олиш мақсадида самолётлардан бирини янада баландрок кўтарилиши учун буйруқ беради. Буйруқни эса иккала самолёт учувчилари ўрнига эфирга тасодифан кириб қолган учинчи самолёт – ИЛ-62 ҳаво лайнери қабул қиласи, диспетчер эса жавобни кимдан олганлигини текшириб ҳам кўрмайди.

Шундай килиб, Українанинг Харьков шаҳри аэропорти диспетчерларининг кўпол ва тузатиб бўлмас даҳшатли хатоси оқибатида фожиа рўй беради<sup>113</sup>. Бу Ту-134А самолётларининг энг йирик авиаҳалокати эди. «Пахтакор» жамоасининг қарийб барча ҳалок бўлган аъзолари Тошкентдаги Боткин қабристонида дағн этилди. У ерда 1979 йили ҳалок бўлган футболчилар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.

1981 йил 23 февралдан 3 мартаcha Москвада КПССнинг XXVI съезди бўлиб ўтди. Унда Ш. Рашидов бошчилигидағи Ўзбекистон Компартиясининг делегатлари ҳам иштирок этди. 24 февраль куни Ш. Рашидов сўзга чиқиб, асосан, ўтган беш йил давомида Ўзбекистон эришган ютуқлар ва олдинда турган улуғ вазифалар тўғрисида гапирди. Бу пайтга келиб съезд ва советларнинг бошқа йиғинларида камчиликлар ва муаммолар тўғрисида гапириш одат бўлмай қолганди. Ш. Рашидов республикадаги камчиликлар ва муаммолар тўғрисида съезд кунлари Л. Брежнев билан сұхбатлашди. Л. Брежнев ҳар доимгидек ёрдам беришни ваъда қилди. Аммо кейинги пайтларда Бош секретарь берган ваъдаларни Марказдаги бошқа раҳбарларнинг бажариши қийинлашиб кетганди. Масалан, аввалги XXV съездда Объ дарёсининг бир қисм сувларини Ўрта Осиёга йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Аммо турли идоралар, россиялик бир қисм зиёли-

<sup>113</sup> Имомхўжаев А. Мафтунингман, футбол! – Т.: «Шарқ», 2004. 34-б.

лар каршилиги туфайли бу карорни амалга ошириш бўйича ҳеч нарса қилинмади.

Бу лойиҳани амалга ошириш Ўзбекистон учун бир неча стратегик муаммоларнинг ечимини бериши мумкин эди. Хусусан, республика янги инвестициялар оларди, зотан уларнинг ҳажми 1980-йиллар бошларида анча камайиб кетган эди. Шунингдек, минг гектарлаб янги қўрик ерларни ўзлаштириш кишлок хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириши, миллионлаб кишиларни иш ва уй-жой билан таъминлаши, энг асосийси, Орол денгизини саклаб қолиши мумкин эди. Бу лойиҳадан бутун мамлакат манфаатдор бўларди: 2320 км узунликдаги каналнинг йиллик рентабеллиги 7 млрд 600 млн рубль деб баҳоланди.

Аммо лойиҳага қарши кучларнинг айтишича, каналнинг серҳаражатлиги (умумий харажатлар 32 млрд 800 млн рубль эди) уни амалга оширишни иложсиз қилиб қўяётган эди. Шунингдек, лойиҳада катта экологик хавф ҳам мавжуд деб ҳисобланарди. Лойиҳа тарафдорларининг ҳисоб-китобига караганда, Объ дарёси сувининг жуда кам қисми (loydihaga kura 3 – 4% и) ни олиш экология учун жиддий хавф солмасди<sup>114</sup>.

Бу ҳақда С. Ризаев шундай ёзади: «Нима учун Шароф Рашидов онгли равишда сугориладиган ерлар майдонини кенгайтириш ва сув истеъмолини ошириш йўлидан борди? Биринчидан, у арзидиган бошка муқобил йўлини кўрмади. Сугориладиган ерлар халқни бокади, уни кийинчилик йилларида ишончли ҳимоя килади. Бу халкнинг бойлиги ва кучидир. Иккинчидан, у Сибирнинг Объ ва Енисей дарёлари бир қисм сувини Ўрта Осиёга йўналтириш тўғрисидаги режа амалга оширилади, улар минтақада сув танқислигини бартараф этади, учинчи минг йиллик бошларида, XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларида курғоқ ерларни ўзлаштириш жараёни тадрижий давом этади, деб ишонарди. Айнан жараённинг тадрижийлиги (минтақага Сибирь дарёлари сувининг келиши икки мингинчи йилларга режалаштирилган эди) унга Орол денгизи эҳтиёжларининг вактинча кам-

<sup>114</sup> Қаранг: Поворот Сибирских рек в Среднюю Азию: как это было (архив). <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1150704120> ва Проект поворота сибирских рек. <http://www.cleandex.ru/articles/2016/01/31/project-sibir>

ситилиши, унинг вактинча куришига рози бўлиш имконини берди. Москва буюк курилишнинг тезлаштирилишига катъий ваъда берди, ишлар бошланиб кетганди. Тез орада мамлакатда инкиroz бошланиши, бу ва шундай кўплаб бошқа курилишларга мамлакатда пул бўлмаслиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди»<sup>115</sup>.

Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга йўналтириш ғояси XIX асрнинг ўрталарида Рус географик жамияти аъзолари орасида пайдо бўлган, ўшанда ҳам ўта жозибадор ғоя бўлиб, техник ва иқтисодий жихатдан асосланган эди. Энди у батафсил ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа устида ишлаганлар уни вакт машинаси деб атади ва унда келажакка кириб бориш мумкин деб хисоблади. Ш. Рашидов уларнинг иштиёқини қўллаб-кувватлари ва СССР хукуматини лойихани амалга оширишни тезлаштиришга унгади.

## «ПАХТА ИШИ»

Шундай шароитда 1982 йил 10 ноябрда Л. Брежнев вафот этди. Айтишларича, агар Л. Брежнев 10 ноябрь куни вафот этмаганида, 17 ёки 19 ноября КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ўз ўрнига номзодни – ўша пайтда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлган В.В. Шчербицкийнинг номини айтиши лозим эди.

Л. Брежнев ўлимидан кейин Сиёсий Бюро йигилишини Ю. Андропов очиб, Бош секретарнинг вафот этганилигини эълон қилди. Бир неча дақиқа барча сукутда колди. Жимликни К. Черненко бузиб, ким Бош секретарь бўлиши масаласини зудлик билан ҳал қилишни таклиф қилди ва давом этиб:

– Мен КПСС МКнинг Бош секретари этиб Юрий Владимирович Андроповни сайлашни таклиф қиласман, – деди.

Мудофаа министри Д. Устинов ишонч билан:

– Армия Ю. Андроповни қўллайди, – деди.

Шу билан муҳокама бошланмасдан туриб якунланди<sup>116</sup>.

<sup>115</sup> С. Ризаев. Шараф Рашидов. Штрихи к портрету. – Тошкент: «Ёзувчи» – «Нур», 1992. – С. 76.

<sup>116</sup> Каранг: Л.М. Млечин. Юрий Андропов. Последняя надежда режима. <http://www.rulit.me/books> С.165 – 166.

1983 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Ю.В. Андропов КПСС МКнинг Бош секретари этиб сайланди. 1983 йил 16 июнда у СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимини ҳам эгаллади. Ю. Андропов совет жамиятининг инқирози чукурлашган шароитда ҳокимиятга келди.

Ю.В. Андропов 1914 йил 15 июнда Ставрополь ўлкасининг Нагутская станциясида яхудий ишчиси оиласида туғилди. Унинг отаси Вэле Либерман темир йўл станциясида телеграфчи бўлиб ишларди. У 1919 йили тепкили терлама касалидан вафот этди. Шундан сўнг Юранинг онаси Геня Флекенштейн Маздокга кўчиб келиб, 1921 йили Андропуло фамилияли грек миллатига мансуб машинист ёрдамчисига турмушга чикади. У Юрани асраб олди, унга «Андропов» деган русча фамилия берди. Ю.В. Андропов ота-онасининг миллатига, ўзининг ёрқин ифодаланган семитча юз тузилишига қарамасдан, яхудий келиб чикишини бир умр жуда қаттиқ сир тутишга, яшириб юришга мажбур бўлди. Зотан, Совет Иттифокида расмий мафкуранинг байналмилалчилик ташвиқотига қарамасдан, славянлардан бошқа, айниқса, яхудий миллатига мансуб кишининг амал поғонаси бўйлаб кўтарилиши анча мураккаб, КГБ раиси ёки Совет давлати раҳбари бўлишнинг деярли иложи йўқ эди<sup>117</sup>.

Россияда большевиклар ҳокимиятга келгандан бошлаб то совет тузуми қулагунча СССРда ҳокимият алмашинуви тор доирадаги раҳбарият аъзоларининг турли гурухлари ўртасидаги кураш оқибатида амалга оширилар эди. Ҳокимиятга келган шахс ишни қачонлардир унга қарши бўлган раҳбарларни жазолаш ва ёрдам берганларни тақдирлашдан бошларди. Ю. Андропов ҳам бундан истисно эмас. Унинг ҳокимиятга келиши, асосан, Сиёсий Бюронинг кекса аъзолари – К. Черненко, А. Громико, Д. Устинов, Н. Тихонов иштирокида ҳал қилинган эди. Бунга айниқса, А. Громико катта ҳисса қўшди. Ю. Андропов ҳокимиятга келгандан сўнг миннатдорлик юзасидан А. Громикога СССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлишни таклиф қиласди, аммо

<sup>117</sup> Эргашев Ш., Бобоматов Т. XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Т.: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016, 30-6.

А. Громико бу таклифни рад этади. Айтишларича, ута тажрибали дипломат бўлган А. Громико бу лавозим якин орада Ю. Андроповнинг ўзига керак бўлишини яхши тушунган. Ю. Андропов эса уни барибир тақдирлаш мақсадида унинг ташки ишлар министри лавозимига СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринbosари лавозимини ҳам кўшиб берди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланган Ю. Андропов ўз рақибларини жазолашни Л. Брежнев вафотидан анча олдин бошлаган эди. У КГБнинг раиси пайтида Л. Брежневнинг дўсти ва М. Горбачёвнинг рақиби бўлган Краснодар ўлка партия комитетининг биринчи секретари С. Медуновга якин кишилар устидан жиноят иши кўзгатган эди. Тергов натижасида Краснодар ўлкасида шундай жиноятлар очилдики, агар улар ўша пайти охирига етказилганда, Ўзбекистондаги «пахта иши»га нисбатан кўп марта каттароқ шов-шувга сабаб бўларди. Аммо масала 1981 йили КПСС Марказий Комитети секретариатида мухокама килинганда, бу иш тўғрисида ахборот берган СССР Бош прокурорининг муовини, тергов бошқармасининг бошлиғи, юқори малакали ва ўта қатъиятли юрист В.В. Найденов партия раҳбар ходимларини обруғизлантиришда айбланди ва лавозимидан озод килинди.

Ю. Андропов томонидан марказда амалга оширилган энг катта ўзгаришлар куч ишлатар тизимларда бўлди. Л. Брежневнинг яна бир якин дўсти ва Ю. Андроповнинг ашаддий рақиби СССР Ички ишлар министри Н. Шчёлков ишдан олиниб, унинг ўrniga B. Федорчук тайинланди. Ю. Андропов КГБнинг раиси бўлган даврда ички ишлар министрлиги устидан назорат ўрнатишга кўп ҳаракат қилган эди. Аммо қуролли кучлар устиди «контрразведка назорати» ўрнатиш ҳукукига эга бўлган КГБнинг Ички ишлар тизими устидан ҳам шундай назоратни ўрнатиши жамиятда 1937 йилги ҳолатни тақрорлаши мумкин, деб хисоблаган раҳбарлар бунга қарши чиқиши. Бу хавотирланиш анча асосли эди, зоро СССР тарқалиб кетгандан сўнг бу хавотирнинг тўғрилиги бир қатор мустақил республикаларда ўз тасдифини топди.

Н. Шчёлковга қарши материалларнинг бир қисми кўпчиликда шубҳа уйғотарди. Масалан, кудратли министрга қарши кўрсатма берганлардан бири Ўзбекистон ССР Ички ишлар мини-

стри X. Яхёев кейинчалик судда ўз кўрсатмаларидан воз кечди. Тахмин қилинишича, министрни бадном қилишга топширик олган КГБ терговчилари кўрсатмаларнинг бир қисмини одамларни қўркитиши, кийнаш ва бошқа мажбурлаш йўллари орқали олган булиши мумкин эди<sup>118</sup>.

Аммо Н. Шчёлковни мутлако айбизиз жазолангандар като-рига кўшиб бўлмайди. Мана унга хос бўлган оддий воқеа. 1980 йилги Москва Олимпиадаси олдидан немисларнинг «Мерседес-Бенц» компанияси СССР Ички ишлар министрлигига ёзги Олимпиада йўйинлари кунлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун уч дона янги автомобиль совға килди. Немис машиналарининг юқори сифатига ишонч ҳосил қилган министр совет милицияси учун кўплаб «мерседеслар» сотиб олади, деб ўйлаган эди.

Н. Шчёлков бошқача иш тутди. У «мерседеслар»нинг би-рини ўзига, иккинчисини эса қизининг номига ўтказиш учун ҳукуматнинг руҳсатини олди. Учинчи машина ўғли Игорга насиб қилди. Хотинига эса янги BMW совға қилишиди.

Н. Шчёлковнинг устидан жиноят иши очилиб, унинг уйжойи, дала ҳовлиси тинтуб қилинганда, у ерлардан СССРнинг турли музейларига тегишли бўлган ва ички ишлар раҳбар ходимлари томонидан турли йўллар билан ўзлаштирилиб, Н. Шчёлковга совға қилинган ноёб картиналар ва бошқа қимматбаҳо музей экспонатлари топилди.

Н. Шчёлковнинг ўрнига СССР Ички ишлар министри этиб тайинланган В. Федорчук КГБда Ю. Андроповнинг муовинларидан бири, 1982 йилдан КГБ раиси бўлиб, ички ишларни шчёлковчилардан «тозалаш» билан шуғулланди. У ички ишлар раҳбариятидан қарийб 90 минг кишини ишдан ҳайдади. Улар ичida ўз ишининг ҳақиқий мутахассислари, фидойилари ҳам кўп эди. Ю. Андроповдан кейин ҳокимиятга келган М. Горбачёв В. Федорчукни ишдан бўшатди, аммо бу Ички ишлар вазирлигидаги аҳволнинг тикланишига олиб келмади. Ички ишларга В. Федорчук даврида етказилган заарни кўпчилик 1980-йиллар охири –

<sup>118</sup> Каранг: Л.М. Млечин. Юрий Андропов. Последняя надежда режима. <http://www.rulit.me/books> С. 184.

1990-йиллардаги жиноятчиликнинг кескин ўсиши сабабларидан бири деб ҳисоблайди.

Қизиги шундаки, марказдаги шундай ҳолатни жуда яхши билган Ю. Андропов, кейин эса М. Горбачёв даврида ҳам марказий матбуотда фактат Ўзбекистондаги жиноятлар, «пахта иши» зўр бериб қораланди. Марказда очилган ҳар қандай жиноятни Ўзбекистон билан боғлашга ҳаракат қилинди.

Айни пайтда, Марказнинг ўзи билан боғлик ишлар зўр бериб ҳимоя қилинди. Масалан, Краснодар ўлкасида ахвол тўғрисида «Советская Россия» газетасида мақола босилганда, Марказий Комитетнинг мафкура бўйича секретари М. Зимянин бошчилигида бутун партия раҳбарияти С. Медуновни ҳимоя қилди. «Советская Россия» газетасининг бош муҳаррири Ф. Ненашев чакиртирилиб, унга газетадаги мақола Марказий Комитетнинг позициясига мос эмаслиги «тушунтирилди». Аммо С. Медуновдан фарқли равишда бирорта жинояти тасдиқланмаган Ш. Рашидов устидан марказий матбуотда бўхтонлар ёғдирилганда на Марказий Комитет, на унинг бирорта секретари уни ҳимоя қилмади.

Жуда катта жиноятлари аникланган С. Медунов эса фактат партия билетидан айрилди, қамалмади. Ҳатто, Социалистик Мехнат Қаҳрамони унвонини ҳам саклаб қолди. У 1999 йили вафот этди.

Н. Шчёлоков эса Л. Брежнев вафот этгандан сўнг армия генерали ва Социалистик Мехнат Қаҳрамони унвонларидан, барча орден ва медалларидан маҳрум қилинди, партия сафидан ҳайдалиб, устидан жиноят иши очилди. У 1984 йил 13 декабрь куни дала ҳовлисида ўзини отиб ўлдириди.

Хулоса шуки, ҳокимиятга келган Ю. Андропов шу тизимнинг, мавжуд муҳитнинг маҳсули эди. У бошқаришда каттиқўллик, авторитар, буйруқбозлик усулларидан фойдаланди. У раҳбарлик килган 15 ой ичida 18 нафар иттифок вазирлари, 37 нафар иттифоқдош республикалар, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари ишдан бўшатилди. Ю. Андропов Л. Брежнев даври ишга келган амалдорларнинг кўпчилигини ўз одамлари билан алмаштириди. Г. Алиев, Н. Рижков, Н. Тихонов шу даврда Сиёсий Бюро аъзолигига сайланди.

Ю. Андропов ҳокимиятга келгандан сүнг ўша пайтда КПСС МКнинг кишлоқ хўжалик бўйича секретари бўлган М. Горбачёв ҳам саросимага тушиб қолди. У ўзининг ютуқларини намойиш қилишга уринди. Ш. Рашидовга қўнғироқ қилиб, ундан пахтани кўпайтиришни талаб қилди. Ш. Рашидов бизда ёмғир аралаш кор ёғди, ҳаммаси музлаб қолди, агар ҳозир паҳтани териб ол-сак ҳаммаси ҳўл бўлади, уни ярим йил қуритишимиз керак, деб жавоб берди. М. Горбачёв эса, барибир, кўп топширинглар дея буйруқ берди, деб эслайди ўша даврда М. Горбачёвнинг ёрдами чиси бўлган В. Болдин<sup>119</sup>.

Бир кисм тарихчилар Ю. Андропов даврида бошланган ислоҳотлар совет тузумини ўзgartириши, уни кейинчалик М. Горбачёв даврида юз берган ҳалокатдан саклаб қолиши мумкин деб хисобласалар-да, аслида дастлабки ўзаришлар Н. Хрушчёв ва, айниқса, Л. Брежнев даврида урф бўлган ўзига яқин кишиларни очик қўллаб-куватлаш, ёқмайдиганларини ишдан бўшатишдан иборат бўлди. Аммо Ю. Андропов партия элитаси билан ўйнашиш яхшиликка олиб келмаслигини ҳам яхши биларди. Унинг ўзи 1964 иили Н. Хрушчёвга қарши фитнада иштирок этган ва шу сабабли элита манфаатларига путур етказиш учун ҳар қандай уриниш охир-окибатда уни бошлаган кишининг «соғлиги ёмонлашганлиги сабабли» истеъфога чиқишига олиб келишини яхши тушунарди. Бу даврда КПССнинг бутун партияйий тизими биринчи хатодаёқ ўз етакчисини ғажиб ташлашга тайёр турган бўрилар тўдасини эслатарди.

Ю. Андропов партияйий-сиёсий курашни партия ва давлат аппаратидаги коррупцияни тергов килиш бўйича жиноий ишга айлантиришга карор қилди. Бунинг учун унда хужжатлар билан тасдиқланган етарлича асос бор эди. Биринчи навбатда, у ўзининг ашаддий душманлари, юкорида айтилган М. Шчёлков ва С. Медуновни йўқ қилди. Сиёсий Бюорода уларни ҳеч ким ҳимоя қилмади, чунки иккаласи ҳам Л. Брежнев даврида ўз лавозимларини суиистеъмол қилишлари ва ўзларининг сурбетларча хулк-автори билан ном чиқарган эди.

<sup>119</sup> Каранг: «Горбачев сорвался с резьбы и вертелся сам по себе». <http://www.kommersant.ru/doc/264501>

Бу дастлабки муваффакиятдан сўнг Ю. Андропов партия номенклатураси ва унинг Кремль қальясини миллий республикалардан бирида шов-шувли жиноят иши қўзғатиш ва шу орқали партия марказий аппаратига чиқиш билан маҳв этишга карор қиласди. Сиёсий Бюронинг айрим аъзолари билан маслаҳатлашиб, шундай операция ўтказиш учун Ўзбекистон танланди. Аслида, бундай шов-шувли операцияни ўтказиш учун Болтиқбўйи республикаларидан ташқари истаганини танлаш мумкин эди. Аммо Ўзбекистоннинг танланиши тасодиф эмас. Ю. Андропов билан Ш. Рашидов бир-бирини унчалик хуш кўрмасдилар. Ўзбекистонда Ю. Андроповнинг ўз «кулоклари» бўлиб, улар республикадаги ҳолат тўғрисида унга ахборот бериб турарди. Унда Хоразм, Бухоро, Коракалпогистон, Қашқадарё облости партия комитетларининг биринчи секретарлари М. Худойбергенов, А. Каримов, К. Камолов, Р. Фойиповларнинг ҳашаматли уйжойлари суратларигача бор эди.

1981 йил майда Ўзбекистон КГБнинг раиси генерал Левон Мелкумов СССР КГБ коллегия йиғилишида сўзга чиқиб, республикада бир нечта жиноят ишлари очилганлиги тўғрисида ахборот берди. Мажлисни олиб бораётган Ю. Андропов йиғилишда иштирок этётган СССР Бош прокурори А. Рекунков билан маслаҳатлашиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети розилиги билан бу ерга бир гурӯх прокурорларни жўнатди. Гурухга кейинчалик Ўзбекистон Бош прокурори бўлган А. Бутурлин бошчилик килди. Хуллас, Ю. Андропов Ўзбекистондаги ҳолатни яхши биларди. Аммо унга Москвадаги олий партия ва давлат амалдорларини коррупцияда, ўз лавозимини суиистеъмол килишда айблаш учун етарли бўлган аниқ ва ишончли далиллар керак эди. Ўзбекистон шундай далилларни бериши мумкин, зоро у бошқа Ўрта Осиё республикаларига нисбатан бой, шу сабабли суиистеъмол ва коррупция даражаси ҳам бу ерда юқори, деб ҳисобланарди.

Айни пайтда, бошқача фикрлар ҳам мавжуд эди. Кўпчилик учун Ўзбекистон хар доим исёнкор ўлка ҳисобланган. Бу ерда ривожланган миллий маданият, қадимий тарих ва туркийлик тушунчаси билан уйғунлашган миллий онг ҳисси кучли эди. Ислом динига карши кураш ҳам большевиклар кутган натижага олиб

келмади. Юқорида айтилганидек, у сиёсий ҳаётдан сикиб чикарилгандан сўнг майший ҳаёт даражасида кишиларнинг яшаш тарзини белгилаб берди ва миллий анъаналарни сақлаб қолди. У аслида миллат маънавий оламининг хазинасига айланди. Большевиклар «босмачилик» деб атаган ҳаракат бостирилгандан сўнг Ўзбекистон Москванинг қатъий назоратида бўлди. Мунтазам равишда раҳбар кадрлар алмаштирилиб борилди. Ҳар ўн – ўн беш йилда «халқ душманлари»ни жазолаш, пантуркистлар ва миллатчиларни бартараф қилиш, жададчилик қолдикларини аниқлаш бўйича катта шов-шувли жараёнлар ўtkазилди. 1930 йили «косимовчилик» ва бошқа жараёнлар ташкил килинди, 1938 йили эса ўнг-троцкийчилик блокига алоқадорликда айбланиб, Ўзбекистон ССР Ҳалқ Комиссарлар Советининг раиси Файзулла Хўжаев ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Акмал Икромов отишга ҳукм килинди. 1947 йилги пахта йигим-терими натижалари бўйича 235 киши жиноий жавобгарликка тортилди, яна уч йилдан кейин эса бир гурух ёзувчилар миллатчиликда айбланди. Шу сабабли Ўзбекистонда коррупция ҳолларини текширишга қарор қилиниши тарихни яхши билган кишиларни ажаблантирмади, бу «миллатчиликка» қарши курашдаги навбатдаги сиёсий акция сифатида қабул килинди.

1980-йиллардаги «пахта иши» матбуотда батафсил ёритилган, кейинчалик ҳам бу мавзу бўйича рост ва ёлғон гаплар кўп ёзилган. Аммо ҳозиргacha ягона, ҳеч бўлмаганда бир-бирига яқин қарашлар мавжуд эмас. Бир қатор тадқиқотчилар бу ишни кўпиртириб, Ш. Рашидов давридаги Ўзбекистонни қора бўёкларда тасвирлаб, фақат шу ерда қўшиб ёзиш, коррупция авж олганлигига барчани ишонтиromoқчи бўлса, бошқа томон «пахта иши» ууман бўлмаган, бу Марказ томонидан уюштирилган, ўйлаб топилган юз фоиз тўкилган иш дейишади. Хуллас, қарашлар мутлақо қарама-қарши.

Ш. Рашидов республикалар раҳбарлари орасида Н. Хрущёв давридан буён ишлаб келаётган, Л. Брежнев даврида катта обрўга эга бўлган ва режим ўрнатган чегаралар доирасида ўз республикасини мустақил бошқарган раҳбарлардан бири эди. Албатта, Ю. Андропов КГБнинг раиси бўлган давридаёқ Ш. Рашидов



Шароф Рашидов оила аъзолари даврасида.

тўғрисида тўлик ахборот тўплаган, республикадаги ҳолатдан ҳам хабардор эди.

1983 йил февралда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюро-си Узбекистон пахталигидаги суистеъмол ҳолатларини текшириш тўғрисида қарор қабул қилди ва СССР Прокуратурасига тергов комиссиясини тузиш топширилди. 1983 йил апрель ойи бошларида шундай комиссия тузилди, унга СССР Бош прокуратураси алоҳида мухим ишлар бўйича терговчиси Т. Гдлян ва Н. Иванов бошчилик килди.

Ю. Андропов бўйруғи билан Тошкентга келган тергов гурухи 1983 йил 26 апрелда Бухорога келди. Маҳаллий раҳбарлар бундай текширувлардан унчалик ҳам қўрқмасди. Улар Ш. Рашидовнинг Москва олдидаги юксак обрусига ишонарди. Илгари ҳам КПСС Марказий Комитетининг инспекторлари, бош прокуратура терговчилари, иттифок микёсидаги ревизорлар ва ҳоказолар келарди, текширади, охир-оқибат шохона ов ва обкомнинг дала ҳовлисидаги шохона зиёфат, катта совгалар ва тантанали кузатиш билан якунланарди.

Аммо бу сафар ҳаммаси бошқача бўлди. 27 апрель куни бир минг рубль пора билан ўз кабинетида Бухоро область ОБХСС (Ички ишлар бошқармасининг социалистик мулкни талон-торож қилишга қарши кураш бўлими) бошлиғи А. Музafferов кўлга олинди. Москвадан келган терговчиларга тинтув қилиш учун маҳаллий прокурор санкцияси лозим эмасди. Уларда Сиёсий Бюро қарори ва СССР Бош прокурори томонидан берилган санкция бор эди. А. Музafferовнинг уйида тинтув ўтказилди. Ҳаммаси шунчалар тез юз бердики, оиласида тинтув қилинишини ҳеч ким кутмаганди. Ҳеч нарсани яширишга улгуришмади. Тинтув пайтида ок пошто давридаги олтин тангалар ва заргарлик буюмлари, жами оддий меҳнаткашнинг ақлига сифмайдиган 1,5 млн рублга teng қимматбаҳо буюмлар ва сейфдан 1 млн 131 минг 183 рубль пул топилди. А. Музafferов Тошкентга олиб келиниб КГБ қамоқхонасида сакланди.

Шу кунлари яна 20 та манзил бўйича тинтувлар ўтказилди. Тинтувларнинг натижалари барчани ҳайратга солди. Факат Бухоро область савдо бошқармаси бошлиғи Ш. Кудратовдан 500 минг рубль нақд пул, чор Россиясининг олти минг дона тилла тангалари, жами 4 млн рублга teng бойлик топилди. Кейин унинг кўрсатмаси бўйича бошқа шахслар қамалди. Қўлга олингандардан ҳаммаси бўлиб 15 млн рублдан ошиқ пул ва қимматбаҳо буюмлар олинди. Бу ўша даврда 23 млн АҚШ долларига teng эди. Бу жараёнда иштирок этган, кейинчалик Ўзбекистон ССР Бош прокурорининг муовини бўлиб ишлаган О. Гайдановнинг ёзишича, битта жиноят иши бўйича шундай катта сумманинг олиниши бутун СССР тарихида учрамаган экан. Аммо тергов гурухининг энг катта муваффакияти топилган ҳужжатлар бўлиб, улар амалда бутун СССРни қамраб олган коррупция ва ўғирлик ҳакида маълумот берарди.

1983 йил июнда А. Музafferовнинг кўрсатмаси бўйича Бухоро область ички ишлар бошқармаси бошлиғи М. Дўстов қамоқقا олинди. У эса, ўз навбатида, лавозимни эгаллаш учун Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри К. Эргашевга ва Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримовга пора берганлиги тўғрисида кўрсатма берди.

Бу даврда СССР Бош прокуратураси алохид мухим ишлар бўйича терговчилари Т. Гдлян ва Н. Иванов Ш. Рашидовни обруслантирувчи фактларни излаётган, айтишларича бу уларнинг асосий вазифасига кирган эди. Аммо тўғридан-тўғри Ш. Рашидовнинг айбдорлигини исботловчи далиллар топилмади.

1983 йил майда КПСС Марказий Комитети ва СССР хукумати Тошкентда пахтачилик бўйича Бутуниттифоқ кенгашини ўтказишга карор қилди. Бу кенгашда иштирок этган Н. Мухитдиновнинг эслашича, Ш. Рашидовнинг кайфияти яхши бўлмаган. У кенгашда Ўзбекистон шаънига айтилган танқидий фикрларни бир ёклама, асосланмаган деб ҳисоблайди.

Н. Мухитдинов Ш. Рашидовдан Ўзбекистон хақида марказий матбуотда берилаётган материаллар тўғрими, деб сўраганда у:

– Бундай миёс ва шаклларда – йўқ. Айрим жойларда қўшиб ёзиш, пахта сифатини пасайтириш бор, шунингдек, порахўрлик фактлари ҳам очилди. Аммо буларнинг ҳаммаси, қайтариб айтаман, марказий матбуотда тасвирланган миёсда эмас, деб жавоб беради<sup>120</sup>.

Аслида қўшиб ёзишни ўзбеклар кашф этган эмас. Бу совет режали иқтисодининг ва ютуқларни бўрттириб қўрсатишга, камчиликларни хаспушлашга қаратилган коммунистик ташвиқотнинг маҳсули эди. Қўшиб ёзиш аслида совет иқтисодиётининг биринчи беш йиллик даврида қўлланилган бўлиб, Л. Брежнев ҳукмронлигининг сўнгги йилларида айникса авж олди. Ўзбекистонда қўшиб ёзиш, кўпчиликнинг тан олишича, асосан, 1980-йилларнинг бошларига келиб авж олган. Ш. Рашидов вафот этгандан кейин унинг даврида Ўзбекистон эришган муваффакиятларнинг аҳамиятини пасайтириш мақсадида аслида бутун СССРга хос бўлган (бу соҳада Ўзбекистон мутлақо олдинда эмасди) қўшиб ёзиш республикамизда, иттифоқ матбуотида янада кўпиртирилди.

Албатта, Ўзбекистонда ҳам бутун СССРда бўлгани сингари қўшиб ёзишлар, кўзбўймачиликлар, порахўрлик каби иллатлар бор ва буни Ш. Рашидов яхши биларди. Ҳар йили пахтани териб

<sup>120</sup> Каранг: Ф.Раззаков. Коррупция в политбюро: Дело «красного узбека». <http://www.fedy-diary.ru> – С. 655 – 656.

олиш жараёни билан боғлик бир қанча ишлар Ўзбекистон судла-рида кўриб чикилар, колхоз раисларидан тортиб пахта заводла-рининг директорларигача жавобгарликка тортилар эди. Хар йили ўтказиладиган партия йигинларида бу иллатлар Ш. Рашидов ва бошқа раҳбарлар томонидан каттик танқид остига олинарди.

1983 йил июлда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марка-зий Комитетининг Пленумидан олдин республика раҳбариятида бир катор ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Компартияси МКнинг 2-секретари Л. Греков ўрнига Т. Осетров сайланди. Каторасига 27 йил Ўзбекистон ССР Молия министри бўлиб иш-лаган Вали Муродхўжаев ўрнига Ислом Каримов тайинланди. Шу йил 30 июня Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри К. Эргашев ҳам вазифасидан озод этилганди.

Пленумда Ш. Рашидов одатдагидай нутк сўзлади. У респуб-лика партия ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисида га-пирди. Узоқ йиллик сиёсий фаолият унга ўз ички кечинмаларини, хис-хаяжонларини ташқарига чикармасликни ўргатган эди. Бу даврда Ш. Рашидов, ҳатто «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» три-логиясининг учинчи китоби устида ҳам ишлаётган эди. Бирок, уни тугатиш Ш. Рашидовга насиб этмади.

Ш. Рашидов 1983 йил сентябрда Москвага чакирилди. У билан Ю. Андропов номидан КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Е. Лигачёв сухбатлашди. Ўзбекистондан келган шикоят хатларини кўрсатди. Хуллас, лавозимидан кетиш ҳакида ўйлаб кўришига ишора қилди.

Шу даврда Ш. Рашидовга босим ўтказиш мақсадида Москванинг марказий матбуотида Ўзбекистон ҳакида танқидий маколалар сони кескин кўпайди. Республиканинг ўзида эса марказдан келган терговчилар томонидан камоққа олишлар сони ортиб борди.

1983 йил сентябрда Тошкентнинг 2000 йиллиги тантанали нишонланди. Кўплаб, жумладан, чет эллик меҳмонлар қабул килинди. Барча тадбирларга Ш. Рашидовнинг ўзи бошчилик қилди. 9 сентябрь куни Халклар дўстлиги (хозирги Истиклол) саройида тантанали йигилиш бўлди. Унда Ш. Рашидов Тошкент шаҳри байроғига Ленин орденини қадаб қўйди. У нутк сўзлаб,

тошкентликларни табриклади, ҳатто КПСС МКнинг Бош секретари Ю. Андропов ҳам табрик телеграммасини жўнатди. Аммо бу ташки парда эканлигини, республикани жиддий синовлар кутаётганини Ш. Рашидов яхши тушунарди. Байрам дастурларидан кейин Ш. Рашидов расмий ташриф билан Эфиопияга учебкетди. Бу унинг чет давлатга қилган сўнгги сафари бўлди. Эфиопиядан қайтиб, Ш. Рашидов одатдаги иш жараёнини давом этирди. Узбекистон Компартияси МК Бюро йиғилишини ўтказди, Тошкент, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Навоий областлари партия комитетларининг пленумларида нутқ сўзлади.

27 сентябрь куни Москвадан Вьетнамга сафар билан кетаётган СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи муовини Г. Алиев Тошкентда тўхтаб ўтди. Делегация аъзолари билан учрашган Ш. Рашидовнинг кайфияти яхши эмасди. Бу хақда делегация аъзоси бўлган Н. Рижков шундай эслайди: «Менда шундай тасаввур пайдо бўлдик, Ш. Рашидов қандайдир эзилган, ҳар доимгидай эмас, чунки у, одатда, жуда хушчақчак, дадил киши бўлган, ҳозир эса қандайдир хомуш кўринди. Ш. Рашидов мутлақо ҳаёли паришон эди. Ҳатто, турли ноз-неъматларга бой дастурхон устида ўтирганимизда ҳам, одатда, жуда илтифотли бўлган Ш. Рашидов жуда бефарқ эди. Мен шунда уни касал бўлса керак, деб ўйладим»<sup>121</sup>.

Г. Алиев КГБ бўйича Ю. Андроповнинг яқин кишиларидан бири, айни пайтда, Ш. Рашидов билан ҳам яхши муносабатда эди. Шу сабабли, айрим тадқиқотчилар Г. Алиев Москвада Ш. Рашидовга карши тайёрланаётган фитна ҳақида уни огохлантирган бўлиши мумкин, деб хисоблади<sup>122</sup>.

1983 йил 29 октябрда Хоразм области 300 минг тонна «оқ олтин» топшириб, давлатга пахта топшириш режасини бажарди. 30 октябрь куни Ш. Рашидов Хоразм пахтакорларининг ғалабаси ҳақида Москвага ахборот берди. Аммо Ю. Андропов табриклаш ўрнига текшириб кўришини айтди. Ш. Рашидов шу куни Хоразмдан Қоракалпогистонга йўл олди. У ерда ҳам пахта йигим-

<sup>121</sup> Ф. Рассаков. Коррупция в политбюро: Дело «красного узбека». <http://www.fedy-diary.ru> – С. 672.

<sup>122</sup> Карап: СиФ: Хлопковое дело. 2-часть. <http://uzn-sovesti.narod.ru/index141.html>

терими билан танишмоқчи эди. Йўлда 30 октябрь кеч соат 19.00 га яқин Ш. Рашидовнинг соғлиғи ёмонлашди. Унинг даволовчи врачи Борис Наумов Ш. Рашидов навбатдаги миокард инфарктини ўтказгани ва шунинг оқибатида юрак фаолиятида кескин бузилиш юз берганлигини қайд қилди. Ш. Рашидовни сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. У 31 октябрь куни эрталаб соат 5.00 га яқин Қоракалпогистон АССРда вафот этди.

Кутилмаганда юз берган бу фожиа республика раҳбариятида кўпчиликни шошириб қўйди. Бу кунни С. Ризаев шундай эслайди: «Ш. Рашидов вафот этган куни МК Бюро аъзолари марҳумни кўмиш жараёнини ташкил қилиш ва унинг ўрнига келадиган номзод ҳақидаги масалаларни муҳокама қилиш учун Бюронинг мажлислар залида йиғилишди. Ш. Рашидовни, унинг республика олдидаги катта хизматларини ҳисобга олиб, қабристонга эмас, Тошкентнинг марказига кўмиш лозимлиги ҳақида фикрлар айтилди. Кимdir уни шаҳар ижроия комитети биноси қаршисидаги болалар боғига кўмишни таклиф қилди, Бюро аъзолари кўмиш учун жой танлашга, ҳатто у ерга боришиди ҳам. Аммо бу ерда улар иккиланиб қолишли, яна бир марта ўйлаб кўришга карор килинди. Ва Бюро аъзолари бир неча машинада МК биносига қайтаётганда, биринчи машина В.И. Ленин номидаги музей филиали ва В.И. Ленин номидаги майдон қаршисидаги кичик хиёбонда тўхтади. Бу марҳум Ш. Рашидовни кўмиш учун энг маъқул жой эканлиги тўғрисида шу ернинг ўзида карор килинди.

Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари лавозимига номзодларни муҳокама қилишда Бюро аъзолари икки кишини – Н.Ж. Худойбердиев ва О.У. Салимовни айтишли... Бюорода Ш. Рашидовдан кейинги иккинчи шахс сўзсиз Министрлар Советининг Раиси Н. Худойбердиев эди (эслатиб ўтамиш, у энг аввал Бюро таркибиға кирганлардан бири: унга 1962–1964-йиллар ва 1971 йилдан аъзо эди). Ким Бюро йиғилишларида иштирок этган бўлса, биринчи секретарь қатнашмагандаги йиғилишни олиб борган иккинчи секретарнинг майда танбеҳларига у баъзан кескин қарши чиққанини эслаб колган, кўрган эди. Бу айсбергнинг факат кўриниб турган томони, Министрлар Советининг Раиси таъсирга эга, кучли шахс эканлигини ҳамма биларди. У Москванинг одам-

ларига бу ерда одобсизларча хўжайинлик қилишларига йўл кўймаган бўларди, шекилли. Бу эса масалани ҳал қилди...

Ўзбекистон Компартияси МКнинг иккинчи секретари Т. Осетровни телефонга чакиришди, Москвадан кўнғироқ қилишганди. У узок вақт келмади. Қайтгач, у Москва Ш. Рашидовни сафдошлиари ёнига кўмишни тавсия этгани, биринчи секретарь лавозимига эса И. Усмонхўжаевни сайлашни таклиф қилгани ҳакида ахборот берди.

Агар биринчи таклиф Бюро аъзолари томонидан маслаҳат сифатида қабул қилинган бўлса, иккинчиси эса кўрсатма бўлиб, у кейинчалик Марказий Комитет пленумида амалга оширилди»<sup>123</sup>.

Ш. Рашидов билан видолашув унинг ташаббуси билан бунёд этилган Тошкентдаги муҳташам Халқлар дўстлиги саройида ўтказилди (Халқлар дўстлиги саройи меъморий мажмууси учун курилиш ғоясининг муаллифи ва ижодий раҳбари сифатида унга 1994 йил (вафотидан сўнг) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди). Аҳолининг катта қисми, талабалар пахта теримида бўлишига қарамасдан, Ш. Рашидов билан видолашиб учун ўн минглаб кишилар келди. Мотам маросимида дафн комиссиясининг раиси И.Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади: «Садоқатли коммунист-ленинчи, улкан қалб ва сахий юракли инсон Шароф Рашидович Рашидов энди орамизда йўқ. Аммо унинг шарафли ишлари, ёркин қиёфаси – доимо биз билан», деди.

Мотам маросимида кўшни республикалар раҳбарлари, Москвадан келган вакиллар ҳам иштирок этди. Эртаси куни Ш. Рашидовнинг номини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Аммо Ш. Рашидовнинг ўлими республикада чорак аср давомида шаклланган ўзига хос мувозанатнинг бузилишига олиб келди.

Республикада янги келган раҳбарият билан Москва ўртасида бир-бирини «тушуниш» узокка бормади. КПСС МК Сиёсий Бюросида брежневчилар билан андроповчилар ўртасидаги жанг ҳам Ю. Андроповнинг оғир касаллиги туфайли сусайиб қолган эди. Унинг тарафдорлари брежневчилар устида тўлиқ ғалабага

<sup>123</sup> С. Ризаев. Шараф Рашидов. Штрихи к портрету. – Тошкент: «Ёзувчи» – «Нур», 1992. – С. 196 – 197.

эриша олмади. Шу сабабли 1984 йил 9 февралда Ю. Андропов вафот этгандан сўнг ҳокимиятга келган 72 ёшли К. Черненко касалманд киши бўлиб, унинг сайланиши катта хато, брежневчиларнинг қисқа муддатли «ғалабаси», тугаб бораётган СССРнинг рамзи бўлди.

Аммо бу билан Ўзбекистондаги текширувлар якун топмади. 1984 йил бошларида расман «пахта иши»нинг ўзини тергов қилиш бошланди: КГБнинг Москва ва Москва области бўйича бошқармаси Россия ҳудудида бир нечта Ўзбекистон пахта тозалаш бирлашмалари ва пахта заводлари директорларини қамоққа олди. Шундан сўнг бу иш бўйича тергов СССР Бош прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси В.И. Колиниченкоға топширилди. Т. Гдлян расман бу ишга алоқадор эмасди.

1984 йил апрелда К. Черненко Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримовни қамоққа олишга рухсат берди. Айни пайтда, пахта ва уни қўшиб ёзиш билан боғлик маколалар, журналистларнинг Ўзбекистон раҳбарларини «фош этувчи» фельетонлари марказий матбуотда кўпайиб борди. Бундан илҳом олган республика матбуотида ҳам Ш. Рашидов даврига тош отишлар бошланиб кетди.

Бу давр ҳакида Ш. Рашидовнинг укаси, профессор Асил Рашидов шундай ёзади: «Ҳеч бир раҳбар «СССР» аталмиш баҳайбат аждар комидан ўзбек ҳалқининг туз-насибасини унингчалик тортиб ололмаган. Мен яқин ўтмиш ҳакида кўйиниб гапирдим. Акамнинг юрак-бағрини лола каби доғлаган нарса бошқа барча иллатлар билан бирга, оқ пахта атрофида тўқилган кора қурум бўлди. Илоҳим, ўтмиш зинҳор қайтиб келмасин.

Дунёда яхши одамлар ҳам кўп. Тўғрисини айтганда, акамнинг ғанимлари кичкина одамлар эмас эди. Ана шундай қалтис бир вазиятда Шароф Рашидовга унинг ҳаёт эканлигига қандай муносабатда бўлган бўлсалар, вафотидан сўнг ҳам ўзларининг тўғри, холис фикрларида событ бўлиб қолдилар. «Об-ҳаво»га караб турланмадилар. Булар...»<sup>124</sup>

<sup>124</sup> С. Умиров, Б. Дўстқораев. Зиёбахш умр саҳифалари (Асил Рашидов портретига чизгилар). Тошкент, 2006. 14-бет.

Республикада пахтани қўшиб ёзиш, мансабни суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича бир қатор раҳбарлар, жумладан, Жиззах пахта тайёрлаш саноати бирлашмаси директори Шодиев ва бошкалар қамоқقا олинди.

1984 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлиб ўтди. Пленумда И. Усмонхўжаев нутк сўзлади. Унинг нутқида Ш. Рашидовнинг номи тилга олинмаган бўлса-да, республика раҳбариюти кескин танқид остига олинди. Пленумда КПСС Марказий Комитети секретари Е. Лигачёв иштирок этди ва нутк сўзлади. Пленумдаги умумий муҳит Ш. Рашидов даврини тўлиқ коралашга, чорак аср давомида амалга оширилган ишларнинг фақат салбий жиҳатларини унинг номи билан боғлашга йўналтирилди.

Пленумдан кейин ҳолат қандай ривожланганини С. Ризаев шундай тасвирлайди: «Нутқнинг мазмуни баҳоларнинг кескинлиги ва республикада партия ва давлат тартибларининг қўпол бузилишига йўл қўйиб берганлиги учун танқид килинган раҳбарлар лавозимларининг юқорилиги ўқувчиларни хайратга солди. Қўшиб ёзиш, қўзбўямачилик, айрим партия, совет, хўжалик ходимларининг ўз лавозимини суиистеъмол қилиши фактлари келтирилди. Қабул қилинган карор ҳам республика матбуотида эълон қилинди. Кейин бир-икки ой ичида, МКнинг партиявийташкилий ишлар бўлимида тузилган график бўйича область, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумлари бўлди. Мазмунига кўра улар ҳаммаси шунга қаратилди, кадрлар ишининг услуг ва методлари танқид қилинди. Шиор: «Салбий ҳолатлар хақида кўп фактлар, айбордорларнинг кўпроқ фамилияси келтирилсин». Бу маърузачилар ва юқори партия ташкилотларидан уларнинг маслаҳатчилари зиммасига юклатилди. Пленумларни кўрсатилган танқидий руҳда ўтказиш учун кўмаклашиш мақсадида ҳар бир область, шаҳар, районга МК аъзолари, МК аппарати ходимлари борди»<sup>125</sup>.

1986 йил январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди Ш. Рашидов сафдошларининг барчасини Ўзбекистон

<sup>125</sup> С. Ризаев. Шараф Рашидов. Штрихи к портрету. – Тошкент, «Ёзувчи» – «Нур», 1992. – С. 168–169.

Компартияси МК Бюроси таркибидан чиқарди. Ундан бир ой кейин бўлиб ўтган КПССнинг XVII съезди Л. Брежнев даврига «турғунлик» деган тамғани босди.

1986 йил 7 июнда «Совет Ўзбекистони» газетасида КПСС Марказий Комитетининг «Ш. Рашидов хотирасини абадийлаштириш билан боғлик қарорларни бекор қилиш тўғрисида» қарори эълон қилинди. Қарорда Ўзбекистон хукуматига республика-нинг марҳум раҳбари хотирасини сақлаш бўйича илгари қабул қилинган барча қарорларни бекор қилиш топширилди. Ш. Рашидов дафн қилинган жойдан унинг жасади олиниб, Тошкент шаҳридаги Чигатой қабристонига қайта дафн этилиши лозим эди.

Ш. Рашидовни қайта кўмиш билан боғлик барча тадбирларни конун доирасида расмийлаштириш Ўзбекистон ССР Бош прокурори А. Бутурлин касаллиги сабабли унинг муовини, тергов бўлимининг бошлиғи О. Гайдановга топширилди. Қайта кўмиш ишларига Ўзбекистон Компартияси МКнинг иккинчи секретари В. Анишчев, КГБ раиси В. Головин, О. Гайданов, Ички ишлар министрининг биринчи муовини А. Диоренко ва Ўрта Осиё ҳарбий округининг қўмондони В. Лобов бошчилик қилишди. Бу жараёнда бевосита иштирок этган О. Гайданов шундай эслайди:

«Мусулмон мамлакатда мусулмон кишини, айникса, Ш. Рашидовдек катта обрўга эга бўлган шахснинг жасадини қазиб олиш оғир ишлигини биз тушунардик. Биз бунга халқ қандай муносабатда бўлишини ва у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам хис килардик. Шу сабабли Тошкентни қўшинлар билан ўраб олдик, электр энергиясини ўчирдик, шаҳарда телефон алоқасини ҳам тўлиқ уздик. Рашидов дафн қилинган майдон қўшинлар билан ўраб олинди, қўшиндан ичкарида КГБ ходимлари турарди.

Ҳаммасини конун бўйича амалга ошириш лозим, унга биноан экспериметрияга қандай асос бўлишидан қатъи назар, у фактат қариндошларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Ш. Рашидовнинг рафиқаси Хурсанд Faфуровна ҳаёт эди... Бизга унинг ёзма розилиги керак эди».

Барча ҳужжатлар тайёрлангандан сўнг жасадни қазиб олиш учун Хурсанд Faфуровнанинг розилигини олиш лозим эди. Бу ишнинг барча тарихий оқибатларини тушунган О. Гайданов республика раҳбарларидан кимдир у билан бирга боришини талаб

килади. Шундан сўнг Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси F. Қодировни чақиритириб, О. Гайданов билан бирга боришни топширишади. F. Қодиров аввалига рози бўлмайди, кейин унинг вазифаси факат О. Гайдановнинг ортида туриш эканлиги, улар билан бирга автомат билан қуролланган аскарлар бўлишини тушунтиргандан сўнг у рози бўлади.

«Биз жўнаб кетдик. Мен ўшанда биринчи марта Ш. Рашидовнинг Герман Лопатин кўчасидаги хонадонида бўлдим. У ерда ИИВ биноси жойлашган, орқасида эса Ш. Рашидов яшаган уй турибди. Табиийки, бу худуд аллақачон ўраб олинган, барча техника билан таъминланган эди. Кеч соат тўккиз яrim. Бизга ҳаммаси тинч деб ахборот беришди. Бораяпмиз. Қандайdir офицер эшик қўнғироғини босди. Эшикни очиши. Ш. Рашидовнинг рафиқаси уйда ёлғиз экан. Мен хозир, шунча йил ўтгандан кейин бунинг нақадар ифлос ва оғир иш эканлигини тушунаман. Ўшанда эса – мен энди қирқ ёшга киргандим. Жуда катта, чекланмаган ҳокимиyатга эга бўлган ёш йигит эдим».

Ўзини таништирган О. Гайданов ташрифнинг максадини тушунтиргандан сўнг Хурсанд Faфуровна уларни ичкарига таклиф қиласди.

«Айтгунча, мен жуда ажабландим. Мен жуда кўп буюк одамларнинг уйида бўлганман. Ш. Рашидовнинг уий қанчалар камтарлиги мени ажаблантириди. Бу мени жуда ҳайратга солди», – дея ўз таассуротини ёзади О. Гайданов.

Шундан сўнг Хурсанд Faфуровнага танишиш учун КПСС МК Сиёсий Бюроси ва ССР Министрлар Советининг «Ш. Рашидов хотирасини абадийлаштириш билан боғлик қарорларни бекор қилиш тўғрисида»ги карорини беришади. Қарор билан танишган Хурсанд Faфуровнанинг соғлиғи ёмонлашиб колади, кейин тезда етиб келган кизлари О. Гайдановга зарур бўлган ҳужжатга имзо чекади<sup>126</sup>.

Аслида, Асил Рашидовнинг ёзишича, у ва Саҳобиддин Рашидов акаси Шароф Рашидовнинг жасадини Жиззахга, ота-бо-

<sup>126</sup> Қаранг: *O. Гайданов*. О перезахоронении Шарафа Раширова, «хлопковом деле» и Исламе Каримове <http://www.fergananews.com/articles/8996> (Бу воқеа F. Қодиров талқинида бошқача баён қилинган).

болари ёнига дафн этилишини сўраб Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарларига бир неча бор мурожаат килишган. Аммо улар Ш. Рашидовни Тошкентдаги коммунистлар мозорига (Чифатой қабристони) дафн этиш Москва билан келишилганлигини айтган.

Шароф Рашидовнинг жасадини кўчириш жараёнида иштирок этган А. Рашидов уни шундай эслайди:

«Қўйингки, 1987 йил 25 февралдан 26 февралга ўтар кечаси, соат 2 лардан кейин эл-халқни ухлатиб, тумонот одамлар катнашувида (булар нукул формадаги қуролланган аскарлару миршаблар эди) ишни бошладилар. Жуда ваҳимали манзаранинг гувоҳи бўлдим. Ёпира! Наҳотки, бу ерга тўпланган, тиштироғигача қуролланган минглаб девдай навкарлар қабрда тинчгина ётган бир мўмин инсон, раҳматли акамдан шунчалар кўркишса! Йўқ, навкарларда не айб! Булар ҳаммаси ўша даврдаги ўз соясидан кўрккан нобакор, аламзада бир тўда сотқин амалпрастларнинг кирдикори эди.

Махсус эксперт орқали кўзни қамаштирувчи сон-саноқсиз барқ (прожекторлар) нурида турли-туман, техника ёрдамида қабрни очишга тутиндилар. Мен ва жиянларим пайдо бўлишимиз билан, гўё йўқотган нарсасини топиб олган одамдек зудлик билан чакира-чукур суратга ола бошладилар... Эртасига «Тошкент окшоми» рўзномасининг 27 февраль сонида гўё «қариндошларининг аризасига мувофиқ Ш. Рашидовнинг хоки Фаробий кўчасидаги қабристонга қайта дафн этилди», деган мазмунда чумчуқнинг тилидай хабарнома босилиб чиқди»<sup>127</sup>.

Эртаси кунги жараёнларни А. Қаххоров шундай эслайди: «Ўзбекистоннинг янги раҳбарлари, республика марҳум етакчининг кечаги сафдошлари Москванинг истагини бажариб, ўз устозининг қабрини шошилинч очишида ва жасадини шаҳар марказидан четга кўчиришди.

Эрталаб одамлар шаҳар марказидаги шинам хиёбондаги камтаргина қабр ўрнида текисланган майдончани, унинг атрофида юрган икки милиционерни ва росмона кийимидағи бир неча кишини кўрдилар. Шаҳар ахолиси ҳеч нарсани тушунмай қолди: кечагина бу ерда гуллар ва «Шароф Рашидов (1917–1983)» деган

<sup>127</sup> A. Рашидов. Акам хақида. – Тошкент, «Фан», 1992. 18-6.

ёзувли мармар тахта бор эди. Тўпланганларга тарқалиш таклиф килинди. Ўта ғазабланганлар «профилактика» учун сухбатга олиб кетилиб, шахси аниқланди, кейин уларга «қариндошларининг истаги муносабати билан» қайта қўмиш тўғрисида шаҳар ижроия комитетининг карори босилган «Тошкент ҳақиқати» газетасини кўрсатишиди.

Бу навбатдаги бўхтон ва ҳақорат, умумхалқ мухаббатини қозонган инсон хотирасини таҳқирлаш эди. Бу факат Шароф Рашидович икки марта Социалистик Мехнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани ва ўнта Ленин ордени билан мукофотлангани учун эмас, аввало, ҳалқ уни ўзининг жасур етакчиси деб билгани учун ҳам шундай эди. У ҳаётлигига ҳалқнинг улкан меҳрини қозонган, оддий кишилар учун ишонч ва умид рамзига айланган, Ўзбекистоннинг фахри ва шарафи бўлганди.

Мен бу турли-туман, ҳеч нарсани тушунмаётган оломон орасида республиканинг қурилиш министри Фёдор Григорьевич Потурэмскийни учратдим. Биз у билан илгари бирга ишлагандик ва яхши муносабатда эдик. Ҳар доим дадил ва тўғрисини айтадиган, уруш даврида белорус партизани бўлган бу киши атрофдаги одамларга бир гапни баланд овозда бир неча бор такрорлади: «Эҳтимол мени хозир кимdir тасвирга олаётгандир, мен уларга тупурдим. Мен Шароф Рашидовични ҳурмат қилганман ва уруш катнашчиси сифатида унинг хотирасини доим ёдимда сақлайман. Биз у билан уруш қатнашчиларимиз ва бизнинг кўз ўнгимизда килинаётган бу иш – хоинлик. Мен биламан – бу «санцлар»нинг ифлос иши»<sup>128</sup>, – деди. (шу даврда Москвадан Ўзбекистонга раҳбар лавозимларга жўнатилганларни бу ерда «санцлар» деб аташган).

Афсуски, тўғрисини айтувчи бундай мардлар кўп эмасди. Ш. Рашидов вафотидан сўнг унинг номидан фойдаланувчилар, ўзларини жазодан сақлаб қолиш учун унга қарши кўрсатма берувчилар анчагина бўлди. Улар орасида Ш. Рашидовнинг кечаги сафдошлари, шогирдлари, область партия комитетларининг секретарлари, министрлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий

<sup>128</sup> Каранг: *A. Қаххаров*. Предатели, «Анцы», лицемеры-марионетки. [http://world.lib.ru/img/a/abrol\\_k/predanclimtar/](http://world.lib.ru/img/a/abrol_k/predanclimtar/)

Комитетининг секретарлари бор эди. Ш. Рашидов вафот этгандан сўнг уни кўкларга кўтариб мактаган ҳам, сал ўтиб, Москвадан буйруқ келгандан сўнг ерга уриб танқид қилганлар ҳам, хатто мустакиллик даврида ҳам сиёсий муҳитга қараб фикрини ўзгартириб турганлар ҳам унинг ёнида бўлганлар, тириклигига унга тасаннолар айтганлар эди. Ш. Рашидов даврида яшаган оддий ҳалқ, ўзининг яхши-ёмон кунларини шу давр билан боғлаган одамлар эса Ш. Рашидовга муносабатини ўзгартирмади, уни доим миннатдорлик билан эслади. Шу сабабли бу даврдаги маънавий инқироз ҳакида гапирилганда бу, аввало, сиёсий элитанинг маънавий инқирози эди. Чунки Ш. Рашидовнинг атрофида бўлганлар, унинг ташвишларига ҳар куни шерик бўлганлар Ш. Рашидовдан сўнг шу куннинг манфаати билан иш кўрди, тарих олдида, авлодлар олдида жавобгарликни ҳис қилмадилар.

А. Қаххоров ўша даврдаги муҳитни шундай эслайди: «Одамларда ёввойи ҳислар уйғонди, жозиба жуда кучли эди, зеро ўтмишни қоралашга, унга тамға босишга қодир бўлган ҳар бир киши рағбатлантирилаётган эди. Кўплар шу даврда кўтарилиб, ҳокимият чўққисига эришди, аммо унда узок тура олмади. Қандайдир ёлғончилар мусобақаси ташкил қилингандай эди. Оммавий ахборот воситаларида «рашидовчилик» деган тамға пайдо бўлди. Амал учун виждонсизлик қиласидан ва оламда йўқ бўхтонни айта оладиган шунчалар кўп одам топилади, деб ҳеч қачон ўйламагандим. Хоинлар тахмин қилинганидан анча кўп бўлиб чиқди. Одамлардаги садоқатдан хоинликкача бўлган ўзгаришнинг осонлиги ва тезлиги мени ҳайратга соларди.

Буларнинг ҳаммаси жиннихона bemорлари ва уларнинг бош гипнозчиси ҳакидаги туркум латифаларнинг туғилишига сабаб бўлди. «Муштум» сатирик журнали уруш ветерани ва шоир Зоҳиджон Обидовнинг кечагина шерга тилёғламалик қилиб юрган, бугун эса, у вафот этгандан сўнг, ҳаммаси йигилиб уни ёмонлаётган иккюзламачи айёр тулки, ўлаксахўр шоқол ва бошқа ҳайвонлар тўгрисидаги «Арслоннинг ўлими»<sup>129</sup> номли масалини чоп этишга журъат қилди. Ўқувчи бу ҳайвонлар тимсолида

<sup>129</sup> Карапнг: Обидов З. Арслоннинг ўлими.// «Муштум», 1984 йил июль. №13. 6-б.

ҳукумат раҳбарларини осонгина англади. «Анцлар»га бўйсунган янги тартиб раҳбарлари ҳам ўзларини таниб олди.

Ошкоралик ва қайта қуришни эълон қилган соҳта демократларнинг жавоби жуда тез бўлди: журналнинг бош мухаррири Иброҳим Раҳим шу куниёқ ишдан олинди. Газета дўконлари ва алока бўлимларидан журналнинг деярли барча сони йигиштириб олинди, аммо масал оғиздан-оғизга ўтиб, тарқалиб кетган эди.

Айни пайтда жазо машинаси тезлашишда давом этди. Район, шаҳар ва облассы партия комитетлари ўз худудларида лавозимидан олинган ва партиядан ўчирилиб, жиноий жавобгарликка тортилган раҳбарлар сони ҳакида маълумотлар берарди. Ким кўпроқ раҳбарни ишдан олиб, партиядан ўчириши ва турмага қамashi бўйича мусобақа кетаётган эди...

Аммо айримлар жуда юзсиз бўлиб чиқди. Улардан бирини танирдим, у мен билан мулокот қилганида ҳар доим Шароф Рашидовични мақтарди. У Фанлар академиясида амалнинг чўққисига эришди. Аммо бу ҳам кам кўринди, у Узбекистон Олий Совети Президиумига раис бўлишни хоҳлади. Шу даврда олдинги раҳбарни ёмонлаш амал чўққисига эришишнинг энг яхши йўли эканлигини билгани учун у факат тухмат билан чекланмади, балки Орол денгизининг қуришига Шароф Рашидович айбдорлиги тўғрисида матбуотда макола ҳам эълон қилди.

Яхшиям ҳаётимнинг оғир дамларида, ёлғончилар матбуот, радио, телевидениеда Шароф Рашидовичнинг муқаддас номи қоралаётганда, мен академиклар Обид Содиков, Иброҳим Ҳамробоев, Ҳосил Боймуҳамедов, Кузьма Иванович Лапкин, Обид Акромхўжаев ва кўплаб бошқа машҳур кишилар билан мулокот қилиш имкониятига эга бўлдим. Уларнинг барчаси Шароф Рашидович Рашидов шахсига иззат ва хурмат кўрсатишда яқдил эдилар<sup>130</sup>.

Афсуски кўпчиликда, айникса, республиканинг янги раҳбарида мархумлар рухига хурмат кўрсатиш масаласида ҳам, республикага Марказдан жўнатилган «анцлар»га муносабат

<sup>130</sup> A. Kaxхаров. Предатели, «Аицы», лицемеры-марионетки...[http://world.lib.ru/img/a/abrol\\_k/predanclimtar/](http://world.lib.ru/img/a/abrol_k/predanclimtar/)

масаласида ҳам шундай яқдиллик йўқ эди. 1987 йил 17 январда Тошкентда бўлиб ўтган жамиятшуносларнинг республика йигилишида нутқ сўзлаған Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Усмонхўжаев: «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг таклифига бино-ан РСФСРнинг марказий областларидан, Украина, Белоруссия ва бошқа республикалардан яхши ишлаб чиқариш тажрибаси-га, зарурий сиёсий ва байналмилал сифатларга эга бўлган ходимларни доимий ишлаш учун Ўзбекистон ССРга йўллаш тажрибаси давом эттирилади»<sup>131</sup>, – деди ва Ўзбекистонга Марказдан «десантчилар»нинг келиши давом эттирилди.

Ш. Рашидовнинг ўлими республикада чорак аср давомида шаклланган ўзига хос мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Янги келган раҳбарлар ҳам Марказ томонидан уюштирилган катта сиёсий ўйиннинг иродасиз иштирокчилари, пировардида эса унинг курбонларига айланди. Текшир-текширлар авжига чиқиб, «пахта иши» бўйича ҳақиқатан жиноят қилган, давлат мулкини ўзлаштирган, ҳалқ хисобидан катта-катта бойлик орттирган бир гурух кўзбўямачи раҳбарлар билан бир қаторда, бор-йўғи ижро-чи бўлиб, ўйлаб-ўйламасдан қўшиб ёзишларга, демакки, жиноятларга ўзлари билмаган ҳолда шерик бўлиб қолган кичик бўғин раҳбарларидан ҳам қанчаси жабр кўрди. Жазо машинаси тезлик олгандан сўнг уни тўхтатишнинг иложи бўлмади, окибатда айрим бегуноҳ кишилар, касбига содик айбсиз раҳбарлар ҳам жабр кўрди.

«Пахта иши» бўйича тергов 1989 йилгача давом этди. Ўзбекистонда 20 минг коммунист партия сафларидан ўчирилди, 800 та жиноят иши очилди. Республика ва вилоятлар миқёсидаги раҳбар ходимлардан 62 киши қамалди. Улар орасида 12 нафар область партия комитетларининг, 6 нафар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари, жумладан, Марказий Комитетнинг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совет Президиумининг Раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ва бир нечта министрлар бор эди. Жами 4,5 мингга яқин киши жиноий жавобгарликка тортилди. Жум-

<sup>131</sup> «Коммунист Узбекистана». 1987. № 3. – С. 59.

ладан, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати собиқ министри В. Усмонов, Бухоро область ички ишлар бошқармаси социалистик мулкни талон-торож қилишга карши кураш бўлими бошлиги А. Музafferов ўлим жазосига ҳукм қилинди. ССР Ички ишлар министрининг муовини, Л. Брежневнинг күёви Ю. Чурбанов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Усмонхўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретарлари Т. Осетров, О. Салимов, Е. Айтмуратов ва Р. Абдулаева, область партия комитетининг биринчи секретарлари: Тошкент – М. Мусохонов, Самарқанд – Н. Ражабов, Қоракалпогистон – Қ. Камолов, Бухоро – Абдувоҳид Каримов ва унинг ўрнига сайланган И. Жабборов, Сурхондарё – Абдухолик Каримов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг собиқ раиси Н. Худойбердиев, Поп агросаноат бирлашмасининг директори А. Одилов, Ўзбекистон Ички ишлар министрлиги генераллари Ҳ. Яҳёев, Норов, Норбутаев, Жамолов, Сатторов, Собиров, полковник Бегельман ва бошқалар ҳисбсага олинниб, уларнинг кўпчилиги турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди. Бу жиноят иши бўйича жалб қилинган айрим шахслар, жумладан, Қ. Эргашев, Г. Давидов, Р. Гойипов ўз жонига қасд қилишди. Уларнинг бир қисми кейинчалик айбсиз деб топилди.

Ш. Рашидовнинг кариндошларига ҳам шу даврда оғир бўлди. «Оқ пахта»нинг «қора меҳнати»да тобланган жуда кўп одамлар урилди, сурилди, камалди, отилди. Афсус ва надоматлар бўлсинки, улар орасида, аксарият, емаган сомсага пул тুлаб дегандай, бегуноҳ қурбон бўлиб кетгандар, обруқизланган, бола-чақаси дайдиб, рўзгори тўкилган ва соғлиғидан ажраб, бир умрга майиб-мажрух бўлиб қолганлар ҳам кам эмас. Тухмат балосига йўликиб, номусига чидаёлмай ўз жонига қасд қилганлар қанча. Худо раҳмат қилсин, уларни. Барча жабрдийда оиласаларга чин инсоний ҳамдардлик билдирамиз. Турган гап, барчамиз учун мусибатли бўлган ўша оғир йилларда энг кўп жабр кўрган оиласалар каторидан биз ҳам узокда турмадик. Орадан ўтган ўн йил ичida биз, «рашидовчилар», юз йилга қаридик»<sup>132</sup>, деб ёзади Асил Рашидов.

<sup>132</sup> А. Рашидов. Акам ҳакида. – Тошкент: «Фан», 1992. З-б.

Айбланувчи сифатида жалб қилинганди И. Усмонхўжаев КПСС МК Сиёсий Бюросининг айрим аъзолари – Е. Лигачёв, В. Гришин, Г. Романов, М. Соломенцев ва КПСС МК аъзоси И. Капитоновнинг коррупцияга алоқадорлиги тўғрисида кўрсатма берди. «Пахта иши» бўлиб бошланган жиноят иши оқибатда ўзининг ҳақиқий номини олди ва «Кремль иши»га айланиб борди. Матбуотда СССР раҳбариятининг кўзга кўринган вакиллари, КПСС МК Сиёсий Бюро аъзолари коррупцияда айбланган мақолалар пайдо бўлиб, мамлакатда катта шов-шувуга олиб келди.

Бу жараёнда ўзларини қаҳрамонлар, коррупцияга қарши курашувчилар деб эълон қилган Т. Гдлян ва Н. Иванов 1989 йил марта-да СССР ҳалк депутати этиб сайланди. Айнан шу даврда «Правда», «Известия» каби марказий газеталарда Т. Гдлян бошчилигидаги тергов гурухининг Ўзбекистондаги фаолиятини танқид остига олган мақолалар пайдо бўлди.

1989 йил 24 марта КПСС МК Партия назорати комитетининг раиси Б. Пugo бошчилигига маҳсус комиссия тузилди. Унга Ўзбекистон ССРдаги коррупцияга оид ишларни тергов қилиш жараёнида қонунчиликнинг бузилиш ҳолларини текшириш ва КПСС МКга ахборот бериш топширилди. СССР Олий Совети Президиуми хузурида ҳам шундай комиссия тузилди. Иккала комиссия ҳам Т. Гдлян гурухи Ўзбекистондаги тергов жараёнида қонунчиликни қўпол бузиш ҳолларига йўл қўйган, деган холосага келди.

1989 йил апрелда СССР Олий Суди Пленуми «Т. Гдлян бошчилигидаги СССР Бош прокуратураси терговчилар гурухи томонидан тергов жараёнида йўл қўйилган қонунчиликни бузиш ҳоллари тўғрисида» хусусий ажрим чиқарди.

1989 йил майда СССР Бош прокуратураси Т. Гдлян ва Н. Ивановни Ўзбекистондаги тергов жараёнида қонунчиликни бузишда айблади ва уларга қарши жиноят иши қўзғади. Бу пайтга келиб улар СССР ҳалк депутати этиб сайланганлиги учун СССР Бош прокурори СССР ҳалқ депутатларининг I съездига Т. Гдлян ва Н. Ивановни жиноий жавобгарликка тортиш учун розилик сўраб тақдимнома жўнатди. Съезд комиссия тузишга қарор қилди.

Т. Гдлян 1990 йил февралда КПСС сафидан чиқарилди, шу йил апрелда СССР прокуратураси сафидан ҳам ҳайдалди. Аммо

СССР Халқ депутатлари съезди уларга қарши жиноят иши очишига розилик бермади. Бу пайтга келиб СССР тугаб бораётган, «пахта иши»дан жиддийроқ жиноялтар очилган, булардан ҳам муҳимроқ жараёнлар бошланиб кетган эди.

1991 йил декабрда СССР тарқалиб кетди. Бу XX асрнинг энг муҳим воқеаларидан бири булиб, бутун дунёда жуда катта геосиёсий ўзгаришларга олиб келди. Бу воқеанинг сабаблари тўғрисида сиёsatшунослар, тарихчилар ва бу даврда яшаган оддий кишилар ҳамон баҳс юритишимоқда. Сўнгги пайтларда унинг ҳам коррупция билан боғлиқ томонлари очилди. Аслида коррупция факат Ўзбекистонга ёки СССРга хос иллат эмасди. Ушбу коррупция жараёнларининг табиати хақида 1970 йиллари СССРдан чиқиб кетган таникли файласуф, совет тузуми тарихи бўйича катта мутахассис А. Зиновьев шундай ёзганди: «Горбачёвнинг қайта куриши инқирознинг реаллигини кўrsатди, уни яқинлаштириди. Ўшанда СССРда ислоҳот тўғрисида кўп гапирилди. Мен эса хеч қандай ислоҳот керак эмас, деб қичкирдим! Шундай ҳолат вужудга келдики, унда ҳар қандай ислоҳот фалокатга олиб келарди.

СССРдаги давлат аппаратини коррупцияда айблашди, аммо бу хилдаги коррупциялашиш тизими Farbda ундан юқори эди... Инқироз етилиб келди, аммо совет олий раҳбарияти ва интеллектуал элита унинг табиатини тушунмади, қандай тадбирлар қўллаш кераклигини билмади. Шунингдек, «совук уруш» кетаётган эди ва Farb совет жамиятига жуда катта таъсир кўrsатиб, мафкуравий инқирозни етилтириди. Оқибатда мамлакат раҳбариятининг юқори қатлами, элита айниди, тубанлашди»<sup>133</sup>. Бу фикр маълум маънода «пахта иши»нинг ҳам табиатини тушунишга кўмаклашади.

1991 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «пахта иши» бўйича жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони республика ҳудудида ўтаётган барча маҳкумларни афв этди.

Ўзбекистон мустакилликка эришгандан сўнг республика матбуотида, илмий ва ўқув адабиётларида «пахта иши» кўп ёритилган. Бу иш бўйича жиноий жавобгарликка тортилган ва Ўзбе-

<sup>133</sup> Қаранг: Ф. Рazzakov. Коррупция в политбюро: Дело «красного узбека». <http://www.fedy-diary.ru> – С. 700 – 701.

кистон Республикаси Президенти И. Каримов томонидан афв этилиб, озодликка чиқканлар ҳам, айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида ўз хотираларини баён қилишди. Оммавий ахборот воситаларида, кўпчилик оммавий ва ўқув адабиётларида ҳозирга келиб «пахта иши» мутлақо бўлмаган, у шуролар даврида Марказ томонидан ўйлаб чиқилган уйдирма, деган фикр устувор бўлиб шаклланди. Аммо бу борада ҳали барча саволлар ўз жавобини топган эмас.

Аслида миллатнинг буюк устози ва тарбиячиси – бу тарих. Ҳаққоний тарих, ҳатто, унинг айрим саҳифалари ўта аччик бўлсада, у миллий онгнинг юксалишига, миллатнинг жисплашувига хизмат қиласди, ватанпарварлик ва Ватанга садоқат ҳисларини шакллантиради. Тарихни сохталашибтириш, ҳақиқатни бузиб кўрсатиш, фактлар ва воқеаларга субъектив баҳо бериш уни сиёсий манфаатлар қуролига айлантиради ва миллатнинг маънавий ривожига зарар етказади.

«Пахта иши» яқин тарихимизнинг шундай аччик саҳифалардан бири. Уни ўрганиш, ҳақиқий сабабларини очиб бериш, хатолардан хулоса чиқариш жамиятимизда уни такрорламаслик учун замин яратади. Чунки «пахта иши» – бу Москванинг талаби ошгани учун пахтани кўшиб ёзиш, кўзбўямачилик қилиш, бунинг ортидан катта бойликка эришиш каби шунчаки одатдаги жиноят эмасди. Бу аслида бутун совет жамияти маънавий инқизозининг маҳсули ва инъикоси эди.



Ш. Рашидов ўқиган Жиззах шаҳридаги 10-мактабда унга бағишлиланган фотолавҳа.

Аммо бундай хулоса «пахта иши» бўйича айбланиб, жинояти исботланган раҳбарларни маънавий жавобгарликдан холос этмайди. Уларнинг аксарияти жамиятда етилиб келаётган инкиroz холатидан фойдаланиб, амални, ҳалк ишончини суистеъмол килди, бойлик ва нафс ортидан қувди, оқибатда ҳалқдан ажралиб қолди, тубанлашди. Улар ўз қилмишлари билан ўзбек ҳалкига, ҳалол ва заҳматкаш ўзбек дехқони номига иснод келтирди. Аслида «пахта иши»дан ҳақиқий жабр кўрган ҳам, унда тұхматга қолган ҳам заҳматкаш ўзбек дехқони эди, ўзининг ношуд раҳбарларини кечирган ҳам шу бағри кенг ўзбек ҳалқи бўлди.

Мустақиллик йилларида «пахта иши» бўйича айбланган раҳбарларни ҳалқ кўз ўнгидаги оқлаш учун оммавий ахборот воситаларида, ҳатто илмий ишларда ҳам анча ҳаракат қилинди. Уларнинг кўпчилиги қаҳрамонлар, айбиз жазоланган жабрдийдалар сифатида тасвирланди. «Пахта иши» совет даврининг сўнгги катағони деб аталиб, бу иш бўйича жазоланганлар 1930-йилларда қатағон қилинганлар билан тенглаштирилди. Айрим тадқиқотларда улар мустақиллик учун курашувчилар ва шунинг учун ноҳақ жазоланганлар сифатида тасвирланди. Масалан, докторлик диссертацияларидан бирида шундай ёзилади: «Собиқ СССРнинг олий сиёсий раҳбарияти чекланмаган ҳокимиятни саклашга интилиб, мавжуд маъмурий-буйруқбозлик режимини ўзгартириш ва Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигини ўрнатиш эҳтиёжини англаған республика раҳбариятининг муҳолифат кайфиятидаги қисмини бадном қилишга уринди. 80-йилларнинг ўрталарида республикада қонунсизлик ва қатағонларнинг янги босқичи бошланди. Ўзларининг тўлиқ ноқобиллиги ва мағлубиятини хис қилган унинг идеологлари, Ўзбекистонни террор ва зўравонлик майдонига айлантириб, кўп марта синалган «мурватларни сиқиш» йўлидан борди»<sup>134</sup>.

Шу ўринда эслатиб ўтмоқчимиз: қатағон (репрессия) лотинча *repressio* – бостирмақ сўзидан олинган бўлиб, давлат ҳокимияти томонидан ўз сиёсий муҳолифларига қарши қўлланилган жазо

<sup>134</sup> Абдуллаев А.Н. Хлопковая монокультура в Узбекистане и ее последствия. (1917–1991 гг.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. [uzhistory.uz](http://uzhistory.uz).

чораси шундай аталади. «Пахта иши» бўйича жазоланганлардан ҳеч ким совет сиёсий тузумига қарши, юкоридаги мисолда айтилганидек, Ўзбекистон мустақиллиги учун курашганлиги маълум эмас. Уларни «қатағон қилинганлар» деб аташ, 1930-йиллари миллатимиз озодлиги учун халок бўлганларга тенглаштириш, аслида ўта ноўрин киёслашдир.

«Пахта иши» даврида бир кисм раҳбарлар бошидан кечирган кўркинч ва хўрланиш ҳисси улар хотирасида абадий муҳрланиб қолди ва кўпчилик ҳолларда оддий иктиносидий жиноятларга ҳам сиёсий тус берилишига, уларнинг совет империяси томонидан миллатга, унинг етакчиларига қарши катағон сифатида талқин қилинишига олиб келди. Элитанинг бир кисми уларга етказилган руҳий жароҳатни умуммиллий фожиа килиб, ўзларини эса империя зўравонлигининг курбони ва миллий тикланишнинг қаҳрамони қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди. Натижада «пахта иши» бўйича ҳақиқий жиноят қилиб, жавобгарликка тортилган раҳбарлар чеккан азоб ўзбек ҳалқининг азоби, улар шармандалиги миллат ор-номуси ва ғурурининг топталиши сифатида талқин қилинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам бу муаммога сиёсий тус берилиши унинг тарихчи олимлар томонидан беғараз, объектив тадқик этилиш имкониятини чеклади.

## ХУЛОСА

Ш. Рашидов совет мустабид тузумида улгайди, унга хизмат қилди. Аслида ватанда, замонда яшаб, шу замоннинг воқеаларига дахлдор бўлмасликнинг иложи йўқ. Факат ҳар бир киши ўзи эгаллаган мавқеига караб кўпроқ ёки камрок дахлдор бўлади, унинг жавобгарлик даражаси ҳам шу билан ўлчанади. Шароф Рашидов эса узок вақт жуда катта мавқега эга бўлган шахс эди. У тўккиз йил Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, салкам йигирма беш йил Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига раҳбарлик қилди. Ш. Рашидов ўзининг 66 йиллик умрининг ярмидан кўпини бевосита республикани бошқаришга, уни ривожлантиришга, ҳалқ фаровонлигини оширишга сарфлади.

Ш. Рашидов ёзувчи сифатида ҳам ўз даврини, шу давр муаммолари, қувонч ва ташвишларини ёритишга ҳаракат қилди. У социалистик реализм бутун маданият учун ягона тўғри усулга айланган советлар даврининг ёзувчиси эди. Бу ҳақда таниқли олим Файбулла Саломов шундай ёзган эди: «Шароф Рашидов шунчаки, катордаги бир адаб эмас. У, ўзи хоҳлайдими-хоҳламайдими, адабиётдаги сиёsatдан ва сиёsatдаги адаб эди.

Адаб сифатида икки Рашидовни яққол кўриш мумкин. Бири – содик «рисолабоп» ёзувчи. Унинг «Голиблар», «Бўрондан кучли» романлари, «Дил амри» киссаси ва, айникса, мақола ҳамда нутклари ўткир фирмавий рух билан сугорилган. Бу билан мен мазкур асарларга нах урмокчи, уларнинг ўз даври учун қимматини заррача пасайтиромокчи эмасман. Унутмайликки, кўпчилик йирик ўзбек ёзувчиларининг асарлари ҳам «замон сенга боқмаса



Жиззах шаҳридаги 10-мактаб ҳовлисида Ш. Рашидовга ўрнатилган бюст.



сен замонга бок» қабилида замонавий килиб яратилган»<sup>135</sup>.

Ш. Рашидовнинг халқни, ватанни чексиз севиб ардоклаши, мудом эл-юрт ташвишида юрганлиги, шу йўлда курашишни хар нарсадан устун қўйганлиги, шу боис катта-кичикнинг чукур ҳурматини қозонганидан фахрланган укаси А. Рашидов, у кишининг фаолиятида нуксонлар ҳам бўлганмиди, – дея савол қўйиб, – «Беайб парвардигор, дейишади. Тұғри, ҳар бир инсонда, у киши ким бўлиши, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ўзига хос хато-камчиликлар бўлиши турган гап. Қатрада күёш акс этганидек, республика ҳаётида, ҳатто, собиқ иттифок ҳаётида юз берастган мураккаб ўзгаришлар Ш. Рашидов нигоҳида қанчалик ўз ифодасини топган бўлмасин, барибир, икки кўз ҳаммасини кўра олмади. Кўра олмас эди ҳам... Қолаверса, у одамларга ҳаддан ташқари ишонар эди. Акамнинг фаолиятида ҳам муайян нуксон ва қусурлар содир бўлганлиги маълум. Улар ҳакида матбуот саҳифаларида ошириб-тошириб гапиришиди, анжуманларда оғиз кўпиртиришиди ҳам»<sup>136</sup>, – деб жавоб беради.

Бошка бир ўринда: «Бу мулоҳазаларим билан акамни ҳар қандай соғлом танқиддан бутунлай холи килмоқчи эмасман, хусусан, бир қанча асарларида фирманинг етакчилик ролини, бир халқнинг оғаларча беғараз ёрдамини ортиқ даражада бўрттириб, баралла айтгани бор гап», – дейди.

1992 йил Ш. Рашидов тавалтудининг 75 йиллигига бағишинган тантанада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чикиб, жумладан, шундай деди:

«Шароф Рашидов бизга ва келажак авлодларга катта мерос колдирди. Бу мероснинг моҳияти – Шароф Рашидовнинг табиа-

<sup>135</sup> Шароф Рашидов. Эрк истар кўнгил. – Тошкент, Faafur Fуломномида ги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1992. 124-б.

<sup>136</sup> А. Рашидов. Акам ҳакида. – Тошкент: «Фан», 1992. 8–9-б.

тан камтар, халол, покиза ва ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлган раҳбар сифатидаги ибратидир.

Хар бир инсон ўз ички дунёкараши, табиати, тарбияси, фикрлаш даражасида яшайди ва фаолият кўрсатади, ҳаётда ўзига хос из қолдиради. Бу маънода Шароф аканинг маънавияти, тафаккури ва кўп киррали, самарали амалиётнинг уйғунлиги ҳаммамизга ибратдир.

Биз Шароф Рашидов фаришта эди демокчи эмасмиз. Беайб – парвардигор, дейдилар. У кишининг фаолиятида хато ва камчилклар ҳам бўлган. Лекин шахсан бир нарсага ишончим комил: Шароф Рашидов улкан давлат арбоби сифатида нимаики иш қилган бўлса, энг аввало, Ўзбекистонни ўйлаган, ўз халқининг истиқболини ўйлаган.

Рашидов – ўзбек номини улуғлаш учун унинг энг юксак фазилатларини намоён қилишга жонини фидо этган инсондир. Шу туфайли халқимиз юрагидан муносаб жой олган ва унинг меҳрига сазовор бўлган»<sup>137</sup>. 1992 йили шу танатаналарда иштирок этиш учун Ўзбекистонга кўплаб меҳмонлар, қўшни республикалардан Ш. Рашидовнинг сафдошлари, улар каторида Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секрета-



Тошкентда Ш. Рашидовга ўрнатилган ҳайкал.

<sup>137</sup> И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Тошкент, «Ўзбекистон» НМИУ, 1996. 95–96-б.



Шароф Рашидов ва Хурсанд  
Рашидованинг кабрлари.  
Тошкентдаги Чигатой  
қабристони.

дилдан айтилган гапи эди.

Ш. Рашидов турмуш ўртоғи ХурсандFaфуровна билан тўрт қиз ва бир ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Уларнинг барчаси жамиятда ўз ўрнини топган, машхур отасига муносиб инсонлар бўлиб етишди. Аслида бу ҳам Шароф Рашидовнинг катта хизмати ва бахти, зотан ота-оналарнинг шон-шавкатини кўкларга кўтариувчилар ҳам, афсуски баъзан уларни тириклигида ташвишга солиб, вафотидан кейин номига дод туширувчилар ҳам фарзандлардир. Шароф Рашидовнинг фарзандлари ҳакида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов шундай деган эди: «Мансабдор шахслар фарзандларининг тарбиясизлиги ҳакида ҳар хил гап юради. Бу гапларнинг кўпчилиги ҳакиқат бўлади. Аммо, биз, Шароф аканинг оиласи ва фарзандлари ҳакида бирор оғиз ёмон гап эшитганимиз йўқ. Уларга оталарининг қони ва жони билан ўтган камтарлик ва камсуқумлик хислатлари учун раҳмат айтиш керак, деб ўйлайман.

Бундай деяётганимнинг боиси шуки: Шароф ака таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор чикқандан кейин етти ёт бегона кимсалар ҳам у киши ҳакида мақолалар ёзиб, ўзларини Рашидовга дахлдор қилиб кўрсатишга улгурди. Аммо у кишининг фарзандлари, ўғил ва қизларидан бирортаси, мен ўша

ри Д.А. Кунаев ҳам келади. Айтишларича, Д. Кунаев Тошкент метросида сайр килиб, Халклар дўстлиги (ҳозирги Истиқлол) бекатидан Мустақиллик майдони бекатигача келади ва Ш. Рашидов дастлаб дағи этилган Ўзбекистон тарихи давлат музеи қаршисидаги майдонни зиёрат қилиб, кўпчиликнинг қалбидан чукур ўрин олган гапни айтади: «Ш. Рашидов ўлган эмас, Тошкентда шундай биноларни курган инсон ҳеч қачон ўлмайди!».

Бу Шароф Рашидовни жуда яхши билган ва хурмат қилган кишининг

одамнинг фарзандиман, ёки бўлмаса, отамизнинг номи ноҳақ топталган эди, деб мақтангани ёки таъна қилгани йўқ.

Ахир, бу инсонлар оталари билан ҳар қанча фаҳр этишса ёки оталарининг қадрига етмагани учун одамлардан ҳар қанча гина килишса арзирди. Аммо бундай қилишмади. Шу тариқа ўзларининг майда-чуйда гаплардан устун эканликларини яна бир марта кўрсатишиди»<sup>138</sup>.

Дарҳакиат, Ш. Рашидовнинг ўғил ва қизлари оталарига муносиб фарзандлар бўлиб этишди. Қизи Сайёра Шарофонва Раширова 1965 йили М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг кимё факультетини битирган. Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институтида аспирантурани тугатиб, ушбу институтда фаолият олиб борди. У 1981 йилдан шу институтга директор этиб тайинланди.

С.Ш. Раширова – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги. У 1995 йилдан 2015 йилгача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон хукуqlари бўйича вакили (омбудсман) бўлиб фаолият юритди.

Ўғли – Илҳом Шароғович Рашидов СССР Давлат хавфсизлик комитети олий мактабини битириб, шу соҳада хизмат қилган.

Кизлари Гулнора, Севара ва Динора ҳам жамиятда ўз ўрнини топган инсонлар.

Шароф Рашидов фожиаси бир шахснинг қисмати эмас, балки давр фожиаси эканлигини, бир талай амал бандалари марҳумга тош отар экан, бу тифи парронлар бошқа бирорларга эмас, охирокибатда маломат килинаётган ўз одамларимизга, ўз-ўзимизга бориб тегишини куюниб қайд этган А. Рашидов «мана шу давр фожиасида акамнинг иштироки қанча» деган саволни кўяди ва «бу дардли саволларга жавоб бериш мушкул. Энг буюк ҳакам – вакт. Худди шу вакт ҳамма нарсани ўз жойига кўяди. Вакт шафқат билмайди», – деган холосага келади<sup>139</sup>.

Дарҳакиат, ҳаммасини ўз ўрнига қўювчи олий ҳакам бу – вакт. Шу вакт масофасидан ортга бокиб, бугун, Шароф Рашидов

<sup>138</sup> И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иктисад, сиёсат, мафкура. Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 1996. 95-б.

<sup>139</sup> С. Умиров, Б. Дўстқораев. Зиёбахш умр сахифалари (Асиш Рашидов портретига чизгилар). Тошкент, 2006. 10 – 11-б.

таваллудининг 100 йиллиги арафасида инсоф ва ишонч билан айтиш мумкинки, Шароф Рашидович ўз халқига, замонасига, ўзи ишонган ғояларга ҳалол хизмат килган, ўз умрини ҳалол ва покиза яшаб ўтган ўзбек халқининг XX асрдаги улуғ фарзандларидан бири эди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. *Абдуллаев А.Н.* Хлопковая монокультура в Узбекистане и ее последствия. (1917 – 1991 гг.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. [uzhistory.uz](http://uzhistory.uz).
2. *Абдуллаев Р.М.* Национальные политические организации Туркестана в 1917 – 1918 годы. – Ташкент, «Adabiyot uchqunlari», 2016.
3. *Адиб Халид.* Становление Узбекистана. Таджики как остаточная категория // Вопросы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии / Отв. ред. Ш.С. Камолиддин. Saarbrücken: LAP, 2016.
4. *Акрамов Э.* Повышение эффективности использования орошаемых земель // «Коммунист Узбекистана». – Ташкент, 1988.
5. *Алимова Д.А.* История Узбекистана начала XX века в контексте Евразийских процессов. <http://www.eurasiahub.org>
6. *Арапов А.* («Революция в центре Азии» номли эълон қилинмаган кўлёзмадан) <http://memoryoffuture.blogspot.co.uk>
7. *Белова Н.А.* Заработка плата советских учителей в 1920–1960-е гг. // Ярославский педагогический вестник – 2011 – №1 – Том 1 (Гуманитарные науки).
8. *Бердяев Н.А.* Истоки и смысл русского коммунизма. Репринтное воспроизведение издания YMSA-PRESS, 1955 г. – М.: «Наука», 1990.
9. *Борисова О.* «Знать прошлое, чтобы не повторилось в будущем...» <https://psmb.ru/a/znat-proshloe-chtoby-ne-povtorilos-v-budushchem.html>
10. *Воҳидов Э.* Инсон. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2015.
11. *Газиев Р.* Деятели Узбекистана. Воспоминание. <http://www.proza.ru/2012/03/10/1673>

12. Гайданов О. О перезахоронении Шарафа Рашидова, «хлопковом деле» и Исламе Каримове <http://www.fergananews.com/articles/8996>
13. Гордон Л.А., Клопов Э.В. Что это было? Размышления о предпосылках и итогах того, что случилось с нами в 30–40-годы. – М. Политиздат. 1989.
14. Горинов М.М., Горский А.А., Данилов А.А. и др. История России с древнейших времен до начала XXI века. – М., «Дрофа», 2005.
15. Дусенбаев А., Воеводина Н. Экономическая история России. <http://oldru.com/ecohistory/menu.htm>
16. Жураев А. Юрак бўронлари: роман-эссе. – Тошкент: «О‘zbekiston» НМИУ, 2016.
17. Имомхўжаев А. Мафтунингман, футбол! – Т.: «Шарқ», 2004.
18. Камаритдинова М.С. Опыт и проблемы перевода сельского хозяйства Узбекистана на индустриальную основу во второй половине 70-х – первой половине 80-х годов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 1994.
19. Кара-Мурза С.Г. «Советская цивилизация» (том II). От великой победы до наших дней. [http://www.kara-murza.ru/books/sc\\_b/sc\\_b\\_content.htm](http://www.kara-murza.ru/books/sc_b/sc_b_content.htm)
20. Каримов И.А. Узбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 1996.
21. Каххаров А. 1000 тонн золота Рашидова Ш.Р. <http://world.lib.ru>
22. Каххаров А. Предатели, «Анцы», лицемеры-марионетки... [http://world.lib.ru/img/a/abrol\\_k/predanclimar/](http://world.lib.ru/img/a/abrol_k/predanclimar/)
23. Кожинов В.В. Правда сталинских репрессий. – М.: ООО «Издательство Алгоритм», 2013.
24. Комиренко П. Люди, будьте бдительны // «Сельское хозяйство Узбекистана». – Ташкент, 1990. – № 10.
25. Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. <http://royallib.com>

26. Мамедов М. Ирригация Средней Азии. – М. 1969.
27. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
28. Млечин Л.М. Юрий Андропов. Последняя надежда режима. <http://www.rulit.me/books>
29. Мунчаев Ш.М. и др. Отечественная история. – М., 1994.
30. Неру Дж. Открытие Индии. <https://unotices.com/book.php?id=151655&page=73>
31. Обломурадов Н. Аграрная политика в Узбекистане (1970–1990 гг.). – Ташкент: «Узбекистан», 1993.
32. Раззаков Ф. Коррупция в политбюро: Дело «красного узбека». <http://www.fedy-diary.ru>
33. Раджапова Р.Я. Создание и работа полигорганов в войсках Туркеспублики и Туркфронта (1918–1920). – Ташкент, 1967.
34. Раджабов К. Теоретико – методологическая основа изучения истории вооружённого движения в Туркестане в 1918–1935 гг. <http://webcache.googleusercontent.com/search?q=cache:http://iacentr.ru/expert/747/>
35. Ражабов К. Бухорога қызыл армия боскини ва унга қарши кураш. – Тошкент: «Маънавият», 2002.
36. Ражабов К. Фаргона водийсидаги истиқолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари. – Тошкент: «Yangi nashr», 2015.
37. Рашидов А. Акам ҳақида. Тошкент, «Фан», 1992.
38. Рашидов А. Халқимизнинг кутби замони //«Janob». 2016 й. № 9.
39. Рашидов Ш.Р. Братское сотрудничество народов СССР на этапе зрелого социализма. Издательство ЦК Компартии Узбекистана. Ташкент – 1983.
40. Рашидов Ш.Р. Отчетный доклад ЦК КП Узбекистана XX съезду Коммунистической партии Узбекистана// «Правда Востока», 4 февраля 1981 г.
41. Рашидов Ш. Эрк истар кўнгил. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1992.

42. Ризаев С. Шараф Рашидов. Штрихи к портрету. – Тошкент, «Ёзувчи» – «Нур», 1992.
43. Сайдова Г. Ш. Жизнь эвакуированных детей в Узбекистане в годы Второй мировой войны // Молодой ученый. – 2013. – №12. <http://moluch.ru/archive/59/8352/>
44. Стендаль. Жизнь Наполеона. <http://www.booksreader.org>
45. Умиров С., Дўстқораев Б. Зиёбахш умр саҳифалари (Асил Рашидов портретига чизгилар). – Тошкент, 2006.
46. Фортунатов В.В. История: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. Для бакалавров. – СПб.: Питер, 2012.
47. Хидаятов Г.А. Дипломатия XX века. – М., 2011.
48. Эргашев Ш., Бобоматов Т. XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Т.: «O'zbekiston» НМИУ, 2016.
49. Эргашев Ш. Жаҳон тарихи. Янги давр. II қисм. (1800 – 1918 йиллар). – Т.: «O'zbekiston» НМИУ, 2015.
50. Эргашев Ш. Жаҳон тарихи. III қисм. Энг янги давр (1918 – 1945). – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2017.
51. Якубов И. Научно-технический прогресс в мелиорации // Коммунист Узбекистана. 1986. № 8.
52. Ўринбоев Б., Рашидов А., Ҳайдаров Ҳ. Асрга тенгдош мактаб (тарихий педагогик очерк). Тошкент: «Ўқитувчи», 1983.
53. Враги народа или герои – М.С. Горбачев, А.Н. Яковлев, Б.Н. Ельцин и Э.А. Шеварднадзе? <http://forum-msk.org/pda/material/society/9833394.html>
54. «Горбачев сорвался с резьбы и вертелся сам по себе». <http://www.kommersant.ru/doc/264501>
55. Землетрясение в Ташкенте (Узбекистан) в 1966 году. <http://katastroffi.narod.ru/zemletryaseniya/z-tashkent66.html>
56. Испытания термоядерной бомбы в СССР 30 октября 1961 года. <https://ria.ru/spravka/20161030/1480199084.html>
57. Катастрофа Ил-18 под Самаркандом. <https://ru.wikipedia.org>
58. Кунаев Д.И. и проблемы изменения границ Казахстана. <http://articlekz.com>

59. «Коммунист Узбекистана». 1987. № 3.
60. Народное образование в СССР. <http://www.detskiysad.ru>
61. Новейшая история стран Азии и Африки. XX век. В трёх частях. Часть 3. 1945 – 2000. – Москва, ВЛАДОС, ИМПЭ им А.С. Грибоедова, 2004.
62. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. Статистический ежегодник. Ташкент: «Узбекистан», 1989.
63. О Казахско-узбекской государственной границе <http://kazorta.org>
64. Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Ташкент, издательство «Узбекистан», 1974.
65. О чём мечтал Шараф Рашидов? <http://nuz.uz/moi-uzbekistancy/19324-o-chem-mechtal-sharaf-rashidov.html>
66. Поворот Сибирских рек в Среднюю Азию: как это было (архив). <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1150704120>
67. Узбекская Советская Социалистическая Республика <http://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/113/685.htm>
68. Узбекская письменность. <https://ru.wikipedia.org>
69. Узбекистан в годы войны (1941–1945). <http://geroiuzbnarod.ru/65.htm>
70. Цифры потерь Красной Армии в годы советско-германской войны 1941–1945 гг. <http://maxpark.com/community/4375/content/2656748>
71. <http://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/113/685.htm>
72. Правительственный вестник. 1990, № 7.
73. Реабилитация: как это было март 1953 – февраль 1956 гг. <http://www.pmem.ru/index.php?id=154>
74. Речь Ф. Ходжаева на XVII съезде ВКП(б). [http://www.hrono.ru/vkpb\\_17/19\\_5.html](http://www.hrono.ru/vkpb_17/19_5.html)
75. Сельское хозяйство въ Туркестанскомъ краѣ. Составитель А.И. Шахназаровъ. – С-Петербургъ. Типографія В.О. Киршбаума, 1908.
76. СиФ: Хлопковое дело в Узбекистане. Как это было (история). Часть 1-я. <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1210739760>

77. СиФ: Хлопковое дело в Узбекистане... Часть 2-я. <http://uzn-sovesti.narod.ru/index141.html>
78. Структура потерь в Афганистане. <http://www.rsva-ural.ru/library/mbook.php?id=364>
79. Ташкентское землетрясение. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
80. Трудовой подвиг Узбекистана в годы Второй мировой войны.[http://testhistory.ru/history.php?id=his\\_6\\_14](http://testhistory.ru/history.php?id=his_6_14)

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	5
Мустамлакачилик .....	14
Совет ҳокимияти ва миллий маданият .....	23
Юксалиш .....	43
Ўзбекистон раҳбари .....	79
«Турғунлик» ва тараккиёт .....	108
Инқироз .....	145
«Пахта иши» .....	155
Хулоса .....	185
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	191

*Ижтимоий-сиёсий нашр*

ШУХРАТ ЭРГАШЕВ

## ЭРК ИСТАР КҮНГИЛ

*Атоқлы давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов  
таваллудининг 100 йиллигига багишланади*

Мухаррир	И. Ахмедов
Рассом-дизайнер	Х. Кутлуков
Техник мухаррир	Б. Каримов
Кичик мухаррир	Г. Ералиева
Мусаххих	С. Салохутдинова
Компьютерда сахифаловчи	Ф. Ботирова

Нашриёт лицензияси АI № 158, 14.08.2009.  
Босишига 2017 йил 25 апрелда руҳсат этилди. Бичими 60x90<sup>1/16</sup>.  
Офсет көғози. «Times New Roman» гарнитурасида босилди.  
Шартли босма табоги 12,5. Нашр табоги 11,13.  
Адади 3000. Буюртма № 17-402.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011, Тошкент, Навоий кучаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

УЎК 94(575.1)

КБК 63.3(5Ў)

**Эргашев , Шуҳрат**

Эрк истар кўнгил [Матн]: Атокли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишиланади/Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Тарих институти. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2017. – 200 б.

ISBN 978-9943-25-400-8

Ушбу китоб яқин ўтмишимиз, халқимиз тарихининг мураккаб даври, унда Шароф Рашидовнинг тутган ўрни, иштироки ва роли ҳақида. Китобда, шунингдек, XX асрда Ўзбекистонда юз берган мухим сиёсий жараёнлар, уларнинг иштирокчилари, бу жараёнларнинг натижалари ҳақида қисқача ҳикоя қилинади. Ш. Рашидов ва унинг замондошлари тақдирида бевосита акс этган советларга қарши қуролли ҳаракат, «маданий инқилоб», «илиқлик», «турғунлик», «пахта иши» каби ҳодисаларга ҳам янгича ёндашиш ва баҳо беришга ҳаракат қилинган.

Китоб тарихчи олимлар, магистрантлар, талабалар, Ватанимиз тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК 94(575.1)

КБК 63.3(5Ў)